



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛарнинг МАЛАКАСИНИ Ошириш  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.2  
МОДУЛ

# ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ  
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА  
(ІҚИСМ)**

**Малака тоифа йўналиши:**      **Бошланғич таълим фани ўқитувчилари**  
**Тингловчилар контингенти:**      **умумий ўрта таълим мактабларининг  
бошланғич таълим фани ўқитувчилари**

**Тошкент-2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли буйруги билан тасдиқланган бошланғчи таъли фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар: М.Ю.Юлдашева - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Б.У.Мингбаева - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Г.А. Маматова - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

М.Ф.Левкина - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: Н.Х.Вохидова - Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.н.

Ш.Й.Йўлдошева - Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.н.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>26</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....</b>	<b>31,86,143,166,211</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>42,113,188,231</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>144</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>165</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>239</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>251</b>

## **ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Ишчи ўкув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида бошланғич таълим ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини оширишни назарда тутади.

Ишчи ўкув дастур мазмуни таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновациялар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини ўз ичига олади ва улар бўйича тегишли янги билим, кўнишка, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган.

Ишчи ўкув дастур доирасида берилаётган мавзулар халқ таълими тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари ва ўкув режаси асосида шакллантирилган бўлиб, бошланғич таълим ўқитувчиларини фанга оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳорати ва ўкув-услубий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенциялари ривожлантирилди.

“Бошланғич таълим фанларини ўқитиши методикаси” фанининг ишчи ўкув дастури бошланғич таълим ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўкув дастури асосида тузилган бўлиб, у бошланғич синф ўқитувчиларига таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **Модулнинг мақсади:**

умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий инновацион педагогик технологиялари ва мақбул методларидан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

**Модулнинг вазифалари:**

- бошланғич таълим фанлари ўқитувчиларининг замонавий педагогик технологиялари ва методлар ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- бошланғич таълим фанлари ўқитувчиларида дарс жараёнида самарали методларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**Тингловчи:**

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар мазмуни;
- Халқ таълими тизимида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асосларини, концепцияларини ва хуқуқий-меъёрий асосларини;
- таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва уни амалга ошириш бўйича таълим муассасаларининг вазифаларини;
- бошланғич таълим фанларидан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалар мазмунини;
- бошланғич таълим фанларидан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қўйиладиган талабларни;
- таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик, ахборот ва таълим-тарбия технологияларини;
- таълим жараёнида мактаб математика ва табиий фанлар таълим сифатининг Халқаро маниторинги (TIMSS), матнни ўқиш ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича Халқаро тадқиқот методларини (PIRLS);
- таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- Бошланғич синфларда ўқитиладиган дарсларни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш ва ўқув-услубий материаллар яратиш;
- Бошланғич синфларда ўқитиладиган дарсларда ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш методларидан фойдаланиш;

- Бошланғич синф фанларини ўқитишида фанлараро боғланишга оид амалий ва татбиқий масалалардан фойдаланиш;
- Бошланғич таълимда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш;
- Бошланғич синф дарсларида буюк аждодларимиз илмий меросидан фойдаланиш;
- Бошланғич синф дарсларида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- таълим жараёнида мактаб математика ва табиий фанлар таълим сифатининг Халқаро маниторинги (TIMSS), матнни ўқиш ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича Халқаро тадқиқот методларидан (PIRLS) фойдаланиш;
- Бошланғич синф фанлари дастурига киритилган янги билимларга оид масалаларни ечиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- дарс жараёнида педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш;
- замонавий талаб ва ёндашувлар асосида дарс ишланмаларини тайёрлаш, дарсларни кузатиш ва уни таҳлил қилиш;
- ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини таълим жараёнида мактаб математика ва табиий фанлар таълим сифатининг Халқаро маниторинги (TIMSS), матнни ўқиш ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича Халқаро тадқиқот методлари (PIRLS) асосида назорат қилиш ва баҳолаш **малакаларига эга бўлиши зарур;**

**Тингловчи:**

- малака ошириш курсида ўзлаштирилган билим ва кўникмалардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- касбий фаолиятига тегишли ўқув-методик материалларни тўплаш ва саралаш;
- таълим-тарбия жараёнига оид ўқув-методик мажмуаларни яратиш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Бошланғич таълим фанларини ўқитиши методикаси фанидан дарслар назарий ва амалий шаклда олиб борилади.

Назарий машғулотларда бошланғич таълим фанларидан яратилган ўқув-услубий мажмуалар таркиби, бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни ўқитиши методикаси ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда ўқувчилар билимини баҳолаш, синфдан ташқари ишлар, дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидағи ўқув фанлари билан “Бошланғич таълимни ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услугбий жиҳатларини бошланғич таълим фанларига татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

Тингловчиларни бошланғич таълим фанларини ўқитишида замонавий технология ва методлари билан таништириш ҳамда амалда қўллаш кўникумаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Ҳамм аси	Жами ўқув юклама си	Жумладан			Мустақ ил таълим
				назарий	амалий	Кўчма машгуло	
<b>4.2. Бошланғич таълимни ўқитиши методикаси</b>							
	Она тили фанини ўқитиши методикаси	14	12	2	8	2	2

4.2.1	Бошланғич синф она тили фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслық, мультимедиа иловали методик күлланмалар таҳлили	2	2	2			
4.2.2	Она тили дарсларини ташкил этишга илмий- методик ёндашув	2	2		2		
4.2.3	Савод оргатиш даврида ёзувга ўргатиш технологияси	4	4		4		
4.2.4	Она тили дарсларида билим, кўнигма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий усуллари	6	4		2	2	2
<b>Ўқиш фанини ўқитиш методикаси</b>		<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>2</b>
4.2.5	Бошланғич таълим ўқиш фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслық, мультимедиа иловали методик күлланмалар таҳлили	2	2	2			
4.2.6	Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар.	4	2		2		2
4.2.7	Ўқиш дарсларда матн устида ишлиш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш.	4	4		2	2	
4.2.8	Синфдан ташқари ўқиш дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашув.	2	2	2			
4.2.9	Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини шакллантириш	2	2		2		
<b>Математика фанини ўқитиш методикаси</b>		<b>18</b>	<b>18</b>	<b>4</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	
4.2.9	Бошланғич таълим математика фанидан ўқув дастури, дарслық, мультимедиа иловали методик күлланмалар. Улардан фойдаланиш технологияси	2	2	2			
4.2.10	Математикадан алгебраик (тengлик ва тенгизлик, арифметик амаллар, ҳарфий ифодалар, тенгламалар ечиш) материаллар устида ишлиш технологияси	6	6		4	2	
4.2.11	Улуш ва каср. Оғзаки ва ёзма ҳисоблаш ва тақкослаш усуллари.	4	4	2	2		
4.2.12	Геометрик материаллар устида ишлиш технологияси	2	2		2		
4.2.13	Бошланғич таълим математика фанидан масалалар ечиш методикаси	4	4		2	2	
<b>Табиатшунослик фанини ўқитиш методикаси</b>		<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>2</b>		
4.2.14	Бошланғич синфларда табиатшунослик дарсларининг мазмуни ва уни ташкил этиш методикаси	2	2	2			
4.2.15	Табиатшуносликни самарали ўқитишда ўқитиш воситаларидан ўринли фойдаланиш	2	2		2		

	<b>Технология (мехнат) фанини ўқитиши методикаси</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>2</b>		
4.2.16	Бошланғич синфларда технология дарсларининг мазмуни ва уни ташкил этиши методикаси	2	2	2			
4.2.17	Технология (мехнат) дарсларида турли материаллар билан ишлаш усуллари	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>54</b>	<b>50</b>	<b>14</b>	<b>28</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

### **Она тили дарсларини ўқитиши методикаси**

#### **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу.** *Бошланғич синф она тили фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили (2 соат маъруза).*

Она тили фанидан ўқув дастурига киритилган ўзгаришлар, ўқув дастуридаги фанга оид компетенцияларнинг мазмун моҳияти. Бошланғич 1-4-синф она тили фани дарсликлари, уларга яратилган мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили ва таълим-тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш.

**2-мавзу.** *Она тили дарсларини ташкил этишига илмий-методик ёндашув (2 соат амалий).*

Компетенциявий ёндашув асосида она тили дарсларини ташкил этиши. Она тили дарсларига илмий ёндашув. Ўқувчиларда тилга бўлган сезгириликни ошириш. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчисининг роли. Дарс ва унинг турларига қўйиладиган методик талаблар.

**3-мавзу.** *Савод ўргатиш даврида ёзувга ўргатиши технологияси. (2 соат амалий).*

Саводга ўргатиш даврининг ўзига хос муаммолари. Савод ўргатиш даврида ёзувга ўргатиши технологияси. Ўқув дастурида ўқувчиларни чиройли ва бехато ёзишларига қўйилган талаблар. Ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар. Чиройли ёзув дарсларида қўлланадиган методларнинг самарадорлик даражаси ва ўқувчиларнинг имловий саводхонлигини шакллантириш масалалари.

**4-мавзу.** *Она тили дарсларида билим, кўниқма, малакаларни назорат қилишининг замонавий усуллари. (4 соат амалий).*

Бошланғич синф она тили дарсларида ташкил этиладиган назорат ва ижодий топшириқлар. Компетенциявий ёндашув асосидаги давлат таълим стандарти ва ўқув дастури бўйича назорат ишларига қўйиладиган

талаблар. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг грамматик билимларини таркиб топтиришда сўзларни морфемик, морфологик, синтактик таҳлил қилишга ўргатишнинг аҳамияти. Диктант турлари ва уни ўтказиш методикаси. Ўқувчилар саводхонлигини оширишда диктантнинг аҳамияти. Диктант айтиш техникаси ва ўқитувчининг нутқи. Диктант, баён, иншоларни текшириш ва таҳлил қилишдаги қийинчиликлар.

## **Ўқиши фанини ўқитиши методикаси**

### **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу.** **Бошланғич таълим ўқиши фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили (2 соат маъруза).**

Ўқиши фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, 1-4-синф “Ўқиши китоби” дарсликлари таҳлили. Ўқиши дарсларини ташкил этишда мультимедиа иловали методик қўлланмалардан фойдаланиш. Мультимедиаларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқиши дарсларининг роли. Ўқувчиларда ўқиши малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар.

**2-мавзу.** **Савод ўргатиши даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар.**

*(2 соат амалий машғулот).*

Савод даврида қўлланадиган аналитик-синтетик товуш методининг ўзига хос томонлари. Савод ўргатишда дифференциал ёндашувни йўлга қўйиш. Ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб савод ўргатиши жараёнининг самарадорлигини янада ошириш. Савод ўргатиши даврида фойдаланиладиган машқ турлари.

**3-мавзу.** **Ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш.** *(2-соат амалий машғулот).*

Асар режасини тузиш. Ўқувчилар лугатини бойитиши, нутқининг ҳиссий таъсирини кучайтириш, бадиий воситалардан фойдаланиш кўниумасини шакллантириш. Ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш. Матнни ўқиши ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича Халқаро тадқиқот методлари (PIRLS).

**4-мавзу. Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашув (2 соат маъруза).**

Синфдан ташқари ўқиши дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар. Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти. Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этиш шакллари ва уни ўтказиш усуллари. Ўқувчилар китобхонлигини ривожлантиришга қаратилганлиги. Илғор, инновацион усуллар ва уларни синфдан ташқари ўқиши дарсларида қўллаш.

**5-мавзу. Ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини шакллантириш (2 соат амалий машгулот).**

Ўқиши дарсларида ўқувчиларда адабий нутқий компетенцияни шакллантириш масаласи. Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда луғат устида ишлашнинг аҳамияти. Қайта ҳикоя қилиш турлари ва улардан ўқувчилар оғзаки нутқини ўстиришда унумли фойдаланиш. Оғзаки нутқни ривожлантиришда дидактик материаллар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. Ўқувчиларда нутқ маданиятини шакллантириш технологияси. Баён ва иншо ёзишга ўргатишдаги муаммолар.

**Математика фанини ўқитиши методикаси  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу:** Бошланғич таълим математика фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали қўлланмалар таҳлили (2 соат маъруза).

Математика фанидан ўқув дастурига киритилган ўзгаришлар, ўқув дастуридаги фанга оид компетенцияларнинг мазмун моҳияти. Бошланғич 1-4-синф математика фани дарсликлари, уларга яратилган мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили ва таълим-тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш.

**2-мавзу: Математикадан алгебраик (тенглик ва тенгсизлик, арифметик амаллар, ҳарфий ифодалар, тенгламалар ечиш) материаллар устида ишлаш технологияси (4 соат амалий машгулот).**

Тенглик ва тенгсизлик ва арифметик амалларнинг таснифи ва уларнинг турлари. Арифметик амаллар билан ишлаш қоидалари. Алгебраик амалларни бажариш қўнималарини шакллантириш, уларни математика ва бошқа соҳадаги масалаларни ечишда қўллаш. Ҳарфий ифодаларнинг қўлланиши. Тенгламалар ва тенгламаларнинг турлари. Содда ва мураккаб тенгламалар. Тенгламаларни ечишдаги қуладай усуллар. Ўқувчиларнинг ҳаётий тасаввурлари билан амалий фаолиятларини

умумлаштириб бориш. Математик тушунча ва муносабатларни ўқувчилар томонидан онгли ўзлаштирилишига ҳамда ҳаётга татбиқ этилишига эришиш масаласи.

**3-мавзу: Улуш ва каср. Оғзаки ва ёзма ҳисоблаш ва таққослаш усуллари (2 соат маъруза, 2 соат амалий).**

Улуш ва каср тушунчаси билан таништириш методикаси. Бутуннинг улуши ва уни топиш. Улушга кўра бутунни топиш. Каср тушунчасининг маъноси, унинг элементлари. Махражлари бир хил бўлган касрларни таққослаш, қўшиш ва айришнинг маъноси. Соннинг каср қисми ва касрга кўра сонни топишга доир масалалар ечиш. Оғзаки ва ёзма ҳисоблаш усуллари.

**4-мавзу: Геометрик материаллар устида ишлаш технологияси (2 соат амалий машғулот).**

Геометрик материалларни ўрганиш методикаси. Геометрик (бурчак, нур, симметрия, периметр, юза, диаграмма...) материаллар устида ишлаш технологияси ҳақида тасаввурни шакллантириш ва уларни чизиш, айрим хоссалари билан таништириш методикаси. Содда геометрик фигуralарни ясаш ишлари билан таништириш, фазовий тасаввурларни ривожлантириш. Фигуralарни фарқлай олиш, қисмларга бўлиш, қисмлардан фигуralар ҳосил қилишга, диаграмма тузиш ва таҳлил қилишга, кўпбурчаклар периметри ҳамда юзасини ҳисоблашга, периметр, юза ўлчов бирликлари ва улар орасидаги боғланишга доир масалалар ечиш.

**5-мавзу: Бошланғич таълим математика фанидан масалалар ечишга замонавий ёндашув (2 соат амалий машғулот).**

Бошланғич синфларда масалалар ечишга ўргатиш. Масалани эшитиш ва уни мустақил ўқиши малакасини шакллантириш. Масаланинг бошланғич таҳлилини ўтказиш, масалани қисқа ёзиш, масалани ечиш уни ўқитувчи талабига биноан ёзиш ва масала саволига жавоб беришга ўргатиш. Масала ечимини текшириш малакаси ҳамда масала устида ишлаш режасини тузиш.

## **Табиатшунослик фанларини ўқитиш методикаси НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Бошланғич синфларда табиатшунослик дарсларининг мазмуни ва уни ташкил этиш методикаси (2 соат маъруза).**

Табиатшунослик фанини ўқитиш методикаси. Табиатшунослик ўқитиш мазмуни ва ўқитиш методлари. Табиатшуносликни ўқитишнинг шакллари.

**2-мавзу: Табиатшуносликни самарали ўқитиша ўқитиши  
воситаларидан ўринли фойдаланиш (2 соат амалий машғулот).**

Табиатшунослик дарсликлари ва улар билан ишлаш. Кўргазмали қуроллар ва табиатшунослик дарсларида улардан фойдаланиш методикаси. План, харита, глобус билан ишлаш методикаси.

### **Технология фанини ўқитиши методикаси**

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Бошланғич синфларда технология дарсларининг мазмунни ва уни ташкил этиши методикаси (2 соат маъруза).**

Технология (мехнат) дарсларининг мақсад ва вазифалари, мазмуни. Технология (мехнат) дарслари ва унинг шакллари. Технология (мехнат) дарсларида кўлланиладиган методлар. Технология (мехнат) дарсларида ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш.

**2-мавзу: Технология (мехнат) дарсларида турли материаллар билан ишлаш усуллари (2 соат амалий машғулот).**

Бошланғич таълимда технология (мехнат) фанидан турли материаллар билан иш турларини фарқлаш, иш қуролларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳавфсизлик қоидаларига амал қилишга ўргатиш. Амалий иш турларини бажаришда мўлжал олишни ўргатиш. Технология (мехнат) дарсларида предмет, буюм ва турли нарсаларни аппликация, қуриш-ясашиб ўргатиш технологияси. Технология дарсларида ўқувчиларда тозалик, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам таркиб топтириш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Она тили дарсларида билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий технологиялари (2 соат кўчма машғулот).**

Бошлангич синф она тили дарсларида ташкил этиладиган назорат ва ижодий топшириқларни ташкил этилишини кузатиш. Компетенциявий ёндашув асосидаги давлат таълим стандарти ва ўқув дастури бўйича назорат ишларига қўйиладиган талабларни ўрганиш. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг грамматик билимларини таркиб топтириш жараёнини таҳлил қилиш. Ўқувчилар назорат ишларини текшириш ва таҳлил қилишдаги қийинчиликларни аниқлаш.

**2-мавзу:** Ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш. Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашув (*2 соат кўчма машғулот*).

Ўқиши дарсларига қўйилган мақсадлар ва уларни амалга оширилишини кузатиш ва таҳлил қилиш. Ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш жараёнини кузатиш. Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишдаги инновацияларни ўрганиш. Ўқиши дарсини кузатиш ва уни дидактик (таълимий) ва услубий таҳлил қилиш.

**3-мавзу:** Математикадан алгебраик (арифметик амаллар, ҳарфий ифодалар, тенгламалар ечиш) материаллар устида ишлаш технологияси (*2соат кўчма машғулот*).

Математика дарсларига қўйилган мақсадлар ва уларни амалга оширилишини кузатиш ва таҳлил қилиш. Математика дарсларида алгебраик (арифметик амаллар, ҳарфий ифодалар, тенгламалар ечиш) материаллар устида ишлаш технологияси компетенциясини шакллантириш жараёнини кузатиш. Математика дарсини кузатиш ва уни дидактик (таълимий) ва услубий таҳлил қилиш.

**4-мавзу:** Бошлангич таълим математика фанидан масалалар ечишга замонавий ёндашув

Бошлангич синфларда масалалар ечишга ўргатиш, масалани эшитиш ва уни мустақил ўқиши малакасини шакллантириш жараёнини таҳлил қилиш. Масаланинг бошлангич таҳлилини ўтказиш, масалани қисқа ёзиш, масалани ечиш уни ўқитувчи талабига биноан ёзиш ва масала саволига жавоб бериш малакасини шакллантириш жараёнини кузатиш.

*Кўчма машғулот “Бошлангич таълим фанларини ўқитиши методикаси” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали умумий ўрта таълим бошлангич таълим фанлари ўқитувчилари фаолият кўрсатаётган мактабларда ташкил этилади.*

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Она тили дарсларида билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий технологиялари”, “Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар” мавзуларига оид мустақил иш бажарилади.

Фанлардан дарсларни кузатиш ва таҳлил қилишда қуидагиларни: кўргазмали, намунавий, ҳисбот дарслари ва уларга қўйилган талаблар асосида дарсни таҳлил қилиш.


Дарсни баҳолаш мезонлари: 1) ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги таҳлили (дарс ишланмаси, тақвим-мавзу режа, ўқув дастури, дарслик, дарс тақдимоти, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва ҳ.к.ларни олдиндан ҳозирлаб қўйилганлиги), 2) дарс мазмуни таҳлили (дарс мақсадининг тўғри белгиланганлиги, мавзунинг бошқа фанлар билан боғланганлиги, дарс мавзусини мустаҳкамлаш учун берилган топшириқларнинг тўғри танланганлиги, ўқитувчининг ўз фанини қанчалик мукаммал билиши), 3) дарснинг услубий таҳлили (ўқитишининг турли усусларидан тўғри ва ўрнида фойдаланганлиги, дарснинг интерфаоллик даражаси (ўқувчиларни фаоллаштирадиган гуруҳларда ёки мустақил ишлинига шароитнинг қанчалик яратилганлиги), дарс вақтининг тўғри тақсимланганлиги, ўқувчиларнинг дарсдаги гурухий ёки мустақил ишининг тўғри ташкил қилинганлиги, ўқув материалларининг табақалаштирилганлик даражаси (яхши ва қийин ўзлаштирадиган ўқувчиларга муносабат), 4) ўқитувчининг педагогик маҳорати таҳлили (ўқитувчининг дарс мавзусини равон тилда тушунтира олиши, ўқитувчининг дарсда ўзини дадил тута олиши, мотивация (ўқувчиларни таълим олишга ундаш) ва уни рағбатлантириб бориши, дарс давомида ижодий, таълимий муҳитни яратса олганлиги, дарсга оид кўргазмали қуроллар, жиҳозлар ва асбоблардан ўрнида фойдаланганлиги, ўқувчиларнинг фаоллиги), 5) дарсда дарслик ва бошқа қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш таҳлили (дарсда дарсликдан самарали фойдаланиш даражаси, қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш даражаси), 6) дарсда АКТ ва таълимнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш таҳлили (ўқитувчининг проектор, мультимедиа ва бошқа техник воситалардан фойдалана олиш даражаси, ўқитувчининг тайёрлаган тақдимот сифати ёки ўқув доскасидан самарали фойдалана олиши, тақдимот сифати ёки мавзу асосий моментларининг доскага ёзиб борилиши), 7) дарсда яратилган таълимий муҳит ва муносабатлар таҳлили (ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан муносабати: хушмуомалалиги, тил топа олиши, ўқувчиларнинг бир-бирларига нисбатан муносабати: ўзаро

ёрдам, ҳурмат, ҳамжиҳатлик, ўқувчиларнинг ўқитувчига нисбатан муносабати: ҳурмат, интизом, эшитиш), 8) Баҳолаш ва дарсга якун ясаш таҳлили (ўқувчиларнинг дарс давомида билим ва кўникмаларининг тўғри баҳолаб борилиши, баҳолаш топшириқларининг дарс мақсадидан келиб-чиқиб тузилганлиги, дарс охирида дарсга якун қилиниши, рефлексия) асосида дарсни кузатиш ва уни дидактик (таълимий) ва услубий таҳлил қилиш.

*Мазкур машғулот умумий ўрта таълим муассасаларининг бошлангич синфларида ўтказилади. Унда ўтказилган дарс тингловчилар томонидан тегишилимезонлар асосида таҳлил қилинади. Илгор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ўрганилади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган бошлангич синф ўқитувчиларини жалб этиши, уларнинг дарсларини таҳлил қилиши орқали уларга методик ёрдам кўрсатиши ҳам кўзда тутиласди. Машғулот натижаси сифатида очиқ дарсни кузатиши ва таҳлил қилиши вараги тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.*

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**Муаммоли вазият методи** – тингловчиларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазият методи қўлланилганда тингловчиларнинг фаолиятлари қўйидаги тизим асосида ташкил этилади:



### “Ақлий ҳужум” стратегияси

Стратегия тингловчиларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўнишка, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

### “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) ГО

ГО тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчилар груп ёки жамоада ишлашлари мумкин. Групда ишлашда машғулот якунида групчлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.


Үқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуидаги схема асосида ташкил этилади:

<b>Биламан</b>	<b>Билишни хөхлайман</b>	<b>Билиб олдим</b>

### **“Венн диаграммаси” ГО**

ГО тингловчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзуунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуидаги схема чизилади:




ГО тингловчилар ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### **“Кластер” ГО**

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) ГО пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни тингловчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Майда алоҳида қисмлар тарзида қуидагича ифодалайди:



Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қиласди. Тингловчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:

<b>C</b>	Кучли (устун) жиҳатлари (ҳал этилаётган муаммонинг афзалликларини ёритиш)
<b>W</b>	Кучсиз (заиф) жиҳатлари (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган харакатларга ички омилларининг таъсирини ўрганиш)
<b>O</b>	Имкониятларни чамалаш (белгиланган вазифаларни ҳал этишнинг энг мақбул йўлларини излаш)
<b>T</b>	Таҳдидни ўрганиш (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган харакатларга ташқи омилларининг таъсири аниqlаш)

Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиши ва ёзиши асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир тингловчи ва тингловчилар гурӯҳларининг фикрлаш фаоллигини ошириш,

уларда танқидий фикрлаш қобилиятыни ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини қўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг моҳияти билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.


**Синквейн** (фр. “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу  
(тушунча, ҳодиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир ўқувчи (tinglovchi ) ушбу маълумотлар йигиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўzlари билан турли вариант ёки нуқтаи назарлар орқали ифодалаш имкониятига эга

**Синквейн тузиш** – мураккаб ғоя, сезги ва хиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

Синквейн тузиш мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиш беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

### “Балиқ скелети” график организери (ГО)

ГО талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвиrlаш ва ечиш қобилиятыни шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўнималари ривожланади.



“Блиц-сўров” (инг. “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

## НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### Она тили фанини ўқитиши методикаси

**1- маъруза: Бошланғич синф она тили фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили.**

#### **Режа:**

1.1. Она тили фанидан ўқув дастурига киритилган ўзгаришлар, ўқув дастуридаги фанга оид компетенцияларнинг мазмун моҳияти.

1.2. Бошланғич 1-4-синф она тили фани дарсликлари таҳлили, улар мазмунининг ўқув дастурларга мослиги.

1.3. Мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили ва таълим-тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ўқув дастури, дарслик, узвийлик, мультимедиа, методик қўлланма, билим, қўникма, малака, компетенция.

#### **1.1. Она тили фанидан ўқув дастурига киритилган ўзгаришлар, ўқув дастуридаги фанга оид компетенцияларнинг мазмун моҳияти.**

Бошланғич синфлар она тили таълими ўқувчиларда нутқ фаолиятининг асосий турларини ўстириш билан бир қаторда, қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этишни кўзда тутади:

Бошланғич синфларда она тилидан бериладиган билимлар мазмунини ўзбек тилининг товуш тузилиши ва ёзма нутқда товушларни ифодалаш усуллари ҳақидаги, сўзларнинг ўзгариши ва гапда сўзларнинг боғланиши ҳақидаги, сўзларнинг морфемик таркиби ва сўз ясалиши, сўзларнинг лексик – семантик гуруҳи ҳақидаги, ўзбек тилининг тўғри ёзув қоидалари ва тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги билимлар ташкил этади. Берилган бу билимлар ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қиласди.

Она тили ўқитишининг мазмуни ва методлари ўқувчиларга дастур талаб қилган ҳажмда пухта билим бериш, қўникма ва малакалар ҳосил қилишга қўмаклашиши лозим.

Мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг – баранг жабҳаларида, мулоқот ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилидан bemalol – эркин, самарали ва тўғри фойдалана олиш, унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш, зарурӣ қўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак.

«Она тили» дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш лозим. Шунинг учун ўқув дастури ва у асосида яратиладиган дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиш, ижодий

тафаккур тарзини шакллантириш, дарс ва машғулотларни ўқувчиларнинг нутқий малакасини юзага келтиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида она тили фанини ўқитишнинг мақсади – ўқувчиларда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмасини, ижодий фикрлаш малакасини, китобхонлик ва нутқ маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Она тили фанини ўқитишнинг асосий вазифаси: ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш; ўқувчиларда грамматикага оид билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқиган, кўрган, эшитганларини нутқий тўғри ва равон баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган лингвистик компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

Она тили фанининг ўкув дастури ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб тузилган. Ўкув дастурида ўқувчиларда фанга доир нутқий ва лингвистик компетенцияларни ҳамда таянч компетенцияларнинг элементларини шакллантириш кўзда тутилган.

**Бошланғич таълимда** – ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш, оғзаки ва ёзма нутқида адабий нутқ меъёрларига риоя қилишни шакллантиришдан иборат.

**Янги таҳрирдаги ўкув дастуридаги ўзгаришлар.** 1-4-синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” фанининг содда элементлари она тили фани мазмунига, яъни мавзулар кесимида ҳам сингдириб ўқитилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 1-4-синфларда Она тили фани чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчилардаги қобилият ва истеъодони янада камол топтириш учун ихтисосликка йўналтирилган ўкув дастури компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ўкув дастурига мослаштирилди. Бунда йиллик ўкув соатлари А1 босқичда 608 соат бўлса, А1+ босқичда эса 680 соатни ташкил этади.

Ўрта умумий таълим мазмунида узвийликни таъминлаш мақсадида 2017 йилда тасдиқланган ўқув дастурида 3-синф она тили фани мазмунида “Асос”, “Асосдош сўзлар” мавзулари “Асос”, “Асосдош сўзлар” мавзуларига ўзгартирилди.

**Нутқий компетенция** (*тинглаб тушиуниши, сўзлаши, ўқииши, ёзиши*): мавзу доирасида ўқитувчи нутқини ва содда аудио (мультимедиа иловалари) матнларни ва топшириқларини тинглаб тушуна олади;

кўрган расмлари ва ўқиб эшиттирилган матн юзасидан ўқитувчи ёрдамида сухбатга кириша олади, нутқ жараёнида ўзлаштирган янги сўзларни оғзаки нутқда қўллай олади. Нутқ ва матннинг гаплардан тузилиши, матнни мазмунан боғланган гаплардан тузилишини айтиб бера олади;

кишиларнинг ҳис-ҳаяжонини билдирган гапларни, гапларни мазмунига кўра фарқлайди, охиридаги нуқта, сўроқ ва ундов белгиларига қараб ўқий олади, ажратса олади, гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ва ифодали ўқий олади;

гапни бош ҳарф билан бошлаб ёза олади, расмларга қараб гап тузади ва ёза олади, ҳарфларни ёзувда имло ва хуснихат қоидаларига амал қилган ҳолда ҳарфларни бир-бирига улаб, кўчириб, намунага қараб ёза олади. Бир мавзу доирасидаги саволларга жавоб ёза олади, 15-20 сўзли диктант ёза олади.

**Лингвистик компетенция:** ўзбек тилида нутқ товушларини тўғри талаффуз қила олади, сўзларни талаффуз меъёрларига риоя қиласан ҳолда бўғинлаб кўчириш қоидасига риоя қила олади, мавзуга оид сўзларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллай олади, тиниш белгиларини тўғри қўллай олади.

**2-синф. Ўқувчиларда шаклланган фанга оид компетенция элементлари:**

**Нутқий компетенция** (*тинглаб тушиуниши, сўзлаши, ўқииши, ёзиши*):

ўқитувчи нутқини, видео ва аудио (мультимедиа иловалари) матнларни ва топшириқларини тинглаб тушуна олади;

расмлар асосида ва ўқиб эшиттирилган матн юзасидан сухбатга кириша олади;

нутқ жараёнида ўзлаштирган янги сўзларни оғзаки нутқда қўллай олади;

машқ матнидаги сўзларни қўшиб, гап оҳангига риоя қилиб равон ва ифодали ўқий олади;

шахс ва нарсанинг саноғини билдирган сўзлар нечта?, қанча? сўроқларига, шахс ва нарсанинг тартибини билдирган сўзлар неchanчи? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни, бир мавзу доирасидаги саволларга жавоб ёза олади;

3-4 та гапдан иборат ижодий матн яратади;

расмлар асосида қисқа матн туза олади, хатбошига, имло ва ҳуснихат қоидаларига амал қила олади.

#### **Лингвистик компетенция:**

ўзбек тилида нутқ товушларини тўғри қўллай олади;

талаффуз меъёрларига риоя қила олади;

бўғин кўчириш қоидасига риоя қила олади;

мавзуга оид сўзларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллай олади;

тиниш белгиларини тўғри қўллай олади;

30-40 сўзли диктант ёза олади.

**A1+**

#### **Нутқий компетенция (тинглаб тушунниши, сўзлаши, ўқиши, ёзиши):**

машқ ва топшириқлардаги ахборотни тушуна олади;

машқ ва топшириқларда берилган матнни орфоэпия қоидаларига риоя қилиб равон ўқииди;

4-5 та гапдан иборат ижодий матн яратади.

#### **Лингвистик компетенция:**

нутқда сўзларнинг грамматик шаклларидан тўғри фойдалана олади;

35-45 сўзли диктант ёза олади.

**A1+**

#### **Нутқ ўстириши (1 соат)**

#### **Ҳуснихат (1 соат)**

**НУТҚ ЎСТИРИШ.** Матн. Матннинг ўзаро мазмунан боғланган икки ва ундан ортиқ гаплардан тузилиши. Сўроқлар ёрдамида матнни қисмларга бўла олиш. Кичкина матнга ва матн қисмларига сарлавҳа қўйиши.

Баён ҳақида тушунча. Матнни саволлар ёрдамида қайта ҳикоя қилиши. Унча катта бўлмаган матн юзасидан уч-тўрт сўроқ гаплардан тузилган режа асосида баён ёзиши.

Расмларга қараб саволлар ёрдамида гаплар тузиш ва уни имловий тайёрликдан сўнг ёзиши. Ўқитувчи раҳбарлигида бир мавзуга оид бир неча гап туза олиш. Болаларнинг ўйинлари, ўқишилари, қизиқишилари ҳақида кичик ҳикоя тузиш.

**З-синф. Ўқувчиларда шаклланган фанга оид компетенция элементлари:**

**Нутқий компетенция (тинглаб тушиуниши, сўзлаш, ўқиши, ёзиши):**

ўқитувчи нутқини видео ва аудио (мультимедиа иловалари) матнларни ва топшириқларини тинглаб тушуна олади;

расмлар асосида ва ўқиб эшиттирилган матн юзасидан сұхбатга кириша олади;

нұтқ жараёнида ўзлаштирган янги сўзларни оғзаки нутқда қўллай олади;

машқ матнидаги сўзларни қўшиб, гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ва ифодали ўқий олади;

гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари ва гапларнинг ифода мақсадга кўра турларини билади, гапда сўзларни ўзаро боғлаб кичик матн ёза олади, матн қисмларига сарлавҳа қўя олади, матннинг *кириши* қисми, *асосий фикр, охирги хулоса* қисмларини топа олади;

шахс ва нарсани билдирган отларга, ясама отларга, шахс ва нарсаларнинг белгисини билдирган сўзларга, шахс ва нарсаларнинг миқдори, тартибини ва ҳаракатини билдирган сўзларга, бўлишли ва бўлишсиз феълларга мос сўзларни топиб ёза олади;

-ла, -илла (-улла) феъл ясовчи қўшимчалари билан феъл ясай олади;

саволларга ёзма жавоб ёза олади, матндаги гапларни мазмунан ўзаро боғлай олади, хатбошига, имло ва хусниҳат қоидаларига амал қила олади, табрикнома, қисқа хатлар ва 50-60 сўзли диктант ёза олади.

**Лингвистик компетенция:**

ўзбек тилидаги нутқ товушларини тўғри талаффуз қиласи;

талаффуз меъёрларига ва бўғин кўчириш қоидасига риоя қила олади;

ўзлаштирган лексик бирликларни матнда қўллай олади;

мавзуга оид сўзларни оғзаки ва ёзма нутқда ўринли қўллай олади;

нутқда сўзларнинг грамматик шаклларидан тўғри фойдалана олади;

тиниш белгиларини тўғри қўллай олади.

**A1+**

**Нутқий компетенция (тинглаб тушиуниши, сўзлаш, ўқиши, ёзиши):**

нутқида от, сифат, сон, феъл сўз туркумларидан ўринли фойдаланиб, матн ёза олади; 55-65 сўзли диктант ёза олади.

**Лингвистик компетенция:**

ўрганилган ифода воситаларидан нутқда ўринли фойдалана олади.

**НУТҚ ЎСТИРИШ.** Матн. Матнни мазмунан тугалланган кичик қисмларга бўлиш: матн қисмларига сарлавҳа танлаш. Вокеабанд матнга ўқитувчи раҳбарлигига режа тузишни уddyалаш. Матннинг қисмларини ва ҳар бир қисмдаги гапларни ўзаро боғлай олиш. Матн мазмунидаги асосий

фикрни аниқлаш. Матнинг тузилиши: кириш (муқаддима) қисм, асосий қисм, якуний қисм; матндан ана шу қисмларни аниқлай билиш.

**Хабар (ҳикоя).** Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида тайёр режа ёки кўпчилик иштирокида тузилган режа асосида баён - ахборот ёзиш.

Воқеабанд бир расм ёки туркум расмлар, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаёти билан боғлиқ бир мавзуда (ўйинлари, сайд-саёҳатлари, табиатни кузатиш кабилар ҳақида) синф жамоасининг олдиндан кўрган ҳозирлиги билан оғзаки ёки ёзма кичик ҳикоялар ёзиш.

#### **4-синф. Ўқувчиларда шаклланган фанга оид компетенция элементлари:**

##### **Нутқий компетенция (тинглаб тушунниш, сўзлаш, ўқиши, ёзиши):**

ўқитувчи нутқини ва мавзуга оид тушунчаларни, ўзаро савол-жавоб, топшириқларни, кичик матнларни, мавзу доирасидаги видео ва аудио (мультимедиа иловалари) матнларини тинглаб тушуна олади;

кишилик олмошининг келишик қўшимчалари билан қўлланишини, феъл, унинг сўроқлари, гапдаги вазифаси, бўлишили ва бўлишсиз шаклларини, феъл замонлари, феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан қўлланиши тусланишини, *лан,-илла,-сира,-ла,-лаши* феъл ясовчи қўшимчалар эканини, феълларнинг талаффузи ва имлосини билади, ўқилган матн мазмунини ва ўзгалар фикрини англаб, ифодалай олади, оғзаки нутқда сўз ва гаплар оҳангига риоя қила олади, рухсат, илтимос, узр сўраш, миннатдорчилик, таклиф каби мулоқот одоби қоидаларига амал қила олади, нутқ жараёнида ўзлаштирган янги сўзларни оғзаки нутқда қўллай олади;

машқ матнидаги сўзларни, турли матн ва топшириқларни гап оҳангига риоя қилган ҳолда тўлиқ, тўғри, равон ва тушунарли қилиб ўқий олади;

65-70 та сўзгача бўлган диктантни ёза олади; грамматик таҳлил қила олади; 5-6 гапдан иборат хабар, тасвир, муҳокама шаклларини қўллаб матн яратади, ижодий матннинг мантиқий изчилигига риоя қилган ҳолда ва хатбоши, имло ҳамда ҳусниҳат қоидаларига амал қилиб ёза олади, диктант турларини фарқлай олади, расм асосида ижодий матн яратади, грамматик таҳлил қила олади, дўсти, ота-онаси, устозига табрикнома, хат ёза олади.

**Лингвистик компетенция:** Она тилидаги нутқ товушларини фарқлай олади, бўғин кўчириш қоидаларига амал қила олади; мавзуга оид янги сўзларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллай олади; ёзма нутқда тиниш белгиларини тўғри қўллай олади.

**A1+**

### **Нутқий компетенция (тинглаб тушиуниши, сўзлаш, ўқиши, ёзиши):**

содда матннинг асосий мазмунини тушунади ва тушунтира олади; матн мазмунини тушуниб ифодали ўқий олади; 70-75 сўздан иборат диктантни ёза олади; 7-8 гапдан иборат хабар ёки расм асосида ижодий матн тузга олади.

### **Лингвистик компетенция:**

сўзларнинг товуш таркибини орфоэпик жиҳатдан тўғри шакллантира олади; гапнинг ифода мақсадига кўра турларини фарқлай олади ва ёзма нутқда ўринли қўллай олади.

**НУТҚ ЎСТИРИШ.** Нутқ, матн ва гапни фарқлаш; оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришни тўғри шакллантириш; матн мазмунини қайта ҳикоялатиш; матндаги асосий фикрни аниқлай олиш; матннинг тузилишини аниқлаш, уни қисмларга ажратиш; улар орасидаги боғланишни изоҳлай олиш; матнга сарлавҳа топиш.

**Баён.** Берилган матн асосида ҳикоя ёзиш; муҳокама ва тасвир жанри элементлари қатнашган баён ёзиш; матнни қисқартириб, ижодий қайта ҳикоялаш асосида баён ёзиш; танлаб қайта ҳикоялаш асосида баён ёзиш.

Баён ва кичик ҳикояларга тасвир ва муҳокама туфайли ҳосил бўлган фикрлардан аста-секин икки-уч жумладан қўшиб бориш.

**Ижодий матн.** Қисмли (қисмларга ажратиб берилган) расмлар ва мавзулар битта расмда ифода этилган қўриниш асосида, шунингдек, ўқилган, кузатилган, эшитилган, кўрилган воқеа ва ҳодисалар асосида материал тўплаш, режа ва шу асосида кичик ҳикоя ёзиш; баён режасини тузища ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўллаш.

Ўз ишлари ва хаётлари хақида дўйстларига хат ёзиш. Ота-онаси, устози ҳамда ўртоқларига оғзаки ва ёзма табрикнома тайёрлаш.

### **1.3. Мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили ва таълим-тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш**

2014 йил, 19 февраль куни тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ПҚ-2133 сонли «Соғлом бола йили давлат дастури тўғрисида»ги қароридаги 71, 75-бандларида эътироф этилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўлланмалар яратиш, нашр этиш ҳамда дарсликларнинг мультимедиа ли иловаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишнинг 2014-2017 йилларга мўлжалланган режаси Халқ таълими вазирлиги

томонидан 2014 йилнинг 7 март куни тасдиқланди ва режага асосан ижодий гурух томонидан яратилиш муддатлари белгилаб олинди.

2014 йилда 1-синф учун: “Саводга ўргатиш”, “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам” фанларидан, 2015 йилда 2-синф учун: “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам” фанларидан, 2016 йилда 3-синф учун: “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Табиатшунослик” фанларидан, 2017 йилда 4-синф учун: “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Табиатшунослик” фанларидан илғор педагогик ҳамда ахборот коммуникацион технологиялари асосида методик қўлланмалар яратилиши режалаштирилди.

Мазкур қарорнинг ижроси сифатида шу кунга қадар 1-4-синф она тили фани бўйича мультимедиа электрон иловалар, методик қўлланмалар яратилди. Бу методик қўлланмаларда илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиладиган дарс ишланмалари, мультимедиа электрон иловалар, дарс жараёнида қўлланиладиган метод ва усуллар, дидактик ўйин технологиилар, мантиқий машқлар ва дарсликдаги муаллифлар ҳақида маълумотлар ўрин олган. Улар ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, холосалар чиқаришга ундейди.

Методик қўлланмаларда ўқувчиларни ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, луғатини янги сўзлар билан бойитиш, сўзлардан нутқида тўғри ва ўринли фойдаланишга ўргатиш мақсад қилиб олинган.

Ҳар бир ўқитувчи 1-4-синф она тили фанидан яратилган мультимедиа иловали методик қўлланмалардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиши зарур. Айниқса, она тили дарсларида матн устида ишлашга ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги мавжуд билимларини янада бойитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун мазкур методик қўлланмалар мазмuni, унда берилган дидактик материаллар, савол-топширикларга илмий ва танқидий ёндашув асосида амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. ДТС қачон қабул қилинган?
2. ДТСда ўқувчилар билими қайси параметрлар билан ўлчанади?
3. Ўқув дастур нима?
4. Дастурнинг асосий қисми неча бўлимдан иборат? Ҳар бир бўлим-чи?
5. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг қайси қарорида ахборот коммуникацион технологиялари асосида методик қўлланмалар яратилиши режалаштирилган?

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## **Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома**

Амалий машғулотларда тингловчилар бошланғич таълимининг турли норматив-хуқуқий хужжатлари, бошланғич синф ўқитувчисининг фаолият функциялари: (лойиҳалаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ташкилотчилик) ва бошланғич таълим соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

#### **Она тили дарсларини ташкил этишга илмий-методик ёндашув.**

**Машғулот мақсади:** она тили дарсларини ташкил этишга илмий-методик ёндашув, дарс самарадорлигини оширувчи интерфаол методлардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг тилни ўзлаштириш жараёнини текшириш шуни кўрсатадики, тилга илмий қараш асосларини шакллантириш унинг муҳим боғланишларини билишга ҳам ёрдам беради. Хусусан, ўқувчиларнинг сўзнинг товуш томони билан унинг лексик маъноси, сўзнинг морфемик таркиби билан лексик маъноси, сўзнинг грамматик маъноси билан унинг маълум сўз туркумига тегишлилиги ўртасидаги боғланиш кабиларни билиб олиши шу мақсадга хизмат қиласди. Бу боғланиш тилнинг фонетик, лексик, сўз ясалиши ва грамматик томонларининг бир-бирига таъсир қилишини характерлайдиган умумий боғланишларнинг хусусий кўриниши ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг характерли боғланишларни тушунтиришлари тилни эгаллаш нуқтаи назаридангина эмас, балки дунёқарашларини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Тилдан билим беришда ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига таяниш муҳимдир. Ўқитувчи назарий характердаги умумлаштириш зарур бўлган далилий материалларни йиғиши босқичида ҳам, берилган билимларни амалиётга татбиқ этиш учун ҳам болаларнинг ҳаётий тажрибасига, нутққа оид амалиётига таянади. Тилга оид билимни ўрганиш натижасида ўқувчилар нутқ фаолиятининг сифати ўзгаради, онглилиги ортади. Тилни

ўрганишни ҳаёт билан боғлаш дунёning моддийлигини тушунишга асос яратади. Бу билан бир пайтда она тили дарсларининг асосий вазифаларидан бири бўлмиш ўқувчиларда тўғри кузатиш ва ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда аниқ баён этиш кўникмасини ўстириш масаласи ҳал қилинади. Бунда ўқитувчидан ўқувчиларда диалектик фикрлаш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Диалектик тафаккур кенг маънода ҳодисаларнинг бошқа ҳодисалар ва жараёнларга боғлиқлигини ҳисобга олиб, уларни ҳар томонлама мавжуд белгилари йиғиндиси билан ривожланишда кўриш кўникмасини таърифлайди. Тафаккурнинг бундай сифати ўқувчиларда аста-секин шаклана боради ва ўз навбатида, улар кузатиш жараёнида далилларни топиш, уларни таҳлил қилиш ва ўрганиладиган ҳодисаларнинг айрим томонлари ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмасини эгаллаб борадилар. Кейинги йилларда ўқувчиларнинг ўкув фаолияти тобора изланиш характеристига эга бўлмоқда. Тилни ўрганишда бошланғич синф ўқувчилари учун айрим қоида ва аниқликларни ёдлаб олиш эмас, балки атрофдаги ҳаётни кузатиш асосида ўқувчиларнинг ўзлари «топган» ёки адабий манбалардан тайёр олинган тил материалини мақсадга мувофиқ анализ ва синтез қилиш етакчи ҳисобланади. Ўрганиладиган грамматик ва сўз ясалишига оид, лексик тушунчаларнинг мавжуд белгиларини аниқлаш жараёнида фаол қатнашиш, билиб олинган далилларни ўхаш ва фарқли томондан қиёслаш, шунингдек, ўрганилган назарий билимларни ҳар хил нутқий фаолиятга ижодий татбиқ этиш – буларнинг барчаси ўқувчиларда диалектик фикрлаш кўникмасини ўстириш учун замин ва шарт-шароит яратади. Бунда муҳим омиллардан бири ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ўқитувчи томонидан мақсадга мувофиқ бошқариш, уларда орфографик, грамматик ёки лексик-услубий вазифаларни ҳал қилишнинг умумий методларини шакллантириш ҳисобланади.

Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш вазифаларидан бири уларда илмий дунёқарашиб элементларини шакллантиришdir. Бу вазифани ҳал қилишдамақсадга мувофиқ ишлашнинг етакчи шарти – ўқувчини шахс сифатида муваффақиятли камол топтиришdir. Қуйида кўрсатилган омиллар тилни ўргатиш билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларда илмий дунёқарашиб элементларини шакллантириш усулини белгилайди:

1. Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти унинг алоқа (коммуникатив) вазифасини ифодалашдан иборатdir. Мактабда, шу жумладан, бошланғич синflарда тилни ўргатишнинг етакчи йўналиши

ўқувчилар томонидан тилнинг алоқа вазифасини бажаришини тушунишларига эришиш ҳисобланади.

2. Тил билан тафаккур узвий боғлиқ бўлиб, тафаккур сўз воситасида юзага чиқади. Тил тафаккурнипг маҳсули ҳисобланиб, онгдан ташқарида ўзича яшамайди.

3. Тил ва тафаккур атрофимизни ўраб олган моддий борликقا нисбатан иккиламчидир. Тафаккур ташқи дунёнинг тушунчадаги ифодаси ҳисобланади. Сўз тушунчанинг шартли номини ўзида акс эттиради. Дунёда йўқ нарса онгда ҳам, тилда ҳам бўлмайди. Бу ҳолат ўқувчиларда дунёқарашни шакллантириш асосини ташкил этади ва дидақтик тамойиллардан бирини, яъни тил атрофни ўраб олган муҳитни, воқеликни кузатиш жараёнида фаол билиш фаолияти вазиятида ўрганилишини белгилайди. Бундай ёндашиш дунёқарашнинг асосий масалалардан бирига, яъни нима бирламчи: табиат (материя)ми ёки онгми деган саволга жавоб тайёрлаш ҳисобланади; материя – бирламчи, онг – иккиламчидеган тушунчадан ўқувчиларнинг хабардор бўлишига ёрдам беради.

4. Тил – барча томонлари ўзаро диалектик боғланишда ва бирликда бўлган мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. Алоқа жараёнида тилнинг барча томонлари, унинг барча жиҳатлари бир-бирига ўзаро таъсир этади, шундай шароитдагина тил ўзининг алоқа қуроли вазифасини бажара олади.

Мактабда тилнинг барча томонлари (талафзузи, фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, сўз ясалиши)ни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш она тилини ўргатишдаги етакчи тамойил бўлиб, уни амалга ошириш ўқувчиларнинг тилни мураккаб, ривожланувчан, ўзаро боғланган муҳим томонларга эга бўлган ҳодиса сифатида англаб этишлари учун илмий асос яратади. Тилнинг моҳиятини бундай идрок этиш ҳодисаларнинг ривожланувчанлиги ва ўзаро боғланган қисмлардан тузилишини тушунишга замин ҳозирлайди.

Мактаб тажрибаси ва маҳсус текширишлар шуни кўрсатадики, юқорида қайд этилган дастлабки қоидаларни ўқув жараёнида амалга оширишда ижтимоий ҳодиса сифатида тил ҳақидаги билимлар мажмуасини тўғри танлаш, асосий тил ҳодисаларини ва турларини тушунтиришда ўқитувчининг тутган методологик йўлининг аниқлиги, ўқувчилар фикрлашини фаоллаштириш, тил назариясини ўргатишга асос бўладиган тил материалининг юқори сифатли бўлиши каби далиллар ҳал қилувчи таъсир этади. Шубҳасиз, ҳар бир омил мактаб тажрибасида бир-биридан ажralган ҳолда бўлмайди. Аксинча, уларнинг бир-бирига тўғри, мақсадга мувофиқ таъсири ижобий натижা беради.

Тилни ижтимоий ҳодиса сифатида таништириш мұхым ақамияттаға әга. Тилнинг ижтимоий мөдияти унинг алоқа вазифасини бажаришида күринади Унинг жамият ҳаётидаги ақамиятини аниқ тушунишга ёрдам бериш учун қуйидаги жиҳатларга ақамият бериш керак:

а) ўқув жараёнида ҳар бир тил бирлигининг нутқимиздаги ўрнини ўқувчилар ўзлаштиришини таъминлаш зарур. Ўқувчилар тилнинг алоқа вазифасини тилнинг асосий бирликлари (фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап)нинг вазифасини тушуниш жараёнида ўрганадилар.

б) ўқувчиларнинг тилнинг ўзаро алоқа воситаси эканлигини тушунишлари “Тил ҳар бир киши, умуман, жамият ҳаётида қандай ўринни эгаллади?” саволига жавоб топишда ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчилар синфдан синфга ўтиши билан бу саволга жавоб чуқурлашиб ва кенгайиб боради. Тил кишиларнинг биргаликдаги меҳнат фаолиятида, янгиликларни маслаҳатлашиб тушунишида, янги машиналар ихтиро қилишда зарурлиги ҳақида мисоллар топиб, ўз фикрларини тасдиқлайдилар. Ёшлари улғайган сари ўқувчилар одамнинг одам бўлишида тилнинг ақамиятини тушуна борадилар. Меҳнат ва нутқ кишини яратади, уни ҳайвонот оламидан ажратади. Одам меҳнат жараёнида ўзининг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш ва нутқини ўстириш билан ўзини доимо такомиллаштириб боради. Оламни, коинотни ўзгартира бориб, киши янада камол топа боради, унинг тили ҳам бойийди. Кишилар билан, жамият аъзолари билан алоқа, муносабат, биргаликдаги меҳнат ҳар бир кишининг ўсиши, ривожланишидаги зарурий шартлардан ҳисобланади.

в) бошланғич синф ўқувчиларининг тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қарашини шакллантиришда тилнинг келиб чиқиши, тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши ҳақида уларниг давриясига мос бўлган «сир»ни ечиш (тушунтириш) ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ўқувчиларга тилнинг бир киши томонидан махсус ўйлаб чиқарилмаганини, у ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда яратилганини ва астасекин ривожланиб борганини тушунтиради: “*Биздан жуда узоқ вақтлар илгари тилда фақат бир неча ўнгина сўз мавжуд эди, кишилар атрофдаги табиатни, нарсаларни билиб, иши қуроллари яратиб, нимадир ишлаб чиқарганлари сари тилда янги сўзлар пайдо бўла бошлади. Атрофимизда мавжуд бўлган шахс ва нарсаларга, уларнинг белгиларига, жараёнга, жуда кўп бошқа нарсаларга кишилар ном қўйганлар. Шундай қилиб, тил янги сўзлар билан бойиди ва бойиб бормоқда*”.

Тилнинг ривожланиши, айрим сўзларнинг маънолари ҳақидаги билимни бошлангич синф ўқувчилари от, сифат, сон, феълни ўрганиш жараёнида аста-секин билиб оладилар. Бу ўринда «Сўзнинг таркиби» бўлими катта имкониятга эга. Ўқувчилар бу бўлим материалларини ўрганиш жараёнида тилимизнинг янги сўзлар билан бойиб бориши ҳақидаги муҳим манбалар билан, сўз ясалиши билан танишадилар. Маълумки, кўпгина янги сўзлар тилда мавжуд бўлган сўзлар заминида яратилади, тилда бор қолиплар каби ясалади: лимон типида лимонзор, сувчи типида бўзчи каби. Тилда янги сўзнинг пайдо бўлиши ўзидан кейин бир хил асосли сўзлар гуруҳининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади: ишили, ишилиз, ишичи каби.

Бошлангич синфларда тилнинг ривожланиши ҳақидаги масала маҳсус ўрганилмайди. Тилга жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланадиганҳодиса сифатида илмий қарашга замин яратиш мухим аҳамиятга эга. Тилнинг лексик томони бошқаларига нисбатан харакатчан, тез ривожланадиган бўлгани учун, тил лексикаси мисолида бошлангич синф ўқувчилари савиясига мос равишда жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тилнинг ҳам ривожланиши тушунтирилади. Тилнинг лексик таркибида юз бераётган ўзгаришлар юзасидан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кузатишлари болаларда дунёни билиш ҳақидаги тасаввурини шакллантиришга мос материал беради.

Она тилини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш масаласини ҳал қилишда мактабда она тилини ўргатишга асос бўладиган материал алоҳида қимматга эга. Материалнинг ҳақиқий томони, унинг ғоявий йўналиши ва бадиий ифодалилиги ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига, ҳис-туйғуларига таъсир этади, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтиради, тилга ва уни яратган халққа қизиқишини тарбиялайди, ўқувчиларнинг умумий тараққиёти даражасини ўстиради ва уларнинг шахсий сифатларининг, дунёқарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Кейиги йилларда мактаб она тили дарслклари ва ўқитувчилар учун нашр қилинган қўлланмалар материали мазмунига қўйилган талаблар анчагина ортди. Материалнинг асосий мезони матн ва алоҳида гапларнинг билимни бойитувчи қиммати, лексик-услубий аниқлиги, мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги, ҳаётнинг турли томонлари билан боғланиши, матнларнинг ғоявий-мавзувий йўналтирилганлиги, кичик ёшдаги ўқувчиларга мослигидир.

Шундай қилиб, тилни ўрганиш жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантиришга ўқитувчининг методологик

ёндашуви, ўқувчилар ўзлаштирадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб борувчи тил ҳақидаги билимлар мажмуаси, ўқувчилар ўрганиб оладиган билиш усули, тилни ўрганишга асос бўладиган материалнинг билим беришдаги, ғоявий-сиёсий ва бадиий қиммати ҳал қилувчи таъсир кўрсатар экан.

Ўқувчиларда дунёқарааш асосларини шакллантириш кўп қиррали жараён бўлиб, у мактабда ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ўқувтарбиявий ишларнинг барча тизимида ҳал қилинади.

### **Грамматик машқлар ва уларнинг таснифи**

Мактабда тилдан назарий билимни ўрганишдан мақсадфикарни оғзаки ва ёзма тарзда грамматик тўғри ва услубий аниқ ифодалаш учун ундан онгли фойдаланиш ҳисобланади. Бироқ назарий билимни амалда қўллашни эса мақсадга мувофиқ ва мунтазам ўргатиб бориш талаб этилади.

Машқлар тизими тушунчани ўзлаштириш босқичига ва унинг хусусиятига мос равишда машқ турини танлаш, унинг мураккаблаша боришини ва ўқувчилар мустақиллиги ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда машқларни бажариш изчилигини аниқлашни кўзда тутади. Бу тизим машқларнинг ўзаро боғланишига асосланган.

**Машқ турлари.** Грамматик машқлар турли асосга кўра тасниф қилинади, шунинг учун машқнинг ҳар хил тури ҳосил бўлади. Агар билимни шакллантириш характеристига асосланилса, грамматик машқлар икки катта гурӯхга бўлинади:

- 1) *морфологик машқлар* (бунга лексик-морфологик машқлар ҳамкиради);
- 2) *синтактик машқлар*.

Агар ўқувчилар фаолиятинингхарактери, яъни машқ жараёнида ўқувчилар бажарадиган ақлий омиллар характери асос қилиб олинса, машқлар *аналитик*, *синтетик*, *таққослашига*, *гуруҳлашига*, *умумлаштиришига* оид машқларга бўлинади.

Машқнинг ўзига ҳос хусусиятларини аниқроқ белгилаш учун юқоридаги икки асос ҳисобга олинади. Масалан, машқнинг вазифаси аралаш берилган сўзлардан гап тузишни ва гап бўлакларини ажратишни талаб этса, бу машқ билимни шакллантириш турига кўра *синтактик машқ*, фаолият характеристига кўра *синтетик-аналитик машқ* ҳисобланади.

Бошлиғич синфларда соф морфологик ёки соф синтактик машқ жуда кам кўлланилади, шунинг учун ҳам вазифанинг етакчи томони ҳисобга олинади. Масалан, матнга мазмунга мос отни қўйиш, қайси келишик эканини кўрсатиш талаб этилса, бу *лексик-морфологик машқ*дир. Ўқувчи

отнинг қайси келишикда эканини аниқлаш учун у боғланган сўз (феъл ёки от)ни аниқлаши (сўз бирикмасини ажратиши) талаб этилади, шунга кўра бу машқ *синтактик машқ* ҳисобланади.

Грамматиктаҳлил *аналитик машқ* киради. Грамматик таҳлил сўз туркумига кўра (морфологик) таҳлилни, гап бўлакларига кўра (синтактик) таҳлилни ўз ичига олади.

Гап бўлакларига кўра таҳлил ўқувчилар ўзлаштирган синтактик билимларнинг меъёрига қараб чуқурлашиб боради.

Амалдаги дастурга кўра, 1-синф ўқувчилари “эга” ва “кесим” атамаларидан фойдаланмайдилар, аммо улар гапнииг бош бўлакларини амалий равишда топиш кўнимасига эга бўладилар, яъни гап ким ёки нима ҳақида айтилганини билдирган сўз (эга)ни, у ҳақда нима дейилганини англатган сўз(кесим)ни топадилар. Масалан, *Болалар олмаларни тердилар* гапини таҳлил қилишда ўқувчилар қуидагича фикр юритадилар: “Гап болалар ҳақида айтилган. Кимлар? – болалар (сўзниң тагига битта тўғри чизиқ чизадилар). *Болалар* – нима қилдилар? *тердилар* (сўзниң тагига икки тўғри чизиқ чизадилар). *Болалар тердилар* – гапниң асосий қисми; нималарни? (тердилар) – *олмаларни*”.

2-синфда 1-синфдагидек муҳокама қилинади, факат мазмуни чуқурлаштирилади. Масалан, 2-синф ўқувчиси “Чиройли гуллар адирларни безади” гапини қуидагича таҳлил қиласди: “Гап гуллар ҳақида айтилган. Нималар? – *гуллар* – эга (тагига бир чизиқ чизади). Пахталар ҳақида нима дейилган? *Очилди* – нима қилди? – кесим (тагига икки тўғри чизиқ чизади). Қаэрларни? (безади) – *адирларни* – иккинчи даражали бўлак, гапни тўлдирайпти (тагига узук чизиқ чизади). Қандай? (гуллар) – *чиройли* (гуллар) иккинчи даражали бўлак, эгани изоҳляяпти. *Гуллар безади* – гапниң асоси. *Чиройли гуллар ва адирларни безади* – сўз бирикмаси”.

3-4-синфларда синтактик таҳлил сифат жиҳатидан ўзгармайди, аммо сўз бирикмасини ажратишга аҳамият берилади.

Морфологик таҳлилнинг моҳияти сўзниң қайси сўз туркуми экани, гапда қандай грамматик шаклда келганида ифодаланади.

Тўлиқ морфологик таҳлилда ўқувчи сўз туркумининг ўзи ўргангандан белгиларини айтади. Масалан, 1-синф ўқувчиси шу сўз қандай саволга жавоб бўлишини ва нимани билдиришини айтади (шахс ёки нарса, нарса белгиси, ҳаракати).

## **Мантиқий машқлар**

Мантиқий машқлар болаларнинг нарса ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини тартибга солади ва уларга тўғри фикрлаш усулларини ўргатади. Ўқувчи мактабга келганда, кенг луғат бойлигига эга бўлса ҳам, одатда, тафаккурнинг таққослаш, қарши қўйиш, умумлаштириш, гурухлаш усулларидан фойдаланишини билмайди (айниқса, билиш фаолиятининг обьекти аниқ предмет эмас, уни ифодаловчи сўзлар бўлса). Мантиқий машқларнинг вазифаси у ёки бу нарса ва ҳодисалар билан танишиш асосида болаларни предмет ва ҳодисалардан муҳимини, умумийсини ажратишга, сўз билан аниқ ифодалашга ўргатиш, болаларга мантиқий усуллар тизимини ўргатиш билан билимини материал томондан бойитиш ва уни ақлий томондан ўстириш ҳисобланади.

Мантиқий машқлар болаларнинг сўз бойлиги ва тилининг умумий ўсишида катта аҳамиятга эга бўлиб, луғат иши ва тилга оид бошқа ишлар билан боғлаб олиб борилади. Логик машқлар жуда хилма-хил:

**1. Нарсаларнинг мавзуга тегишили гуруҳини тузиш:** уст кийимлар (кўйлак, костюм, . . .) ва оёқ кийимлар (ботинка, туфли, ..); уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар каби. Бунда болалар «*Бу нима?*» сўроғига жавоб беришга ўргатилади: *Бу н и м а?- Автобус. Автобус нима? - Машина.*

**2. Бир турдаги нарсаларни санаб кўрсатиш ва умумлаштирувчи бир сўз билан номлаш.** Масалан, стол, стул, шкафларни бир сўз билан қандай номлаш мумкин? (*Мебель*)

**3. Берилган нарсалардан бир гуруҳга кирмайдиганларини ажратиш.** Масалан, қалам, перо, чизгич, ўчирғич, стул кўрсатилади, ўқувчилар ўқув қуролларини ажратадилар, стул ўқув қуролига кирмаслигини, мебель эканини айтадилар.

Бундай машқ ўйин тариқасида ўтказилиши ҳам мумкин: маълум сўзлар берилиб, ортиқчасини топиш ва нима учун ортиқча эканини тушунтириш талаб этилади: қалдирғоч, чумчук, мушук, мусича.

**4. Предмет номлари ва белги билдирган сўзларни гурухларга ажратиш.** Бунда сўзлар чойнак, теша, болта, пиёла, арра, тарелка каби аралаш берилади. Ўқувчилар гурухлаб, идиилар номи: чойнак, пиёла, ... ; иши қуроллари номи: теша, болта, ... каби ёзадилар. Нарса белгисини билдирган сўзлар ҳам аралаш берилади, болалар тўрт гурухга (ранг, маза, шакл, хусусият) ажратадилар.

**5. Қарама-қарши қўйиши билан умумлаштириши:** қалдирғоч, чумчук, булбул – қушлар, товук, хўроз, куркалар-чи? (Паррандалар.)

Мантиқий машқлар сермазмун бўлиши, ўқувчиларнинг тажрибаси билан боғланиши, уларни тўғри фикрлашга ўргатиши, билимларига аниқлик киритиши ва тартибга солишга хизмат қилиши лозим. Бундай машқлардан ўрни билан бошқа дарсларда ҳам, ўқиш ва грамматика дарсларида ҳам фойдаланилади.

### **Амалий машғулот топшириқлари**

1. Она тили дарсларига илмий ёндашув деганда нимани тушунасиз?
2. Она тили дарсларида фойдаланиладиган машқларни тасниф қилинг.
3. Она тили дарси самарадорлигини оширувчи интерфаол методлардан бирини тақдимот қилиб беринг.

### **Назорат саволлари:**

1. Она тили дарсларига илмий ёндашув деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчисининг роли қандай?
3. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг грамматик билимларини таркиб топтиришда қайси иш турларидан фойдаланиш самарали натижаларни беради?.
4. Бошланғич синф она тили дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш бўйича иш тажрибангизни баён қилинг.

### **3- амалий машғулот: “Савод ўргатиш даврида ёзувга ўргатиш технологияси”**

**Машғулот мақсади:** савод ўргатиш даврида ёзувга ўргатиш технологияси ва ҳуснихатга ўргатувчи методлардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш.



Савод ўргатиш дарслари ўқувчиларнинг умумий камолотига, уларда дўстлик, ўртоқлик каби хислатларни миллий қадриятларни шакллантириш, жамоа ичида ўзини бошқариш, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, ўқишига онгли муносабатда бўлиш каби ижобий хусусиятларни тарбиялашга кўмаклашуви лозим.

Савод ўргатиш даври сентябрдан декабргача давом этади. Савод ўргатиш жараёни икки даврни: алифбогача тайёрлов даври ва алифбо (асосий) даврига ажратилади. Тайёрлов даври икки босқичга бўлинади:

1. Товуш – ҳарф ўрганилмайдиган босқич;
2. Унли товушлар ва ҳарфлар ўрганиладиган босқич.

Алифбо даври ўрганиладиган товуш ва ҳарфлар, сўзларнинг ва бўғинларнинг тузилиши, мураккаблик даражасига кўра 3 босқичга бўлинади.

Бу даврда болаларнинг фонематик эшитиш қобилияtlари ўстирилади, ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари бойитилади.

Бошлангич таълимда ўқиши ва ёзишига ўргатиш тилшунослик, педагогика, адабиётшунослик ва методика соҳасида эришилган ютуқларга асосланган, такомиллашган ҳозирги замон анализик-синтетик товуш методи воситасида амалга оширилади ҳамда ўқувчилар нутқини ривожлантиришни назарда тутади. Дарсда ўқувчилар гапни сўзларга, сўзни бўғинларга, бўғинни товушларга ажратадилар, сўздаги товушларни

тартиби билан айтишни ўрганадилар, ўрганилган товушларни ўзаро боғлаб сўз тузиш ва ўқиши юзасидан машқ қиласидилар. Болалар товушларни ёзувда ҳарф билан ифодалаш, ҳарфлардан бўғин ва сўз тузишга, уларни ўқишига ўрганадилар. Гап ва боғланишли матнни онгли, тўғри, бўғинлаб равон ўқиши, сўнгра сўзни бутунича сидирға ўқиши малакасини эгалладилар.

Ўқувчиларни ўқиши ва ёзишига ўргатиш баравар олиб борилади. Ёзувда товушларни ҳарфлар билан белгилашга, ҳарфлар ва бўғинлардан сўз тузишига, сўз ва гапларни ёзма тўғри шакллантиришга, талаффузи билан ёзилишида фарқ қилмайдиган сўзларни ва қисқа гапларни эшишиб ёзишига, гапнинг биринчи сўзини, кишиларнинг исмини, шаҳар, қишлоқ, кўча номларини, айрим ҳайвонларга атаб қўйилган номларни бош ҳарф билан ёзишини билиб оладилар.

Савод ўргатиш дарсларида ўқувчиларнинг бошқалар нутқини диққат билан тинглаш ва нима ҳақида гапираётганини тушуниб олиш кўникмалари ўстирилади. Болалар синфдошлари олдида гапиришга, ўқитувчининг саволларига жавоб беришга, топшириқларни мустақил бажаришга, билмаган ва ўzlари қизиққан нарсалар тўғрисида сўраб билиб олишга, ўқиганларини қайта ҳикоялашга, ўzlари кузатган, кўрган кинофильмлар ҳамда эшигтан ва ўқиган ҳикоя, эртаклари, кузатган расмлари ҳақида ҳикоя қилиб беришга ўрганадилар.

Савод ўргатиш даврида ўқувчилар олган билим ва ҳосил қилинган кўникмалар биргаликда ўқиши жараёнида маҳсус синфдан ташқари ўқиши машғулотларида болалар адабиёти намуналари билан таништиришга татбиқ этилади. Савод ўргатиш даврида синфдан ташқари ўқиши ҳафтада бир марта ўтказилади ва унга ўқиши дарсларининг иккинчи қисмидан 15- 20 дақиқа ажратилади. Ўқиши ва ёзишига ўргатиш дарсларида болалар руҳиятини ҳисобга олган ҳолда иш турларини мукаммаллаштириш талаб этилади, дам олиш машқлари ўтказилади. Методик қўлланмаларда берилган дидактик ўйинлардан фойдаланиб, бир туридан бошқа турига ўтилади ва ўқувчилар толиқишининг олди олинади.

Савод ўргатиш даврида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига табиатдаги ўзгаришлар, кишиларнинг турли мавсумда бажарадиган меҳнатларини кузатадилар ва шулар асосида ҳикоя тузишни ўрганадилар. Бу даврда олиб бориладиган барча ишларда оила ва мактаб ҳамкорлигининг узвийлиги, ўзаро муомала маданияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқиши ва ёзиши нутқи фаолиятининг тури. Мактабда ўқитиш элементар ўқиши ва ёзишига ўргатишдан бошланади. “Алифбе”га асосланган ҳолда

қисқа вақт ичидә ўқувчилар ўқиши шартында ўргатилади, яъни ўқиши шартында кўникмасини эгаллайдилар.

Савод ўргатиш даврида ўқиши шартында мақсадга мувофиқ равишида бажара олиш **ўқиши шартында кўникмаси** дейилади. Бу кўникма билимни талаб қилади, чунки ҳар қандай кўникма билимсиз шаклланмайди. Билим кўникмага айланмаган бўлиши мумкин. Масалан, бола **в** ҳарфининг элементларини, ёзув чизиқлари орасига қандай жойлаштирилишини билиб, уни дафтарда ёза олмаслиги ёки ўқувчи ҳарфларни таниб, уларни ўқий олмаслиги мумкин. Ёзиши кўникмасини ҳосил қилиш учун бошқа фаолият турлари, яъни ёзиши жараёнида партада тўғри ўтириш, ручкани бармоқлар орасида тутиш, дафтарни қияликда кўйиш кабилар ҳам ўргатилади.

Ўқиши шартында кўникмаси такомиллаштирила бориб, малакага айлантирилади. Малаканинг шаклланиши учун бир фаолият бир неча бора тақрорланиши лозим. Ёзиши малакасида ўқувчи ручкани қандай ушлаш, қандай юргизиш ҳақида ўйлаб ўтирмай, сўз ва гапларни ёза бошлайди. Демак, ўқиши шартында кўникмаси ҳаракатнинг ўйлаб ўтирмай амалга оширилиш жараёнидир. Малака ўқитишнинг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб, автоматлашиш даражасига етказилади.

Ўқиши шартында киши нутқи фаолиятининг тури бўлиб, у нутқка оид малакадир. Ўқиши малакаси ҳам, ёзиши малакаси ҳам нутқи фаолиятининг бошқа турлари билан, яъни оғзаки ҳикоя қилиш, ўзгалар нутқини эшлиши орқали англаш, ички нутқи билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Мактабда ўқитишнинг муваффақияти савод ўргатишнинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ.

Ўқувчини савод ўргатиш жараёнида элементар ўқиши шартында ўргатишда ўқувчиларнинг фаолият кўрсатиши шартында киришишлари учун талаб бўлиши, ўз фикрини оғзаки ёки ёзма ифодаласи учун зарурият шартини юзага келтирувчи вазият яратилиши лозим.

Ўқиши шартында киши оид иккинчисининг муваффақияти амалга ошувини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ўқиши шартында ўргатиш параллел олиб борилади шартында киришишлари учун талаб бўлиши, ўз фикрини оғзаки ёки ёзма ифодаласи учун зарурият шартини юзага келтирувчи вазият яратилиши лозим. Бу кўпинча ўқилган матнни юзаки ёдлаб олиб келади. Такорий фаолиятда вазият шартында киришишлари учун талаб бўлиши, ўз фикрини оғзаки ёки ёзма ифодаласи учун зарурият шартини юзага келтирувчи вазият яратилиши лозим.

ошадиган мақсад - ўқиши ва ёзиши ўрганиш ҳамда ҳозирда бажариши шарт бўлган кундалик мақсад - топишмоқни ўқиши ва жавобини топиш, сўз ва гапларни ўқиши, расм асосида сўзлаб бериш кабилар туради.

Ўзбек тили ёзуви товуш ёзуви, яъни фонематик ёзувдир. Ҳар бир товуш учун, ҳар бир фонема учун махсус график шакл (ҳарф) олинган. Ўқишида график шакллар товушга айлантирилса, ёзувда аксинча, товушлар ҳарфларга айлантирилади. Бу ўқиши ва ёзиши фаолиятида ўкувчи учун қийинчилик туғдиргандек туюлса-да, аслида ўқиши ва ёзиши жараёнини соддалаштиради, чунки тилимиздаги товушни ифодаловчи ҳарфлар сони унча кўп эмас. Ўқиши ва ёзиши ўзлаштириш учун товуш ва ҳарфларнинг ўзаро муносабатига оид қоидаларни ўзлаштириш кифоя. Савод ўргатиш методикасида ўзбек тили товушлар ва ҳарфлар тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади.

Бошланғич синфларда ўкувчиларни ҳуснихат билан ёзишига ўргатиш методикаси уларда аниқ, чиройли ва тез ёзиши имконини ҳосил қилиши лозим. Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун дастур мазмунини ва унинг талабларини, ўқитиши усусларини, ёзувга ўргатишнинг гигеник шартларини, ўкувчиларнинг ёзувидаги индивидуал камчиликларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ва тузатиш усусларини ишлаб чиқиш зарур.

**Ўқитувчининг намунавий ёзуви** – болаларда тўғри ёзувни шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Ёзишига ўргатиш кўпинча тақлид қилиш орқали амалга ошади. Ўқитувчининг биринчи ўқув йилида синф тахтаси ёки ўкувчи дафтарига ёзганлари асл нусха сифатида кўрилади, чунки ўкувчилар ундан ўз дафтарига кўчириб оладилар. Шунинг учун ўқитувчининг ҳуснихати тўғри ва чиройли бўлиши лозим. Синф тахтасига ёзилган ёзуви эса ўкувчининг дафтаридағи ҳарфларнинг жойлашишига мос ҳолда бўлиши керак. Амалиётнинг кўрсатишича, агар ўқитувчи қаторнинг охиригача ёзмаса (тўлдирмаса), болалар ҳам ундан намуна олиб қаторнинг охиригача ёзишмайди, қоғозни бекорга сарф этишади ва сўзларни кейинги қаторга тўғри кўчириш йўллани ўргана олмайдилар, шубҳали ҳолларда қатор охиригача кўчирмайдиган бўлишади.

Ўқитувчи ўз ёзувини янада чиройли ва мукаммал бўлиши учун узлуксиз шуғулланиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши шарт.

Шундай фикрлар бор, агар мунтазам ёзига борилса, ёзув яхшиланиб боради. Лекин бунинг акси ҳам бўлиши мумкин: инсон қанчалик кўп ёзса, унинг ёзуви шунчалик тушунарсиз бўлиб борар экан.

Ўқитувчи тўғри ҳуснихатда ёзишни ўрганиб олиши лозим. Ўқитувчи фақат назарий жиҳатдангина эмас, балки ҳар бир ҳарф учун йўлга қўйилган амалий пропорсионал боғлиқликни ҳам билиши даркор.

Шу билан бир вақтда лозим бўлган машқлар орқали қўл кафтини ва бармоқлар ҳаракатини енгиллатиш ва ривожлантириш керак бўлади.

Ўқитувчи синф тахтасида ёзиш усулларини ҳам эгаллаб олиши лозим. Синф тахтасида ёзиш жараёнида хатоларга йўл қўймаслиги керак. Масалан, ҳарфларни график ёзиш, унинг узоқдан қандай кўринишини ҳисобга олмасдан ёзиш, барча асосий ва бирлаштирувчи унсурларни бир хил қолипда ёзиш каби .

Фақатгина яхши ёзувга эга бўлган ҳолдагина ўқитувчи болаларга намуна бўла олади ва улардан яхши натижалар олиши мумкин. Ўқувчилар ҳарфларнинг тузилишини, уни чизишдаги кетма-кетлигини яхши ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи буларнинг ҳаммасини синф тахтасида кўргазмали тарзда кўрсатиши лозим.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўқувчи чиройли ва тўғри ёзувда синф тахтасига бўрда аниқ ва чиройли ёзадиган ўқитувчининг ўқувчилари чиройли ва тўғри ёзадилар.

Синф тахтасида ёзиш малакаларига қуидагилар киради: 1-навбатда қўл ҳаракатини ривожлантириш; симметрияни ҳис қилиш ва тахтанинг қайси қисмида ёзилган ҳарф, сўз ва фраза ёзилганини тезда топишни; бир қарашда топишни ўргатиш лозим.

Бундан сўнг бўр билан ёзишни у билан ишлаш техникасини ўрганиб олиш лозим. Бўр билан ёзишда ингичка ва қалин штрихларни ёзишни, шунингдек, ингичка чизиқдан босиб ёзишга ўтиш ва х.з. малакаларни эгаллаши лозим. Ёзувда синф тахтаси ва бўрнинг сифати катта аҳамиятга эга.

1. Ўқитувчи болаларнинг дафтаридағи хато-камчиликларни ўз ўрнида аниқ кўрсатмаслиги натижасида боланинг ёзишига нисбатан эътиборсизлик юзага келади.

2. Аниқ ва тўғри ҳуснихатда ёзишга нафақат ҳуснихат дарсида, балки, барча дарс турларида ва синфдан ташқари ёзув ишларида, ёзма ариза, улар томонидан тайёрланадиган кўргазмалар (деворий газеталар, жадваллар, шиорлар ва х.з.) амал қилиш керак.

Орфографик - тўғри, аниқ ва тушунарли қилиб ёзишни талаб этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчининг пала-партиш ёзувини ва икки варак қоғозга ёзган ёзма ишини ҳам назорат қилиб бориши лозим. Ҳар бир ўқувчининг дафтари тартибли бўлишига эришиш керак.

3. Ҳуснихатга ўргатиш изчил ва кетма-кетлик характерига эга бўлиши лозим. Ўргатиш жараёнида ўқитувчининг дастур материалини, ўқувчини соддароқ шаклий кўринишга эга бўлган ҳарфлардан, мураккаброқ кўринишга эга ҳарфларга ўтказишга ва йирик ҳамда секин ёзувдан, майда ва тез ёзувга ўтказища эътибор берилади. Ҳуснихат машқлари ўзаро боғлиқлиқда мунтазам уюштирилади.

Шуни ёдда тутиши керакки, болани секин ёзувда ҳарфни тўғри ёзишни ўрганиб олмагунча тез ёзувга ўтказиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дастурда тез ёзиш кўникмалари 3-4-синфларда шакллантирилади.

4. Айрим ўқувчиларнинг ёзуvidаги индивидуал фарқларни кузатиб бориш мумкин. Бу фарқ ўта кия ёзилишда ва ҳоказоларда кузатилади.

Ёзувдаги индивидуаллик ўзига хосликни 4-синфларда ўтказиладиган машғулотлар жараёнида аниқлаш мумкин, чунки бу даврда ўқувчилар мустақил равища бир чизикли дафтарга ёзишга ўтгани бўлади.

Ўқувчида аниқ ва равон ёзув ҳосил бўлиши учун ўқитувчи ўқувчининг бутун дикқатини ҳарфнинг график шаклига, бошқа ҳарф билан қўшилиб кетмаслигига, ҳар бири бир-биридан ўзига қўрсатилган ўлчамга эътиборини қаратиши лозим.

5. Ўқувчиларнинг ҳуснихат билан тўғри ёзиш кўникмаларини ривожлантириб бориш, ҳуснихатга ўргатиш ишларини тизимли тарзда олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун ҳам ўқувчилар тўғри ёзувнинг ҳар кунги кўникмаси билан чекланиб қолмай, узлуксиз равища назорат-текширув ишларини олиб боришлари зарур бўлади.

Ўқувчилар назорат вақтини олдиндан билганлари маъқул, чунки бунгача ручкадаги камчиликни ва дафтарни тайёрлаб қўйишга вақт ажратадилар. Ёзиг бўлгач, болалар ўз ишларини ўртоқлари билан алмашадилар ва ўқитувчи билан биргаликда таҳлил қиласидилар. Энг яхши ишлар ўқувчи бурчагига илиб қўйилади.

Назорат пайтида ҳуснихат қоидаларига риоя этган ҳолда ёзилганига, ҳарфларнинг тўғри ёзилганлигига, матннинг осон ўқилишига, ёзув бир текислигига, матнни ўқиш учун ва қофозни тежашни режалай олишга эътибор бериш лозим. Мунтазам равища нафақат она тили дарсларидағи ёзма ишларини, балки ўқувчининг бошқа ўқув фанларидағи ёзувини ҳам текшириб бориш лозим.

Назорат-текширув ишларини бир-бири билан солиширига олиши учун ўқувчиларнинг ишларини маҳсус жойга илиб қўйилади. Бунинг учун назорат - текширув ишларини алоҳида қофозга ёзиш керак ва у унча катта бўлмаган матн асаосида бўлиши керак. Ёзув малакасини

яхшиланганлигини солиштириб бориш учун ҳар бир ўқувчининг назорат - текширув ишларини сақлаб қўйиш лозим.

**Хуснихатга ўргатиши.** Хуснихатга ўргатишнинг вазифаси ҳарф, сўз, гап ва матнни тўғри ва чиройли ёзишни такомиллаштиришdir. Ёзувни ўрганиш жараёнида ўқувчи товушнинг шакли бўлган ҳарфни, сўз ва гапни китобдан ва доскадан тўғри, хуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчириб ёзиш, ёзганларини текшира олиш ва йўл қўйган график камчилик ҳамда хатоларини ўқитувчи раҳбарлигида ўзи тузата олиши керак. Бу даврда эшитиб ёзиш кўникмалари ҳам ривожлантириб борилади. 1-синфда ўкув йилининг 2-ярмидан бошлаб хуснихат малакалари такомиллаштириб борилади.

Дастурга кўра она тили дарсларида A1 даража учун “Хуснихат дақиқа”лари учун 5-8 дақиқа, A1+ даража учун ҳафтасига 1 соат вақт ажратилади. Чиройли ёзиш кўникмалари ривожлантирилади. Бўғин, сўз, гап матнни хуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда кўчириб ёзиш; эшитиб ёзиш ва мустақил ёзиш; матнни ёзишда сарлавҳанинг ёзилишига, хат бошидан бошлаш; сўзлар орасидаги масофанинг бир хиллигига, ҳарфларнинг тўғри ва аниқ ёзилишига, туташтирилишига дикқат қаратилади, ҳошияга риоя қилиш, ўзининг ва ўзгаларнинг ёзувини график таҳлил қила олиш каби малакалари такомиллаштирилади.

Ўкув дастурида синфлар кесимида хуснихат учун қуйидаги мазмун киритилган:

**1-синф.** Ёзувга оид малакаларни шакллантириш: ҳарфларни ёзув чизиқлари орасида тўғри жойлаштириш; ҳарфларнинг қиялиги, уланишини ҳамда сўзлар орасини бир хил тенгликда чамалаш. Кичик ва бош ҳарфларни алифбо тартибида хуснихат билан ёзишни машқ қилиш.

**Айрим ёзув қоидалари.** Партада тўғри ўтириш, дафтарни белгиланган қияликда қўйиш; ручкани уч бармоқ орасида эркин ушлаш; дафтарни чап қўл билан ушлаб туриб ёзиш; ҳар бир ҳарфни тўғри туташтириш, ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ва аниқ ёзиш.

**2-синф.** Бир чизиқли дафтарда ўхшаш унсурли ҳарфларни ёзиш ва ҳарфни бир-бирига тўғри туташтириш; ўхшаш унсурли кичик ҳарфлар ва шу ҳарфлардан тузилган бўғинлар ва сўзларни ёзиш, ўхшаш унсурли бош ҳарфлар ва уларни ўзидан кейин келган кичик ҳарфга туташтириш.

**Айрим ёзув қоидалари:** дафтарларнинг паст томонидаги бурчагини кўкрак ўртасининг қаршиисига тўғри қўйиш; дафтарни чап қўл билан ушлаб туриб ёзиш; ручкани уч бармоқ орасида эркин ушлаш; ҳар бир ҳарфни тўғри туташтиришга риоя қилган ҳолда бўғин ва сўзларни аниқ ёзиш; ҳарф

ва ҳарф бирикмаларини тўғри ва аниқ шакллантириш; шошмасдан ёзиш; ҳар бир машқни уч-тўрт марта такрорлаш.

*Ўқув иили давомида имлоси қийин бўлган қуийидаги сўзларнинг талаффузи ва ёзилишишини билиб олиши: avgust, baland, baho, bahor, behi, Buxoro, dars, daftar, do'st, farzand, hasl, havo, hikoya, jahon, juft, karam, kaft, kon'ki, lavlagi, loviya, lug'at, mashina, minnatdor, moslama, navbatchi, no'xat, oktabr, payvand, p'al'to, paxta, qo'ng'iroq, quyosh, sabzi, Samarqand, sentabr, sinf, singil, soat, Toshkent, traktor, vazifa, vatan, xalq, xursand, yomg'ir, yostiq, o'qituvchi, o'quvchi, shahar kabi.*

Ўхшаш унсурли кичик ва бош ҳарфларни ёзиш; ҳарфларни бир-бирига туташтириш;

Ўхшаш унсурли кичик ҳарфлар:

1-guruh – i, u, n, m, t, l, y

2-guruh – h, j, k, f

3-guruh – o, o', q, a, g,g', p

4-guruh – e, b, x

5-guruh – r, v, s, sh, ch

Ўхшаш унсурли бош ҳарфлар:

1-guruh – U, L, Z, I

2-guruh – M, H, K, N, A

3-guruh – O, O', Q, X, CH

4-guruh – E, S, I, Z

5-guruh – V, G, G', Y

**3-синф.** Ёзувга оид малакаларни мустаҳкамлаш. Бир чизиқли дафтарда ҳарфларнинг баландлик ва кенглик ўлчамига риоя қилиб ёзиш. Ёзилиши қийин айрим бош ва кичик ҳарфларни (I, S, H, N, G', Q, P, S) ёзишга, шунингдек, ҳарфларни тўғри туташтиришга риоя қилиш, сўзлар, гапларни кўчириб ёзиш, эшитиб ёзиш.

Боғланишли нутқقا оид машқлар дастур материалларини ўрганиш жараёнида унга боғлиқ ҳолда ўтказилади.

**4-синф.** Она тили дарсларида “Хусниҳат дақиқа”лари учун 5-8 дақиқа вақт ажратилади. Чиройли ёзиш кўнималари ривожлантирилади. Бўғин, сўз, гап матнни хусниҳат қоидаларига риоя қилган ҳолда кўчириб ёзиш; эшитиб ёзиш ва мустақил ёзиш; матнни ёзишда сарлавҳанинг ёзилишига, хат бошидан бошлаш; сўзлар орасидаги масофанинг бир хиллигига, ҳарфларнинг тўғри ва аниқ ёзилишига, туташтирилишига дикқат қаратилади, ҳошияга риоя қилиш, ўзининг ва ўзгаларнинг ёзувини график таҳлил қила олиш каби малакалари такомиллаштирилади.

Ўқув йили охиридаги тақрорлаш ўрганилган билимларни эслатиш орқали системага солиш ва умумлаштириш мақсадида ўтказилади. Ўқувчилар бир дарсда бир неча турдаги мужассам топшириқларни бажарадилар. Тақрорлаш дарслари матн, гап, гап бўлаклари, товуш ва ҳарфлар, товушларнинг турлари, бўғин, алифбо, асос, сўз ясовчи, гапда сўзларни боғловчи қўшимча, сўз туркумлари бўйича ўтказилади. Ўқувчилар нутқи ва ёзувидағи камчиликлар ҳисобга олинади. Бу ўқитувчининг бошқа синфларда таълим жараёнини тўғри ташкил этишини таъминлайди. Ўқувчилар билан ўқув йили давомида имлоси устида ишланадиган, ўқувчиларнинг луғат бойлигига қўшилган айрим сўзлар дарслик охиридаги луғатда берилган. Дарсликда нотаниш сўзлар маъноси берилган бўлиб, ўқувчилардан уларни ўзлаштириш талаб қилинади.

Ўқув йили охиридаги тақрорлаш ўрганилган билимларни эслатиш орқали системага солиш ва умумлаштириш мақсадида ўтказилади. Ўқувчилар бир дарсда бир неча турдаги мужассам топшириқларни бажарадилар. Тақрорлаш дарслари матн, гап, гап бўлаклари, товуш ва ҳарфлар, товушларнинг турлари, бўғин, алифбо, асос, сўз ясовчи, гапда сўзларни боғловчи қўшимча, сўз туркумлари бўйича ўтказилади. Ўқувчилар нутқи ва ёзувидағи камчиликлар ҳисобга олинади. Бу ўқитувчининг бошқа синфларда таълим жараёнини тўғри ташкил этишини таъминлайди. Ўқувчилар билан ўқув йили давомида имлоси устида ишланадиган, ўқувчиларнинг луғат бойлигига қўшилган айрим сўзлар дарслик охиридаги луғатда берилган. Дарсликда нотаниш сўзлар маъноси берилган бўлиб, ўқувчилардан уларни ўзлаштириш талаб қилинади.

Чиройли ёзув имло билан чамбарчас боғлиқ. Ўқувчининг имловий саводхонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш тилнинг аниқлиги, фикрни тўғри ифодалаш, кишилар билан ўзаро хатосиз муомала учун ғамхўрлик демакдир. Шу сабабли ҳам савод ўргатиш давридан болаларда график малакаларни шакллантириш билан бирга имлога оид малакаларнинг шаклланишига замин яратилади.

Маълумки, савод ўргатиш даврида ўқувчи гапни бош ҳарф билан ёзиш, сўзнинг сатрга сиғмай қолган қисмини кейинги қаторга қўчириш, кишилар исми, шарифи, ҳайвонларга қўйилган номларда бош ҳарф ишлатилишини амалий тарзда ўрганади. Чиройли ёзув дарсларида сўзлар, гаплар, матнлар ёзиш, уларнинг имлосини текшириши орфографик зийракликни аста-секин шакллантира боради, имло қоидаларини пухта эгаллашларига замин яратади.

Инсоннинг ёзма нутқи ҳарфлар орқали шаклланади. Ҳусниҳат дарсларида саводли ёзув график малакалар билан шакллантирилиши асосий вазифа ҳисобланади. Ҳар бир ҳарфнинг аниқ ёзилиши ёзувнинг аниқ ва равон бўлишини таъминлайди. Бунинг учун ҳарфларнинг шаклини тўғри ёзиш, уларни тўғри улашнинг аҳамияти каттадир. Ҳарфларни босмасдан бир текисда ёзиш, элементларни ажратмасдан боғлаш, сўзларни қаторда тўғри жойлаштириш, ёзув вақтининг белгилаб олиниши, таҳлил ишларининг (бўғин-товуш, товуш-ҳарф, имловий таҳлил), яъни фонетик-график таҳлилнинг амалга оширилиши муҳим саналади.

Ҳусниҳат дарсларида ўқувчилар қўйидаги талабларга амал қилишлари лозим.

1. Ҳусниҳатнинг гигеник талабларига риоя қилишлари, ҳарфларни гарфик жиҳатдан тўғри шакллантиришлари, улашлари, ритм асосида ёзишлари назарда тутилади. 1-синфда хат-савод ўргатиш даврида болалар ёзувга бевосита ёзув дафтарларидағи материаллар асосида ўргатилади.

2. График меъёрларга амал қилиш. Бунда ҳарфлар элементининг қиялигига, ҳарфлар бўйининг тенглигига, ҳарфлар ва сўзлар орасидаги оралиқ масофаларнинг тенг бўлишига эътибор берилиши керак.

3. Ҳарфлар қиялигини тўғри сақлаш. Болаларнинг ёзувлари ҳар хил қиялиқда бўлиши мумкин. Агар ҳарфларнинг асосий элементлари дафтар чизигига нисбатан тик ҳолатда бўлса, ёзув ҳолати ҳам тик бўлади. Ҳарф элементлари ўнг томонга қия бўлиб, ўтмас бурчак ҳосил қилиши ҳам мумкин. Биз ўқувчиларни ўнг томонга қия қилиб ( $65^{\circ}$ ) ёзишга одатлантиришимиз лозим.

Ўнг қўл билан ёзадиган кишилар учун ёзувнинг қиялиги ўнг томонга мослаштирилиши фақат ҳарфларнинг шаклини чиройли қилиш учун эмас, ёзувнинг қулайлиги учун ҳам мос келади. Ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаш, қўл ва бармоқларни ортиқча зўриқтирмайди.

Ёзувнинг ўнг томонга қиялигини сақлаш тирсакларни бир томонга эркин юритиш учун қулай бўлиб, парта устидаги дафтарнинг туриш ҳолатига боғлиқдир.

Ёзаётганда дафтарнинг ҳолати бир томонга қия бўлиши ўз-ўзидан ёзувнинг қиялигини таъминлайди.

Ёзувнинг қиялигини сақлашда дафтардаги сийрак қия чизиқлар ҳам катта ёрдам беради. Бундай машқ қилишда дафтарнинг ҳолати ўзгарса ҳам, ёзувнинг қиялиги ўзгармаслиги мумкин. Шунингучун қия чизиқли дафтарлардан фақат дастлабки пайтларда фойдаланилади.

Қия ёзишга ўргатишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Ўқувчиларга дастлаб энг содда шаклдаги кичик таёқчаларни ёздриб машқ қилдириш вақтидаёт тик ва қия таёқчаларнинг фарқини ўргатиш зарур.

Бунинг учун ўқитувчи доскада икки хил шаклда (қия ва тик) таёқчалар шаклини ёнма-ён ёзиб кўрсатади, уларнинг фарқларини таҳлил қилиб беради. Бундай машқлар хотирада узоқ вақт сақланиб, хатоларнинг олди олинади.

Шунингдек, ёзув қиялигининг тўғри бўлиши учун дафтарнинг қия ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим эканлиги тушунтирилади ва кўрсатилади. Дафтарнинг парта устида нотўғри туриши гигеник қоидаларнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади, чунки ўқувчи ёзувнинг қиялигини сақлаш учун гавдасини дафтарнинг нотўғри ҳолатга мослайди.

#### 4. Дафтарни партада ёзиш талаблари асосида тутиш.

Дафтарнинг пастки чап бурчаги кўкрак ўртасига тўғри бўлиши ёки дафтарнинг қия чизиги (агар қия чизиқли дафтар бўлса) партанинг четига тик бўлиши керак.

Дафтар бети сатрларга тўлиб борган сари юқорига сурилиб боради. Чап кўл билан эса дафтарнинг юқори томони босиб турилади. Бунинг учун синф партасининг устига икки ўқувчининг ҳар бири учун алоҳида ингичка қия чизиқ текширув чизиқли сифатида чизиб қўйилади. Бу чизиқнинг пастки учи ўқувчиларнинг чап кўкраклари ўртасига тўғри бўлиб, партанинг олд қиррасига нисбатан  $65^{\circ}$  қия бўлади.

Агар дафтарнинг чап бети тўлса, дафтарнинг букланадиган жойи текширув чизиққа тўғирлаб олинади ва ўнг бетига ёзишга ўтилади.

Ўқувчиларда ҳарфларни қия ёзишга ўргатиш малакасини ошириш анча мураккаб жараён бўлиб, ўқитувчидан чидам, сабр-тоқат, куч талаб қиласи. Мунтазам равишда турли машқлар олиб бориш, ўқувчилар ҳаракатини қунт билан кузатиб бориш натижасида кўзланган мақсадга эришилади.

Ўқитувчи томонидан берилган кўрсатмаларга қарамай, айрим ўқувчилар ҳарфлар қиялигини тўғри белгилай олмайди, камчиликларга йўл қўяди. Бунинг учун камчиликларни тузатиш мақсадида график машқлар берилиши керак. Ўқувчиларга даставвал дафтар сатрига бир нечта ҳарф ёздириб, улар орасига қия чизиқлар қўйилади ва ҳарфлар шу чизиқларга таққослаш орқали хатолар тушунтирилади, тузатишга киришилади.

2. Ҳарфларни бир текис босимсиз ёзиш. Ҳарфларни бир текисда ёзиш ҳам чиройли ёзув малакаларини шаклланишида асосий ўрин тутади.

3. Ручкани бармоқлар орасида қаттиқ сиқмасдан эркин ва бўш ушлаш ҳарфларни текис ёзишга имкон яратади.

4. Босимсиз ёзиш ҳарфларнинг умумий кўриниши бир текис ва чиройли бўлиши, тез ёзиш малакасининг шаклланиши ва боғлаб ёзишни тўғри амалга оширишда енгиллик туғдиради.

4. Ўқитувчи доскада ҳарфларни бўр билан ёзиб кўрсатади. Бунда ўқитувчи ҳам бўрни қаттиқ ушламай, босимсиз бир текис ёзиши лозим.

5. Ўқувчиларга босим билан ёзилган матнларни кўчиртирмаслик керак. Босимсиз, бир текис ёзишга дарснинг дастлабки қунлариданоқ одатлантириб бориш кутилган самара беради, ўқувчининг қўлини толиқтирмайди.

6. Ҳарфларнинг туташтирилишини тўғри ифодалаш. Ҳусният дарсларида ҳарфларнинг шаклларини ёзиб тугатганларидан кейин ўқитувчининг навбатдаги вазифаси ҳарфларни бир-бирига улаб, қўшиб ёзишга ўргатишдан иборат.

7. Ҳарфларни элементларга ажратмай, боғлаб ёзиш. Ҳарфларни қўшиб ёзилишини таъминлаш учун айрим чизиқлар ўз ҳаракати бўйича орқага қайтади. Бундай ҳаракатлар чизик доира шаклидаги ҳарфларда кўпроқ кузатилади.

Бошлиғич синф ўқитувчилари билиши зарур бўлган энг асосий ёзув усуллари ҳақида фикр юритамиз. Бу метод ва усуллар қуйидагилардир:

**Чизиқли усул.** Қайсиdir ҳарфни ёзилишини ўрганиш учун ўқувчи бу ҳарф қандай белгиларга эга эканлигини, ҳарфдаги алоҳида элементларнинг жойлашиш ўрнини, унинг катталигини ва ҳоказоларни ўрганиб олиши керак. Ўқувчига ҳарфнинг ёзилишини тўғри ўргатиш учунунинг қатордаги ўрнини тўғри жойлаштириш ва қаторни қофоз варагида жойлашиш ўрнини билиш учун қофозда горизонтал, ётиқ чизиқлар чизилади, шунда дафтарнинг бетида ўзига хос сетка пайдо бўлади. Ўқувчилар унга ҳар бир алоҳида ҳарфни ёзиб борадилар.

Қаторнинг йўналишини кўрсатиб турувчи чизик вакатаклар ҳарфларнинг айрим элементларининг пропорцияларини аниқлаштириб олиш ва ёзувни ўрганиш жараёнини анчагина осонлаштиради. Шунинг учун ҳам ёзувга ўргатишнинг асосий услуби ҳисобланади ва ўқувчи мактабда тўғри ёзиш машғулотларида ундан фойдаланади. Чизиқли услугубнинг ўзига хос ижобий хусусиятларидан ташқари, сетканнинг ичига ёзиш бир қатор камчиликларга эга.

1) тез-тез учраб турадиган катакларда ёзиш болани бир мунча чеклаб қўяди, унинг диққатини бўлади; бир томондан ўқувчи керакли ҳарфни

ёзаётган қўлининг ҳаракатини кузатиб борса, иккинчи томондан эса ҳарфлар чизикдан ташқарига ўтмаслигини кузатиб боради.

2) катаклар орасига ёзишни ўрганган бола аниқ ва тез ёзиш малакаларини эгаллай олмайдилар. Шунинг учун ҳам ўқувчи ҳарфнинг элементларини чизиш асосий пропорцияларнинг асосини ўзлашириб олгандан сўнг, катакларга ёзиш эҳтиёжи йўқолади. Иккинчи синфдаёқ болалар бир чизиқли дафтарга ёзишга ўтадилар.

3) қўл кафтларининг ва панжаларининг эркин ҳаракатланишини ривожлантириш учун лозим бўладиган услублар ёзувга ўргатишда машқ ҳарактерига эга бўлган алоҳида машғулотларсиз иш битмайди. Бу майда мускуллар ва қўлнинг кафт қисми яхши ривожланмаган. Уларда кўрсатгич бармоқ ва айниқса унинг уни яхши ривожланмаган, бунинг натижасида бола кўрсаткич бармоқ билан ручкани қаттиқ босиб ёзадилар. Болалар катта бармоқдан ҳам яхши фойдалана олмайдилар, бунинг натижасида ўз хоҳишлирича ушлайдилар. Шунинг учун ҳам кўрсаткич ва катта бармоқнинг майда мускулларини ривожлантириш лозим.

Тайёргарлик машқларини бажариш билан болалар қўлларини ёзувда керак бўладиган ҳарф элементларини нозик ва аниқ ҳаракатларга тайёрлаб борадилар. Бундай машқларнинг мақсади бармоқлар ҳаракатининг енгил ва эгилувчан бўлишига эришишдир. Улар ўқувчиларга ҳарфларни тўғри ҳуснихатда ёзишга ва уни тез ёзувда ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу услубни биринчи синфнинг биринчи ярим йиллигига ёзувга энди ўргатишга бошлаган даврда қўллаш катта аҳамиятга эга. Масалан, пастга айлана шаклида ёзиладиган штрихни ёзиш учун, бармоқларни айлана ҳаракат қилишга машқ қилдириш лозим. Кейинчалик улар “о” ҳарфини ёзишга ҳам ёрдам беради.

Ёзувда ёки услубда кўрсатиб ўтилган машқларнинг барчасини бирданига бажариш мумкин эмас, балки у ёки бу ҳарф ўргатиш учун дарс жараёнида керак бўладиган, қўл ва бармоқларни тўғри ҳаракатлантиришга ёрдам берадиган услубни олиш керак.

**Генетик усул.** Генетик усул тўғри ёзишга ўргатишнинг асосий услуги ҳисобланади. Савод ўргатиш учун яратилган “Ёзув дафтари” даги ҳарфларни ўрганиш вақтида ҳарфлар осон ёки қийинлигидан қатъий назар кетма-кет ўрганилади.

Генетик усул билан ёзувга ўргатиш ҳозирги кунда савод ўрганиш давридан сўнг тўғри ёзувга ўргатишнинг бутун боришида амалга оширилади. Бу услубнинг афзаллиги шундан иборатки, ўқувчи ёзувдаги

ҳарфни “Алифбе”даги тартибда эмас, балки унинг ёзилишидаги мураккаб томонларига ва ёзувдаги ҳарф аввалги ёзув машқларига мос келиши керак.

Олдинига ўқувчилар оддийроқ ва енгил ҳарфларни ёза бошлайдилар, кейинчалик эса бирмунча мураккаброқ ва охирида қийин машқларни ёзадилар.

Бундай кетма-кетликнинг афзаллик томони шундаки ўқувчи 1-2 та элементни ўзлаштириб олиб шакли жиҳатидан соддароқ бўлган ҳарфга ўтади. Сўнг қандайдир шрифтни ёки алоҳида бир элементни қўшиш орқали янги ҳарфларни, тузилиши жиҳатидан мураккаброқ бўлганни ўрганишга ўтади.

Алоҳида элементни ўрганганидан сўнг алоҳида ҳарфларга эга бўлган ёзувга, ундан кейин сўз ёзишга ўтилади.

Бу қуидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи ҳозир ёзув билан шуғулланишларини айтиб ўтади, ўқувчилар машғулотга керак бўладиган нарсаларни тайёрлаб қўядилар.
2. Ундан кейин ўқитувчи хаттахтадаги ҳарф ёки сўзнинг ёзилиш тартибини тушунтириб беради, ўқувчилар эса ўқитувчининг ёзиш жараёнидаги қўл ҳаракатларини такрорлаб боришлари лозим.

3. Ўқитувчи томонидан сўз ўқувчилар билан ўқиб чиқилади ва ҳавода ёзиш машқлари бир неча бор такрорланади. Бундай тайёргарлик машқларидан сўнг ўқувчилар дафтарга ёзишга ўтиладар.

Ёзиш малакасини эгаллаб боришга ўргатиш мақсадида аввалига содда элементлардан ташкил этилган сўзларни кейин эса мураккаброқ сўзларни ёзишга ўтилади.

**Намунага қараб ёзиш усули.** Ҳуснихатга ўргатиш усулларидан бири ҳарфларнинг шаклини намуна қилиб кўрсатиш ва ёздиришdir.

Ҳар бир ҳарфнинг намунаси хаттахта барча ўқувчиларнинг дикқатини жалб қилган ҳолда ёки айрим ўқувчиларга дафтарда алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Ўқувчининг вазифаси хаттахтада эслаб қолган шаклларини ўз дафтарларига тўғри акс эттиришdir.

Хаттахта ёзib кўрсатилган ҳар бир ҳарф барча ўқувчиларга аниқ кўриниб туриши шарт. Агар айрим ўқувчилар уни аниқ кўрмаган бўлсалар, қайтадан такрорлаб кўрсатилади.

Ўқитувчи ҳар бир ҳарфларнинг боғланиши, оғзаки ёки хаттахта тушунтириш орқали қўлни қаерга қўйиш керак, қаерда қўл ҳаракати бурилади, ҳарфларнинг баланд-пастлиги қайдаражада бўлиши кераклиги орқали тушунтирилади.

**Нусхага қараб күчириш усули.** Бу усул қадимий усул бўлиб хозирги кунда ҳамкимматини йўқотмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Бу усулда ўқувчилар ҳарфларни “Хуснихат дафтари”даги намуналарга қараб күчириб ёзадилар.

Тайёр ҳолдаги нуқталар билан ифодалангандан ҳарфлар устидан қўлни юргизиб машқ қилиш механик жараён бўлиб, ўқувчилар бу топшириқни осон бажарадилар.

“Хуснихат”дарслигига берилган намунага қараб ёздириш ўқитувчининг вақтини тежайди, унумли ишлашга ёрдам беради.

**Нусха кўчириш усули.** Бу метод ҳарф шаклини тўғри тасаввур қила олмайдиган, ёзаётгандан дафтар чизиқларидан пастга ёки юқорига чиқиб кетадиган ўқувчилар учун қўлланилади.

Айрим ҳолларда ўқитувчи чиройли ёзувга ўргатишнинг дастлабки даврида ўқувчиларни ҳарф, унинг элементлари ҳақида тўғри тасаввурга эга қилиш учун юпқа хитой қофозидан ҳам фойдаланиши мумкин. Лекин бундай машқлар қўл ҳаракатини ўстириш учун ёрдам беради. Бундан узоқ фойдаланиш яхши самара бермайди, ўқувчи ҳарф шаклинимустақил ёки намунага қараб ёзишда қийналади. Шунинг учун ҳам бу усулдан якка шуғулланганда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Тасаввур орқали ёзиш усули.** Болаларга тасаввур орқали ҳавода ҳарфлар шаклини ёздириш ҳам қўлланилади. Ўқитувчи доскага эзиб кўрсатган ҳарф ёки унинг боғланишларини ўқувчиларга ручкани ҳавода ҳаракатлантириб кўрсатади ва бу орқали ўқувчида ҳарф ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Сўнг ўқувчи дафтарга ёзишга киришади. Бундай машқ усули ўқувчининг қизиқишини оширади.

Бу усулнинг салбий жиҳати шундаки, ўқитувчи бу усулдан фойдаланганда барча ўқувчиларнинг қўл ҳаракатини тўғри ёки нотўғрилигини бир пайтда текшира олмайди. Бунда бир неча ўқувчининг қўл ҳаракатини кузатиб тегишли кўрсатма берилади.

**Ритмик( саноқ-оҳанг) усули.** Бу усул ўқитувчи саноғи остида ҳарф ва унинг элементларини ёзиш демакдир. Бу усулдан савод ўргатиш даврида фойдаланжш мумкин.

Саноқ-оҳанг усулининг фойдали жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, ҳарфларнинг текис ёзишини таъминлайди. Иккинчидан секин ёзадиган ўқувчиларни тез ва синфдаги барча ўқувчи билан баробар ёзишга ундейди. Учинчидан, ўқувчилар аниқ ва дадил ҳаракатланиш орқали иш бажаради. Тўртинчидан, синфда дарсни жонлантиради.

Бу усулдан бутун дарс давомида фойдаланиб бўлмайди, чунки ўқувчи қарчаб қоладива ёзув сифати бузилади. Ритмик усулни қўллашда асосан, ҳарфларнинг асосий элементи “бир”, “икки”, “уч” деб берилади.

Бу усулни қўллашда ҳарф ёки элементлар аввал саноқсиз ёзилади сўнгра саноқ остида ёздирилади.

Саноқ-оҳанг ёки ритмик усулдан бўғин ва сўз, гапларни ёздиришда ҳам фойдаланилади.

**Ҳарф ва уларнинг элементларини таҳлил қилиш усули.** Ҳарф ва унинг элементларини таҳлил қилиш турлича амалга оширилади. Ҳарфларни элементларга ажратиб таҳлил қилиш ҳар бир ҳарфнинг неча элементдан тузилганлигини, қандай шаклда эканлигини, бу элементлар бошқа ҳарфлар билан боғланишида қандай кўринишга эга бўлишини ўқувчилар тасаввур этадилар.

Айрим ҳарфлар бир неча элементдан ташкил топган бўлиб, улар бир бутун шаклда ёзилади, аммо ўқитувчи унинг неча элементдан иборатлигини эслатиб ўтади. Масалан, кичик d ҳарфининг биринчи элементи тўлиқ овал, иккинчи элементи пасти ҳалқали таёқчадан иборат.

Бу ўринда ҳарфнинг неча элементдан иборат эканлиги эслатиб ўтилади, ёзишда эса бу ҳарфни қўл харакатини узмасдан ёзиш талаб қилинади.

**Қўл харакатини машқ қилдириш усули.** Қўл харакатини машқ қилдириш усули болаларнинг қарчаган аъзоларини дам олишига ва ёзув сифатига катта таъсир этади. Ўқувчилар дарс жараёнида бажариладиган машқлар оддий бўлиб, кам вақт олиши ўқувчининг жисмоний жиҳатдан ўсишига, қўл ва бармоқларнинг чиникишига, қадди-қоматининг тўлиқ, эркин тутилишига ёрдам бериши лозим. Ёзув дарсида 8-10 дақиқа ўтгандан сўнг ўқувчилар бетоқат бўлиб қарчаш аломатлари кўзга ташланади.

Мана шундай ҳолатда ўқувчиларнинг қарчашларига аҳамият бермай кўп ёздириш натижасида ўқувчи толиқади, ҳаракатлари сустлашади, хати хунуклашади, кўп хатога йўл қўяди.

Шу сабабли қарчашнинг олдини олиш учун вақти-вақти билан жисмоний машқлар ўтказиб бориш зарур.

Жисмоний машқ изчил ўтказиб борилса, кейин эса ёзишга киришилса, ўқувчиларнинг иш қобилияти тикланади ва дарсга қизиқиши ортади.

Хуллас, иш фаолияти даврида қўл харакатини машқ қилдирувчи жисмоний машқлардан фойдаланиш чиройли ёзувга ўргатишнинг асосий шартларидан биридир.

## **САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Хуснихатга ўргатишда қайси тамойилларга амал қилинади?
2. Чиройли ёзув имло билан қандай алоқадорликка эга?
- 3.Хуснихатга ўргатишда генетик тамойилнинг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Хуснихатга ўргатишда қандай кўргазмалардан фойдаланилади?
- 6.1-4-синф ўқувчиларини хуснихатга ўргатишда уларнинг қайси ҳолатлари ҳисобга олинади?

### **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

**Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини шакллантиришда фойдаланиладиган назорат ва ижодий топшириқ турлари**

**Машғулот мақсади:** Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини шакллантиришда фойдаланиладиган назорат ва ижодий топшириқ турларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш.

**Диктант** эшишиб идрок қилинган сўз, гап, матнни ёзишдир. Ўқувчиларнинг оғзаки ёзма нутқини ўстиришда, саводхонлигини оширишда диктантнинг аҳамияти катта. Ўқувчи диктант ёзиш жараёнида хато қилмасликка ҳаракат қиласи. Хато қилмаслик уларнинг фонетик, лексик ва грамматик билимларни қай даражада ўзлаштирганликларига боғлиқ бўлади. Имло қоидалари грамматик ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Демак, саводли диктант ёзиш учун ўз навбатида грамматик қоидаларни ҳам билиш зарур.

Бошланғич синфларда диктант учун матн танлашда бир қанча тамойилларга риоя қилиш зарур:

1. Матннинг монологик нутқ шаклида бўлиши. Унда кўчирма гаплар, ундалмали, кириш сўзли, ажратилган бўлакли гаплар, қўшма гап бўлмаслиги лозим.
2. Матн ҳажми 1-4-синф ўқувчиларининг ўқиши сурътига асосланган бўлиши.
3. Матн мазмуни болалар ҳаёти билан боғлиқ бўлиши.
4. Диктант матни ўқувчиларга у ёки бу ҳақда билим бериши.
5. Танланган матн гоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, болалар хиссиётига таъсир қилиши.
6. Матн тарбияловчи характерда бўлиши.

7. Матнда ўрганилаётган ҳодиса камида 5-6 марта учраши.

Диктантлар мақсадига кўра икки хил бўлади:

1. **Таълимий диктантлар** – билим беришга йўналтирилган диктантлар.

2. **Текширув диктантлари** – ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга қаратилган диктантлар.

**Таълимий диктантларни** ўтказиш вақтини, ўрнини, турини ўқитувчининг ўзи белгилайди. Таълимий диктантлар учун дарснинг маълум бир қисми (5-10 дақиқаси), баъзан бир дарс ажратилади. Бу диктант ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Таълимий диктантда ўқитувчи ўқувчиларга ўргатилаётган ҳодисанинг имлосини бир неча таҳлил усулларидан фойдаланиб тушуниради, ўқувчилар сўзларни тўғри ёзишларига ишонч ҳосил қилгач, уни ёзишга рухсат беради. Ҳар қандай йўл билан хатонинг олдини олиш чораси кўрилади. Масалан, 1-синфда **а** ва **о** унлилари ўрганилаётган дарсда бўғинтовуш, товуш-ҳарф таҳлили ўтказилади. **Баҳо, баҳор** сўзларининг биринчи бўғинида **а** ҳарфи ёзилишини ўқувчилар билиб олгач, ўқувчилардан бири шу сўзларни хаттахтага ёзади. Сўнг сўз ўчириб ташланади, шундан кейин айтиб туриб ёздирилади.

Таълимий диктантлар ташкил этиш ва бажарилиш усулига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

1. Таъкидий диктант.
2. Ўз диктант ёки ёддан ёзув диктанти.
3. Изоҳли диктант.
4. Сайланма диктант.
5. Эркин диктант.
6. Расм диктант.
7. Луғат диктант.
8. Ижодий диктант.

Шулардан сайланма, эркин ва ижодий диктантларда матн маълум ўзгаришлар билан ёзилади.

**Текширув диктантида** яқинда ёки илгари ўрганилиб, машқлар билан мустаҳкамланган қоидаларни ўқувчилар қай даражада ўзлаштирганликлари аниқланади. Текширув диктанти бирор бўлим ўрганилгандан сўнг ёки чорак охирида ўтказилади. Текширув диктанти ўқув йили давомида 5-6 марта ўтказилади. Диктантнинг бу турида йўл қўйилган хатолар чуқур таҳлил қилинади, уларни бартараф қилиш усуллари белгиланади. Шу жиҳатдан текширув диктантининг таълимий

аҳамияти катта. Имловий машқ сифатида диктантнинг хилма-хилтурларидан фойдаланилади.

**Таъкидий диктант**дан қоидани татбиқ этиш усулларини яхши билиб олиш мақсадида фойдаланилади. Матнни ёзишдан олдин, уни ёзиш жараёнида, изоҳли ёзувдаги каби, ўқувчилар сўзни қандай ёзишни ва нима учун шундай ёзилишини тушунтирадилар.

**Ўз диктант ёки ёддан ёзувда** ўрганилган имловий қоида асосида ёзиладиган сўзлар бўлган матнни ўқувчилар ўzlари ўқиб ёдлайдилар(кўриб идрок қиладилар) ёки ўқитувчи раҳбарлигида эшитиб ёдлайдилар (идрок қиладилар), кейин ўzlари мустақил ёзадилар.

**Изоҳли диктант** ўқувчиларнинг қобилиятига қараб икки хил ўтказилади. Ўқувчи, одатда, ўқитувчининг кўрсатмаси билан маълум сўзнинг ёзилишини диктант ёзишдан олдин ёки кейин изоҳлайди. Сўзнинг ёзилишини бўғин-товуш, товуш-ҳарф томондан таҳлил қилади, унга қоидани татбиқ этади. Масалан, ““Китоб – билим манбаи” – Китоб: Ки-тоб. Икки бўғин. Биринчи бўғинида **к, и**; иккинчи бўғинида **т, о, б** товушлари бор. Охирги **б** товуши **п** товуши тарзида талаффуз қилинади. Унда **б** ёки **п** товушини ифодаловчи ҳарфнинг ёзилишини текшириб аниқлаймиз. Бунинг учун сўз охирига **и** товушини қўшамиз ва айтамиз: **китоби. Б** товуши ёзилар экан” каби изоҳланади.

Бу диктантда ўқувчилар қоидаларга оид сўзларнинг тагига чизадилар.

**Сайланма диктантда** ўқувчилар диктовка қилинган гаплар ёки матннинг ҳаммасини ёзмайдилар. Унинг ўқитувчининг топшириғига мос қисминигина (ўрганилган қоида асосида ёзиладиган сўзларни, сўз бирикмаларини) ёзадилар. Масалан, бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларнигина ёзиш (1-синф), қаратқич келишигидаги сўзни у боғланган от билан ёки тушум келишигидаги сўзни у боғланган феъл билан бирга ёзиш (4-синф) каби. Сайланма диктант ўқувчиларда имловий зийракликни ўстиради.

**Эркин диктантда** ўқувчиларга мазмунни бузмай, гап тузилишини ўзгартириш, бир сўзни унга яқин маъноли сўз билан алмаштириш эркинлиги берилади. Диктант учун 3-5 қисмли матн танланади. Ўқитувчи аввал матнни бир марта ифодали ўқиб беради, сўнгра матн мазмунни юзасидан сухбат ўтказади. Айрим қоидаларни эслатади. Кейин матннинг бир қисми қайта ўқиб берилади, ўқувчилар унинг мазмунини ёзадилар.

Эркин диктант имло қоидаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга, ўқувчилар нутқини ўстиради, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

**Расм диктант** предмет расмини ёки ўзини кўрсатиб ўтказилади: предмет расми кўрсатилади, ўқувчилар унинг номини айтадилар ва ёзиб вергул қўядилар, иш шундай давом этади (Биринчи сўз бош ҳарф билан, қолганлари қоидага кўра ёзилиши эслатилади). Расм диктантда ўрганилган қоидани, айниқса, ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзларни тўғри ёзишни пухталаш, шунингдек, уларни ўқувчилар қандай ўзлаштирганликларини синаш мақсади кўзда тутилади.

Ўқитувчи дарснинг мақсади ва малакани шакллантириш устида ишлаш босқичини ҳисобга олган ҳолда, диктантнинг барча турларидан изчиллик билан фойдаланади.

Баён ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, боғланишли нутқини ўстиришга қаратилган орфографик машқ турларидан бири ҳисобланади. Баён орфографик мавзуларни ўрганишнинг якунловчи босқичида, ўқувчилар қоидаларни билиб олиб, уни татбиқ қилишга ўрганганларидан сўнг ўтказилади. Баён ёзганда ўрганилган имло қоидаларини тўғри татбиқ этиш уларнинг онгли ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

**Ижодий машқлар.** Ижодий машқларда ўқувчилар ўзлари эркин равища гап тузадилар. Бошланғич синфларда ижодий машқларнинг қуидаги турларидан фойдаланилади:

1. Гап тузиш учун мавзу берилади, ўқувчилар шу мавзуга мос гап тузадилар: «*Қуёшли кунда*», «*Бизнинг уй*» ёки «*Қуён ва типратикан*» каби.
2. Нарса расми ёки сюжетли расм берилади, ўқувчилар расм асосида бир ёки бир неча гап тузадилар.
3. Икки-учта «таянч» сўз берилади, ўқувчилар шу сўзларни қатнаштириб гап тузадилар. Таянч сўз сифатида болаларнинг фаол луғатига айлантириш зарур бўлган сўзлар олинади.



### **Амалий машғулот топшириқлари**

1. Ўқувчиларга имло ва тиниш белгилариға доир қоидаларни ўргатишда ҳамда бу қоидалар юзасидан ҳосил қилинган малакани текширишда, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда, саводхонлигини оширишда диктантнинг аҳамияти қайдаражада?
2. Таълимий ва текширув диктантининг фарқли томонларини Венн диаграммаси асосида баён қилинг.
3. Диктант айтиш техникасига риоя қилған ҳолда намунадаги матнни ўқиб бериш.
4. Таянч сўзлар асосида ижодий матн ва дидактик материал яратиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Бошланғич синф она тили дарсларида ташкил этиладиган назорат ва ижодий топшириқлар.
2. Таълимий ва текширув диктантининг фарқли томонлари. Таълимий диктантнинг таркибий тузилиши.
3. Диктант айтиш техникаси ва ўқитувчининг нутқи. Диктант, баён, иншоларни текшириш ва таҳлил қилиш.
4. Ижодий топшириқлар ва уларни ташкил этиш методикаси. Ўқувчиларни ижодий матн яратишга ўргатиш орқали уларнинг боғланишли нутқини ўстириш.

**КҮЧМА МАШҒУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**(*2 соат кўчма машғулот*)

**Мавзу:** **Она тили дарсларида билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий усуллари**

**Машғулот мақсади:** Бошланғич синфларда она тили дарсларини илмий-методик ёндашув ташкил этиш бўйича кузатиш ва таҳлил қилиш.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Бошланғич таълимнинг тажрибали ўқитувчиларининг она тили фани дарс машғулотларини: кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. Она тили дарсларида билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий усуллари бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот “Она тили фанини ўқитиш методикаси” фани доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан имконияти мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилади.

Кўчма машғулот гурух журналга қайд етилиб мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

### **Машғулот мазмуни:**

#### **Режа**

1. Бошланғич синфларда она тили дарсларининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

2. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш.

3. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш.

**Таянч тушунчалар:** дарс, дарс тури, мақсад, янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси.

**Дарснинг умумий таснифи.** Мактабда дарс ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Дарс таълим-тарбияни амалга оширишнинг энг қулай ва энг зарур омилидир.

Дарсга қўйиладиган умумий талаблар қўйидагилар:

**1. Таълимий талаоб.** Ҳар бир дарс ўқувчига қандайдир билим бериши лозим. Ҳар бир дарснинг асосий мақсади ҳам шу.

**2. Тарбиявий талаоб.** Бу ҳар жиҳатдан комил шахсни тарбиялаш демакдир.

**3. Дидактик талаблар.** Бу ўқитувчига дарсни тўғри ташкил қилиш: дарс мақсадларини, турини тўғри белгилаш, дарсдаги у ёки бу материални ўқувчиларга етказиб бериш услугуб ва усулларини тўғри танлаш, ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш шакллари аниқлаб олиш демакдир.

**4. Психологик талаблар.** Бу талаб шуни назарда тутадики, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг характер-хусусиятини қанчалик даражада яхши билиши жудда катта аҳамиятга эга. Ўз ўқувчиларининг психологик хусусиятларини яхши билган ўқитувчигина тўлақонли дарс уюштириши мумкин.

**5. Гигиеник талаблар.** Бу ўқувчилар саломатлиги ҳақида қайғуриш демакдир. Синфда ёруғлик, тоза ҳаво ҳар доим етарли бўлиши лозим.

Бошқа фанлар каби, она тили ўқитишнинг самаралилиги дарснинг сифатига бевосита боғлиқдир.

**Она тили дарсларининг турлари ва қурилиши.** Дарс турлари унинг дидактик мақсадига кўра белгиланади, чунончи: **янги материални ўрганиши дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси** ва бошқ. Ҳар бир дарс тури муайян қурилиши билан бошқасидан фарқланади. Дарснинг дидактик мақсади, тури ва қурилиши ўргасида маълум боғланиш мавжуд. Муайян бир дарснинг дидактик мақсади ўрганиладиган мавзуга ва бу дарснинг дарслар тизимида тутган ўрнига қараб белгиланади. Ўқитувчи дастурда мавзуга ажратилган соатлар сонини ва ўрганиладиган материалнинг хусусисиятларини ҳисобга олган ҳолда, дарс турини танлаб, қурилишини белгилайди.

Дарсга қўйилган умумдидатик талаблар педагогик адабиётларда кенг ёритилган. Уларни она тили ўргатишга татбиқ қилиб, методик аниқликлар киритилса, она тили дарсларига қўйилган талаблар қўйидагича бўлади:

**1. Янги билим бериш, уларни нутқ амалиётига татбиқ этиш ва ўқувчиларни тарбиялаш бир бутун жараёндир.** Дарсда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишга, фойдаланиладиган тил материалининг ғоявий-сиёсий, эстетик ва бадиий қимматли бўлишига, тилни ўрганиш жараёнида болаларда дунёқараш элементларини шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ижодий изланиш муҳити яратилган дарслардагина зарур ахлоқий сифатлар тарбияланади.

Она тили дарсларида ўзбек тилига муҳаббат ва сўзга эҳтиётлик билан муносабатни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун матн пухта танланади. Тилни ўрганиш жараёнида лексик-услубий ишларга ката

ўрин берилади. Дарсда шеър, соддалаштирилган матнлар билан бирга, юксак бадиий матнлардан ҳам фойдаланилади.

Она тили ўқитиши жараёни ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантиришга қаратиласиди. Она тили дарслари ҳар бир киши учун зарур бўлган саранжом-саришталик, мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳам тарбиялайди.

**2. Дарснинг аниқлиги ва ички мантиқийлиги, унинг мақсадга йўналтирилганлиги жуда муҳим.** Янги материал ўргатиладиган дарснинг мазмуни ва мантиқи ўрганиладиган тил ҳодисаси ҳамда унинг лингвистик моҳиятининг бир-бирига таъсир қилишига маълум даражада сабаб бўлади. Ўқитувчи бу ўзаро боғланишни билиши ва уни ўқувчилар билан бирга топшириқларни бажариш давомида аста оча бориши муҳимдир.

Агар дарс грамматик билимларни мустаҳкамлаш, орфографик кўникмаларни шакллантириш мақсадини ўз олдига қўйса, дарснинг мантиқий шартлари аста мураккаблаштириб борилган машқлар тизимини акс эттиради. Болалар бирор имло қоидасини яхшилаб билиб, ўрганиб олишлари учун бир-икки машқ жамоавий равишда бажарилади. Ўқувчилар мустақиллиги ошгач, машқни мустақил ишлайдилар. Дарсда бажарилган машқлар ўртасидаги боғланишни шакллантирадиган кўникманинг хусусияти ҳам сабаб бўлади. Ўқув материалининг мавзуга ва дарснинг мақсадига мос бўлиши унинг мақсадга йўналтирилишини таъминлади. Дарсда фойдаланиладиган барча ўқув материаллари (шу жумладан, тил далилларини кузатиш, имло ва нутққа оид машқларнн бажариш учун танланадигаи материаллар ҳам) дарснинг мақсадига жуда мос бўлиши зарур.

**3. Она тили дарси, аввало, ўқувчилар нутқ ва тафаккурини ўстириш дарсидир.** Она тили дарслари ижтимоий-фойдали бўлиши учун ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, изчил ифодалаш ва бошқалар фикрини бера олиш кўникмасини шакллантиришга қаратилиши лозим. Она тили дарсларида нутқ ўстириш кўрсатмаси грамматик материални ўргатишда ўқувчиларнинг тилимиздаги ҳар бир сўз туркуми ёки сўз қисмининг ролини билиб олишларига эриштирадиган методик усулларни қўллашни талаб этади, яъни грамматик назария грамматик тўғри ва аниқ нутқ малакаларини шакллантиришга, англаб, тушуниб ёзиш малакаларини ўстиришга амалда татбиқ этиш учун ўргатиласиди. Дарсда болалар нутқини ўстириш дарснинг мазмунида ва қўлланнилган вазифалар турларида ўз аксини топади.

Грамматик, сўз ясалишига оид, имловий материалларни ўрганишни нутқ ўстириш билан боғлаш ўқувчилар ақлий фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Болалар нутқини ўстириш жараёни уларнинг тафаккурини ўстириш билан боғлиқ.

Она тили дарси ўқувчилар таффакурини ўстириш устида ишлаш мақсадига йўналтирилганлигига қараб баҳоланади. Бунда муайян грамматик ва имловий материални ўрганиш жараёнида шу материални яхшироқ ўзлаштиришни тамиnlайдиган, ақлий фаолиятни талаб қиласиган машқларни ўтказиш тушунилади. Масалан, “Асосдош сўзлар” тушунчасини шакллантириш учун сўзларнинг лексик маноси ва морфемик таркибини такқослашни (уларнинг маъноларида умумийликни ва уларда бир хил асоснинг мавжудлигини) билиш лозим. Ўқувчилар тафаккурини ўстириш учун ўқитувчи дарсга тайёрланганда, вазифа турларини танлайди, дарснинг материалини ва уни ўзлаштиришда ўқувчилар бажарадиган ақлий фаолият машқларини ҳам белгилаб олади.

Ўқувчиларга бериладиган назарий билим тилдан онгли фойдаланиш имконини беради. Назарияга аҳамият бериш, элементар тарзда бўлса ҳам, ўқувчиларнинг тил ҳодисалари ўртасидаги боғланишни билиб олишига эътибор бериш демакдир. Бошлангич синф ўқувчилари бундай боғланишни билсалар, *нима учун шундай?* сўроғига жавоб топа оладилар. Масалан, “Нима учун дафтар сўзи келишик ва эгалик қўшимчалари билан турланади, ўқидик сўзи эса шахс-сон қўшимчалари билан тусланади?”.

Она тили дарсларининг фойдали бўлишига дарсда оғзаки ва ёзма ишларни мақсадга мувофиқ ўтказиш, ўқувчиларнинг ўқув ишларини текшириб, назорат қилиб бориш, ўз вақтида хатоларнинг олдини олиш ва тўғрилаш, техника воситаларидан фойдаланиш каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

## **ЎҚИШ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**1-маъруза: Бошланғич таълим ўқиши фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали методик қўлланмалар таҳлили.**

**Режа:**

1. Ўқиши фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, 1-4-синф “Ўқиши китоби” дарсликлари таҳлили.

2. Ўқиши дарсларини ташкил этишда мультимедиа иловали методик қўлланмалардан фойдаланиш. Мультимедиаларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш.

3. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқиши дарсларининг роли. Ўқувчиларда ўқиши малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ўқув дастури, дарслик, мультимедиа, методик қўлланма, билим, кўникма, малака, компетенция.

### **1.1. Ўқиши фанидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, 1-4-синф “Ўқиши китоби” дарсликлари таҳлили.**

Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларда ўқиши фани ўқувчиларни онгли, тўғри ва ифодали ўқишга ўргатиш билан бирга уларда китобхонлик ва нутқ маданиятини ҳамда мустақил фикрлаш қобилияти шакллантиради. Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қиласди.

Бошланғич синфларида ўқиши фанини ўқитишининг асосий мақсади:

миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқитиши орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг маънавиятини, дунёқарашини кенгайтириб, мустаҳкамлаб боришдан иборат.

Ўқиши (1-4-синф) фанини ўқитишининг асосий вазифаси:

ўқувчиларнинг оғзаки нутқи адабий тил меъёрлари асосида шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш, нуткий компетенцияни ўстириш;

ёзма нутқда юксак саводхонлик, адабий тил меъёрларига риоя этиш, услугий ранг-барангликдан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда дастлаб таниш, кейин нотаниш матн ифодали ўқитилиб, ўқувчидағи кўникма, малака аниқланади. Шунингдек, миқдорий кўрсаткич – ўқиш тезлиги, онгли ва равон ўқиш, бир дақиқада нечта сўз ўқий олиши ҳам белгиланади.

Боланинг матн мазмунини тўлиқ ўқиб олиши, қайта ҳикоялаши, шунингдек, ўзгалар нутқини эшитиб, тушуниб олиши мақсад қилинади.

Мазкур дастурдан ўрин олган ватан мавзусидаги асарлар ўқувчиларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти ва халқимизнинг бунёдкорлик йўлидаги олиб бораётган ишлари билан таништиришга ёрдам беради.

1-синфнинг ўқув йили охирида болалар Ватан ва унинг табиати, инсоний қадриятлари ҳақида кичик-кичик асарларни ўқийдилар.

2-синфда шакл ва мазмун жиҳатдан унча муракқаб бўлмаган Ватан, она табиат, истиқлол, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати, ахлоқий муносабатлар ҳақидаги асарлар билан танишадилар.

3- ва 4-синфлар ўқиш дастурида мавзуулар кўлами анча кенгаяди.

Бу синфларда ўқиш дарсларининг каттагина қисми асарни ўқиш ва матн устида ишлашга қаратилади.

Дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширадиган, тасаввурларини бойитадиган усуллардан фойдаланиш, асарларни жанр мазмунидан келиб чиқиб, ролларга бўлиб ўқиш, қаҳрамонлар номидан қайта ҳикоя қилиш, қаҳрамоннинг тақдири ҳақидаги ҳикояни давом эттириш, қизиқарли мавзууларда оғзаки ҳикоя туздириш каби ижобий топшириқлардан фойдаланиш каби ишлар амалга оширилади.

**Синфдан ташқари ўқии** дарслари билан боғлаб олиб борилади. Синфдан ташқари ўқиш мазмунига кўра таълимнинг ҳар бир босқичида икки асосий бўлимга ажратилади:

Биринчи босқичда ўқиш доираси, яъни ўқитиладиган китоблар ва уларни қайси тартибда ўқиш билан таништириш юзасидан ўқувчиларга кўрсатма берилади.

Иккинчи босқичда шу ўқув материаллар асосида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Ўқувчилар китоб ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги билимларни бевосита амалий фаолиятлари, яъни китоб устида

ишлиш жараёнида эгаллайдилар. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида аввал мавзуга оид бир неча китоб билан танишса, кейинроқ болалар ёзувчиларнинг асарлари билан танишадилар, сўнгра болаларнинг қизиқишиларига мос, руҳиятларига яқин ҳар хил муаллифларнинг бир мавзуга доир китобларини мустақил танлаб олишга ўтадилар.

Ўқувчилар миллий ва жаҳон адабиётларини ўқиб, таҳлил қилиш асосида эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги хилма-хил талқинларга дуч келишади. Уларга онгли муносабат билдириш ҳамда ўзларидаги ахлоқий-маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига замин яратади. Мутолаа ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқлари ривожланади. Боланинг матн мазмунини тўлиқ ўқиб олиши қайта ҳикоялаши, шунингдек, ўзгалар нутқини эшитиб, тушуниб олиши малакалари ҳосил қилинади.

1-4-синфларда “Конституция алифбоси”, “Динлар тарихидан умумий тушунчалар”, “Иқтисод ва солиқ алифбоси”, “Саломатлик дарслари”, “Тежамкорлик сабоқлари” каби фанларнинг содда элементлари ўқиш фани мазмунига, яъни мавзулар кесимида сингдириб ўқитилиши кўзда тутилган. Шунинг учун амалий-тажриба ва синов машқларида кундалик фаолиятда шахсий, оиласиий ва иқтисодий вазиятларга, жумладан, тежамкорликка, меҳнатни енгиллаштириш ва самарадорлигини оширишга, савдо-сотиқ билан боғлиқ ҳамда содда алгоритмларни кундалик вазиятларда қўллай олишга боғлиқ бўлган масалалар ечилиши лозим. Дастурда фанни чуқурлаштирилиб ўқитиладиган 2-3-4-синфлар (A1+) учун мавзуларга ажратилган соатлар ва компетенция элементлари алоҳида кўрсатилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида таянч ва фанга оид адабий-нутқий ва бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларнинг шакллантирилиши ҳам белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишилари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда ўқиш фанидан куйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

### **Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:**

#### **Ахборот билан ишлиш компентенцияси:**

турли ахборот манбаларидан ўзига керакли маълумотларни топа олиш.

#### **Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:**

кун тартибига риоя қилиш;

ўзлаштирган билимларини бойита олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:**

ўзининг ўқувчилик бурч ва вазифаларини билиш, унга риоя қилиш; мактабда, оиласда бўлаётган жараёнларда иштирок этиш; одобли бўлиш, катталарни ҳурмат қилиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенцияси:**

миллий байрамлар ва урф-одатларни тушуна олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:**

турли содда жадвал кўринишдаги маълумотларни ўқий олиш.

**Фанга оид компетенциялар:**

**Адабий-нутқий компетенциялар** (*тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиши, ўқииш, фикрни ёзма баён қилиши*).

**A1**

ихчам матн асосида яратилган аудиоматн, видеотасвирларни тинглаб тушуна олади;

эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, халқ кўшиқлари, ҳикоя, шеърларни ўқиб тушунади ва мазмунини қайта сўзлаб бера олади;

ёзма ва босма ҳарфларни, улар ифодалайдиган товушларни тўғри талаффуз эта олади;

матнни гап оҳангига риоя қилган ҳолда аниқ, равон ўқий олади;

бир дақиқада 50 — 55 сўзни ўқий олади;

монологик ва диалогик нутқда ўз фикрини аниқ ифодалай олади;

ўрганилган мавзулар доирасида 5-6 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олади;

мактаб кутубхонасидан фойдалана олади;

кичик ҳажмдаги 8 — 10 та шеърни ёддан айтиб бера олади.

**A1+**

бир дақиқада 55 — 60 сўзни ўқий олади;

асар қаҳрамонлари, табиат тасвири ҳақида 7-8 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олади;

кичик ҳажмдаги 10 — 12 та шеърни ёддан айтиб бера олади.

**Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси**

**A1**

матндаги сўз ва гапларнинг маъноларини тушуна олади;

асар мазмунидан таъсирлана олади;

халқ оғзаки ижоди намуналарини (эртак, топишмоқ, мақол, масал, тез айтишни) фарқлай олади;

ўрганилган асарларнинг номи, муаллифи, мазмуни ва қаҳрамонларини ажрата олади;

асар қаҳрамонларига муносабат билдира олади;

ўқилган асар мазмунига доир савол ва топшириқларга жавоб беради.

### A1+

мустақил ўқиши учун тавсия этилган асарларда тасвирланган воқеа-ходисалар мазмунини тушуниб, қайта ҳикоя қила олади, асар қаҳрамонларига муносабат билдира олади.

#### **Ўқиши фани ўқув дастури структурасининг қисқа аннотацияси**

Ўқиши фани 1-4-синфларда жами 608 соат ҳажмда ўқитилиб, ҳафтасига 18 соат, шундан 1-синфда 4 соатдан (жами – 68 соат), 2-синфда 4 соатдан (жами – 136 соат), 3-синфда 5 соатдан (жами – 170 соат), 4-синфда 5 соатдан (жами – 170 соат) ўқитилади.

Ўқиши фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган мактабларнинг 2-3-4-синфларида эса 680 соат, ҳафтасига 20 соат, шундан 2-синфда 6 соатдан (жами – 204 соат), 3-синфда 7 соатдан (жами – 238 соат), 4-синфда 7 соат дан (жами – 238 соат) ўқитилади.

Ўқув дастурида “Уқтириш хати” келтирилган бўлиб, унда Ўқиши фанининг ўқитишнинг аҳамияти ва унга замонавий ёндашувлар, фани ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқув дастуридаги мавзуларнинг мазмуни ёритилган.

1-4-синфларда “Конституция алифбоси”, “Динлар тарихидан умумий тушунчалар”, “Иқтисод ва солик алифбоси”, “Саломатлик дарслари”, “Тежамкорлик сабоқлари” каби фанларнинг содда элементлари Ўқиши фани мазмунига, яъни мавзулар кесимида сингдириб ўқитилиши кўзда тутилган.

“Конституция алифбоси” 2-3-4-синфларда 10 соатдан,

“Динлар тарихидан умумий тушунчалар” 2-3-4-синфлардаги “Отанани рози қилиш”, “Илм, тозалик” ҳақидаги мавзуларда ёритилган.

“Иқтисод ва солик алифбоси” 1-4 синфларда 10 соатни ташкил этади.

“Саломатлик дарслари” 1-синфда «Наврўз – табиат тантанаси»

2-синфда «Навоийнинг дўсти», «Ёрдам берди» 4-синфда «Нурхон билан Бурҳон» каби мавзулар кесимида сингдириб ўқитилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, дастурда фанни чуқурлаштирилиб ўқитиладиган 2-3-4-синфлар учун мавзуларга ажратилган соатлар алоҳида кўрсатилган.

Ўқиши фани Давлат таълим стандартида умумий кўринишда берилган таянч комптенциялар А1 ва А1+ даражага ажратиб берилди. Ҳар бир синфнинг бошида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган шу синфга хос таянч комптенция элементлари берилди.

Ҳар бир синфда ўрганиладиган бўлим ва мавзулар номлари ҳамда уларга ажратилган соатлар кўрсатилди. Бунда ҳар бир бўлим мазмуни ва фанга оид комптенциялар элементлари очиб берилди.

Ўқиши фанининг хусусиятидан келиб чиқиб ўқувчиларда фанга оид комптенциялар элементларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида назорат иши ҳамда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, такрорлаш соатлари ажратилди.

А1 ва А1+ (1-4-синф) якунида ўқувчиларда шаклланган таянч ҳамда фанга оид комптенциялар элементлари келтирилди.

Истиқлол туфайли халқимиз янги тарихий даврга қадам қўйди. Бу – албатта, таълим тизимиға, жумладан, бошланғич синф ўқиши дарсларининг мақсад ва вазифалариға янгича ёндашишни тақозо этади. Халқ таълими вазирлигининг «Янги дарсликлар авлодини яратиш тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, бошланғич синфлар учун янги «Ўқиши китоби» дарсликлари нашр қилинди. Ушбу дарсликлар олдига бир қатор талаблар қўйилди. Мазкур талаблардан бири, унда берилган савол-тотшириқлар ўқувчини фаол ишлашга, шунингдек, мустақил ва ижодий фикр юритишга ўргатадиган шаклда тузилмоғи зарур.

Маълумки, дарслик юқори илмий ва услубий савияда ёзилган, ўқув дастурига мос асосий китобидир. Мактаб дарсликлари орқали ўқувчиларга билим бериш билан бирга, уларнинг ўқув-билив кўнирма ва малакалари ҳам шакллантирилади, дунёқарашлари ва фикрлаш доираси кенгайтирилади. Бу борада «Ўқиши китоби» дарсликлари олдига илмий-методик ва бадиият нуқтаи назаридан алоҳида талаблар қўйилган.

«Ўқиши китоби»ни яратишида изчиллик ва узвийликка қатъий риоя қилиниши, танланган бадиий асарларнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мос келиши, бадиий юксаклиги, муайян мақсадни кўзда тутиши, асарларнинг жанрий ранг-баранглиги каби илмий-методик ҳамда инсонпарварлик хислатларини тарбиялашга қаратилиши билан боғлиқ талаблар мазкур дарсликларнинг ҳаётий мезони дейиш мумкин.

Шундай экан, бошланғич синф «Ўқиши китоби» дарсликлари ҳам белгиланган талабларга мувоғиқ бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, биз «Ўқиши китоби» дарсликларидаги савол-тотшириқларни ўқувчиларни

изланишга ўргатиш жиҳатдан қуидаги гурӯхларга бўлишни лозим топдик:

1. Қайта хотирлаш типидаги савол-топшириқлар.
2. Қисман изланувчанлик типидаги савол-топшириқлар.
3. Ижодий типдаги савол-топшириқлар.
4. Адабий тушунчаларни англаш типидаги савол-топшириқлар.

1-синф «Ўқишикитоби»ни таҳлил қилиб, дарсликка киритилган савол-топшириқлар, асосан, қайта хотирлаш типига мансублигининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, биринчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари фақат асар воқеаларини қайта эсга олиш асосида саволларга жавоб беришни талаб этади.

2-синф «Ўқишикитоби»даги савол-топшириқлар эса асосан қайта хотирлаш ва қисман изланувчанлик типига мансуб. Масалан, қайта хотирлаш типидаги савол-топшириқларга ватан мавзусида ўрганиладиган асарлардан сўнг «Ватанимиз қандай ном билан аталади?, Ўзбекистонда қандай шаҳарлар бор экан?, Тошкент қандай шаҳар?, Нима учун Тошкентни тинчлик ва дўстлик шаҳри деймиз?, Каптар қафасдан қутулиб қайси томонга учди?, Кишилар нима қилмоқчи бўлдилар?, Ўқитувчи нималар ва кимлар ҳақида гапириб берди?» каби, қисман изланувчанлик типидаги савол-топшириқларга «Қайси бекатларнинг номини биласиз? Ҳикоят қандай якунланган? Ватанимиз озодлиги учун курашган инсонлардан яна кимларни биласиз? Шеърда Амир Темурнинг қандай хислатлари ифодаланган? Улугбекнинг қандай фазилатлари бўлган?» каби савол-топшириқларни киритиш мумкин. Лекин мазкур мавзуга оид шеърлардан сўнг фақат шеърни ёд олиш топшириғи берилган. Бизнингча, бу ерда шеър матнини таҳлил қилишга ёрдам берувчи савол-топшириқлар ҳам тавсия қилиниши керак эди.

3-синф «Ўқишикитоби» дарслигига савол-топшириқларнинг қуидаги типларини кузатиш мумкин. Жумладан, ватан мавзусига оид матнлардан сўнг берилган «Гербдаги рамз ва тимсоллардан нималарни билиб олдингиз? «Герб» сўзи ниманинг белгисини англатади? Бобомиз Амир Темур давлати байроғи қайси рангда эди? Донолар нега кенгаш қилишди? Адолат қандай қарор топди? Тошкентга қайси иншоотлар зеб бериб турибди? Олим – фаришталарнинг истаги нималардан иборат эди? Нима учун оқил киши ҳаммани донишманднинг ҳузурига боришга маслаҳат берди? Донишманд қайси фариштанинг фикрини маъқуллади? Рустам ака тўғон ҳақида болаларга нималарни сўзлаб берди? Болалар қайси балиқларни катер тагига жойлашди?» каби савол-топшириқлар қайта

хотирлаш типига мансуб бўлса, «Матнадаги зиёда сўзи ўрнида яна қандай сўз ишлатиш мумкин?, Нима учун Тошкент дўстлик шахри деб аталади?, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда сизнинг вазифангиз нимадан иборат?, Сиз ўз тилингизни севасизми?, Нима учун?, Ўқитувчи она тилимизнинг бойлигини нега боғ билан қиёслайди?» каби ижодий типдаги баъзи савол-топшириқлар ҳам кўзга ташланади.

4-синф «Ўқишиш китоби»да қайта хотирлаш типига оид савол-топшириқлар бирмунча камроқ киритилган. Улар қуйидагича: «Деҳқонбобо поездда кимларни учратди? Болалар унга нималар ҳақида гапириб беришди? Илм ақлни пешлаши ҳақида шеърда нима дейилган? Самад қишлоғининг харитасида нималарни тасвирлади? Болалар нима устида тортишиб қолишли?» каби.

Қисман изланувчанлик типидаги савол-топшириқлар «Мустақиллик қайтариб берган алломалардан кимларни биласиз?, Шеърдаги «серкуёш ўлка» иборасини қандай сўзлар билан алмаштириш мумкин?, Шеърдан ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ҳақидаги ўринларни топинг. Матндан Деҳқонбобонинг Ватан ҳақида айтган гапларини топиб ўқинг» тарзида берилган.

Ижодий типдаги савол-топшириқларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, «Ота-оналарни эъзозлашнинг сабаби нимада? «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деганда хаёлингизга нималар келади? Ватан деганда хаёлингизга нималар келади? Қандай кишиларни мард деса бўлади?» сингари.

Адабий тушунчаларни англаш типидаги савол-топшириқлар мазкур бўйлимда берилмаган. Юқорида қайд қилинган таснифга кўра, 1-синф «Ўқишиш китоби»да матнлардан сўнг асосан қайта хотирлаш типидаги саволлар берилгани аниқланди. Фақатгина бўлим юзасидан ўтказиладиган такрорлаш дарслари учун савол-топшириқлар тавсия қилинган.

2-синфда қайта хотирлаш типидаги савол-топшириқлар 68 фоизни, қисман изланувчанлик типидагилари 22 фоизни, ижодий типдаги савол-топшириқлар 10 фоизни ташкил этади.

3-синфда тавсия қилинган савол-топшириқларнинг 60 фоизи 1-, 22 фоизи 2-, 12 фоизи 3-, 6 фоизи 4-тирга мансублиги аниқланди.

4-синфда қайта хотирлаш типидаги савол-топшириқлар 40 фоизни, қисман изланувчанлик типидаги савол-топшириқлар 20 фоизни, ижодий типдаги савол-топшириқлар 28 фоизни, адабий тушунчаларни англаш билан боғлиқ савол-топшириқлар 12 фоизни ташкил қиласди.

Таҳлилдан кўринадики, бошланғич синф «Ўқиш китоби» дарсликларида ўқувчини мустақил ишлаш, фикрлашга ундовчи ижодий характердаги савол-топшириқлар ниҳоятда оз микдорни ташкил этади. Ҳозирги кунда «Ўқиш китоби» дарсликларида савол-топшириқларнинг деярли 70-75 фоизи билимларни қайта хотирлаш ва қисман изланишни талаб этадиган савол-топшириқлардир. Дарсликларга шу хилдаги савол-топшириқларнинг кўплаб берилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ҳамда фаоллигига салбий таъсир кўрсатади.

**1.2. Ўқиш дарсларини ташкил этишда мультимедиа иловали методик қўлланмалардан фойдаланиш. Мультимедиаларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, улардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиш.**

Комил инсонни вояга етказишда бошланғич таълим шубҳасиз мустаҳкам пойдевор ролини ўтайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, баҳтли бўлишлари шарт!” -деган сўзларига асосан мустақиллик йилларида таълимни тубдан ислоҳ қилиш борасида бениҳоя кўламли ишлар амалга оширилди.

2014-йил 19-февраль куни тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ПҚ-2133 сонли “Соғлом бола йили давлат дастури тўғрисида”ги қарорида бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича кўпгина вазифалар белгилаб берилган. Бошланғич таълим бўйича Янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти ҳам мустақиллик давридаги тажрибалар натижаси сифатида майдонга келди. У бошланғич таълим дарсликлари ва методик қўлланмаларининг янги авлодини яратишда дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Бошланғич таълим стандартида ўқувчиларнинг ўқиш малакаларининг сифатларни ва ижодий фикрлай олишлари, ўз-ўзини назорат қила билишлари, нутқ маданиятини ўзлаштиришлари, ҳусниҳат билан саводли ёзиш кўникмаларини эгаллашлари алоҳида қайд этилган. Бошланғич синфда “Ўқиш” фани ўқувчиларнинг тафаккур қилиш фаолиятларини кенгайтириш, эркин фикрлай олиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда равон баён қила олиш, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўла олиш кўникма ва малакаларга хизмат қиласи.

Мазкур қарорнинг ижроси сифатида 1-3-синф ўқиш фани бўйича мультимедиа электрон иловалар, методик қўлланма яратилди. Бу

қўлланмада илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиладиган дарс ишланмалари, мультимедиа электрон иловалар, дарс жараёнида қўлланиладиган метод ва усуллар, дидактик ўйин технологиилар, мантиқий машқлар ва дарсликдаги муаллифлар ҳақида маълумотлар ўрин олган. Улар ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, хуносалар чиқаришга ундейди.

Методик қўлланмаларда ўқувчиларни тўғри, тез, ифодали тушуниб ўқиши, ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, луғатини янги сўзлар билан бойитиш, сўзлардан нутқида тўғри ва ўринли фойдаланишга ўргатиш мақсад қилиб олинган.

Ҳар бир ўқитувчи 1-3-синф ўқиши фанидан яратилган иловали методик қўлланмалардан таълим сифатини оширишда ўринли ва мақсадли фойдаланиши зарур. Айниқса, ўқиши дарсларида турли жанрдаги асарларнинг матни устида ишлашга ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги мавжуд билимларини янада бойитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун мазкур методик қўлланмалар мазмуни, унда берилган дидактик материаллар, савол-топширикларга илмий ва танқидий ёндашув асосида амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

### **1.3. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқиши дарсларининг роли. Ўқувчиларда ўқиши малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январь куни “**Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида**”ги фармойишни имзоладилар. Фармойишида болалар адабиётининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиши учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ва ўқув жараёнига мутолаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиши масаласига алоҳида ургу берилган.



Болалар адабиёти ўқувчиларни ёшларни имон-эътиқодли кишилар сифатида ва Ватанга мухаббат руҳида тарбиялашда мамлакатимизнинг қудратли қуролидир. Бугунги даврда бу фанга интилиш, қизиқиши, ўрганиш, ўзлаштириш янада ошди. Шундай экан, кичкинтойларга атаб ёзиладиган ҳар қандай бадиий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос бўлиши, улар қалбида чуқур ўй-фикрлар уйғотиши, ёрқин образлар ва юксак ғояларга бой бўлиши, уларни улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантириши зарур. Энг муҳими, мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ёритилиши лозим.

Фақат чинакам бадиий асарларгина болаларга кучли таъсир қўрсатиб, ана шу талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогик ва психологик нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар адабиёти бу вазифани бажаришда аввало, бадиий тилга суянади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, равон, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий «Махбуб-ул қулуб» асарида тилни «кўнгил хазинасининг қулфи<sup>1</sup>», деб таърифлайди, кишиларни қисқа ва

<sup>1</sup> Alisher Navoiy. «Mahbub-ul qulub» asari. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)

мазмунли, чукур мантиқ билан сўзлашга чақиради. Бу талаб, шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам тааллуқлидир.

Болалар ёзувчиси содда, равон, қизиқарли ва мазмундор қилиб ёза билиши керак. Бунинг учун эса у халқ тилини пухта билиши лозим.

Равон тил билан ёзилган бадиий асарлар ёш китобхоннинг нутқига ҳам катта таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади.

Болалар ёзувчиларининг энг яхши китоблари ёш авлодни табиатни севишга, ҳалол яшашга, илм-фан чўққиларини эгаллашга, халқ учун фойдали янги кашфиётлар қилишга ўргатади. Китоб халқимизнинг ўтмиши, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан танишириди, фаҳр туйғуларини ўстиради.

**Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги.** Бу ёшдаги болалар китобхонлиги аввалгисидан бироз фарқ қиласди. Бу фарқ болаларнинг ёши, билими, савияси билан боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болалар, асосан, тарбиячилари, ота-оналари ёрдамида бадиий асарлар билан танишсалар, бошланғич синф ўқувчилари бу ишни мустақил бажарадилар. Мустақиллик уларга ишонч ва завқ-шавқ бағишлиайди.

Бу ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги турли воқеа-ҳодисалар ниҳоятда қизиқтиради. Уларнинг бизни қуршаган олам ҳақидаги саволларига бадиий асарларда муфассал жавоб берилган.

Бу давр болаларига тавсия этиладиган асарларнинг ҳажми аввалгисига нисбатан каттароқ, маъно ва мазмуни мураккаброқ бўлишидан ташқари, ҳарфлари ҳам йирик-йирик бўлиб, расм ва бўёкларга бой бўлиши талаб этилади.

Бу давр болалар китобхонлигига кичкинтой, албатта, бажариши зарур бўлган масъулият бор. Масалан, ота-она, тарбиячи, муаллим топширигини сўзсиз адo этиш, намунали ўқиш, юриш-туришда ўзгаларга ибрат бўлиш, она-Ватанни севиш ва бошқалар.

**Қўшиқлар.** Бола тарбиясида қўшиқнинг роли жуда катта. Қўшиқ лириканинг энг қадимги шаклларидан бири бўлиб, куйлашга мўлжалланган бир неча бандли шеърдан иборатdir. Қўшиқлар куй-оҳанг билан айтилади. Баъзан қўшиқ ўйин билан бирга ижро этилади. Демак, қўшиқ учун шеър ва куй керак. Қўшиқ халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган ва оммалашиб кетган жанрларидан бири ҳисобланади.

**Мақоллар.** Халқ оғзаки ижодида мақоллар етакчи ўринда туради. Халқ яратган ғоят ихчам, чукур ва тугал маъноли гаплар мақол деб юритилади. Мақол халқнинг, бир неча авлодларнинг ақл-у фаросати ҳамда

турмуш тажрибасининг якуни, улар донишмандлигининг маҳсулидир. Мақолларда ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, турмушдаги ҳодисаларга ақл кўзи билан қарайдиган, соф вижданли, олийжаноб меҳнат ахлининг бирор воқеа-ҳодисадан, бирор кишидан ёки бирор ишдан чиқарган хуросаси баён қилинади. Бу хуроса бирор киши учун (кўпроқ болалар учун) йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мақоллар ҳалқнинг ақл-идроқи, ижтимоий-тариҳий тажрибаси, кураши ҳамда меҳнатнинг бадиий ифодаси сифатида яратиб келинмоқда.

**Топишмоқлар.** Қадим-қадим замонларда ҳам ўзбек ҳалқи ўз болаларини кучли, эпчил, ақлли қилиб тарбиялашга катта аҳамият берган. Ўша пайтларда ҳали болаларга таълим-тарбия берадиган иактаблар йўқ эди. Ана шунинг учун ҳам ҳалқ турли ўйинлар ва бошқа воситалар ўйлаб топган. “Бекинмачоқ”, “Чиллак”ка ўхшаш ўйинларда иштирок этувчи болаларда чаққонлик, эпчиллик каби жисмоний ҳислатлар пайдо бўла борган. Хўш, энди болаларнинг зеҳнини чархлаш учун нима қилиш керак эди? Топишмоқ, жумбоқ сингари ақлий ўйинлар ана шу саволга жавоб излаш жараёнида ҳалқ томонидан яратилган. Топишмоқларнинг ҳам ижодкори ҳалқдир.

**Масал.** Кичкинтоя тарбияси жуда муҳим ва ўта масъулиятли ва нозик ишлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун болаларни ўз туйғу ва ўй-хаёллари дунёсига олиб кириш лозим. Бу йўлда ота-онага, буви-бобога, тарбиячига масал жуда қўл келади. Масал бола ахлининг ривожига, қизиқишига бой имкониятлар очиб беради. Кўп масаллар ёрдамида болаларнинг гўдаклик чоғлариданоқ адолатпарварлик, дўстлик, ўртоқлик туйғуларининг шаклланиши, уларнинг табиатга, ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббатларининг ошиши учун кенг йўл очилади. Чунки улар камол топар эканлар масал эшитади. Ҳар бир масалдаги яхши-ёмонни, гуноҳ-савобни билиб, мағзини чақиб, тушуниб ўсадилар. Бу эса, уларнинг келажагида оққўнгил, меҳнаткаш, ота-онага, она-Ватангга, ҳайвонот оламига муҳаббатли бўлишлари учун кўприк воситасини адо этади.

**Тез айтиш.** Боланинг тилини равон, бурро қилишдан ташқари, ақлига-ақл қўшади, онгини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди, ота-онасига, эл-юртига, ўзини қуршаб олган оламга нисбатан меҳр-муҳаббатини оширади. Бошқача ибора билан айтганда, янги авлод ҳар гал ўзидан аввалги авлодлар кашф этган нарсаларни ҳисобга олади, ўзлаштиради. Бу йўл, шубҳасиз, бошқаларига қараганда оқилона, фойдали, порлоқ келажак йўлидир.

Тез айтиш қайта-қайта машқ қилдириш, берилган матнни осонгина дилига, тилига жо қилиб олиш ҳар томонлама фойда сўз ўйини билан ижро этиладиган ҳар бир тез айтиш замирида бир нечта вазифалар ётган бўлади. Шулардан биринчиси қайта-қайта машқ қилиш, тинимсиз такрорлаш натижасида боланинг нутқи ўсади, тили равон бўлади. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб келиб бола тарбиясига боғланади.

**Эртаклар.** Халқ оғзаки поэтик ижодидаги энг бой ва ранг-баранг жанрлардан бири эртаклардир. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртакларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти четлаб ўтилмаган. Ҳатто, турли ёшдаги болалар учун жуда кўп маҳсус эртаклар яратилган.

Эртакнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамиша халқ ҳаёти, кураши, тарихи, руҳий олами, дунёқарashi, урф-одатлари билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидадир. Эртаклар инсоннинг маънавий ва жисмоний кучига ишонч руҳи билан суғорилган бўлиб, ижобий кучлар табиат ва ижтимоий ҳаётда ўзига душман бўлган кучларга қарши курашда доимо ғолиб чиқади. Халқ эртакларида ижтимоий муҳим масалалар одилона ҳал этилади. Эртаклар содда ва тушунарли бўлгани учун ҳар қандай китобхонга тез етиб боради. Ўтмишда яратилган эртакларда халқчиллик кураши ўзининг ҳаққоний бадиий ифодасини топгандир. Халқнинг келажакка бўлган ишончи, адолатнингadolatnинг адолатсизлик устидан ғалабаси, ёруғликнинг зулматни енгиши, озод ва баҳтиёр ҳаётга эришиш ғоялари ёрқин образлар орқали тасвирланган.

Халқ эртаклари ўз хусусиятларига кўра бир неча турга бўлинади: ҳаётий эртаклар, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сехрли-афсонавий эртаклар, ижтимоий-маиший эртаклар.

Халқ эртакларида эл-юртни кўз қорашибидай авайлаб сакловчи ажойиб қаҳрамонлар улуғланади, аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилинади, узоқ масофалар яқин қилинади, кишилар характеристидаги ярамас одатлар, номаъқул иллатлар танқид остига олинади, мардлик, эпчиллик, довюраклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик, сахийлик ғоялари улуғланади.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ёш авлод тарбиясида болалар адабиётининг аҳамияти қандай?
2. Болалар адабиётининг катталар адабиётидан фарқи нимада?
3. Болалар китобхонлигига эришиш учун нималар қилиш керак?
4. Ёш авлод тарбиясида болалар адабиётининг аҳамияти?

**Тавсия этилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**  
**Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари**

1. Қосимова К., Матжонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиши методикаси. –Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
2. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Х. Ҳусниҳат ва уни ўқитиши методикаси. –Т.: ТДПУ, 2009. – 70 б.
3. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка родного языка. –Т.: Учебное пособие. Молия Иктисад, 2007.

**Кўшимчаадабиётлар**

1. Абдуллаева Қ. ва бошқ. 2-синфда ўқиш дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2009. – 266 б.
2. Умарова М, Ш.Ҳакимова. Ўқиш дарслари (3-синф учун). – Т.:Чўлпон, 2008. – 126 б.
3. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Шерматова У. 4-синфда она тили дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2003.
4. Қосимова К. “2-синфларда она тили дарслари”, Т. “Ўқитувчи”, 1998 йил.
5. Фаффорова Т., Ғуломова Х. 1-синфда ўқиш дарслари. –Т.:Шарқ, 2003. – 126 б.
6. Ҳ.Бакиева, Н.Аҳмедова, Н.Азизова, Д.Носирова, Б.Тешабоева, У.Исмоилова, Б.Эгамбердиева “Саводга ўргатиш дарслари”.-Т.: “Эҳтремум-пресс”, 2014. -119 б.
7. Сафарова Р., Ғуломов М., Иноярова м. Савод ўргатиш дарслари. 1-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Т.: “Тафаккур”, 2012.-141 б.
8. У.Машарипова ва б. “Она тили” 1-4-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Т.: “Шарқ”, 2014.-120 б.

**Электрон таълим ресурслари**

1. [www.giy.uz](http://www.giy.uz).
- 2.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
- 3.<http://www.istedod.uz>
- 4.<http://www.edunet.uz>

## **2-маъруза: Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашув**

**Режа:**

1. Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг мақсад ва вазифалари.
2. Синфдан ташқари ўқиши учун китоб танлаш тамойиллари.
3. Синфдан ташқари ўқишига раҳбарлик қилиш шакллари.
4. Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг турлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ўқув дастури, дарслик, мультимедиа, методик қўлланма, билим, кўникума, малака, компетенция.

### **1. Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг мақсад ва вазифалари**

Синфдан ташқари ўқиши ўқув дастури билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда қўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда яқиндан ёрдам беради. Бунинг учун ўқувчиларда китобхонлик маданиятини тарбиялаш, уларни оддий китобхондан ижодкор китобхон даражасига кўтариш талаб этилади. Болаларда китоб устида ишлаш малакасини шакллантириш уларда китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Синфдан ташқари ўқиши машғулотлари икки ҳафтада бир марта ўтказилади ва ўқиши учун ажратилган соатлардан фойдаланилади. Бадиий-адабий асарлар мустақил равишда ва изчил ўқиб борилса, ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга, шакллантиришга хизмат қиласи.

Синфдан ташқари ўқиши таниш бўлмаган муаллифнинг китоблари, муқоваси, титул вараги, кириш сўзи, мундарижаси ва расмларига қараб асарнинг тақвимий мазмунини аниқлаш вазифасини амалга оширишга хизмат қиласи. Болаларга эзгуликка муҳаббат, ёвузыликка нафрат уйғотиши, боғланишли нутқини ўстириш, адабий-эстетик тафаккурини юксалтириш ўқиши дарсларининг туб моҳиятини ташкил этади.

Синфдан ташқари ўқиши босқичлари, дастур талаблари, тарбиявий вазифалари ўқувчиларнинг қизиқишилари билан белгиланади. Масалан, тайёрлов босқичида кичик ҳажмдаги асарни ўқитувчи ўқиб берса, ўқилганлар юзасидан сухбат, қайта ҳикоялаш ўтказилса, бошланғич босқичда бутун синф ўқувчилари бир хил китоб билан таъминланади, барча ўқувчилар битта матн устида ишлайдилар. Бунда битта ёзувчи ёки бир мавзудаги асарлар кўргазмаси ташкил қилинади. Асар ичда ўқишига

топширилиши, альбомлар тайёрланиши, кинофильм ва диафильмлардан парчалар кўрсатилиши, мусиқий дақиқалар ўтказилиш ҳамда асар мазмуни юзасидан ижодий расмлар чиздирилиши ҳам мумкин. Бу жараёнда китобни сақлаш мақсадида уни ямаш, ўраш ўргатилади, “Эртаклар байрами”, “Ифодали ўқиши танлови” ўтказилади.

Асосий босқич якунида кичик ёшдаги ўқувчилар фаол китобхон учун зарур бўлган яхши ўқиш кўникма ва малакаларини эгаллашлари, энг муҳими, уларнинг китоб ҳамда мустақил ўқишни яхши кўришларига эришиш жуда муҳимdir.

## **2. Синфдан ташқари ўқиш учун китоб танлаш тамойиллари**

Методиканинг вазифаларидан бири синфдан ташқари ўқиш учун китоблар танлаш, ўқиладиган адабиётлар рўйхатини тавсия қилиш, йиллик ўқув режаси ва дарс тузилиши намуналарини ишлаб чиқишидир.

Синфдан ташқари ўқиш учун китоб танлашда қуидаги тамойилларга амал қилинади:

**1. Китобни тарғиб қилиш.** Синфдан ташқари ўқишга тавсия қилинадиган асарлар рўйхати синфга ёки мактабнинг маҳсус жойига осиб қўйилади, улар вақти-вақти билан янгилаб турилади, тўлдирилади, кўргазмалар ташкил қилинади. Ўқитувчи маҳсус сухбатлар уюштиради.

**2. Якка тартибдаги ёрдам ва кундалик текширув.** Ўқувчиларнинг ўқиган китоблари юзасидан сухбат уюштирилади, ўқилган китоблар ҳисобга олинади. Шахсий фикрлар аниқланади, уй кутубхоналари билан танишилади, ота-оналар билан сухбат ўтказилади.

**3. Синфдан ташқари ўқиш юзасидан оммавий ишлар.** Адабий эртаклар, викториналар, ёзувчилар билан учрашувлар, адабий экскурсиялар уюштирилади, улар учун маҳсус тайёргарлик кўрилади.

**4. Кутубхонага ёзилиш.** 1-синф ўқувчилари ўқитувчининг тавсияси билан кутубхонага аъзо бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва кутубхоначи ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

**5. Ўқувчиларнинг ўқиганларини ҳисобга олиш.** Бунда уларнинг китобхонлик кундалигидан фойдаланилади. 1-синф ўқувчилари 2-ярим йиллиқдан бошлаб китобхонлик кундалигига ёзувчининг исми, фамилияси ва китоб номини, 2-синфда эса унга нашр этилган жойи ва йилини қўшиб ёзадилар. 3-4-синфларда ўқиган китобининг қисқача мазмунини ёзиб, унга тақриз ва ўз мулоҳазаларини ҳам қўшишлари мумкин.

### **3. Синфдан ташқари ўқишига раҳбарлик қилиш шакллари**

Синфдан ташқари ўқишига раҳбарликнинг асосий шакли маҳсус синфдан ташқари ўқиши дарсларидир. Бундай дарслар эркин дарс ҳисобланади. Синфдан ташқари ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг китобхонлик қизиқишлари, билим доираси, эстетик таассуроти, бадиий образларни идрок этиши, ижодий қобилияти ривожланади; фаол китобхонга хос кўникма ва малакалар шаклланади.

Синфдан ташқари ўқиши дарслари ўқувчиларнинг фаоллигини оширишига қаратилади, шунинг учун уларнинг қурилиши жуда хилма-хил бўлади. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижоди ҳисобланади; дарсда қанчалик хилма-хилликка, ҳаётийликка эришилса, мақсадга эришиш осон кечади.

Шуларга қарамай, синфдан ташқари ўқиши дарслари ўз олдига кўйилган вазифаларни амалга ошириши учун маълум талабларга бўйсунади. Улар қуидагилардир:

1. Ҳар бир дарсда ўқувчилар ўқиган китоблар (асарлар) ҳисобга олинади. Улар ўқиган ва ўқиётган китобларини синфга олиб келиб кўрсатадилар, икки-уч ўқувчи ўзлари ўқиган китоб ҳақида гапириб беради, дарсда ўзаро фикр алмашиш ҳолати яратилади (бу ҳолат дарсдан ташқпри вақтда ҳам давом этиши мумкин).

2. Ҳар бир дарсда ўқиши учун янги китоб (асар)лар тавсия қилинади. Тавсия қилиш шакллари турлича бўлиб, улар фикр алмашув, китобни кўрсатиш, синфда кўргазма ташкил этиш, ўқувчиларни қизиқтириш учун тавсия қилинадиган китобдан бирор парчани ўқиб бериш, расмларни кўрсатиш ёки фильм намойиш этишдан иборат бўлиши мумкин.

3. Ҳар бир дарсда ўқувчиларга асарни яхлит ҳолда ўқитиш мумкин. Агар асар ҳажми каттарок бўлса, бу иш икки-уч дарс давомида амалга оширилади. Бунда ўқувчилар ўзлари ўқиган китобдан бирор парчани овоз чиқариб ўқиб беришлари мумкин. Бу жараёнда ичда ўқишидан ҳам, шеър ёдлашдан ҳам, ролларга бўлиб ўқишидан ҳам фойдаланилади.

4. Ҳар бир дарсда ўқилган асар юзасидан сухбат методи орқали таҳлил ишлари амалга оширилади. Бунда эркин ҳикоя қилиш учун “Сенга асардаги нималар ёқди?”, “Бу китоб ҳақида сен нималар айта оласан?” каби саволлар берилади ва ўқувчиларнинг ижодий ҳамда мустақил қайта ҳикоялаш малакалари шакллантирилади.

5. Ҳар бир дарсда маълум бир янги китобхонлик қўникмаси ҳосил қилинади: муаллиф ҳақида маълумотлар тўплаш, китоб номига қараб у нима ҳақда эканлигини айтиш, ўқилган асарлар юзасидан кўргазмалар тайёрлаш, асарга тақриз ёзиш, альбомлар тайёрлаш, китобхонлик кундалигини юритиш каби ишлар амалга оширилади.

6. Ҳар бир дарс кириш сухбати билан бошланади ва синфда ўқиш дарсларида қўлланадиган барча усуллардан ижодий фойдаланилади.

7. Ҳар бир дарсда таҳлил қилинган асарлар юзасидан умумлаштирувчи, якунловчи сухбат уюштирилади. Умумлаштиришга кўргазма ҳам, альбом тузиш ҳам, расмларни татбиқ этиш ҳам ёрдам беради.

Синфдан ташқари ўқишига раҳбарликнинг ёрдамчи шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар барча ишларни изчил уюштиришни таъминлайди, СТЎ дарслари учун шароит яратади. Бундай шаклларга қуидагилар киради:

1. Китобни тарғиб қилиш. СТЎга тавсия қилинадиган асарлар рўйхати синфга ёки мактабнинг маҳсус жойига осиб қўйилади, улар вақти-вақти билан янгилаб турилади, тўлдирилади, кўргазмалар ташкил қилинади. Ўқитувчи маҳсус сухбатлар уюштиради.

2. Якка тартибдаги ёрдам ва кундалик текширув. Ўқувчиларнинг ўқиган китоблари юзасидан сухбат уюштирилади, ўқилган китоблар ҳисобга олинади. Шахсий фикрлар аниқланади, уй кутубхоналари билан танишилади, ота-оналар билан сухбат ўтказилади.

3. СТЎ юзасидан оммавий ишлар. Адабий эртаклар, викториналар, ёзувчилар билан учрашувлар, адабий экскурсиялар уюштирилади, улар учун маҳсус тайёргарлик кўрилади.

4. Кутубхонага ёзилиш. 1-синф ўқувчилари ўқитувчининг тавсияси билан кутубхонага аъзо бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва кутубхоначи ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Ўқувчиларнинг ўқиганларини ҳисобга олиш. Бунда уларнинг китобхонлик кундалигидан фойдаланилади. 1-синф ўқувчилари 2-ярим йилликдан бошлаб китобхонлик кундалигига ёзувчининг исми, фамилияси ва китоб номини, 2-синфда эса унга нашр этилган жойи ва йилини қўшиб ёзадилар. 3-4-синфларда ўқиган китобининг қисқача мазмунини ёзиб, унга тақриз ва ўз мулоҳазаларини ҳам кўшишлари мумкин.

Ўқувчиларнинг ўқиган китоблари оғзаки тарзда ҳам ҳисобга олинади: улар ўқиганлари юзасидан синфдан ташқари ўқиш ва синфда ўқиш дарсларида, якка тартибдаги сухбатларда гапириб берадилар.

#### **4. Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг турлари**

Синфдан ташқари ўқиши дарсларининг хусусиятлари, биринчидан, синфдан ташқари ўқиши тизимининг босқичлари билан, иккинчидан, ўқув вазифалари ва дастур билан, учинчидан, олдинга қўйилган тарбиявий вазифалар билан, тўртинчидан, ўқувчиларниң қизиқишлари билан белгиланади.

1-синфда тайёрлов босқичида янги матн ўқитувчи томонидан ўқиб берилади, бошланғич босқичдаги дарсларда янги кичик ҳажмли матнни ўқувчилар ўқийдилар.

Кейинги босқичларда асар таҳлилига доир ишлар кенгайтирилади, ўқувчилар ўқиганларини таққослашга, умумлаштиришга, холосалашга, қаҳрамонларни элементар тавсифлашга ўргатилади. Бу жараёнда ролларга бўлиб ўқишдан фойдаланилади. Асосий босқичда синфдан ташқари ўқиши дарслари 2-синфда ҳафтада 1 марта, 3-4-синфларда 2 ҳафтада 1 марта ўтказилади. Ўқувчилар мустақил ўқишига ўргатилади, улар “Ғунча”, “Гулхан” журналлари билан, “Тонг юлдузи” газетаси билан таништирилади, яъни болалар матбуоти билан таништирилади. Бу босқичда ўзбек, қардош ва чет эл адабиёти ёзувчиларининг турли жанрдаги ва мавзудаги асарларидан фойдаланилади. Бир дарсга ўқувчилар бир нечта асарлар ўқиб келиб, улар ҳақида ўз фикрларини айтиб берадилар, қаҳрамонларни тасвиirlаб, расм чизадилар. Бу жараёнда ёзувчилар ҳаёти ва ижодига доир кечалар уюштирилади. Шу тарзда адабиётни севадиган, мустақил фикр юрита оладиган китобхон шахси шакллантирилади.

Синфдан ташқари ўқиши дарсларида ўқилган китобни муҳокама қилиш, ижодий қайта ҳикоялаш, инсенировка қилиш, расмлар чизиш, ифодали ўқиши, китоблар тавсия қилиш усулларидан кенг фойдаланилади.



### **Назорат саволлар:**

1. Ўқувчиларда тез, тўғри, онгли ва ифодали ўқиш малакаларини шакллантиришда нималарга аҳамият берилади?
2. Синфдан ташқари ўқиш дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар нималардан иборат деб ўйлайсиз?
3. Ўқувчилар китобхонлигини ривожлантирилиш бўйича ўз тавсияларингизни ишлаб чиқинг.

### **Тавсия этилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати** **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари**

1. Қосимова К., Матжонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сарiev Ш. Она тили ўқитиши методикаси. –Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
2. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Х. Ҳуснихат ва уни ўқитиши методикаси. –Т.: ТДПУ, 2009. – 70 б.
3. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка родного языка. –Т.: Учебное пособие. Молия Иктисад, 2007.

### **Кўшимча адабиётлар**

9. Абдуллаева Қ. ва бошқ. 2-синфда ўқиш дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2009. – 266 б.
10. Умарова М, Ш.Ҳакимова. Ўқиш дарслари (3-синф учун). – Т.:Чўлпон, 2008. – 126 б.

11. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Шерматова У. 4-синфда она тили дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2003.
12. Қосимова К. “2-синфларда она тили дарслари”, Т. “Ўқитувчи”, 1998 йил.
13. Ғаффорова Т., Ғуломова Х. 1-синфда ўқиши дарслари. –Т.:Шарқ, 2003. – 126 б.
14. Ҳ.Бакиева, Н.Аҳмедова, Н.Азизова, Д.Носирова, Б.Тешабоева, У.Исмоилова, Б.Эгамбердиева “Саводга ўргатиш дарслари”.-Т.: “Эхтремум-пресс”, 2014. -119 б.
15. Сафарова Р., Гуломов М., Иноятова м. Савод ўргатиш дарслари. 1-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Т.: “Тафаккур”, 2012.-141 б.
16. У.Машарипова ва б. “Она тили” 1-4-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Т.: “Шарқ”, 2014.-120 б.

#### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.giy.uz](http://www.giy.uz).
- 2.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
- 3.<http://www.istedod.uz>
- 4.<http://www.edunet.uz>

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар

**Машғулот мақсади:** Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммоларни таҳлил қилиш, ўқиши дарсларида ижодий топшириқлар тайёрлаш (дидактик материаллар яратиш, слайдлар тайёрлаш) ва уларни кўллаш усуллари бўйича кўрсатмалар бериш.

Маълумки, савод ўргатиш жараёнидаги ўқиши дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларга товуш ва ҳарфни таништириш, уларнинг тўғри талаффузини ўргатиш орқали болаларда тўғри, тез, онгли, ифодали ўқиши кўнилмаларини шакллантиришдан иборат. Шунингдек, ўқувчилар луғатини бойитиш, боғланишли нутқини ўстириш, билимини бойитиш, тафаккурини шакллантириш, эшитиш, қабул қилиш сезгисини ўстиришда ҳам бу давр масъулиятлилиги билан алоҳида ўрин тутади.

Тайёргарлик даври ўқишига ўргатиш учун замин ҳозирлайди. Бу даврда болаларда ўзгалар нутқини эшитиш, диққатни тўплаш, тил бирликларини (товуш, бўғин, сўз, гап) фарқлаш, ажратиш, уларнинг вазифаларини англаш каби хусусиятлар шакллантирилади. Булар ўқувчиларнинг ўқишини муваффақиятли эгаллашларига ёрдам беради.

Ўқишига ўргатиш учун, аввало, ўқувчи товуш ва ҳарф билан яхши таништирилиши лозим. Товуш ва ҳарф билан таништиришда бўғиндан товушни ажратиш тамойилига риоя қилинади. Ҳарф билан таништириш бир неча хил йўналишда амалга оширилиши мумкин:

1. Мазмунли расм юзасидан савол-жавоб усули билан боғланишли ҳикоя туздирилади. Ундан керакли гап, сўнг керакли сўз ажратиб олинади, сўнгра сўз устида юқоридаги каби таҳлил ишлари уюштирилади.

2. Сўз асос қилиниб, аналитик машқлар ёрдамида ўрганиладиган товуш ажратиб олинади. Масалан: **оий**. Ўқитувчи **оий** расмини кўрсатади, ўқувчилар унинг номини - сўзни айтади. Ўқитувчи о товушини чўзиб (о-о-о-й) айтади ва қайси товушни чўзиб айтаётганини ўқувчилардан сўрайди. Ўқувчилар **о** товушини айтгач, унинг хусусиялари ҳақида савол-жавоб ўтказилади. **О** товушли сўзлар ўйлаб топтирилади. Шундан сўнг о ҳарфи кесма ҳарфдан ёки расмли алифбодан кўрсатилади. Бунда о ҳарфининг шаклини эсда олиб қолишларига алоҳида эътибор қаратилади.

3. Ўрганилган ҳарфлар ичига бугун ўрганиладиган ҳарф аралаштириб қўйилади, болалар унинг ичидан нотаниш ҳарфни ажратадилар, сўнг ўқитувчи бу ҳарф ифодалайдиган товушни айтади. Ўқувчилар товушнинг

хусусиятларини айтадилар. Шу ҳарфни кесма ҳарфлар ичидан топиб, китоб саҳифасидан, расмли алифбодан кўрсатадилар. Шу тариқа товуш-ҳарф билан таништирилгач, ўқишига ўргатиш устида ишланади.

Ўқишига ўргатишда бўғин асос қилиб олинади. Бунинг учун ўқитувчида бўғин жадвали бўлиши лозим. Бўғин жадвали асосида ўқиши намунаси кўрсатилади, яъни ҳарфлаб эмас, ичидан, биринчи ҳарфни кўз билан кўриб, унинг номини дилда сақлаб, иккинчи ҳарфни кўриш ва иккаласини боғлаб, унлини мўлжаллаб улаб айтиш тушунтирилади. Бўғин ўқиши ўқитувчининг намунаси асосида доимий равищда ҳар бир дарсда изчил олиб борилади.

Бунда “Алифбе” саҳифаларидағи сўзларни олдин бўғинга бўлиш, сўнг ўқиши машқ қилиш яхши самара беради. Ўқитувчининг намунали ўқишидан сўнг биргаликда овоз чиқариб ўқиши, якка-якка ўқиши, шивирлаб ўқишдан фойдаланилади. Айниқса, секин ўқийдиган ўқувчилар бўлган синфларда хор билан ўқитиш ўқишини тезлаштиришга ёрдам беради. Синф ўқувчиларининг ўқиши кўникмаларидан келиб чиқиб, матндағи сўзларни хаттахтада бўғинларга бўлиб ёзиш, ўрганилган ҳарфларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча сўз бирикмалари, гаплар тузиб ёзиш ва ўқитиш усулидан ҳам фойдаланилади.

Маълумки, “Алифбе” саҳифаларида бўғин тузилиши мураккаблашиб боради. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир бўғин тузилишининг мураккаблигига қараб иш усулларни белгилаб олиши зарур. Масалан, уч товушдан тузилган, тўрт товушдан тузилган бўғинларни ўқишига ўргатиш ҳам ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бунда *o-лов*, *Ман-нон* типидаги бўғинларда *o-lo:w*, *Ma:n-no:n* тарзидаги қўшимча чизикдан, *бодринг*, *дўст* типидаги бўғинларда *bo:ð-ri:nг*, *tў:p:m* тарзидаги қўшимча чизиклардан фойдаланилади. Умуман олганда, ҳар бир ўқиши дарсида, албатта, бўғин тузилиши мураккаб бўлган сўзларни ўқиши машқи ўтказилиши лозим. Бу усул ўқувчиларда ўқиши малакасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Ўқишига ўргатишда сўзларни ва гапларни тўлдириб ўқиши кўникмаларини хосил қилиш ўқувчини гап тузишга, тез фикрлашга йўналтиради. Ўқувчи тушириб қолдирилган ҳарф ва сўзни расмга қараб топади, унинг гап мазмунига мос ёки мос эмаслигига эътибор беради, ўртоқларига нисбатан тез топиб, ўқитувчининг раҳматига сазовор бўлишга интилади.

“Алифбе” дарслигидаги матнларда турли тиниш белгилари ишлатилган. Ўқувчилар шуларга мос оҳанг танлашни, тўхтам (пауза)

қилиш ўринларини белгилаб олиши зарур. Бунда ҳам ўқитувчининг тушунтириши (биринчи учраган тиниш белгини изоҳлаши) ва ифодали ўқиш намунасини кўрсатиши катта аҳамият касб этади. Ифодали ўқилган матнгина тушунарли тузилади.

Ҳар бир предметда бўлгани каби ўқиш дарсларидаҳам таълим-тарбия бирлигига эътибор берилади. Ўқиш дарсларида тарбия ўқилган матннинг онгли ўзлаштирилишига боғлиқ. Биринчидан, ўқувчиматнда фикр нима ҳақида бораётганини англасагина, ўзида шундай хислатларни шакллантиришга ҳаракат қиласди. Иккинчидан, яхши инсон бўлиш учун ўқишнинг зарурлигини англайди. Шунинг учун онгли ўқишни таъминлашда матн билан унга ишланган мазмунли расмлар ўртасидаги боғланишларни аниқлаштиришга, матн юзасидан саволлар беришга диққатни қаратиш лозим. Бунда қуйидагича савол ва топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

1. *Расмни кузатинг, матнда нима ҳақида гап боради?*
2. *Расмда нима тасвирланган? Улар орасида боғланиши борми?*
3. *Матн мазмунини расмга қараб сўзлаб беринг.*
4. *Болалар қаерга бордилар? Қизнинг исми нима? Боланинг исми-чи?*
5. *Али, Лола нима қилди? Улар қандай лолалар тердилар?*

Демак, ўқиш ўқилганларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим, шундагина матннаги асосий фикр, илгари сурилаётган ғоя ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади, сўз ва матнлар ёд олинган тақдирда ҳам ўқувчиники бўлиб қолади.

Савод ўргатишнинг биринчи кунлариданоқ ўқиш онгли бўлиши, болаларни онгли ўқишга ўргатиш жуда муҳим. Сўроқлар ёрдамида ўқилганларни бола қандай тушунгани аниқланади, текширилади. Ўқишиндан олдин ўтказилган тайёрлов сухбати ҳам, ўқилган матн юзасидан ўтказилган сухбат ҳам шу мақсадга - онгли ўқишга хизмат қиласди. Шароитга қараб, болаларга ниманидир ўқишни талаб қиласиган муаммоли ҳолатни яратиш ҳам зарур. Бундай ҳолат “Алифбе”дан ёки ҳарф териш матосидан ўқиладиган топишмоқдан фойдаланиб ёки муаммоли саволни келтириб чиқарадиган тахминий сухбат ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, “*Қишида қушлар қаерга учиб кетадилар?*” (ҳарф териши матосида: “*Иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар*”). Мана шу каби тайёрлов машғулотлари ўқишнинг юқори даражада онгли бўлишини таъминлайди.

Онгли ўқишни ифодали ўқишиндан ажратиб бўлмайди. Аммо аналитик ўқишнинг биринчи босқичида ифодали ўқиш мумкин эмас, чунки болалар сўзда ургули бўғинни ажрата олмайдилар, тугалланган интонацияни, сўроқ

оҳанггини, ҳатто, орфоэпик тўғри ўқиши ҳам билмайдилар. Шунинг учун аналитик ўқиши босқичида сўзни яхлит, орфоэпик қайта ўқиши тавсия қилинади. Бундай қайта ўқиши тўғри интонацияга, ифодалиликка риоя қилиб ўқишига ўргатибгина қолмай, ўқишининг онгли бўлишига ҳам ёрдам беради.

Савод ўргатишнинг биринчи дарсларидаёқ ўқувчиларга табақалаштириб (дифференциал) ёндашиш (бунда ўқувчиларнинг ўқишига тайёргарликларидаги фикрлар ҳисобга олинади) амалга оширилади.

Ўқишининг онглилигини ва таъсирчанлигини таъминлаш учун матн мазмунини ўқувчиларнинг кўрган-кечирганлари, таассуротлари билан боғлаш лозим. Шунда ўқувчидаги ўқишига, ўрганишига қизиқиш ортади.

Онгли ўзлаштиришни амалга оширишда луғат устида ишлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўзларнинг маъноси устида тўхталиш, биринчидан, фикрни ойдинлаштиурса, иккинчи томондан матнни тушунишига ҳам ёрдам беради.

Шеър, тез айтиш, топишмок, қўшиқ, мақол, ҳикматли сўзлардан ўқитиши, ёд олдириши ҳам ўқувчиларнинг ўқишига қизиқишини оширади, ўқиши малакасини шакллантиради, хотирасини мустахкамлайди. Бошланғич синфларда ўқиши дарсларининг учдан икки қисми ўқишини машқ қилишига ажратилиши лозим.

Янги материал ўрганиладиган **ўқиши дарсида** асосий иш турлари қуйидагилардир:

1. Ўрганиладиган янги товушли сўзни (шу товуш сўз бошида, ўртасида, охирида келган сўзни) бўғин-товуш томонидан таҳлил қилиш билан ажратиши. Бунда янги товуш ажратиладиган сўзни ўқувчилар расм асосида ўзлари тузган гаплар ичидан оладилар. Товушни ажратишида шу сўзнинг чизмаси-моделига асосланадилар. Товушларни эшитиши, талаффуз қилиши, уларнинг артикуляцияси (нутқ органларининг товуш чиқаришдаги иши) устида машқ қилинади.

2. Кичик ва бош ҳарфлар билан таништирилади. Бўғинлар ўқитилади.

3. Сўзларни аввал хаттахтадан, кейин “Алифбе”дан ўқиши. Ҳарф бўғинларидан ҳарф териш картонида сўз, сўз бирикмаси, гап тузиш ва уларни ўқиши, сўз маъноси устида ишлаш.

4. Матнни ўқиши таҳлил қилиши, уни қайта ўқиши, расмнинг матнга боғлиқлигини белгилаш.

5. Нутқ ўстириши: луғатни бойитиши, сўз бирикмаси, гап, боғланишли ҳикоя тузиш.

6. Умумлаштириш: янги ҳарфни жадвалга қўйиш, янги ўрганилган товушнинг унли ёки ундош эканлигини аниқлаш, янги ҳарфни илгари ўрганилганлар билан қиёслаш, товуш ва ҳарфнинг аҳамиятини такрорлаш ва ҳоказо.

7. Ўрганилганларни мустаҳкамлаш дарсида янги товуш ажратилади, янги ҳарф билан таништириш машқидан ташқари барча иш турларидан фойдаланилади, шунингдек, қўшимча сўзлар ва матнлар билан ишланади; матнни ўқишиш ва таҳлил қилишга, кўргазма воситалар билан ишлашга (ҳарфни териш картони, магнит доскаси, сирли мато, расмлар ва бошк.) нутқ ўстиришга, ўйинлар ва қизиқарли материалларга, илгари ўрганилган товушлар ва ҳарфларни такрорлаб мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади, тарқатма материаллардан ҳам фойдаланилади.

8. Биринчи учраган сўзлар билан ишлаш: очик бўғинда дастлаб ундош, кейин эса унли ўқилади, ёпик бўғинда эса унли билан тугаган очик бўғинни ўқиб, кейинги ундош ўқилади ва сўзни яхлит ўқишишга ўргатилади. Янги сўз ургуси қўйилган ҳолда берилади, бу уни ўқишишга, бўғинлаб ўқишдек синтетик ўқишишга (сўзни бутунлигича ўқишишга) ёрдам беради. Бунда янги сўзни хаттахтада катта босма ҳарфлар билан ёзиш, ўкувчиларга ўқитиш тавсия қилинади. Сўз шивирлаш билан ўқилади, кесма ҳарф бўғин билан ёзилади.

9. Сюжетли (расмнинг асосий мазмунини акс эттирадиган) расмга қараб ўқитувчи ёрдамида, унинг йўлловчи саволлари асосида ҳикоя тузиш, ундан гапни ажратиш ва анализ қилиш.

Янги бўғин, сўз тузишида ҳарф териш матоси, магнит доскаси, сирли мато кабиларнинг ва янги сўзни хаттахтада ва дафтарда “ясан”нинг аҳамияти жуда катта. Ўқишиш учун хилма-хил босма материаллардан қанчалик кўп бўлса, улардан турли хил машқлар тузишида фойдаланилса, ўқишиш шунчалик онгли, қизиқарли бўлади, малака пухта шакллантирилади.

Бола эндиғина ўқий бошлаган босқичда уларни қаторни йўқотмасликка, шунингдек, сўздаги кейинги ҳарфни, кейинги сўзни йўқотмасликка ўргатиш жуда муҳимдир. Бу вазифани савод ўргатишнинг бошланғич босқичида хатчўп (*ўқиётган бетни белгилаб қўйиши учун китоб ичига солиб қўйиладиган қозоз ёки лентача*) ва таёқча бажаради. Ўқилаётган қаторни кузатиб бориш кўникмасига синф ўкувчиларидан ўртоғининг хатосини тўғрилашни талаб қилиш йўли билан ҳам эришилади. Ўкувчилар бу талабни қизғаниб бажарадилар, шу йўл билан уларнинг дарсга, ўқишишга эътибори жалб этилади.

Демак, ўқувчиларни ўқишига ўргатиш, уларнинг ўқиши суръатини ошириш, ифодали ва онгли ўқиши элементларини шакллантириш, тарбиялаш ўқиши дарсларининг муҳим вазифалари ҳисобланади.



### **Амалий машғулот топшириқлари**

1. Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатиш машқларини тасниф қилинг.
2. Ўқиши дарсларида интеграция ва инновациядан фойдаланишнинг аҳамиятини Т диаграммаси асосида очиб беринг.
3. Ўқиши дарсларини ташкил этишига илмий-методик ёндашувлар. Ижодий топшириқлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар бериш.

### **Назорат саволлар:**

1. Ўқиши дарсларида илмий-методик ёндашувнинг аҳамиятини очиб беринг.
2. Ижодий топшириқлар тайёрлаш (тест тузиш, дидактик материаллар яратиш, слайдлар тайёрлаш).
3. Ўқувчиларнинг билим, қўникма, малакаларини текширишда ностандарт тестлардан фойдаланиш бўйича ўз тажрибангизни баён қилинг.

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### Ўқиши дарсларда матн устида ишлаш орқали бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш

**Машғулот мақсади:** ўқиши дарсларида матн устида ишлаш методикаси, синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишга замонавий ёндашувлар бўйича кўрсатмалар бериш.

Асарни матнини таҳлил қилишнинг методик шартларидан бири асар мазмунини унинг тасвирий-ифодавий воситалари билан боғлиқ ҳолда қарашдир. Яна бир асосий қоида асар устида ишлаш жараёнида таълим-тарбиявий вазифаларни умумий равишда амалга ошириш ҳисобланади. Бу қоидалар асар устида ишлашнинг асосий йўналишини белгилайди, шунингдек, матнни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар бажарадиган топшириқларни ва муҳокама қилиш учун уларга бериладиган саволларнинг характеристини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Асар таҳлили жараёнида матн устида ишлашнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

**1. Танлаб ўқиши.** Бунда ўқувчи матннинг берилган вазифага мос қисмини ўқииди. Вазифа асарнинг мазмунини ойдинлаштириш, сабаб-натижка боғланишини белгилаш, бадий хусусиятини очиш, ўқилган матнга ўз шахсий муносабатини ифодалашдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, 4-синфда “Олтин куз” матнидан “Табиатдаги ўзгаришлар берилган қисмларни топиб ўқинг”, “Бақа ва така” масалидаги “Тақачининг насиҳати берилган жойни топиш ўқинг” каби топшириқлар берилиши мумкин.

Танлаб ўқиши матн устида ишлашнинг энг самарали усулидир. Танлаб ўқишдан матн устида ишлашнинг барча босқичларида турли хил қийинчиликда, мураккабликда фойдаланилади. У ўқувчиларда яхши ўқиши сифатларини ўстириш билан бирга уларнинг ижодий тасаввури, нутқи ва зеҳнини ўстиришга ёрдам беради.

Танлаб ўқишининг яна ҳам мураккаброқ турлари матндан сабаб-натижка муносабати билан боғланган далилларни таққослашни, умумлаштиришни талаб қиласиган ўринларини топиб ўқиши ҳисобланади. Масалан, “Харита” (Нормурод Норқобилов) ҳикояси юзасидан топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Синф раҳбари Расулни нима учун Самадга бириктириб қўйди? Шу ўринни топиб ўқинг.
- Самаднинг Расулдан аразлаш сабаби ифодаланган ўринни топиб ўқинг.

Бунда ўкувчи бирор қатнашувчи шахс ўзини қандай тутишини, нима учун у шундайлигини тасдиқлаш учун матндан материал танлаб ўқыйди.

Танлаб ўқиш онгли ва ифодали ўқиш малакасини шакллантиришни матн устида ишлаш кўникмасини шакллантириш билан бирга қўшиб олиб боришига, болаларнинг ижодий тасаввурини, нутқи ва зеҳнини ўстиришга имкон беради. Шунинг учун ундан ўқиш дарсларида кенг фойдаланилади.

Танлаб ўқиш матн режасини тузишда (матн қисмига унинг мазмунини ифодалайдиган гапни, яъни режа қисмини топишида) қаҳрамонга тавсиф бериш (матндан қаҳрамоннинг муайян бир хусусиятини, ҳаракатини тавсифловчи материаллар танлаш)да, асар ғоясини аниқлаш (ғояни англатган ўринни топиб ўқиш)да татбиқ этилади.

**2. Ўқувчиларнинг берилган савол ва топшириқларга ўз сўзлари билан жавоб бериши.** Машқнинг бу тури ўқувчиларда ўқилганлар юзасидан мухокама юритиш кўникмасини ўстиришга, асарда қатнашувчи қаҳрамонларни баҳолашга, муаллиф тасвирлаган ҳаётий лавҳалар билан асар ғояси ўргасидаги боғланишни аниқлашга имкон беради. Ишнинг бу турида бериладиган саволлар маълум мақсадга йўналтирилган ва муайян изчилликда бўлиши, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундаши лозим. Бошланғич синф ўқиш дарсларида савол ва топшириқлар қайси мақсадга йўналтирилганига кўра қўйидагича тасниф қилинади:

1. Асар мазмунини ўзлаштириш ва қайта ҳикоялашга доир савол-топшириқлар.

2. Асар тилини ўрганиш ва ўзлаштиришга доир савол-топшириқлар.

Сабаб-натижа тарзидаги саволлардан ҳам фойдаланилади. Агар ўқитувчи асар ғоясини тушунишда ўқувчиларга ёрдам беришни кўзда тутса, савол сабаб-натижа тарзида бўлади. **Анварь Обиджоннинг “Одобли бўлиш осонми?”** эртаги (4-синф) ғояси ўқувчиларни саломлашиш одоби билан таништириш, уларда муомала маданиятини тарбиялашдир. Эртакдаги асосий фикрни аниқлаш учун ўқитувчи “Анварь Обиджон айтмоқчи бўлган салом берииш мавридоларини ўз сўзингиз билан айтиб беринг”, “Нима учун эчки сичқонга насиҳат қилди?”, “Тошибақанинг сичқонча ҳақидаги фикрини гатириб беринг” каби савол-топшириқлардан фойдаланиши мумкин. **Қамбар Ўтаевнинг “Нон қаердан келади?”** (4-синф) шеъри асосида эса “Нон нима? Уни таърифланг”, “Нон қаердан келар экан?”, “Нонни нима учун қадрлаш керак?” каби савол-топшириқлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Бошлангич синфларда савол-топшириқларга жавоб беришга катта ўрин берилган. Ўқитувчининг вазифаси ана шу савол-топшириқлар устида ишлаш усулларини олдиндан белгилаб олишдир. Ижодий характердаги саволлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундейди. 4-синф «Ўқиши» китобидан ўрин олган «Қодир билан Собир» матни юзасидан ўқувчиларни ўз фикрини айтишга ундовчи «Собир ўқишидан кечикиши сабабини очиқ айтиб тўғри қилдими?», «Унинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз?» каби саволлар ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини, оғзаки нутқини ўстиради ва матнни яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради. Асадаги воқеалар тизимиға оид савол-топшириқлар тузиш ва ундан таҳлил жараёнида ижодий фойдаланиш ҳам ката аҳамиятга эга. Масалан, 4-синф “Ўқиши” китоби”даги Кудрат Ҳикматнинг “Баҳор” шеъри асосида “Шеърда дастлаб нималар ҳақида гапирилади?”, “Шеърдаги фикр юритилган нарсаларни кетма-кет айтиб беринг”, “Шоир баҳорни тасвирлашда қандай тасвир усулларидан фойдаланган?” каби савол-топшириқлардан фойдаланиш ўқувчилар фаоллиги оширади.

Савол-топшириқлар устида жамоа, жуфт ва якка тартибда ишлаш мумкин.

**3. Ўқувчиларни савол беришга ўргатиши.** Ўқувчиларни савол беришга ўргатиши матн устида ишлашда яхши натижа беради. Методист олимларнинг фикрича, тўғри берилган саволда ярим жавоб тайёр бўлади. Ўқувчилар матнни онгли ўзлаштира олсаларгина, матн юзасидан савол бера оладилар. Ўқувчиларга савол беришни ўргатишини 2-синфдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни онгли равишда савол тузишга ўргатиши учун ўқитувчи матнга ўзи тузган ёки «Ўқиши» китоби»да берилган саволларни таҳлил килади. Таҳлил учун “Нега у ёки бу савол қўйилган?”, “Унда ким ёки нима ҳақида гап боради?”, “Савол кўпроқ қайси сўзлар билан бошланади?” каби саволларни ишлатади ва матндан фойдаланган ҳолда бу саволларга жавоб беришни ўргатади. Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини матнга савол тузиш йўлига қаратади ва савол тузишдан олдин матнни диққат билан ўқиши, қатнашувчи шахсларни кўрсатиш, савол тузиладиган қисмни ажратиш кераклигини тушунтиради. Савол тузишга ўргатишининг бошланғич босқичида бу машқ жамоа бўлиб бажарилади ва таълимий характерда бўлади; бунинг учун қулайроқ савол ажратилиб, нима учун у қизиқарли экани ёки, аксинча, нокулай бўлса нима учун нокулайлиги тушунтирилади. Масалан, 3-синфда “Аҳиллик улуғ баҳт” эртагида “Одамларнинг чолнинг болалари ҳақидаги фикри юзасидан савол тузинг”

топшириги берилгач, ўқувчилар “*Одамлар ақлли чолнинг болалари ҳақида нима дейшиди?*” каби савол тузишлари мумкин.

4-синфда “**Қовун сайли**” (Ш.Саъдулла) ҳикояси юзасидан савол тузиш топшириги қўйидагича берилади:

– Ҳикоядаги биринчи хат бошини ўқинг ва шу қисм юзасидан савол тузинг.

– Ҳикоядаги биринчи хат бошида қўлланган сўзларнинг маъносини изоҳлаш бўйича савол-топшириклар тузинг. (*Бежирим, сертўр сўзларининг маъносини изоҳланг*)

– Ҳикоя қаҳрамонлари юзасидан саволлар тузинг ва шу кабилар.

Кейинчалик ўқувчилар муҳокама ва ижодий саволлар беришни ҳам ўзлаштириб оладилар.

**4. Матнни тасвирлаш.** Матнни тасвирлаш матн устида ишлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиради, ундан тўғри фойдаланиш эса асарда ёзувчи тасвирлаган ҳаётий манзараларни ўқувчилар аниқ тасаввур қилишлари учун қулай имконият яратади. Матнни икки хил тасвирлаш мумкин: *1) сўз билан тасвирлаш; 2) график тасвирлаш.*

**5. Асар режасини тузиш.** Режа матн мазмунини онгли ва чукур тушунишда, асосий фикрни ажратишда, воқеаларнинг изчиллигини белгилашда, матн қисмларининг ўзаро боғланишини тушунишда ўқувчиларга ёрдам беради. Режа устида ишлаш ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўстиради. Улар матнни мазмунан тугалланган қисмларга бўлишга ва ҳар бир қисмнинг асосини топишга, уларга қисқа ва аниқ сарлавҳа топишга, уни режа қисми сифатида шакллантиришга ўрганадилар.

### **Матнни ўқиши ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича Халқаро тадқиқот методлари (PIRLS).**

“Ўқиши саводхонлиги” атамаси ўқиши тезлигини текширишни эмас, балки “саводли ўқиши”ни англатади. Унга кўра, ўқувчи мантларни тушуниши, уларнинг мазмунини мушоҳада қилиши ва баҳолай олиши, ўз фикрини баён эта олиши зарур. Ўқувчиларга турли матнлар тақдим этилади: бадиий асарлардан парчалар, биографиялар, шахсий хатлар, ҳужжатлар, газета ва журналлардаги мақолалар, йўриқномалар, реклама эълонлари, географик карталар ва б. Уларда ахборот турли кўринишларда акс этади: диаграмма, расм, харита, жадвал, чизма ва ҳ.к.

**PIRLS** - бу турли таълим тизимиға эга бўлган давлатларда китобхонлик сифати мониторингини тадқик қилишдир. Турли давлатлардаги бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш сифати ва матнни тушуниш даражасини, шунингдек, ҳар хил давлатлар таълим тизимидағи ўзгаришларни таққослаш ва намоён қилиш имконини берувчи тадқиқот методларидир.

**PIRLS** тадқиқотлари 2001 йилдан бошлаб беш йил оралиғида бошланғич таълим миқёсида ўтказиб келинмоқда. У халқаро тадқиқотлар орасида юқори ўринга эга. Бу дастурга кирувчи давлатларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2001 йилдан бошлаб 4 марта ўтказилди. Охирги **PIRLS** тадқиқотлари 2016 йилда ўтказилди. Шу давргача 35 дан 50 гача бўлган давлатлар иштирок этишди.

**PIRLS** тадқиқотлари доирасида турли таълим тизимиға эга бўлган давлатларнинг 4-синф битувчиларининг ўқиш сифати ва ўқилган матнни тушуниш даражаси ўрганилади. Бу тадқиқотларга 4-синф ўқувчиларининг танланиши шу билан эътиборлики, айнан ўқишининг тўртинчи йилида ўқувчилар ўқишининг юқори даражасига эга бўлиши, уларнинг кейинги таълимда билимни эгаллаш қобилиятини шакллантириш ва шу орқали ҳозирги замонга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради.

Тадқиқот жараёнида дарсда ўқувчилар томонидан энг кўп қўлланиладиган ўқишининг қўйидаги икки тури ўрганилади:

1. Адабий китобхонлик малакасини эгаллаш мақсадидаги ўқиш.
2. Мазмунни тушуниш ва амалда фойдаланиш мақсадидаги ўқиш.

Бадиий ва илмий-оммабоп матнларни ўқишида ўқиши кўнималарининг қўйидаги тўрт гурухи баҳоланади:

1. Аниқ кўринишда берилган маълумотни топа олиш.
2. Холосаларни шакллантириш.
3. Маълумотларни умумлаштира олиш.
4. Матннинг мазмуни, тил хусусияти, тузилишини таҳлил қилиш ва баҳолай олиш.

Ўқувчилар матнни ўқишлиари ва саволларга жавоб беришлари лозим. Бунда баъзи топшириқлар тавсия этилган вариантлардан бирини танлашни назарда тутса, бошқалари эса мустақил жавоб беришни талаб этади.

Тадқиқотда бошланғич синф битирувчилари иштирок этади. Айнан шу даврда ўқувчиларнинг ўқиш ва матн устида ишлаш малакалари шу даражада ривожланадики, бу юқори синфлардаги таълимнинг самарали бўлишига замин яратади.

Турли мамлакатларнинг мактаб дастурлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳаммага аён. Шунинг учун турли давлатлардан олинган натижалар ўзаро таққослана оладиган даражада бўлишини таъминлаш бундай тадқиқот ўтказувчи ташкилотчиларнинг муҳим вазифаларидан бииридир. Масалан, кўпчилик давлатларда болалар 6 ёшдан мактабда ўқишни бошлашади. Аммо Англия ва Янги Зеландияда таълим 5 ёшдан бошланади. Шунинг учун, лойихада 4-синфдан эмас 5-синфдан ўқувчилар иштирок этишади. Ўқиш ва матнни тушуниш сифати текшириладиган ўқувчиларнинг ёши 10,5 ёшни ташкил этади. Шарқ мамлакатларида болалар 7 ёшдан ўқишни бошлагани учун улардан 10,7-10,9 ёшдаги ўқувчилар тадқиқотда иштирок этишади.

**PIRLS-2001** ўтказилган биринчи тадқиқотда Россия давлати 35 мамлакатлар ичida 16-ўринни эгаллаган. 2017 йилнинг охирида **PIRLS-2016** йилнинг охирги тадқиқотлар натижаси эълон қилинди. Унда Россия давлати биринчи ўринни эгаллади.

**Матнни ўқиш ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича  
топшириқлардан намуналар  
4-синф**

**1-топшириқ. Ўқиш техникасини текшириш.**

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча яшар экан. Қизча бир куни ўрмонга маймунжон олиб келиш учун борибди. У ерда бир кампирни учратиб қолибди ва унга салом берибди.

- Ваалайкум ассалом, – дебди кампир қизчага. – Менга маймунжонингдан берсанг-чи!
- Марҳамат, – дебди қизча. Кампир маймунжонни еб бўлиб:
- Сен менга маймунжон бердинг, мен сенга бирон нарса совға қиласман. Мана сенга хурмача, сен фақат шуни айтишинг керак: Бир, икки, уч, хурмачада шавла пиш. Шунда у ширин, мазали шавла пишира бошлайди. Шундан сўнг айтасанки: Бир, икки, уч, пиширишдан кеч. Шундан сўнг хурмача шавла пиширишдан тўхтайди.
- Раҳмат, буви, – дебди қизча ва хурмачани олиб, уйига – онасининг олдига кетибди.

Онаси бу хурмачани кўриб жуда суюнибди. Бир куни қиз уйдан қаёққадир кетибди. Онаси бўлса хурмачани олдига қўйиб: Бир, икки, уч, хурмачада шавла пиш, – дебди. Хурмача шавла пишира бошлабди. Кўп шавла пиширибди. Онаси тўйиб-тўйиб, ебди. Аммо у хурмачани шавла пиширишдан тўхтатадиган сеҳрли сўзни унутиб қўйибди. Хурмача эса шавлани ҳадеб пишираверибди. Уй ҳам шавлага тўлибди, уйнинг томи,

ховли, ҳатто күчалар ҳам шавлага тўлиб кетибди, у ҳамон тўхтамай шавла пишираверибди. Онаси жуда ҳам қўрқиб кетиб, қизчаси ҳузурига югуриб кетибди. Лекин йўлда иссиқ шавла дарё бўлиб оққани учун ўтиш жуда қийин экан. Яхшиям қизчаси узоқда эмас экан. Қизча кўчадаги воқеадан хабардор бўлиб, дарров уйга югурубди. Жуда қийинчилик билан келиб, эшикни очибди ва : Бир, икки, уч, Пиширишдан кеч, – деб қичқирибди.

**1-топшириқ. 1-вазифа.** Эртак матнини секин, яrim овозда ўқиб чиқинг. Ўқитувчининг ишораси билан ўқиётган жойингизни белгилаб кўйинг.

**2-топшириқ. 1-вазифа.** Матнинг бу қисмида сехрли халқ эртагининг қандай хусусиятларини учратиш мумкин:

- а) сехргарлик ишлари
- \*б) сехрли буюмнинг мавжудлиги
- в) сехргарнинг ҳаракатлари

**2-вазифа.** Матндан сизнинг олдинги жавобларингизни тасдиқловчи гапларни белгилаб чиқинг. (– Сен менга маймунжон бердинг, мен сенга бирон нарса совга қиласман. Мана сенга хурмача, сен фақат шуни айтишинг керак: Бир, икки, уч, хурмачада шавла тиши.)

**3-вазифа.** Бошқа эртакларда ҳам қахрамони сехрли буюмга эга бўлган шунга ўхшаш воқеалар учрайдими? Қайси эртакларда? Жавобингизни ёзинг. («Ур тўқмоқ!», «Уч оғайни ботирлар» эртаклари)

**3-топшириқ. Шеър таҳлили:** ўқилганни тушуниш, тасвирий воситаларни англаш, оҳанг танлай олиш, қофияни аниқлаш.

#### *Сув билан сұхбат*

– Ҳой, сен, жийрон тойчамдек	– Яхши бола, тойчангдек
Ўйнаб-ўйнаб оққан сув	Ўйнаб-кишнаб келишим,,
Далаларга байрамдек	Қир, адирлар оралаб
Гулдан безак таққан сув.	Шамол каби елишим.

Қулоқ солгин сўзимга,  
Нега бунча шошасан?  
Қаердан бу келишинг,  
Қирғоқлардан тошасан?

Кўрасанми, бу ўша  
Оппоқ қорли тоғлардан,  
Шошиб, оқиб, келаман  
Далалардан, боғлардан.

#### *Зафар Диёр*

**1-вазифа.** Шеърни паст овозда ўқинг. Шеърни қандай оҳангда ўқиган маъқул деб ўйлайсиз?.

- а) секин, ўйчан;
- б) ғамгин ва қайғули;

**в)** қувноқ, тантанали оҳангда;

**\*г)** хотиржам, майин;

**2-вазифа.** Шеърдаги қайси мисраларда сувнинг кайфияти ифодаланган? Тўлқинли чизиқлар билан белгиланг.

**3-вазифа.** Шеърда шоир сувни нималарга ўхшатган? Мана шу мисраларни аниқланг. (— *Хой, сен, жийрон тойчамдек;*, *Шамол каби елишиим.*)

**4-вазифа.** Кофиядош қаторларни қалам билан бирлаштиринг. (*Тойчамдек-байрамдек, шошасан-тошасан, келишиим-елишиим, тоғлардан-боғлардан,*).

**4-топшириқ.** Бадиий матнинг алоҳида хусусиятларини билиш, тилнинг тасвирий воситаларини англишиш.

Ёзниг иссиқ қунлари, қуёш тикка кўтарилиган. Бепоён, кўм-кўк дала кўксидаги ёнаётган қуёш шуъласи лахча чўғ бўлиб, ғўзалар устида товланиб кўринади. Мурод билан иккимиз майда-чуйдани кўтариб, катта йўлнинг шимол томонидаги ёлғизоёқ йўлдан жўнадик.

Эрталабки ширчойни бобом билан бирга ичдик. Ўртоғимни ҳовли орқасидаги боққа олиб чиқдим. Бир тарафи гулзор, иккинчи томони турли мева дарахтлари билан тўлган сўлим боғдан сира чиқиб кетгимиз келмас эди. Оқ олма, кўксултон роса пишган экан, еб турган эдик, бирдан аллақандай ҳайвоннинг қичқиргани эшитилди. Мурод таажжубланиб атрофига қаради. Шу чоғ бобомнинг бўрсиги эсимга тушди:

– Ниманинг овози? – деди ўртоғим.

– Бобомнинг бўрсиги-ку!

– Ростданми? Қаерда – деди ҳайрон бўлиб Мурод.

– Юр, кўрсатаман, – дедим-да, дўстимни бошлаб, боғ этагидаги қафасда турган бўрсик олдига олиб бордим. Қафасда турган бўрсикни ҳар тарафга сакратиб, ўйнатиб маза қилдик. Шу чоғ тоғам чақириб қолди. (*Файратий*)

**1-вазифа.** Асадан парчани секин, ярим овозда ўқиб чиқинг. Ҳикояда қаҳрамонни ҳайратга солган қандай ҳодиса юз берди?

а) ғаройиб қуш учиб келди;

\*б) аллақандай ҳайвоннинг қичқиргани эшитилди;

в) қиши келди ва табиат ўзгача тусга кирди;

**2-вазифа.** Матндан табиат тасвирини ёрқин тасаввур этишга ёрдам берувчи сифатларни аниқланг? (Бепоён, кўм-кўк, сўлим )

**3-вазифа.** Матндан ўхшатиш ва жонлантиришлар қўлланган гапларни топинг.( *Бепоён, кўм-кўк дала кўксида ёнаётган қуёши шуъласи лахча чўз бўлиб, ғўзалар устида товланиб кўринади.*)

**4-вазифа.** Мазкур матннинг турини аниқланг.

- а) муаллифлик эртаги
- \*б) ҳикоя
- в) илмий-оммабоп мақола

### **Топшириқларни бажариш даражалари**

#### **1-топшириқ. Ўқиши тезлиги (1 дақиқада 90 сўз ҳисобида)**

1-даражা - 1 дақиқада 70 сўздан кам.

2-даражা - 1 дақиқада 70-80 сўз

3-даражা - 1 дақиқада 80-90 сўз

4-даражা - 1 дақиқада меъёрдан кўп

**2-топшириқ.** Сеҳрли халқ эртакларининг хусусиятларини фарқлай олиш қўникмаси.

1-даража – топшириқ бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган.

2-даража – топшириқнинг ярми бажарилган.

3-даража – умуман тўлиқ бажарилган, алоҳида камчиликлари бор.

4-даража – барча саволларга тўғри жавоб берилган.

**3-топшириқ.** *Шеър таҳлили:* ўқилганни тушунни, тасвирий воситаларни англаш, оҳанг танлай олиш, қофияни аниқлаш қўникмаси.

1-даража – топшириқ бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган.

2-даража – топшириқнинг ярми бажарилган.

3-даража – умуман тўлиқ бажарилган, алоҳида камчиликлари бор.

4-даража – барча саволларга тўғри жавоб берилган, қофиялар аниқланган.

**4-топшириқ.** *Бадиий матннинг алоҳида хусусиятларини билиши, тилнинг тасвирий воситаларини англаш қўникмаси.*

1-даража – топшириқ бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган.

2-даража – топшириқнинг ярми бажарилган.

3-даража – умуман тўлиқ бажарилган, алоҳида камчиликлари бор.

4-даража – барча савол-топшириқларга тўлиқ ва тўғри жавоб берилган.

#### **5-топшириқ. “Масал” ҳақида савол.**

- Достон- бу \_\_\_\_\_.
- Достон муаллифи \_\_\_\_\_
- Достон қандай айтилади \_\_\_\_\_
- Достонни ким айтган \_\_\_\_\_

- Достонда нима ҳикоя қилинади? \_\_\_\_\_

#### **6-топшириқ. Қандай асарлар лирик асар дейилади?**

- турли үй ва ҳис-туйғуларни ифодаловчи;
- саңналаштириш учун тавсия қилинган;
- түқима асосига қурилган.

#### **7-топшириқ. Қайси масалдан олинган:**

“... Мен буни сизларга үхшаб ўғирлаб олиб кетаётганим йўқ. Кучим етганича секин тортиб кетяпман. Ўзларингдан сўраб, ҳалоллик билан олдим. Ҳалоллик шунаقا, кучга куч қўшади, — дебди”

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ III.**

#### **Ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини шакллантириш технологияси**

**Машғулот мақсади:** ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдаги илгор усувлар, ўқувчиларда нутқ маданияти ва нотиқлик санъатини шакллантириш бўйича қўрсатмалар бериш.

Маълумки, нутқ тафаккур билан боғлиқ, шунинг учун у тафаккур билан узвий ўстирилади. Дарсда ўқилганасарни ўқувчилар онгли тушуниши, асосий мазмунини, ғоясини англаб етиши учун анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш каби мантиқий усувлар қўлланади. Ўқилган асарни анализ қилишда ҳар хил иш услубларидан фойдаланилади. Болалар ҳикоядаги асосий қатнашувчи шахсларни айтадилар, ўқитувчи раҳбарлигида асар режасини тузадилар. Қатнашувчи шахсларни ўқувчилар ҳар хил тартибда айтишлари мумкин, аммо ўқитувчи уларни асарда қатнашиш тартибида айтишни сўрайди. Натижада ўқитувчи раҳбарлигида ҳикоянинг чизмаси тузилади. Ўқитувчи берган саволлар ёрдамида асарларнинг мазмуни аниқланади.

Шундай қилиб, асар мазмуни билан биринчи танишиш ўқувчилардан онгли ишлашни, яъни воқеаларни, қатнашувчилар таркибини анализ қилишни талаб этади. Ўқиши билан боғлиқ ҳолда бажариладиган бундай мантиқий ишлар аста-секин мураккаблашаборади.

Бошланғич синфларнинг ўқиши дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш воситаларидан бири турли уюштирилган қайта ҳикоялашдир. Мактаб тажрибасида тўлиқ, қисқартириб, танлаб ва ижодий қайта ҳикоя қилиш турлари мавжуд. Бошланғич синф ўқувчилари учун матнни тўлиқ ёки матнга яқин қайта ҳикоялашсанча осон, бошқа турлари эса нисбатан

қийинроқдир. Қайта ҳикоялашда ўқилган ҳикоя мазмуни юзасидан ўқитувчининг саволи, ўқувчиларни ҳикоянинг деталлари ҳақида, айрим воқеалар ўртасидаги боғланишнинг сабаб-натижалари ҳақида фикрлашга қаратилиши лозим. Асар сюжетининг ривожланишида қатнашувчи шахслар, уларнинг хатти-ҳаракати асосий рол ўйнайди. Ўқувчилар асар мазмунини унда иштирок этувчи шахслар ва уларнинг хатти-ҳаракати, характерли хусусиятларини таҳлил қилиш ёрдамида яхши англаб етадилар. Ўқитувчининг саволи асар қаҳрамонлари нима қилгани, уларнинг у ёки бу хатти-ҳаракати қаерда ва қандай шароитда юз бергани ҳақида сўзлаб беришга, воқеаларни изчил баён қилинишга ва ўзаро боғлиқлигини ёритишга йўналтирилиши лозим.

Ўқувчи ўқилган асар мазмунини ўқитувчи саволи ёрдамида айтиб беришида фақат анализдан эмас, синтездан ҳам фойдаланилади: айрим лавҳалар ўзаро боғланади (синтезланади), бир-бирига таққосланади, улар юзасидан муҳокама юритилади ва хулоса чиқарилади.

Кўпинча бошланғич синф ўқувчилари қатнашувчи шахслар хатти-ҳаракатини яхши тушунмасликлари, баъзан нотўғри ёки юзаки тушунишлари натижасида асар мазмунини англаб етмайдилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи саволни жуда ўйлаб тузиши, у болани фикрлашга, ўйлашга мажбур этадиган, қатнашувчи шахсларнинг хатти-ҳаракати, воқеаларнинг боғланиши юзасидан муҳокама юритишга ундайдиган, уларни ўзаро қиёслашга, ижобий ва салбий томонларини аниқлашга ёрдам берадиган бўлиши лозим. Ўқувчи асарда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатини қанчалик аниқ кўз олдига келтира олса, у ҳикоянинг асосий мазмунини шунчалик чуқур тушунади, шунчалик мустақил қайта ҳикоя қилиб беради.

Ўқилган асар мазмунини изчил равища қайта ҳикоялаш унинг режасини тузишга ёрдам беради. Режа тузища ўқувчи ҳикояни таркибий қисмларга бўлади ва ҳар қайси қисмдаги асосий фикрни аниқлайди. Буларнинг ҳаммаси аналитик иш ҳисобланади. Кейин синтетик ишга ўтилади, яъни болалар ҳикоя қисмларига сарлавҳа топадилар. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига режа тузиш жараёнида ўқилган ҳикоянинг ҳар бир қисмида бош ва иккинчи даражали масала нималардан иборатлилиги ҳақида, қандай қилиб фикрни қисқа ва аниқ ифодалаш ҳақида ўйлайдилар. Сарлавҳа топиш устида ишлаш, ўқувчилар топган сарлавҳани жамоавий муҳокама қилиш, режа тузиш жараёнининг ўзи боланинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштириши, унда ўз мулоҳазасини исботлаш, асослаш одатларини тарбиялаши лозим.

Асарни ўқишиң ва таҳлил қилиш жараёнида тузилган режа хаттахтага ёзилса, ҳикоя мазмунини изчил қайта ҳикоя қилишга ёрдам беради. Режа асосида ҳикоя қилишнинг вазифаси мазмунни берилган изчилликда ўзлаштиришdir. Режа асосида қайта ҳикоялаш ўқитувчи саволига жавоб беришга нисбатан асар мазмунини айтиб беришнинг хийла мустақил шаклидир.

Ўқилган асар мазмунини ўзлаштириш устида ишлашдаги кейинги босқич қисқартириб ҳикоялаш ҳисобланади. Қисқартириб ҳикоялаш учун 2-3 қисмга бўлинадиган, бу бўлимлар яққол ажралиб турадиган, мазмунни содда асарлар танланади. Қисқартириб ҳикоялашга ўргатиш қўйидагicha уюштирилади: ўқитувчи ҳикоянинг олдиндан белгилаб қўйган қисмини ўқийди ва ўқувчилар билан биргаликда энг муҳим, асосий фикр аниқланади. Бунда ўқувчилар баъзан асардаги сўзлардан фойдаланадилар. Бу ўқувчиларга қийинлик қилса, бўлимдаги асосий фикрни ўз сўзлари билан айтиб беришлари мумкин. Кейин ўқувчилар ўқитувчи билан бу қисмни қисқартириб ҳикоялашда нималар ҳақида гапирмаслик кераклигини, қайсилар иккинчи даражали ёки кам аҳамиятли фикр эканини аниқлайдилар. Асарнинг бошқа қисмлари юзасидан ҳам шундай иш олиб борилади ва ўқувчилар асарни қисқартириб қайта ҳикоя қиладилар. Ўқилган асарни қисқартириб ҳикоя қилишга 2- синфдан бошлаб ўргатилади.

Танлаб ҳикоялаш ҳам болаларнинг тафаккури ва нутқини ўстириш воситаларидан биридир. Танлаб ҳикоялашда ўқувчи: 1) ўқилган матндан бир қисмини, унинг чегарасини онгли равишда ажратиб сўзлаб беради; 2) ҳикоядан фақат бир воқеани айтиб беради; 3) ҳикоя мазмунини фақат бир сюжет йўналишида сўзлаб беради.

Ўқувчиларда танлаб қайта ҳикоялаш малакасини ҳосил қилишга бошланғич синф изоҳли ўқиши дарсларида кенг қўлланиладиган методик усуллар ёрдам беради: 1) ҳикоя қисмига чизилган расм асосида ҳикоялаш; 2) ҳикоядати бир воқеани тасвирловчи расм асосида ҳикоялаш; 3) танлаб қайта ҳикоялашни талаб этадиган саволларга жавоб бериш.

Ўқувчи танлаб ҳикоя қилишга тайёрланганда ўқилган матнни таҳлил қиласди. Бундай таҳлил болалар тафаккурини, улар нутқидаги мустақилликни ўстиради ва ўқилган матн мазмунини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳикояни ўқиши билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган ижодийишлар ҳам ўқувчилар нутқини, тафаккурини ўстиради. Булар: 1) ижодий қайта

хикоялаш; 2) инсценировка қилиш; 3) ўқилганасарга расм чизиш; 4) хикояни давом эттириш.

Ижодий қайта хикоялашда ўқилган хикоянинг шароити ёки шаклини ўзгартириб ҳикоя қилинади. Бунда хикояни янги эпизодлар билан тўлдириб ҳикоя қилиш ҳам мумкин.

Инсценировка ёки саҳналаштиришда ўқувчилар ўқилган хикояни саҳнабоп қилиб ўзгартирадилар. Бунинг учун улар ҳикояга сценарий ҳақида, костюм, қатнашувчиларнинг имо-ишораси ҳақида ўйлайдилар, монологик нутқни диалогик нутққа айлантирадилар (бу тилни ўргатиш нуқтai назаридан энг муҳим иш ҳисобланади).

Ўқилган ҳикояга расм чизишида ўқувчи рассомлар томонидан чизилган расмлардан ўқилган асарнинг мазмунига мос расм танлайди ёки ўзи расм чизади. Агар ўқувчи расмни яхши чиза олмаса, ўзи чизмоқчи бўлган расмни оғзаки тасвирлаб беради, яъни сўз билан чизади.

Ўқилган хикояни давом эттириш усули мактаб тажрибасида кенг қўлланилади. Бу усул хикоянинг мазмуни уни давом эттиришга имкон берадиган асарларда қўлланилади.

Умуман олганда, бошланғич синф ўқиши дарсларида ҳам ўқувчилар нутқи ва тафаккурининг ривожланишига катта аҳамият қаратилади.

### **Амалий машғулот топшириқлари**

- 1.** Нутқ ўстириш тушунчаси ҳақидаги фикрингизни баён қилинг.
- 2.** Нутқ маданиятига кирувчи фазилатларни “Кластер” методи орқали баён қилинг. (Кичик гуруҳларда ишлаш орқали).
- 3.** Бошланғич синф ўқувчиларининг оғзаки нутқини ўстириш омилларини санаб беринг.
- 4.** Интерфаол методлар асосида ташкил этиладиган дарс лойиҳасини тайёрланг.

### **Назорат саволлар:**

1. Бошланғич синф ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.
2. Дарс жараёнида матн устида ишлаш, матн таҳлили, режа тузиш, мавзу юзасидан саволлар ва уларга жавоб бериш усуллари.
3. Оғзаки нутқни ривожлантиришда дидактик материаллар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш.
4. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатини шакллантириш усуллари.
5. Ролли ўйинлар методидан фойдаланиш имкониятлари.

**КҮЧМА МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## **1-КҮЧМА МАШҒУЛОТ**(*2 соат күчма машғулот*)

**Мавзу:** Ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш.

**Машғулот мақсади:** Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Бошланғич таълимнинг тажрибали ўқитувчиларининг ўқиши фани дарс машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. Ўқиши фанида матн устида ишлаш бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот “Ўқиши фанини ўқитиш методикаси” фани доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан имконияти мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилади.

Кўчма машғулот гурӯҳ журналига қайд етилиб, мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

### **Машғулот мазмуни:**

#### **Режа**

1. Бадий асар устида ишлаш босқичлари.
2. Бадий асарни ўқишига тайёргарлик.
3. Бадий асар матни устида ишлаш.

**Таянч тушунчалар:** дарс, дарс тури, мақсад, босқич, бадий асар, сюжет, янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (текширув) дарси.

Бадий асар устида ишлаш ва унинг асосий босқичларини белгилашда ўқитувчи бадий асарнинг санъат асари сифатида ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини назарда тутади.

Бадий асарда барча қисмлар (ғоявий асос, композиция, сюжет, тасвирий воситалар) ўзаро боғлиқ бўлади. Сюжет ривожи асосида асар қаҳрамонларининг янги-янги қирралари очила боради. Бу хусусиятлар асар устида ишлашда уни яхлит ўқиши ва идрок этишни талаб этади.

Ўқувчиларни бадий асар устида ишлашга ўргатиш уларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантириш ва ўстириш орқали таълимтарбия беришни назарда тутади. Асар матнини таҳлил қилиш муаллиф фикрини, ҳиссиёти ва хулосаларини тушунишга ёрдам беради, асарда

ифода этилган воқеаларга муносабат уйғотади. Асар таҳлили ўқитувчидан ўқувчилар фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришни тақозо қиласди.

«Мактабда бадиий асарни таҳлил қилишдан асосий мақсад асарда ифодаланган ҳаётий воқеани ёритиш орқали ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига олиб кириши, тасвиrlанаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишига имконият яратишдан иборатдир. Ўқувчиларнинг ёзувчи олдинга сурган гоя, муаммоларни тўлиқ тушунишиларига эришмай туриб, адабиётнинг ёшларни тарбиялашдаги вазифасини амалга ошириб бўлмайди»<sup>2</sup>.

Ўқувчи асарнинг мазмуни билан уни мутолаа қилиш пайтида танишса, таҳлил қилишда унинг поэтик воситаларига мурожаат қиласди. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешласа, таҳлил асар замиридаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Ўқитувчи бадиий асар устида ишлашда қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

1. Асар устида ишлашнинг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиши.
2. Асарни таҳлил қилиш учун дарс босқичларини белгилаб олиши.
3. Ҳар бир асар таҳлили учун топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши.
4. Асарни қандай методлар асосида ўрганишни аниқлаши.
5. Ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар доирасини белгилаб олиши.

Бошланғич синфларда бадиий асар устида ишлаш уч асосий босқичга бўлинади:

**Биринчи босқич**(биринчи синтез). Бу босқичнинг асосий вазифаси матнни яхлит идрок этиш асосида асарнинг аниқ мазмуни ва тасвирий ифода воситалари билан таништиришдан иборат.

**Иккинчи босқич**(анализ). Бу босқичнинг вазифаси ва иш мазмуни воқеалар ривожининг боғланишини белгилаш, иштирок этувчи шахсларнинг хулқ-атвори ва уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш (нега шундай қилди ва бу унинг қандай хусусиятини очади), асар композициясини очиш (тугун, кульминацион нуқта, ечим), асарнинг аниқ мазмунини тасвирий воситалар билан бирга таҳлил қилиш ва қаҳрамонлар хулқ-атворини баҳолаш (муаллиф нимани тасвиrlагани, қандай тасвиrlагани, нима учун у ёки бу далилни танлагани)дан иборат.

**Учинчи босқич**(иккинчи синтез). Бу босқичнинг иш мазмуни иштирок этувчи шахсларнинг муҳим хусусиятларини умумлаштириш,

<sup>2</sup> Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиши методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1992. 160 - бет.

қаҳрамонларни таққослаш ва баҳолаш, асарнинг ғоясини аниқлаш, бадий асарни ҳаётни билиш манбай ва санъат асари сифатида баҳолаш (қандай маълумотларга эга бўлдик, асар нимага ўргатади, муаллиф ўз фикри ва таассуротларини қандай қилиб аниқ, равshan ва таъсири тарзда етказади ва ҳоказо)дан иборатdir.

Иккинчи синтездан сўнг ўқилган асарга боғлиқ ҳолда ижодий характердаги ишлар ўтказилади.

Асар мақсадга мувофиқ таҳлил қилинса, ўқувчилар фаоллиги ортади, чунки асарни таҳлил қилиш улар учун ижодий жараёндир.

**Бадий асарни ўқишга тайёргарлик.** Асарни ўқишга киришишдан олдин ўқувчиларни бадий асарни ўқишга тайёрлаш лозим бўлади. Чунки ўқувчилар асар мазмунини тўғри идрок этишлари учун ҳаёт ҳақида маълум тасаввурга эга бўлишлари зарур. Бунинг учун тайёргарлик ишлари ўтказилади.

Маълумки, синфда ўқиш асосида бадий ва илмий-оммабоп матнлар туради. Ўқувчиларни матн билан таништириш ўқишга тайёргарлик босқичидан бошланади.

Тайёргарлик босқичи ёзувчилар ҳақида маълумот бериш, ўқувчиларни асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, асар пафосини ҳис этиш, нотаниш ва кўп маъноли сўзлар, мураккаброқ тарздаги образли ифодаларни изоҳлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Агар асар йил фасллари ҳақида бўлса, табиат қўйнига саёҳат уюштириш ҳам синфда ўқиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қиласди.

Матн билан дастлабки танишувдан сўнг қуидагича саволлар билан мурожаат қилиш дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширади:

1. Ҳикоядаги қайси эпизодни қизиқарли деб ўйлайсиз?
2. Ҳикоя қаҳрамонларидан қайси бирининг хатти-ҳаракатини маъқулайсиз? Қайси бирининг феъл-автори, ўзини тутиии сизга ёқмади?
3. Ҳаётда шундай кишиларни учратганмисиз?

Тайёргарлик ишларининг вазифалари қуидагилар:

1. Ўқувчиларнинг асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, матнни онгли идрок қилишга таъсир этадиган янги маълумотлар бериш, бадий асарда тасвирланган далилларни ўқувчиларнинг ўз ҳаётида кузатганлари билан боғлай олишларига шароит яратиш.
2. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига қизиқиш уйғотиши.
3. Ўқувчиларни асарни ҳиссий идрок этишга тайёрлаш.

4. Асар мазмунини тушунишга халал берадиган сўзларнинг луғавий маъноларини тушунтириш. *Масалан*, 4-синф “Ўқиш китоби”даги “Харита” матни устида ишлаганда сўз ва иборалар луғати қуидагича бўлиши мумкин:

*Оғзинг очилиб қолсин – ҳайрон бўлиб қолгин*

*Қолидан чиққан гиштдек – ҳамма томони бирдек текис*

*Лоқайд – бефарқ*

*Кашфиёт – изланишилар натижасида яратилган нарса; ихтиро*

*Айилдай ботди – қаттиқ тегди, ранжитди*

*Писанда қилмоқ – олдиндан бирор шарт қўймоқ; таъкидламоқ.*

Тайёргарлик ишларининг таълимий шакллари хилма-хил бўлиб, ўқитувчи асар мазмуни ва шароитга қараб иш турини танлайди. Тайёргарлик даврида нималар ҳақида маълумот бериш мақсад қилинган бўлса, аввало, ўқувчиларнинг ўзларидан улар ҳақида билганлари сўраб аниқланади. Масалан, “Китобга ихлос” асарини ўқишга тайёргарликда ўқувчиларнинг дастлабки билимлари қуидагича аниқланади:

Тайёргарлик шаклларидан бири – **экскурсия**дир. Бу иш туридан табиат тасвирига бағишлиланган ёки ишлаб чиқариш, қурилиш, шаҳар, қишлоқ ҳаётига, касбга доир мавзулар ва тарихий асарлар ўрганилганда фойдаланиш мумкин. Чунончи, 1-синфда “Иссикхонада”, 2-синфда “Метрополитен” каби мавзуларни ўрганишдан олдин экскурсия қилиш мақсадга мувофиқ. Экскурсия ўқувчиларнинг асарда ифода этилган ҳодисаларни аниқ ва онгли ўзлаштиришларига ёрдам беради, билимларини чуқурлаштиради, табиат ҳодисаларини кузатиш ва уларни аниқ тасвираш кўникмаларини шакллантиради.

Экскурсия болаларда табиатга меҳр уйғотади, уни севиш ва табиат эҳсонларини асрash ҳиссини тарбиялади.

Ишлаб чиқариш корхоналарига, музей ва бошқа жойларга экскурсиялар эса тарихий воқеаларнинг тўғри идрок этишларини таъминлайди, катталар меҳнати билан таништиради, ўқувчида меҳнатга муҳаббат уйғотади, касбга йўналтиради.

**Фильм намойиш қилиш.** Тарихий материалларни, асар муаллифи ҳаётини ўрганишдан олдин фильм намойиш қилинса, ўқувчиларнинг асарни идрок қилишлари фаоллашади. Масалан, 2-синфда “Гулзорда” ҳикоясини ўқишида ”Мехробдан чаён” фильмидан парча кўрсатилиши, 3-4-синфларда Ибн Сино ҳақидаги асарларни ўрганишда ”Улуғбек хазинаси”, Алишер Навоий ҳақидаги асарлар билан таништиришда “Алишер Навоий” фильмни намойиш этилиши мумкин.

Видео лавҳалардан ўқувчиларни асарни ўқишига тайёрлаш даврида фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг тасаввур қилишларига, тушунчаларини ойдинлаштиришга, онгли ўқиш ва ҳиссий идрок этишларига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг фильм намойишида туғилган айрим саволларига уларнинг ўзлари янги ўқийдиган асарлардан жавоб топадилар. Тайёргарлик ишларини бундай уюштириш ўқувчиларнинг ўқишига бўлган қизиқишлини ҳам оширади.

**Ўқитувчи ҳикояси.** Бу метод асар муаллифи ҳақида маълумот беришда энг самарали ҳисобланади. Асар муаллифи шоир ва ёзувчилар ҳақида сўзлаб берилаётганда уларнинг портретлари, болалар учун ёзган асарлари намойиш этилса, ўқувчиларнинг муаллиф ижодига қизиқишли ортади. Бошланғич синфда шоир, ёзувчиларнинг ўз тилидан ўқиган асарлари ёки улар ҳақида бошқалар айтган фикрларни магнит тасмасидан эшиттирилса ёки видео тасмадан кўрсатилиб, унга ўқитувчи ҳикояси кўшилса, дарснинг самарадорлиги янада ошади. Масалан, 4-синфда Ўзбекистон Республикаси Давлат Матҳияси айтилгач, А. Ориповнинг ўзи айтган ”Ўзбекистон” шеъри қўйиб эшиттирилиши мумкин.

Ўқитувчи ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги маълумотларни ўқувчилар савиясига мос қилиб, ҳажонли қилиб ҳикоя қилса, ўқувчиларнинг бадиий асарни ўқишига ички истаги кучаяди, уларда китоб ўқишига муҳаббат ортади. Ёзувчи ҳақидаги маълумот 1-синфдан 4-синфга боргунга қадар кўпайтирилиб, чуқурлаштирилиб борилади.

Синфдан синфга кўчиш билан ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўқувчилар билими ортиб боради. Асар муаллифи билан таништиришга қўйилган талаблар ҳам кўпаяди. Ўқитувчи қисқа маълумот беришдан ёзувчи ҳаёти билан тўлиқроқ таништиришга ўтади. Бунда у кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёшига мос имкониятларни, улар ёзувчи билан қай даражада таниш эканлиги ва унинг асарларидан нималарни ўқиганлигини ҳисобга олади.

## КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-КЕЙС: Ўқувчиларнинг ёзма ишида учрайдиган хатолар.

**Кириш.** Орфография грекча сўз бўлиб, тўғри ёзиш маъносини ифодалайди. Тилшуносликнинг орфография бўлими ёзма нутқни шакллантиради. Ёзма нутқни ифодалашда график ёзув орқали амалга оширилади. Ёзув орқали воқеа-ходисани кишиларга етказишда, ташкилотлар билан ёзма алоқа қилишда фақат графиканинг ўзи кифоя қилмайди, етарли бўлмайди. Ёзув орқали сўз - товуш қандай талаффуз қилинса, шундай ёзиш тушунилади. Тилнинг товуш таркиби ёзувга нисбатан мураккабдир. Бундай мураккаблик "Ўзбек тилининг орфоэпик луғати"да ўз аксини топган. Масалан, томоша, томаша, тамошо каби турлича талаффуз қилинади. Гўш, пас, Самарқанд сўзларига орфографик қоида асосида "т,д" ҳарфлари қўйиб ёзилади, томоша тузилиши қоидалаштирилган. Орфографик қоидалар ўзбек халқининг сўзлар ёзувини бир хил ёзма ифодалашни таъминлайди. Демак, орфография тилидаги сўз асос-негизлари ва қўшимчаларни ягона тарзда ёзиш қоидаларининг ийғиндисидир.

Бошлиғич синфларда сўзниниг сатрга сиғмай қолган қисмини кейинги қаторга бўғинлаб қўчириб ёзишни, бунда бўғин ҳосил қилган бир унли ҳарфни олдинги қаторда қолдириб ва кейинги қаторга бўғинлаб қўчириб ёзишни, унда бўғин ҳосил қилган бир унли ҳарфни олдинги қаторда ва кейинги қаторга қўчириб ёзиб бўлмаслигини, гап бошида, шунингдек, кишилар исмида, ҳайвонларга қўйилган номларда бош ҳарф ишлатилишини билиш, сингил, кўнгил каби сўзларни бўғинга тўғри бўлиш, қўшма сўзларни ажратиб ёки қўшиб ёзишни, жуфт сўзларни чизиқча билан ёзишни ўргатишдек имловий вазифалар туради.

Айнан ана шу масалаларни чукур ўрганиш "Кейс стади"га асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартибда ёки гурухларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилияtlари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича ҳакида билим ва кўнікмаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилида билим ва кўнікмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўнікмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## **ХАТО ТУРЛАРИ. ТЕКШИРУВ ДИКТАНТИДА ҚАНДАЙ ХАТО ТУРЛАРИ ФАРҚЛАНАДИ?**

### **1-вазият**

Услубий қўлланмаларда хато тури икки хил белгиланади: жиддий хатолар, жузъий хатолар.

Жиддий хатолар баҳонинг пасайишига олиб келади. Жузъий хатолар кечиримли ёки баҳога таъсир этмайди, дейиш мумкин.

Бошлангич синф ёзма ишларида хатоларнинг имловий, услубий, ишорат, график турлари учрайди.

## **АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

### **Тингловчиларга йўриқнома**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Мавзу ҳакида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг. <b>Асосий муаммо:</b> Диктант турлари, хато турлари. Қўйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

	<p>1. Тилнинг товуш таркиби ёзувга нисбатан мураккаблигини тушунтиринг.</p> <p>2. Бўғин қўчириш қоидаларини изоҳланг.</p> <p>3. Бошланғич синфларда қандай имло қоидалари ўрганилади?</p> <p>4. Талаффузда камчилиги бор болалар қандай имло хатоларга йўл кўядилар?</p> <p>5. Савод ўргатиш даврида имло қоидаларини ўзлаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?</p> <p>Асосий муаммомага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг.</p>
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш харакатларни излаб топиш мақсадида қўйида тақдим этилган “Муаммоли вазият <b>Т-жадвал</b> ”ини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чикинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг, муаммога аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг

### “Муаммоли вазият »жадвали

<i>Текшириши диктанти хато турлари.</i>	<i>Имло хато турлари</i>	<i>Услубий хато турлари.</i>	<i>Ишорат хато турлари.</i>	<i>График хато турлари.</i>
---	--------------------------	------------------------------	-----------------------------	-----------------------------

### Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – тингловчи қўлига берилмайди)

<i>Текшириши диктанти хато турлари.</i>	<i>Имло хато турлари.</i>	<i>Услубий хато турлари.</i>	<i>Ишорат хато турлари.</i>	<i>График хато турлари.</i>
<i>Текшириши диктантидаги хато турлари.</i> Услубий кўлланмаларда хато икки хил белгиланади: жиддий хатолар, жузойи хатолар. Жиддий хатолар	<i>Имло хато турлари.</i> 1. Сўзда харфнинг тушиб колдирилиши ёки орттирилиб, сўз маъносининг ўзгариши:	<i>Услубий хато турлари.</i> Услубий хатолар текшириш диктантида, таълимий диктант ёзиш жараёнида камдан-кам юз беради. Услубий хатолар кўпроқ баён ва иншоларда	<i>Ишорат хато турлари.</i> Ишорат хато ёзма ишларнинг барчасида учрайди, аммо тиниш белгиларининг ҳаммаси бошланғич синфларда (9 та)	<i>График хато турлари.</i> График хато турлари. График хато бошланғич синфларга хос типик хато туридир. Хуснихат

<p>баллнинг пасайишига олиб келади. Жузъий хатолар кечиримли ёки баҳога таъсир этмайди дейиш мумкин.</p> <p>Бошланғич синф ёзма ишларида хатоларнинг имло, услугбий, ишорат, шаклий турлари учрайди.</p>	<p>Катта-ката; жойида- жоида.</p> <p>2. Тутук белгиси туширилса:</p> <p>Маъмура- Мамура, Раъно-Рано</p> <p>3. Диакритик белгилар туширилса: Ўў, ЎҒ, К. Кодир- Оодир, Ғулом- Ғулом, Ғўз- ғоз. ўн-он.</p> <p>4. Жуфт, такрор сўзлар орасига, бўғин кўчиришда чизиқча (-) (чизиқча 3-4 мм бўлади, чизиқча имло белгисидир, у ишорат хато эмас)</p>	<p>учрайди: 1. Берилган гапда бирон сўзнинг тушиб қолиши ёки бирор гап бўлагининг етишмаслиги.</p> <p>2. Берилган гапда келишик қўшимчаларидан бири ўрнига бошқасининг қўлланиши ёки нўърин туширилиши натижасида мақсад қилинган мазмуннинг ўзгарилиши оқибатида: Мактаб директорини кабинетида учратдим. Мактаб директорининг кабинетида учратдим.</p> <p>Мактабдан келдим. Мактабда келдим.</p> <p>3. Адабий тил ўрнида шева сўзини қўллаш. Бу хато тури диктант ёзишда ҳам баъзан учраши кузатилади, асосан баён яна иншоларда учрайди: опа- опой, она-ойи.</p>	<p>урганилмайди. 2- 3-синфларда нуқта, сўрок, ундов тиниш белгилари урганилади, холос. Қолганлари ўрни билан перепедиктив усулда баён қилинади.</p> <p>1. Тире (-) тиниш белгисидир. Тире билан чизиқча (-) фарқлидир. Тире ҳажми 5-7 мм. У ишорат хатодир.</p> <p>2. Нуқта (.), сўрок (?), ундов (!), вергул (,), кўп нуқта (...), нуқтали вергул (;), икки нуқта (:), қавс (), қўштироқ (‘’) тиниш белгилари ноўрин қўйилса ёки тусириб қолдирилса ишорат хато саналади.</p>	<p>меъёрида ёзилмай, харф шакли бузилса, унинг остига чилизади. Ҳарфнинг хусниҳат шаклининг тўғриси дафтар ҳошиясида намуна сифатида ёзиб қўйилади. Шаклий хато ёзма ишларнинг барчасидн хисобга олинади, баллга таъсир этади.</p>
--	---	---	--	--

## 2-КЕЙС: Бошланғич синф ўқувчиларининг луғат бойлигини ошириш масаласи

**Кириш.** Бошланғич синфнинг ҳар бир босқичда доимий бажарилиши зарур муҳим иш тури луғат билан ишлашдир.

Луғат билан ишлаш давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган. Ҳар бир синф она тили дарслигининг охирида луғат берилган. Бу эса луғат устида ишлашнинг масъулиятлилигини белгилайди. Умуман тилшуносликнинг катта бўлими лексикология яна ўз ичидаги лексикография, фразеология ҳам сўз маъноси билан шуғулланади. Ҳозирги кунда факат тилшуносликка доир бир неча луғатлар – “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тили фразеологиясининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг имло луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли синонимлар луғати”, “Ўзбек тилининг паронимлар луғати”, “Ўзбек тилининг морфемик луғати” ва яна бошқа луғатларга эгамиз.

Ўзбек тилининг луғати билан ишлаш зарурлиги шуни белгилайдики, бошланғич синф ўқувчиси ҳар бир она тили дарсида 4-6 сўз, ҳамма дарсларда бир кунда 8-10 янги сўзни ўрганиш талаб этилади. Сўз билан ишлашда ўқувчининг пухта ўзлаштирган сўз маъносига аниқлик киритиш, уларни маъноси яқин сўзлар билан қиёслаш, сўзниң кинояли маъноси, кўп маънолилиги устида ишлаш, маъновий синонимларнинг маъно нозикларни устида ишлаш, айрим фразеологик бирликлар, тасвирий ифодалар билан ишлаш зарурати келиб чиқади.

Адабий тилда ишлатилмайдиган сўзлардан ўқувчилар нутқини тозалаш ҳам муҳим вазифадир. Ўқувчилар луғатини бадиий асарларда учрайдиган янги сўзлар, четдан ўзлашган сўзлар, фанга доир атамалар билан бойитиш лозим.

Айнан ана шу масалаларни чуқур ўрганиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиши технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараённада ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартибда ёки гуруҳларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилияtlари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;

- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## **Сўз маъноси нима?**

### **1-вазият**

Сўздан нима англашилса, ўша сўзнинг луғавий маъноси бўлиши тушунтирилади. “Думалоқ, бир томони оппоқ, бир томони қип-қизил, ширин бу нима, ўқувчилар?” - дейилса, улар олма дейишлари, “Оппоқ, юмшоқ, момикдек майин нима?” - дейилса, пахта деб номланиши мумкин.

Ҳикоя ва машқ таркибида ўзлашган сўзларга дуч келамиз. Мактаб, кутубхона, сингари сўзлар онгимизга гарчи сингиб кетган бўлса ҳам, бу сўзлар араб тилидан олинганини, банк, мармелат сўзлари поляқ, испан тилларидан ўзлашганини, футбол инглизча эканлигини айтиб изоҳлаш мумкин.

Ўқувчи луғатини бойитадиган шундай усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Ўқувчиларнинг уй шароити, атроф-муҳит таъсирида ўқувчи нутқини “безаб турган” турган сўзлардан холи қилиш, шева сўзлари, вулгар, жаргон, арго сўзлардан тозалаш, турли қўпол сўзларни қўллашдан тийилиш; жинни, эшак, мол каби ҳақорат сўзларни айтмаслик учун болаларни уялтириш.

2. Машқ ёки матндан изоҳ талаб сўзларни аниқлаш ва мавзу баёнидан аввал сўзни изоҳлаш.

3. Матндаги сўз маъноси изоҳлангач, унинг ўрнига синонимини қўллаш, сўзнинг нозик маъносига тушуниб этиш.

4. Ўша сўзни янада яхшироқ тушуниш ва нутқ таркибида қўллаш учун, сўз ишлатишни фаоллаштириш учун антонимларини келтириш.

5. Баъзи ҳолат феъли, ҳаракат белгисини ифодаловчи сўзларнинг маъносини ҳолат ва ҳаракат билан амалий изоҳлаш.

6. Маъноси тушунарсиз сўзларни қайси тилдан эканлигини, қайси туркумга мансублигини, қандай луғавий маънога эгалигини аниқлаш учун изоҳли луғатлар орқали мустақил ишлаш.

7. Ана шу таянч сўзлар иштирокида гап ва кичик матн тузиш.

8. Баъзи сўзларни уларнинг вазифасини изоҳлаш орқали тушунтириш: Комбайн- бир вақтнинг ўзида, донни ўрадиган, янчадиган, тозалайдиган

хўжалик машинаси; аэропорт - самолётлар турадиган, учиб кетадиган ёки келиб қўнадиган жой.

## **2-вазият**

Синонимлар маъносига кўра икки хил бўлади.

1. Тўлиқ синонимлар.
2. Маъновий синонимлар.

Маъновий синонимлар ўз маъносига кўра лексик, морфологик, грамматик, фразеологик, синтактик турларга бўлинади.

Синонимлар маъно фарқлари билан нутқнинг таъсирчанлигини оширади, нутқни тушунарли қиласи, ҳиссий-таъсирий бўёқни таъминлайди.

Машқ турлари:

1. Берилган синонимик қаторнга гурухлаш. Ватан, мақсад, китоб, диёр, ният, мамлакат, мурод.
2. Берилган сўзга синоним танлаш: осмон, кўк, само, фалак.
3. Туширилган синоним сўзларни ўз ўрнига қўйиб матнни кўчириш.
4. Синонимлардан мосини қўйиб мосини кўчириш. Синонимлар қавс ичида берилади.
5. Синоним ва уларга мос сўз биркмаси ҳосил қилиш учун сўзлаб берилади, сўз биркмаси тузилади.

## **Ибора ва тасвирий ифодалар билан ишлаш**

### **3-вазият**

Ибора ва тасвирий иборалар ҳам лексик бирликдир. Ибора, тасвирий ифода, мақол, маталлар нутқимиз кўркидир. Кўнгли оқ, қўли очиқ, тепаси тикка бўлди, таянинг думи эрга текқанда, қизил қор ёқканда каби ибора ва ибора маталлар билан 3-4 синф ўқувчилари таништирилиши мумкин.

Ўқувчилар фикрлашини, тафаккурини ривожлантиришда 1-2 синфлар учун мантиқий машқлар қўл келади.

Мантиқий машқлар болаларнинг предмет ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини тартиба келтиради ва уларга тўғри фикрлаш усулларни ўргатади.

Предмет номлари ва белги билдирадиган сўларни гурухларга ажратиш. Идишлар номини, иш қуроллари, ўқув қуролларига берилган сўзларни гурухлаш ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини ривожлантиради.

Ўқувчи қанча сўз бойлигига эга бўлса, унинг оғзаки ва ёзма нутқи равон бўлади, мантиқий фикрлаши ривожланади.

<b>Иборалар</b>	<b>Тасвирий ифодалар</b>

**АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ ВА ҲАЛЕТИШ БҮЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ  
КЎРСАТМАЛАР**

**Тингловчиларга йўриқнома**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Маслаҳатлар ва тавсияномалар</b>
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг.
3.Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	<p>Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.</p> <p><i>Асосий муаммо:</i> Луғат устида ишлаш Қўйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.Синонимлар билан қандай ишлайсиз?</li> <li>2.Мантиқий машқлар қандай бўлади</li> <li>3.Сўз маъноси нима?</li> <li>4.Ибора ва тасвирий ифодалар билан ишлаш Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини</li> </ol>

	таҳлил қилинг..
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларни излаб топиш мақсадида қўйида тақдим этилган “Муаммоли вазият Т-жадвал”ини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианлардан танлаб олинг, муаммога аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг

### “Муаммоли вазият » жадвали

Жадвални тўлдириш. Тингловчилар таққосланувчи жиҳатларни таърифлашади ва мувофиқ туркумлар тагига маълумотни тақсимлаб чиқадилар.

Синоним	Ибора	Тасвирий ифодалар

### 3-КЕЙС: Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар

**Кириш.** Биринчи синфларда товушларни ўргатиш. Товушни ҳарфга, ҳарфни товушга айлантириш деб ақлий фаолият амалга оширилади ёки товушни ҳарфга, ҳарфни товушга «таржима қилиш» деб тушунмоқ лозим. Ўқитишнинг бу усули таҳлил-таркиб товуш методи асосида амалга оширилади.

Таҳлил-таркиб товуш методи деганда нутқдан гапни, гапдан сўзни, сўздан бўғинни, бўғиндан сўз, сўздан гап, гапдан нутқ англашилади. Бу метод С.П. Редазубов томонидан мукаммал ишланган. Бу усул ўзбек олимларидан К. Абдуллаева, К.Қосимова, Й.Абдуллаевлар томонидан ёритилган.

Айнан ана шу масалаларни чуқур ўрганиш “Кейс стади”га асосланаган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўкув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартибда ёки гурухларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилияtlари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва

мухит шароитларига мослашиш қобиляйтларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ушбу кейсни муваффакиятли амалга ошириш учун мавзуу бўйича ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзуу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурӯҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

### **Дикция түрлари.**

1-вазият.

Уларнинг оҳангдорлигини таъминлашда «солфеджио»га боғлаш мумкин: до, ре, ми, фа, сол, ля, си - а, о, ў, у, э, и, а, и, у, у, а.

С, щ, иштирок этган сўзларни такрор талаффуз қилиш сира, шира,. Секиндан тезлатиш.

Тез айтишдан фойдаланиш: Олимдан олма олдингми? Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди.

Хўр билан ўқитиш, санаш оҳанги билан ўқиши: Бир-га, икки-ни, бир-на, икки-зи, уч-ра.

### **Нутқ ўстириши усуллари.**

2-вазият.

1. Болалар нутқидаги камчиликларни тўғрилаш.
2. Лугатини бойитиш.
3. Сўз маъноларини изоҳлаш.
4. Йифиқ гапни ёйиқ гапга, содда гапни қўшма гапга айлантириш.
5. Яқин маъноли сўз танлаш (синоним топиш).
6. Расмга қараб кичик ҳикоя тузиш.
7. Логопед ёрдамида ташкил.

**АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БҮЙИЧА ТИНЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ  
КҮРСАТМАЛАР**

**Тингловчиларга йўриқнома**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	<p>Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.</p> <p><b>Асосий муаммо:</b> Асосий даврнинг якунловчи қисми, унинг вазифалари.</p> <p>Куйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Бошланғич синфларда она тилини ўрганиш усуслари билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?</li> <li>Бўғинлаб ўқища қандай бўғин турларидан фойдаланилади?</li> <li>Очиқ ва ёпиқ бўғинлар жадвали қандай тузилади?</li> <li>Жадвалдан қандай усувлар орқали фойдаланилади?</li> <li>Савод ўргатиш даврида матн устида мустақил иш қандай ташкил қилинади?</li> <li>Дикция турларини айтинг.</li> <li>Нутқ ўстириш усувларини айтинг.</li> </ol> <p>Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг.</p>
4. Муаммоли	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларни излаб топиш

вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш хамда асослаш	мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият <b>Т-жадвал</b> ”ини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг
--	--

### “Муаммоли вазият »жадвали

Янги товушни талаффуз қилиш	Ҳарф кассасида ишлаш	Ундошларни алмаштириш орқали янги сўз ясаш	Бўғинлар жадвали тузиш ва ундан фойдаланиш
--------------------------------------	----------------------------	---	---

### Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – Тингловчи қўлига берилмайди)

Янги товушни талаффуз қилиш	Ҳарф териш картон ишлаш	Ундошларни алмаштириш орқали янги сўз ясаш	Бўғинлар жадвали тузиш ва ундан фойдаланиш
Янги товуш ўрганилганда шу товуш чўзиб талаффуз қилинади: миил, сссана, оол-ма. Биринчи савод ўргатиш дарсларида буни ҳосил қилиш мураккаблиги бор. Биринчидан ўқиши кўникмаси йўқлиги учун етти ёшли боланинг кўриш майдони тор бўлади. Шунинг учун кўп ўқувчилар бўғинни, сўзни тахминан ўқийди. О-на сўзида уч	сўз тузилади, сўздаги ҳарф ўқилади, саналади, бўғинга ажратилади. Бўғин саналади, ўқилади.	Ундошларни алмаштириш орқали янги сўз ясаш ол-дим, олтин тил-дил, бил.	Жадвал икки хил бўлади: а) ёпиқ бўғин жадвали, б) очик бўғин жадвали.

<p>кўриш майдони бор деб фараз қиласиз о-н-а кўз о ҳарфини товушга айлантиради, товуш узилади. Н-сонор товушини (овозни) узмай а товушга улашни амалга оширади, шунда бўғин ҳосил бўлади, н товуши узилиб а товушини алоҳида айтиб сўнгра на деб ўқиса, бўғин ҳосил бўлмайди. Бундай ҳолатда ўқувчи бўғинлаб эмас, ҳарфлаб ўқишга одатланади. Бу эса тез ўқиш методини кечиктиради.</p>			
---	--	--	--

#### 4-КЕЙС: Синфда ўқиш дарсларини ташкил этиш

**Кириш.** Ўқув материаллари болаларга таълим бериш, уларни тарбиялашда муҳум бўлган борлиқ ҳақидаги билимларни ўз ичига олган ҳолда бадиий ва илмий оммабоп адабиётлар учун хос бўлган мавзулар билан таништиради. Бу материаллар кичик ёшдаги ўқувчиларни ўрта мактабда адабиётни мунтазам ўрганишга тайёрлайди.

Синфда ўқиш дарсларида таълим – тарбиявий вазифалар умумий равища ҳал қилинади. Болаларнинг атрофни ўраб олган муҳит ҳақида, Ватанимизнинг, халқимизнинг мустақилликдан олдинги ва ҳозирги ҳаёти ҳақида билимлар кенгаяди: миллий дунёқарашлари, ижобий ахлоқий сифатлари шаклланади, улар ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топадилар, мустақил равища билим олиш асосларини эгаллайдилар.

“Ўқиш китоби”ни таҳлил қилиш фикримизни тасдиқлайди. Бу дарсларнинг мазмуни ва методик материаллари (матн таҳлил қилиш учун топшириқ ва саволлар, мустақил ишлар тизими ва ҳакозо) ўзаро боғлиқхолда берилади. Таълим-тарбиявий вазифаларни биргаликда амалга

ошириш учун ўқиши дарсларида матнни ўқишигина эмас, балки матн устида қандай ишлеш кераклиги муҳимдир. Ўқиши дарсларида таълим тарбия вазифаларини ўқувчиларга билим ва кўникмаларнингмаълум йифиндисини эгаллашни уларда миллийлик учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш билан боғлаб амалга оширилади.

Айнан ана шу масалаларни чуқур ўрганиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартибда ёки гурухларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилияtlари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

### **Бошлангич синф ўқиши дарсларида қандай масалаларни ҳал этиш назарда тутилади**

#### **1-вазият**

1. Ўқувчиларда яхши ўқиши сифатлари: тўғри, тез, онгли, ифодали, ўқув малакаларини шакллантириш.

2. Болаларда китобга муҳаббатни уйғотиш, китобдан фойдаланишга, ундан керакли билимни олишга ўргатиш, яъни китобни севувчи, китоб билан ишлешни биладиган чуқур фикрловчи, сермулоҳаза китобхонларни этиштириш.

3. Ўқувчилардан атроф муҳит ҳақидағи билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, илмий дунёқараш элементларини шакллантириш.

4. Ўқувчиларда маънавий-маърифий, ахлоқий, нафосат жиҳатдан ва меҳнатга муҳаббат рухида тарбиялаш.

5. Ўқувчилар нутқи (асосан, оғзаки нутқи) ни ва тафаккурини

ўстириш.

Адабий тасаввур билимларни шакллантириш. Ҳар бир вазифани бажаришнинг аниқ йўли мавжуд, аммо бир вазифа бошқалар билан ўзаро боғлик ҳолда ўқиш дарслари ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ҳал қилинади.

## **АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

### **Тингловчиларга йўриқнома**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий муаммова кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. <b>Асосий муаммо:</b> Синфда ўқиш методикаси Қўйидаги саволларга жавоб беришга харакат қилинг. Таълимий характердаги ҳарфий, бўғин, сўз, гап диктанлари қандай ўтказилади? 1. Яхши ўқиш малакасининг сифатларини айтинг. 2. Тез ўқиши онгли ўқишга айлантиришда нималарга эътибор берилади? 3. Аналитик, синтетик, автоматлаштириш босқичини қандай тушунасиз? 4. Тўғри ўқишида нималарга эътиборни қаратиш керак?

	<p>5. Хато ўқишининг олдини олиш учун қандай усуллар қўлланади?</p> <p>Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг холатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг.</p>
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларни излаб топиш мақсадида қўйида тақдим этилган “Муаммоли вазият <b>Т-жадвал</b>” ини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аник варианtlардан танлаб олинг, муаммонинг аник ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг</p>

### “Муаммоли вазият » жадвали

Жадвални тўлдириш. Тингловчилар таққосланувчи жиҳатларни таърифлашади ва маълумотни тақсимлаб чиқадилар.

ФОНЕТИК бирликлар			
СЎЗ	ГАП	ҲИКОЯ	ЭРТАК

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
МАВЗУЛАРИ**

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси модулини тинловчиларга ўқитиш билан бирга уларнинг мустақил изланишларини ташкил этиш ва материалларни мустақил ўзлаштирилишини назорат қилиш учун қуидаги мавзуларда мустақил иш мавзулари берилади.

1. Она тили дарсларида билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий усуллари.

2. Савод ўргатиш даврида ўқишига ўргатишдаги муаммолар.

Мустақил таълим мавзуларини бажариш бўйича тавсиялар илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ва фаннинг методологиясида бугунги куннинг етакчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинади ва информатика ва ахборот технологияларидаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича мустақил равишда тавсиялар ишлаб чиқадилар.

### **ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-МАВЗУ:Бошланғич синфларда табиатшунослик дарсларининг мазмуни ва уни ташкил этиш методикаси**

1.1-2 синфларда “Атрофимиздаги олам” дарслиги билан ишлашнинг методик хусусиятлари.

2.1-2 синфларда шаклланиши лозим бўлган асосий тушунчалар.

3. 3-4 синф “Табиатшунослик” дарслиги билан ишлаш методикаси.

4. ДТС ва ўкув дастури, дарслик. Мультимедиа иловали методик қўлланмаларининг илмий ва амалий таҳлили.

**Таянч иборалар:** “атрофимиздаги олам”, “табиатшунослик”, “ўлкашшунослик”, “билимларни мустаҳкамлаш”, “мантиқий тафаккур”, “дарслик билан ишлаш методикаси”.

#### **1.1-2 синфларда “Атрофимиздаги олам” дарслиги билан ишлашнинг методик хусусиятлари.**

Бошланғич таълим жараёнида боланинг мантиқий тафаккур қила олиши, ақлий ривожланиши, дунёқараши, коммуникатив саводхонлиги ва ўз -ўзини англаш салоҳиятини шакллантириш қўзда тутилади. Бошланғич

синф ўқувчилари жисмонан соғлом бўлишга, моддий борлиқ гўзалликларини ҳис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан завқлана олишга ўргатилади. Миллий урф - одатлар, уларга риоя этишга, бу урф одатларни ардоқлашга давом этилади. Биринчи синфда ўқитиладиган 1-2 синф “Атрофимиздаги олам” 3-4- синф “Табиатшунослик” ўқув фанлари бу соҳада кенг имкониятларга эга. Бу фанлар теварак атрофдаги табиат билан таништириш, унда олам тузилиши ва табиат ҳодисалари ҳақида бошланғич тасвур ҳосил қилиш, илмий дунёқараш куртакларини шакллантириш, табиатга муҳаббат уйғотиш ва ундан оқилона фойдаланишни ўргатиш кўзда туилтади.

Бошланғич таълим босқичида табиат билан таништиришда, билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришда хилма -хил усуллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим олиш қобилиятларни ўстириш, таълимни ҳаёт билан боғлаш ва меҳнатга тайёрлашга қаратилади. Дарсларни турли усулида ташкил этиш ўқитувчидан кўп меҳнат талаб қиласа-да, ўқувчиларни шижааткорликка ундан, фикрларни вактдан унумли фойдаланган ҳолда тез, аниқ, лўнда ва ихчам ифодалашга замин яратади.

Дарсларни илғор таълим методлари ва усулларга таяниб ташкил этиш орқали ўқувчиларни фаоллаштиришга, мустақил фикр юритишига, янги тушунчаларни матн ичидан топиб, мазмунини англаб этишга ҳаракат қилишга йўллаш мумкин. Агар бола янгилик сари интилмаса, унда қобилият, ўз фикри, нуқтаи назари ҳам шаклланмайди. Бугунги замонавий таълимда билим ва қобилият ҳал қилувчи аҳамият касб этади

**“Атрофимиздаги олам” дарслиги билан ишлаш.** Табиатга доир билимлар таълим босқичларидаги узвийлик ва узлуксизлик тамойилига таяниб давом эттирилади. Атроф олам билан таништириш бўйича биринчи дарсда болаларни дарслик билан: муаллифи, титул варагининг мазмуни, безатилиши билан таништириш керак, китоб билан таништириш мундарижаси бўйича бўлади. Болаларни дарслик билан ишлашга ўргата бориб, ўқитувчи уларга ишдаги изчилликни тушунтириши керак: аввал расмлар қараб чиқилади, сўнгра мақоллар ўқилади, шундан кейин саволларга жавоблар олинади.

Дарсликдаги ҳамма мавзуларни ҳам ўқиб айтиб бериш мўлжалланмаган, уларнинг баъзиларини болалар фақат ўқиб чиқишлиари ва саволларга жавоб беришлари керак холос, баъзилари бўйича ишнинг қисман иккала тури амалга оширилади. Олиб бориладиган ишлар ҳикоянинг мазмунига, ҳикоя тилининг қийинлиги ёки тушунарлигига боғлик.

1-синф дарслик мазмунига шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, киритилган. “Мен ва атрофимдаги олам”, “Бизнинг мактаб, “Бизнинг синф”, “Бизнинг маҳалла, “Кўчада юриш қоидалари”, “Транспортда юриш қоидаси”, “Шахсий гигиена қоидалари, “Қуёш”, “Йил фасллар”, “Об-ҳаво” мавзулари бўйича савол ва топшириқлар, текстлар қисқача ишчанлик руҳидаги мақолалар тарзида берилган. Дарсликдаги шеърларни, албатта ёд олиш шарт эмас. Асосий мақсад - мавзу мазмунининг моҳиятини тушунишдир. Мавзу бўйича янги атамалар ва хulosалар дарсликда йўғон ҳарф билан ажратилган, бу эсда яхши қолдиришга ёрдам беради. Халқ эртакларининг ҳар хил вазиятларда тасвиrlанган қаҳрамонлари кўпгина мавзуларда бордир. Улар гўё болалар билан бирга атроф оламни билиб олишга ўрганадилар. Бундай услуб ўқитувчига ўйин вазиятини ўргатишга ва яратишга, болаларда табиатга ва ўқув фанига қизиқишини оширишга ёрдам беради. Расмлар болаларда кузатувчанликни ривожлантиради, шунга кўра улардан қўрилаётган расмда илгаригига қараганда нималар янги вужудга келганини сўраш зарур.

2-синф дарслик расмлар билан безатилган, уларга савол ва топшириқ, амалий ишлар берилган. Уларнинг баъзилари ўқитувчига болалар эътиборини табиат жисмлари ва ҳодисаларининг ҳар хил хусусиятлари, белгиларини аниқлашга, бу билан дарс мавзуси бўйича фактик материални умумлаштиришга қаратишга ёрдам беради. Савол ҳамда топшириқларнинг гурухи икки ёки бир нечта расмларни ўзаро таққослашни талаб қиласди ёки табиат ва одамлар меҳнатидаги баъзи сабаб боғланишларни очишни таклиф қиласди. Дарсликнинг савол ва топшириклари ўқитувчига болалар эътиборини мақола мазмунига қаратишга, ундаги асосийларни аниқлашга ёрдам беради. Саволлар ёрдамида болалар ўрганиладиганларни чукур ва равшанроқ тасаввур қиласдилар.

Дарслик материалида ҳар бир мавзу бўйича ўрганилганларнинг асосий мазмунини акс эттирувчи ва тушунчалар моҳиятини очиб берувчи қисқача хulosалар ҳам бор. Табиатшунослик мазмунидаги матнлардан кейин табиатдаги кузатишлар учун топшириқлар, амалий ишларнинг режалари берилган. Дарсликда экскурсия ҳамда фан бўйича дарслар ўтказиш учун савол ва топшириқлар қўринишидаги материал бор.

Дарслик йил фаслларининг Ўзбекистон учун хос белгиларни таърифлайди, болаларнинг табиатдаги кузатишларини осонлаштиради, жонсиз ва жонли табиат ўзаро боғланишларини таъкидлайди.

Дарсликнинг асосий ғояси - инсоннинг табиат билан ўзаро алоқаси, инсон меҳнатининг табиатдаги аҳамияти, унда юриш-туришнинг қоидалариdir. Ижтимоий ҳаётнинг ҳодисаларига бағишиланган мақолалари болалар эътиборини инсон, жамият ва табиатнинг бирлигига қаратади.

З синфда табиатшуносликни ўқитиш методикаси. Табиатшуносликни алоҳида фан сифатида ўқитиш З-синфдан бошланади. Ўқув материали “Табиатда сув ва ҳаво”, “Фойдали қазилмалар”, “Тупроқ”, “Ўсимликлар дунёси”, “Ҳайвонот дунёси”, “Табиат ва инсон саломатлиги”, “Табиат ва инсон” мавзуларига бирлаштирилган. Табиатшунослик бўйича дастур кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига фақат жонажон табиат гўзаллиги ва бойлигинигина эмас, балки бошқа мамлакатлар халқлари билан қардошларча ҳамкорликда ўз мамлакатининг аҳамиятини кўрсатишга ҳам имкон беради.

Ўз Ватанининг табиати ва одамлари меҳнати тўғрисидаги билимларнинг кенг доираси ўқитувчига умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қўйган энг муҳим таълим тарбия вазифаларини амалга оширишга имкон беради.

З-синфда ўқувчилар об-ҳавони мунтазам кузатишни давом эттирадилар: булутланишни, шамол кучини (кучли, бўщ, мўътадил) белгилайдилар. Фенологик кузатишлар ўтказишни давом эттирадилар: куннинг узунлигини (календарь бўйича), баргларнинг сарғайишини хазонрезгиликни, йил фасллари бўйича ўсимлик ва ҳайвонлар ҳолатини белгилайдилар. Барча кузатишлар “Кузатишлар кундалиги” ва умумсинф табиат ва меҳнат календарига ёзиб борилади.

Ҳар ойнинг охирида кузатишлар умумлаштирилади ва йиғма жадвалга киритилади. Унда шу ойнинг фенологик хусусиятлари белгиланади. Кундаликларга ўсимлик ва ҳайвонлар устида олиб борилган умумлашган кузатишлар ёзилади. Ўқувчилар жонсиз табиатдаги ўзгаришларнинг ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан қандай боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқарадилар.

З-синфда умумсинф табиат ва меҳнат календарини юритиш давом этади, бу икки йил давомида кузатилган ҳодисаларни таққослаш имкониятини беради. Ҳар куни об-ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳолатини белгилаб, ўқувчилар жорий кузатишларини ўтган йили шу кун ўтказган кузатишлари билан солиштирадилар. Бундай иш кузатишларга қизиқишни, уларнинг сифатини оширади, табиатшунослик тушунчаларини чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. “Маданий ўсимликлар”, “Уй ҳайвонлари” мавзуларини ўрганишда болалар кузатиш, тажриба, экскурсия, амалий

ишлар ўтказиши йўли билан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг маҳаллий вакиллари билан, ўз жойи юзасининг шакллари билан, сув ҳавзалари ва сувнинг хусусиятлари билан, тупроқ ҳамда фойдали қазилмалар билан танишадилар.

Болалар учун “Бизнинг ўлка” тушунчаси ҳаммадан аввал уларнинг уйлари ва мактаби жойлашган жойдир, чунки улар айниқса атроф жойда бевосита кузатишлари мумкин бўлган тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонлар, ер юзасининг шакллари, сув ҳавзалари, фойдали қазилмалар билан танишадилар.

“Маданий ўсимликлар”, “Уй ҳайвонлари” мавзуларини ўтишда ўқитувчи ўқувчиларнинг табиат обьектларини кузатишларига, уларни кузатишлар кундалигига ва синф табиат ва меҳнат календарида қайд қилишларига, қузатишларни умумлаштиришларига ва шунингдек, дарслик саҳифаларидаги топшириқларни бажаришларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Болалар экскурсияда тупроқ билан танишадилар, тупроқ кесмаларини қараб чиқадилар. Ўқитувчи улар эътиборини ер остида жойлашган тупроқ қатламлари ва тоғ жинсларининг ётишига қаратади. Амалий иш ва тажрибалар жараёнида ўқувчилар тупроқ таркиби тўғрисида билиб оладилар, ўз ўлкалари тупроқларининг хилма-хиллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиласидилар. Бу бўлим биринчи бўлиб ўрганилади, чунки у ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги меҳнати бўйича машғулотларга (тупроқни кузда ишлашга, кўчат қалинлигининг илдизмевалар ҳосилига ва манзарали ўсимликларнинг гуллаш вақтига, ўғитлашнинг илдизмеваларнинг ҳосилига, гул манзарали ўсимликларнинг ўсишига таъсирини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тажрибалар қўйишга назарий жиҳатдан тайёрлайди. Тупроқ таркиби тўғрисида тасаввурга эга бўлмай туриб, ўқувчилар маданий ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тўғрисида тўла қимматли билимлар ололмайдилар.

Маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир неча турлари билан ўқувчилар табиат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, шунингдек, ўкув тажриба майдончасида ўтказилган экскурсияларда танишадилар. Эътибор жонли табиат бурчаги ҳамда табиатнинг ўзида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатишга қаратилиши керак.

“Табиат ва инсон” мавзуси болаларга ўз жойларининг юзаси тўғрисида аниқ ва тасвирий тушунчалар бериш мақсадига эга. Болалар Ўзбекистоннинг энг муҳим дарёлари, уларнинг ҳосил бўлиши, қуйилиши, бошланиши, ўзани тўғрисида дастлабки билимлар оладилар. Табиатдаги

сув билан улар маҳаллий сув ҳавзаларига экскурсияга борганларида танишадилар.

“Фойдали қазилмалар” мавзусида қуруқлик ҳар хил тоғ жинсларидан: гранит, қум, лой, калтсит ва бошқалардан иборат эканлиги тўғрисида дастлабки тасаввур беради. Бу мавзучада фойдали қазилмаларнинг хусусиятларини ўрганиш марказий ўринни эгаллади. Уларни ўрганиш ўқув фани дарсларда қузатишлар ўтказиш йўли билан олиб борилади. Экскурсиялар катта тарбиявий аҳамиятга эга, уларда болалар фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан, ишчилар меҳнатини механизациялаш билан танишишлари, ўлкани қандай фойдали қазилмаларга бой эканлигини билиб олишлари мумкин.

“Табиат ва инсон саломатлиги” мавзусини ўрганиш болалар 1-2 синфларда эгаллаган санитария-гигиена билимлари ва қўнималари асосида қурилади. Болаларнинг хилма-хил ҳиссиёт ва қабул қилишларидан тўлароқ фойдаланиш учун қўргазмали қуролларни намойиш қилиш билан бирга уларни гигиена қоидаларини амалий жиҳатдан бажаришга ўргатиш зарур.

Гигиена билимларининг муваффакиятли эгаллаб олиниши ўқитишининг барча хилма-хил методлари ҳамда услубларини қўлланиш билан таъминланади. Шу мақсадда “Одам организми ва унинг саломатлигини муҳофаза қилиш” мавзусини ўрганишда ўз-ўзини қузатишдан кенг фойдаланилади, унинг ёрдамида фақат организмда бораётган жараёнларни аниқлабгина қолмасдан, балки ўзининг саломатлик ҳолатини белгилаш ҳам мумкин. Масалан, юрак қисқаришининг тезлигига қараб, юрак ва ўпка ишининг нормадан чекиниши тўғрисида фикр юритилади.

“Ер – Қуёш системасидаги сайёра” мавзусини ўрганишнинг бошланишида болалар ёзги топшириқларга якун ясайдилар, жонажон ўлка табиати тўғрисидаги материални такрорлайдилар, кейин “Юлдузлар”, “Қуёш” мавзулари билан танишадилар. Амалий иш ва машғулотлар жараёнида ўқувчилар айрим нарсаларни, синфи, мактаб майдончасини режада қандай тасвиrlаш кераклиги билан танишадилар.

“Қуёш” маҳаллий белгилар, компос бўйича ориэнтирлашга ўрганадилар. Бу мавзуча ўқувчиларни география харитасини тушунишга олиб келиш учун зарур асос бўлиб хизмат қиласди. Ўз жойини ўрганишга асосланиб, ўқитувчи ўқувчиларда Ўзбекистоннинг табиий харитаси тўғрисида, бошланғич тасаввурлар ҳосил қиласди. Харита билан ишлаш бутун ўқув йили давомида давом этади.

Хариталарда фойдаланилган шартли белгилар билан ўқувчиларни таништира бориб, уларни ўз ўлкаси табиатининг тегишли расмлари билан тақослаш керак. Шунга интилиш керакки, харита ҳам болалар учун китоб каби билим манбаи бўлиб қолсин.

“Ер юзи табиатининг хилма-хиллиги” кичик мавзуси болаларни мамлакатимиз табиатининг хилма-хиллиги тўғрисидаги асосий маълумотлар билан таништиради. “Ер юзи табиатининг хилма-хиллиги” мавзусини муваффақиятли равишда ўрганиш учун ҲМД (табиий ва табиий зоналар) хариталаридан, гербарий, деворий сурат, кинофильм, расм, журнал ва газеталардаги фотосуратлардан, радио ва телекўрсатувлардан, берилган Гидрометмарказ хабарларидан кенг фойдаланиш зарур. Ўқувчиларни дафтарда ёзилган ҳар бир зонанинг табиий шароитлари характеристикаси: 1-харитадаги ҳолати; 2-юзаси; 3-дарё ва кўллари; 4-йил фасллари; 5-ўсимликлари; 6-ҳайвонот дунёси; 7-шаҳар ва қишлоқдаги одамлар меҳнати кабиларни ўз ичига олган режадан фойдаланишга ўргатиш керак. Улар харитадан ҳар бир зонани, у ҲМДларнинг қайси қисмида жойлашганлигини кўрсатиб бера олишлари керак.

Табиий зоналар рельефи умумий доирада, масалан, “асосан текисликлар ва тоғлар ва ҳоказолар бор” тарзида таърифланади. Йил фаслларини характерлаш қишиш ва ёзнинг характерли ҳарорати ва ёғиннинг кўпозлигини тасвирилаш билан бирга олиб борилади. Бунда йил фаслларининг хусусиятларини шу худудда Қуёшнинг ёз ва қишиш вақтларида ёритиш характери билан боғлаш лозим. Масалан, “Чўлда Қуёш ёзда уфқдан юқорига кўтарилади ва деярли тик тушувчи нурлари Ер юзасини кучли қиздиради ёки “Тундрада, ҳатто ёзда ҳам Қуёш уфқ устида пастда туради ва унинг нурлари ер юзаси бўйлаб қия ҳолда ўтади, уни кучсиз равишида қиздиради”. Ўқувчилар йил фасллари, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, қишлоқ хўжалигидаги одамлар меҳнати тўғрисида ҳикоя қилаётганларида бундай талқинларга асосланишлари керак. Мантиқий мулоҳазанинг бундай изчилиги фақат ушбу мавзунинггина эмас, балки илгариги мавзунинг ҳам - Ернинг шарга ўхшашлиги ва унинг ҳолатини Қуёш атрофида йиллик характери вақтида ўзгариши тўғрисидаги материални онгли ўзлаштириб олинишига ёрдам беради.

Билимларни мустаҳкамлаш ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун харита бўйлаб хаёлан саёҳат ўтказиш фойдалидир, бу саёҳат вақтида болалар йўлга нималар кийиб олишларини, йўлда нималарни кўришларини, қандай ўсимлик ва ҳайвонлар учрашини айтишлари керак бўлади. У ёки бу зонанинг табиий шароитларини таърифлашда болалар ўсимликлар

дунёсини таърифлашга кўпроқ эътибор беришлари керак. Бунда ўсимликларга умумий характеристика бериш, ўсимликларнинг типик турларини таърифлаш ва уларнинг гербарий намуналарини кўрсатиш керак. Шунга кўра ўсимликларни ўрганишга бағишиланган дасларни предметли дарс сифатида тузиш мақсадга мувофиқдир, бунда тарқатма материали қилиб гербарийлардан, ландшафт тўғрисида тасаввур шакллантириш учун эса суратлардан фойдаланилади.

Ҳайвонот дунёсининг таърифи болаларга таниш бўлган ёввойи ҳамда уй ҳайвонларининг гурухлари бўйича систематик тасвиirlардан иборат бўлиши керак. Бунда ҳайвоннинг ташқи кўриниши, нима билан озиқланиши, овқатни қандай топиши, баъзи хулқ-атвори, одам учун фойдалими ёки заарлими эканлиги кўрсатилади. Ўлкамиз бирор қисмининг табиий хусусиятларини ўргана туриб, ўқувчилар унинг учун характерли бўлган қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг турлари тўғрисида тасаввур олишлари керак.

ҲМД (табиий ва табиий зоналар) дастурларидан фарқ қилиб, табиатшунослик бўйича Ўзбекистон мактаблари учун тузилган дастур табиий зоналарни ўрганишни шимолдан жанубга қараб эмас, балки жанубдан шимолга томон олиб боришни тавсия қиласди. Бу ўқитишнинг муҳим тамойили – “Яқиндан узоққа боориш” тамойили билан тақозо қилинади. Ўз ўлкасини ўргана туриб, болалар чўл зонасида яшаётганликларини билиб оладилар. Чўл ва воҳалардаги табиат ва одамлар меҳнати - бу ўқувчилар ҳар куни дуч келадиган ўрамдир. Шунга кўра табиийки, аввал ўзининг табиий, яъни энг жанубий зона тўғрисидаги билимларни умумлаштирилади, кейин эса болаларни ўз атрофидан четдаги бошқа табиий зоналарга олиб борилади. Дафтарларда ҳар бир табиий зонани характерловчи ёзувлар қилиш, безак танлаш ёки расм чизиш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг номларини ёзиш ва шу кабиларни қилиш керак бўлади.

“Ватанимиз бўйлаб саёҳат” мавзусини ўргана туриб, ўқитувчи табиат муҳофазаси бўйича қонуний хужжатлар, уларни ҳар бири фуқаро томонидан бажарилиши зарурлиги тўғрисида гапириб бериши керак. Мавзуда алоҳида эътибор инсон томонидан табиат бойликларидан оқилона фойдаланишига қаратилади. Табиат муҳофазасига оид масалалар табиатшуносликнинг деярли барча бўлимларига дахллидир. Мавзунинг асосий масаласи - табиат муҳофазаси тўғрисидаги илгариги дарсларда баён

қилинган айрим маълумотларни билдириш, табиат муҳофазаси бўйича қандай тадбирлар ўтказилаётганлигини кўрсатишидир.

Табиат муҳофазасининг маъноси ва аҳамиятини ўқувчиларга оча бориб, ўқитувчи бу мавзунинг катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини эътиборда тутиши керак. Табиат фақат жамиятнинг моддий ҳаёти учун бойлик олиш манбаигина бўлиб қолмасдан, балки халқ маънавий бойлигининг асоси ҳамдир.

Ўқитувчи табиат муҳофазаси ва табиий бойликлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганлигини гапириб бериши, ўқувчиларни Ўзбекистон Конституциясида акс эттирилган табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар билан, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг Устави билан таништириб бориши керак. Бу кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг маънавий тарбияси системасида катта аҳамиятга эга. Табиат муҳофазаси тўғрисида ғамхўрлик болаларда комплекс тарбиянинг муҳим қисми сифатида, ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда, инсон ва табиат ўртасида оқилона ўзаро муносабат ўрнатишда ғоят катта аҳамият касб этади.

Табиат муҳофазаси бўйича амалий фаолият болаларда табиат бойликларини ҳимоя қилиш ҳамда кўпайтиришга интилишни ривожлантиради. Шунга кўра уларни қушлар учун озиқа тайёрлашда қатнашишга, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда қушларни боқишишга, гул манзарали ўсимликлар уруғларини йиғишишга, уларни аҳоли ўртасида тарқатишишга, кўкаламзорларни парвариш қилишишга, тупроқни емирилишдан сақловчи ўсимликларни ўстиришишга жалб қилиш керак.

Бошлангич синфларда ўқувчиларни ўзларини ўраб турган олам, теварак-атрофдаги табиат билан таништириш, уларда олам тузилиши ва табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, илмий дунёқараш куртакларини шакллантириш, ўлкамизнинг гўзал табиати билан таништириш орқали она Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш, табиатдан оқилона фойдаланишни ўргатиш “Табииёт” ўқув фани орқали амалга оширилади.

Бошлангич таълимда “Табиёт” (“Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик”) ўқув фанини ўрганиш қўйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилган:

- **таълимий:** атрофимиздаги олам, табиат, табиий ва ижтимоий борлиқнинг бирлиги ва фарқи, одам ва унинг табиатда ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларни эгаллаш;

- **тарбиявий:** атрофимиздаги оламга нисбатан ижобий түйғуларни шакллантириш, табиатни қадрлаш, муҳофаза қилиш, ўлка табиатига муҳаббат ҳиссини үйғотиши, дала ва боғ ишларида катталар меҳнатини эъзозлаш, назарий олган билимларини амалда қўллаш малакасини шакллантириш, табиат ва жамиятда фаол бўлиш эҳтиёжини тарбиялаш;
- **ривожлантирувчи:** атрофимиздаги оламни, табиатни кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, табиатга оид муаммолар ҳақида ижодий фикрлаш, уларни ҳал этишда амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиш .

Бошқа ўқув фанлари қатори 2013–2014 ўқув йилида “Табииёт” ўқув фанидан компетентлилик ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тажриба-синовдан ўтказилади.

Давлат таълим стандартларида “Табииёт” ўқув фанидан мажбурий минимал таълим мазмуни ва бошланғич таълим битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар белгилаб берилган.

### **Табиёт ўқув фани буйича фанга хос компетенциялар**

**1. Табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш ва аниклаш компетенцияси** – теварак-атрофдаги олам, мактаб хоналари, маҳаллада нималар борлигини (боғча, мактаб, дўкон, алоқа бўлими ва б.) жонли ва жонсиз табиат, жисм ва моддалар, чақмоқ чақиши, қушларнинг сайраши, Ой ва Қуёшнинг чиқиши, ботиши, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳаёти, кишиларнинг баҳор, ёз ва куздаги меҳнати, қишлоқ табиати, боғда етиштириладиган мевалар, Қуёш, лампочка, оловлардан ёруғлик ва иссиқликнинг тарқалиши, шамолнинг эсиши, булутларнинг харакати, ёнғинлар ёғиши, сувнинг исиши, табиатда сувнинг айлиниши каби ҳолатларини кузатиш. Сезги органларининг вазифаларини, сувнинг уч ҳолатини аниклаш, фойдали қазилмалар ва уларнинг турларини, кун ва туннинг, йил фаслларининг даврий алмашишини ва уларнинг бир-биридан фарқларини, юлдузларни, Қуёш системасидаги сайёralар (комета, метеор ва метеоритлар) ни, Ой ва унинг кўриниш ҳолатларини кузатиш ва аниклаш.

**Жумладан:** 1-синф “Атрофимиздаги олам” дарслигидаги “Бизнинг мактаб”, “Бизнинг маҳалла”, “Ўсимликлар кузги ҳаёти”, “Кишиларнинг куздаги меҳнати” ва ҳ.к. мавзулар;

2-синф “Атрофимиздаги олам” дарслигига келтирилган “Табиатдаги жисм ва моддалар”, “Йил фасллари”, “Ўлкамизда учрайдиган қушлар”, “Ўлкамизда қишиш” ва ҳ.к. мавзулар;

3-синф “Табиатшунослик” “Табиатда ҳаво”, “Сувнинг хусусиятлари”, “Қора ва рангли металлар”, “Тупроқ таркиби”, “Табиат ва инсон” мавзулари;

4-синф “Табиатшунослик” дарслигига қуйидаги мавзуларни мисол тариқасида келтириш мумкин. “Юлдузлар”, ”Сайёralар”, “Йил фаслларининг алмашиниши”, “Инсоннинг табиатга таъсири” каби мавзулар орқали ушбу компетенцияни шакллантириш мумкин. **Масалан:** 2-синф **“Табиатдаги жисм ва моддалар”** мавзусини тушунтириш жараёнида барча нарсалар жисм (музлатгич, диван, челяк...) ва моддалар (мис, олтин, туз, сув...) дан иборат эканлигини, баъзи бир жисмлар табиий бўлишини, баъзи жисмларни одамлар ясашини айтиб ўтилади. Шу дамда моддалардан намуналар тарзида ўқувчиларга сув, темир, кўмир, тупроқ ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар ушбу нарсаларни кузатадилар. Моддалардан ҳар хил шаклдаги жисмлар – ғилдирак, кетмон, машиналар ясалишини, бунда ғилдирак, кетмон, машиналар – жисмларга айланганини аниқлайдилар. Шу тариқа дарс жараёнида ўқувчиларда хусусий компетенциялардан табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш ҳамда аниқлаш, амалиётда кўллай олиш компетенциялари ва таянч компетенциялардан умуммаданий, ахборот билан ишлаш компетенциялари шакллантирилади.

**2. Тажриба ўтказа олиш, глобус ва харитадан кўрсата олиш компетенцияси** – термометр ёрдамида ҳаво ва сувнинг ҳароратини, тарози ёрдамида жисмларнинг массасини, секундомер ёки соат ёрдамида вақтни ўлчаш, Қуёшнинг кўринма ҳарактига қараб, компас ёрдамида уфқнинг асосий томонларини аниқлаш. Ҳаво бўшлиқ эмаслигига оид, шамол ҳавонинг ҳаракати эканлигига оид, ёмғир томчилари ҳосил бўлишига оид, кун ва туннинг, йил фаслларининг алмашинишига оид тажрибаларни ўтказиш. Гобусдан Ернинг айланиш ўқи, кутблари ва экваторини, сув ва қуруқликларни, яримшарлар табиий харитасидан материк ва океанларни, йирик денгиз, дарё, текислик ва тоғликларни, Ўзбекистон Республикасининг табиий харитасидан ўлкамиздаги йирик дарё, кўл, текислик ва тоғларни, қўриқхоналарни, Ўзбекистон Республикасининг маъмурый харитасидан мамлакатимиз чегаралари, қайси давлатлар билан чегарадош эканлиги, мамлакатимиз пойтахти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини кўрсатиш.

**Жумладан:** 2-синф “Об-ҳаво”, “Амалий иш”, “Гербарий тайёрлаш” каби мавзуларда тажриба ўтказиш;

3-синф “Табаитшунослик” дарсларида “Табиатда ҳаво”, “Сувнинг хусусиятлари”, “Тупроқ” каби мавзуларни тушунтириш давомида таянч

компетенциялардан коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш каби қатор компетенциялар, фаннинг ўзига хос компетенциялардан эса тажриба ўтказа олиш, глобус ва харитадан кўрсата олиш, табиатни асрash ва муҳофаза қилиш компетенциялари шакллантириб борилади. Бундан ташқари она тили фанинг нутқий компетенция ва ўқиш фанинг хусусий компетенцияларидан тинглаб тушуниш каби компетенциялари шакллантириб борилади. Шу билан бирга ўқувчиларни лоборантлик, эколог каби касбларга қизиқишиларини ошириш ҳамда ушбу касбларга йўналтириш мумкин.

**Табиатни асрash ва муҳофаза қилиш компетенцияси** – дараҳт ва буталарни пайхон қилмаслик, гулзор, боғ ва хона ўсимликларини парваришилаш, ҳайвонлар, парранда ва қушлар, сувни тежаш, хазонрезгилик даврида баргларни ёқмаслик ва табиатимизни заарли моддалар билан заарланишидан асрash; сувни тежаш ва турли чиқиндилардан ифлосланишидан, табиатни турли заарли моддалардан, ҳашаротлардан ва ҳар хил чиқиндилардан муҳофаза қилиш, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар (“Қизил китоб”га киритилган ва “Қориқхана”ларда сақланаётган ҳайвон ва ўсимликлар) ни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш.

**Жумладан:** 2-синф “Атрофимиздаги олам” дарслигига “Ўсимликлар олами”, “Гулзор”, “Хона ўсимликлари”, “Қушлар”, “Сув – обҳаёт”, “Қушлар – бизнинг дўстимиз”, “Биз ва табиат” каби мавзулар;

3-синф “Табиатшунослик” “Фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш”, “Табиий ўсимликлар”, “Маданий ўсимликлар”, “Манзарали ўсимликлар”, “Доривор ўсимликлар” ва ҳ.к. мавзуларни мисол қилиб олиш мумкин.

4-синф “Табиатшунослик” дарсларида “Сув омборлари”, “Сувни муҳофаза қилиш”, “Шамолнинг ҳосил бўлиши”, “Ўрмонлар”, “Эр ости бойликлари”, “Қўриқхоналар”, “Ўлкамиз табиатини асранг” каби мавзулар;

**Масалан:** 4-синф “Табиатшунослик” дарсидаги “Қўриқхоналар” мавзусини тушунтириш жараёнида йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадида қўриқхоналар ташкил этилган. Ушбу масканда ҳайвон ва ўсимликлар назоратга олинади. Ноёб ҳайвон ва ўсимликларнинг турлари кўпайтирилиб, табиатни асл ҳолида сақлашга ҳаракат қилинади. Қўриқхоналарда еrosti бойликлари, дарёлар ва бошқа табиат бойликлари муҳофаза қилинади. Шу тариқа дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларда табиатни асрash ва муҳофаза қилиш ва таянч компетенциялардан

коммуникатив, умуммаданий, ахборот билан ишлаш каби компетенциялари шакллантириб борилади. Одонома фанига хос ижтимоий фаоллик (мавжуд билимларини амалиётда қўллай олиш) компетенциялари, она тили фанинг нутқий компетенциялари ҳам шакллантириб борилади. Шу билан бирга ўқувчиларни экологлик касбига йўалтириш мумкин.

**3. Эгаллаган билимлари амалиётда қўллай олиш компетенцияси** – Кўчада юриш (кийиниш одоби, муомала одоби, ўзини тута билиш ва ҳ.к.) ҳамда хавфсизлик (лампочкани, радиони, видеомагнитофонни, телевизорни ва барча электр жиҳожларидан тўғри фойдаланиш) қоидаларига риоя қилиш ва улардан фойдалана олиш, термометрдан фойдаланиш, шамолни, об-ҳавони кундалик кузатиш, сувдан унумли фойдаланишни, чой қайнатишни, уфқ томонларини аниқлаш, глобус ва харита билан ишлаш, ўлкамиз табиати, табиатни муҳофаза қилиш ва хона ўсимликларини парвариш қилишда амалий фаолият қўрсата олиш.

**Жумладан:** 1-синф дарслигидаги “Кўчада юриш қоидалари”, “Шаҳсий гигиэна”, “Биз фойдаланадиган жиҳозлар”, “Электр жиҳозлари”, “Компьютер”, “Яшил дорихона” мавзулари;

2-синф “Атрофимиздаги олам” дарсларида “Табиатдаги жисм ва моддалар”, “Об-ҳаво”, “Ижтимоий фойдали меҳнат”, “Сув- ҳаёт манбаи”, “Вақт ўлчов бирлиги”, “Гигиэна - озодалик”, “Тиш гигиёнаси”, “Қандай овқатланиш керак?” ва ҳ.к.мавзулар;

3-синф “Табиатшунослик” дарсларида “Табиатда сув ва ҳаво” бўлими, “Ёқилғи сифатида фойдаланиладиган қазилмалар”, “Фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш”, “Доривор ўсимликлар” каби мавзулар шу жумласидандир.

4-синф “Табиатшунослик” дарсларида ўқувчилар “Шамолнинг ҳосил бўлиши”, “Ўзбекистон Республикаси табиий харитаси”, “Сув омборлари”, “Сувни муҳофаза қилиш”, “Ўлкамиз табиатини асранг” каби мавзулар орқали амалиётда қўллай олиш компетенцияси шакллантирилади.

**Масалан:** 2-синф “Атрофимиздаги олам” дарслигидаги “**Гигиена – озодалик**” мавзусини ёритиш давомида, яъни уйқудан тургач, албатта, юз-қўлингизни ювилиши, овқатланишдан олдин ҳам қўлларни совун билан ювиш зарурлиги, бунга сабаб ерда ва ҳар хил буюмларда кўзга кўринмайдиган бактериялар жуда кўп бўлиши ва ҳ.к. маълумотларни берилади бу маълумотлардан амалий ҳаётларида фойдаланишларини шу билан бирга эгаллаган билимлари амалиётда қўллай олиш компетенцияси ва таянч компетенциялардан умуммаданий, математика саводхонлик каби

компетенциялари хам шакллантирилади. Шу билан бирга одобнома фанига хос бўлган танқидий тафаккур қилиш (ўз устида ишлаш, ўкиш, ўрганиш, излаш, анализ ва синтез қилиш, хулоса чиқариш) компетенцияси ва она тили фанинг нутқий компетенциялари хам шакллантирилади. Шифокорлик, ҳамширалик каби касбларга йўналтириш мумкин.

Бошланғич таълим битиувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар 1–4-синфлар давомида ўқувчиларнинг “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” ўқув фанларидан эгаллашлари шарт бўлган минимал талаблар мажмуасини ифодалайди. Битиувчилар учун белгиланган талаблар бажарилиши учун бу талаблар синфма-синф бажариб борилиши керак. Ҳар синфда бажарилиши учун эса тегишли талабларнинг ҳар бир дарсда бажариб борилишига эътибор берилиши лозим.

Битиувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар компетентлилик ёндашувига асосланган ҳолда белгиланган.

Таълим жараёнида ҳар бир мавзу бўйича ўқувчилар анъанавий бўлган билим, кўникма ва малакага эга бўлишларига эътибор берилади. Бунда ўқувчилар олган билимлари асосида мантикий фикрлай олишлари, билимларини олдинги мавзуни кейинги мавзу билан боғлай олишлари, таянч кўникмага эга бўлишлари, глобус ва харитадан кўрсатиш кўникмасини эгаллашлари, ўлчаш ва тажрибалар ўтказиш малакасига эга бўлишлари, олган билим, кўникма ва малакаларини ҳаётда қўллай олишларига эътибор қаратилади.

Дарсларни ташкил этишда хам компетентлилик ёндашувга асосланилади. 45 минутлик дарсда ўқитувчи уй вазифаларини текшириши, ўтилган мавзуни сўраши, ўтилган мавзу бўйича глобус ва харита билан ишлаш, ўлчаш ва тажриба ишларини бажариш, янги мавзуни баён этиш, янги мавзуни мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш ишлари ўтказилиши керак. Айрим ўқитувчилар аввал уй вазифаларни текшириб чиқадилар, кейин ўтилган мавзу бўйича 3–4 нафар ўқувчидан сўрайди, сўнгра бир нечта ўқувчига ўлчаш ёки тажриба ўтказиш ишини топширади, шундан кейин янги мавзуни ўтади. Янги мавзуни мустаҳкамлашга улгурмасдан қўнғироқ чалиниб қолади. Уй вазифасини эса қўнғироқ чалингандан кейин беради.

Компетентлилик ёндашувга асосланиб дарс берадиган ўқитувчи ўтилган мавзу бўйича тайёргарлик даражасининг текширилишига барча ўқувчиларни жалб қиласи. Бунда ўқитувчи ўтилган мавзу бўйича қисқа савол-жавоб, тест синови, диктант, карточкалар билан ишлаш, турли

интерфаол методлардан фойдаланади. Бир нечта ўқувчига ўлчаш, тажриба ишлари ва бошқа топшириклар берилиб, парта оралаб уй вазифаларини текширади. Тажрибали ўқитувчи янги мавзуни ўтишга ҳам, уни мустахкамлашга ҳам, уй вазифасини беришга ҳам улгуради.

Компетентлилик ёндашувга асосланган таълимда ҳар бир мавзу бўйича таянч билим, кўнимка ва малакаларни барча ўқувчилар эгаллайдилар. Ўқувчидаги компетенслик шакллана бориши учун у ҳар бир мавзу бўйича энг камидаги таянч билим, кўнимка ва малакаларни эгаллаб боришлари лозим.

Ўқитувчи мазкур фандан компетентлилик ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурини синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Бунда дарс жараёнида ДТС бўйича ўқув фанидан узлуксиз мажбурий таълим тизимини бошланғич таълимни битирувчиларига қўйиладиган мажбурий минимал талабларнинг бажарилишига эришиш билан биргаликда унда келтирилган компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириши керак. Бунда ўқитувчига тақвим-мавзу режа берилиб, унда ҳар бир мавзуда шакллантирилиши керак бўлган компетенциялар келтирилган. Тақвим мавзу режада, шунингдек, уни амалга ошириш юзасидан қисқача усуллар ҳам келтирилган. Ўқувчиларда мазкур компетенцияларни шакллантириш учун дарсларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш тавсия этилади.

Дарсларда ахборотларни мустақил равишда излаш, улардан фойдаланиш бўйича компетенцияларни шакллантиришда дарсликдан, турли газета, журнал, қўшимча адабиётлар, лугатлар, интернет ресурсларидан фойдаланишни ўргатиш керак.

Ўқитувчи ўқувчиларда юқоридаги компетенцияларни шаклланганлик даражасини ҳар бир дарсда кузатиб бориши, уларда компетенцияларнинг қайси жиҳатлари шаклланганлигини эътиборга олиши ҳамда ўтказилган назорат ишлари (тест саволлари) орқали тўлиқ аниқлаб ҳар бир компетенциянинг ўқувчи қандай эгаллаганлигини алоҳида кўрсатиб бориши лозим.

Шунга кўра, экспериментатор ўқитувчига методик ёрдам сифатида табиат фанидан 1-2-3-4-чораклар учун тайёрланган тақвим-мавзуу режаларда ҳар бир мавзу бўйича ўқувчидаги шакллантирилайдиган компетенциялар, уни амалга ошириш юзасидан қисқача усуллар кўрсатилди, назорат ишларини ўтказишида ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини аниқлашда назарий билимларини тестлар ва амалий билан бирга уларнинг компетентлигини аниқлайдиган намуналар берилди.

Ўрганилган мавзулар бўйича ўқувчиларда хусусий ва таянч компетенцияларнинг қай даражада шаклланганлигини уйга берилган вазифаларни текшириш орқали; кундалик, оралиқ назорат ишларинини ўтказиш орқали, ўтилган мавзулар бўйича такрорлаш дарслари орқали аниклаши мумкин. Бунда ўқитувчи уйга берилган вазифани синф ўқувчиларининг қанча фоизи қай даражада бажарганларини аниқлаб олгач, берилган вазифани етарли бажармаган ўқувчилардан кўпроқ дарсга жалб қилиши, улар билан савол-жавоблар ташкил этиши талаб этилади.

Атрофимиздаги олам - 1- синфда “Атрофимиздаги олам” дарсларига ўқув режа бўйича 33 соат , 2- синфга 34 соат, 3-4 синф “Табиатшунослик” дарсларига 34 соат ажратилган . Бу дарслик мавзуларига илғор -педагогик ва АКТга асосланган дарс ишланмалари ва методик тавсиялар ҳамда дарсликнинг мультимедиа иловаси яратилди.

Дарсликнинг мультимедиали иловасида видеолавҳалар, интерфаол методлар, дидактик ўйинлар, машқ-топшириқлар, ребус ва кроссвордлар берилган бўлиб, ўқувчиларнинг амалий тафаккур ва тасаввурларини шакллантиради, мантиқий фикрлаш ва ҳозиржавоблик қобилияtlарини ривожлантиради.

Мультимедиали иловасида фойдаланган ҳолда дарсларнинг янгича ёндошувлар асосида ташкил этилиши ўқувчиларининг таълим олиш сифат ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Табииёт ва география фанини мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Табиий, ижтимоий-иктисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниклаш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.

Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш компетенцияси.

Глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси.

### **Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенцияси.**

Ушбу фанга оид умумий компетенциялар ўқув дастурларининг 1-4-синфларида йил охирида келтирилди. Ўқув дастурида назорат ишлари ҳам берилди. Мазкур назорат ишлари мавзулар кесимида жойлаштирилган.

Меъёрий ҳужжатларни юритишда **таянч** ва **фанга** оид компетенциялар қуидагича ёзилиши тавсия қилинади:

#### **И. ТК-таянч компетенциялар**

1. ТК1-коммуникатив компетенция;
2. ТК2-ахборотлар билан ишлаш компетенцияси;

3. ТК3-ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси;
4. ТК4-ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;
5. ТК5-миллий ва умуммаданий компетенция;
6. ТК6-математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.

### **ИИ. ФК-фанга оид компетенциялар**

1. ФК1-табиий, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси;
2. ФК2- географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш компетенцияси;
3. ФК3-глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси;
4. ФК4-табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенцияси.

### **Назорат учун саволлар**

1. Табиатшуносликни ўқитиш методикаси фанининг асосий мақсади нима?
2. Бошланғич мактаб табиатшунослик фанининг таълимий ва тарбиявий вазифаларига нималар киради?
3. Табиатшунослик ўқитиш методларидан қайсиларини биласиз?
4. Кузатишлар билан боғлиқ бўлган биринчи машғулот қаерда ўтказилиши мумкин?

### **Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати**

1. 1-синф учун “Атрофимиздаги олам” дарслиги А. Григорьянц. Тошкент. Чўлпон. 2016 йил
2. 2-синф учун “Атрофимиздаги олам” дарслиги П.Ғуломов, Ш.Мирзахматова. Тошкент. Чўлпон. 2016 йил
3. 1-синф учун “Атрофимиздаги олам” ўқитувчилар учун илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича методик қўлланма. Муаллифлар гурӯҳи. 2014 йил.
4. 2-синф учун “Атрофимиздаги олам” ўқитувчилар учун илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича методик қўлланма. Муаллифлар гурӯҳи. 2015 йил.
5. 2-синф учун “Атрофимиздаги олам”. П.Ғуломов, Ш.Мирзахматова. Ўқитувчи китоби. Тошкент. Чўлпон. 2008 йил.

6. Табиатшунослик дарсларида интерфаол таълим. Ш.Мирзахматова. Услубий қўлланма. Тошкент 2015йил.
7. 4-синф учун “Табиатшунослик” дарслиги. А.Бахрамов 2016 йил

## **ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ**

1. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги портали,
2. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб сайти,
3. <http://www.eduportal.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот таълим портали,
4. <http://www.multimedia.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти,
5. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти,
6. <http://www.pedagog.uz> - Тошкент давлат педагогика университети веб сайти,
7. <http://www.giu.uz> - Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти,
8. <http://www.ziyonet.uz> - ахборот таълим портали
9. <http://www.natlib.uz> - А.Навоий номидаги миллий кутубхона веб сайти.
10. <http://www.e-school.for.uz> - Умум ўрта таълим мактаблари масоғавий таълим учун мўлжалланган платформа портали.

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машгулот:**

#### **Мавзу: Табиатшунослик ўқитиш воситаларидан ўринли фойдаланиш**

**Машгулот мақсади:** табиатшунослик дарсларини ташкил этиш, дарсларда ўқув қуроллари воситаларидан самарали фойдаланиш, табиатшуносликни ўқитиш воситаларига нималар кириши ҳақида маълумот бериш, табиатшунослик дарсликлари ва улар билан ишлаш, кўргазмали қуроллар ва табиатшунослик дарсларида улардан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш.

#### **1. Табиатшунослик дарсликлари ва улар билан ишлаш.**

Дарслик ўқув жараёнидаги зарур бўғин бўлиб, дарсда ўзлаштирилган билимларни мустахкамлаш ва кенгайтиришни таъминлоқчи муҳим воситадир.

Табиатшунослик дарслари таълим берувчилик, ривожлантирувчилик ҳамда тарбиячилик аҳамиятига эга. Улар Ўзбекистон табиатининг мавсумий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Шунга кўра биринчи дарслар ёзги кузатишларга якун ясашга багишлианди, бунинг учун дарсликларда ёздаги табиатда олиб борилган кузатишларни алс эттирувчи темалар қараб чиқиласди. Бу ишга Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, ҳатто сентябр бошланишида куз белгилари сезиладиган тоғли жойларда ўрин ажратиласди. Шунинг учун табиатшуносликни ўрганиши ёзги кузатишларини: ярим кунда қуёш баландлиги, ёз охирида кун ва туннинг узунлиги, кечқуруннинг иликлиги, туннинг салқинлиги, меваларнинг мўллиги, уларнинг етилиш муддатилари, ғўза майсаларининг пайдо бўлиши, уларнинг гуллаши ва мева ҳосил қилиши, ёзда ҳайвонлар ҳаёти, ёз даврида одамларнинг меҳнат фаолияти ва ҳоказоларни системалаштиришдан бошланади.

“Атрофимиздаги олам” (1-2-синфлар) ва “Табиатшунослик” (3-4-синфлар) дарсликлари мақолаларининг мазмуни деярли ўлкашунослик принципи бўйича тузилган. Бу атроф табиатни унда кузатиладиган ҳар хил обьект ва ҳодисалар ҳамда одамлар меҳнат фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш имкониятини беради.

Дарслик билан ишлашда қуйидаги услублардан фойдаланилади: матн (текст) билан ишлаш, савол ва топшириқлар билан ишлаш, дарсликлардаги расмлар билан ишлаш.

Янги мавзуни тушунтириш ва олинган билимларни мустахкамлашда иш дарслик матни билан ўтказилади. У шундай тарзда боради: мавзу бўйича кириш сухбати, ўқувчининг мақолани тўлиқ ёки қисмлари бўйича ўқиши, ўқилган мазмуни бўйича сухбат, ўқитувчининг тушунтириши, янги атама ва номларни (ўқитувчининг доскага, ўқувчиларнинг дафтарларга) ёзишлари. Ўқитувчи ишга раҳбарлик қила туриб, унга барча ўқувчиларни жалб қиласди, уларнинг жавобларини қизиқарли маълумотлар билан чуқурлаштиради ва тўлдиради, сурат, диафимлар намойиш қиласди. Шу асосда ўқувчиларда аниқ тасаввурлар ҳосил қилинади, улар тушунчани шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Дарслик устида мустақил ишлашни чуқурлаштириш учун ўқитувчининг олдиндан тайёрлаган топшириқлари масалан, таъриф ёки тушунчаларни топиш, саволга жавоб бериш, матнда баён қилинган табиат ҳодисаларини тушунтириш бўйича айрим матнлар ўқитилиади. Алоҳида эътибор луғат ишларига ажратилиши зарур. Шу мақсадда тушуниш қийин бўлган сўзлар доскага ёзилади, орфограммаси таъкидланади, ёнига тушунтирувчи сўз қайд қилинади. Ўқув материалини фаҳмланган ҳолда эсда қолдириш учун ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг табиатшунослик луғатини бойитиш бўйича иш олиб бориш ҳам фойдалидир.

Дарсликдаги ҳар бир мавзуга ўқув материали билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантирувчи, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларни рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи саволлар ҳамда топшириқлар берилади. Савол ва топшириқлар қўйидаги гурухларга бўлинади:

2. Билимларни мустаҳкамлаш учун (Ўзбекистонда қандай ғалла ўсимликлари ўстирилади? Ғалла пояси нима деб аталади? Ғалланинг меваси нима? Тарвуз, ошқовоқ, яъни полиз экинларининг меваси бошқа ўсимликлар мевасидан нима билан фарқланади? Сизнинг жойингизда қайси қушлар зааркунанда ҳашаротларни қиради? Йиртқич қушлар қандай фойда келтиради?)

3. Мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун ( Нима учун ўсимликлар баргларини тўқади? Нима учун баргларнинг кузги ранги хира бўлади ? Ўсимликларни кўпайтириш нимага керак? Нима учун қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар? Нима учун ҳайдаш вақтида далада зағчалар кўп бўлади? Нима учун куз ойлари аста-секин совий бошлайди? Нима учун баъзи ҳайвонлар қишки уйқуга кетадилар?)

4. Кузатиш ёрдамида олинган билимларни қўлланиш учун (Ғўза барглари ғалла ўсимликлари баргларидан нима билан фарқланади? Ғалла ўсимликлар пояси нима деб аталади? Ғўза мевасини нима деб аталади? Кўсак мевалар қандай рангга киради? Улар нима билан тўлган? Уруглари нима билан қопланган? Ғўза уругини толалардан тозаланг ва оқ қоғоз орасида олиб эзинг. Қоғозда нима қолди? Ҳар хил ғалла ўсимликлари меваларини қараб чиқинг. Донлари бир-биридан нима билан фарқланади?)

5. Табиатшунослик тушунчаларининг солиштириш учун (План харитадан нима билан фарқланади? Қушларнинг баҳордаги уларнинг бошқа фасллардаги хаётидан нима билан фарқланади? Ғалла ўсимликларининг меваларини қараб чиқинг. Уларнинг ўлчамини таққосланг. Ғўза баргларини қараб чиқинг. Буғдай, маккажўхори, шоли барглари билан таққосланг. Улар нима билан фарқланадилар? Бодрингни, помидор билан таққосланг. Улар бир-биридан нима билан фарқланади?)

Дарсликдаги тасвирларга катта дидактик рол ажратилади. Улар мақолалар мазмуни билан чамбарчас боғлиқ ва ўрганиладиган материални билиб олиш манбаи бўлиб хизмат қиласи, шунга кўра болаларни хар бир расмни дикқат билан кўришга ва синчиклаб поёнига етишга ўргатиш керак. Дарсликдаги хар бир расмни ўқувчилар таҳлил қила олишлари керак. Бу иш матнни ўрганиш билан бир вақтда боради. Баъзан матнни ўрганишдан кейин ўтказилади, айрим ҳолларда эса матнни ўрганиш олдидан бўлади. Барча дарслик матнга мувофиқ келади, уларнинг мазмунини тушунтиради, аниклайди ва тўлдиради.

Расмларга берилган савол ва топшириқлар ҳам ғоят муҳимdir, чунки улар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини йўналтиради ва синфда ҳамда уйда тасвирлар устида мустақил ишлашга ёрдам беради.

## **2.Кўргазмали қуроллар ва табиатшунослик дарсларида улардан фойдаланиш методикаси**

Инсон табиат жисмлари ва ҳодисалари оламида яшайди, улар билан ҳар куни мулоқотда бўлади. Атроф оламда ўзини тўғри тушуна билиш учун одамлар айрим жисм ёки ҳодисани (даражат, тош, ҳайвон ва ҳ.к) ҳам бир-бирига боғлиқ бўлган жисм ёки ҳодисалар комплексини (кўча, парк, хиёбон, сурат ва ҳ.к) ҳам қабул қила олиши керак.

**Кабул қилиши** - одам томонидан атроф олам жисмлари ва ҳодисаларини сезгиларга бевосита таъсир қилишида акс эттирилишидир.

В.А. Сухомлинский шундай ёзган эди: “Одам ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқди ва факат ўз қўллари билан биринчи меҳнат қуроллари ясагани учунгина эмас, балки мовий осмоннинг чуқурлигини, юлдузларнинг милтиллашини, кечки ва эртанги шафақнинг пуштинамо тобланишини, шаббодани кун олдидан унинг қип-қизил ботишини, сахроларнинг соҳилсиз уфқини, осмон яшиллигига турналар галасини, эртанги шабнамнинг тиник томчиларида қуёшнинг акс эттирилишини, булутли куз кунида ёмғирнинг кулранг ипини, бойчечакнинг нозик пояси ва ҳаворанг қўнғироқчасини кўргани учун ҳам истеъдодли мавжудот бўлиб етишди.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қабул қилишини ривожлантириш устида доимо иш олиб бориш керак, токи у мақсадга йўналган ва ташкил қилинган кузатиш жараёнига айлансин. Сезгили қабул қилишнинг ривожланган бўлишида табиатшунослик дарсларида табиатшунослик тасаввурлари ва тушунчаларини тўғри шакллантириш мақсадида қўлланиладиган кўргазмали қуролларга катта ўрин ажратилади.

Табиатшунослик бўйича ўқув қуроллари ғоят хилма-хилдир. Улардан бир хиллари (табиий жисмлар ва уларнинг қўргазмали тасвиirlари) дарсларда ўрганиш обьекти ҳисобланади, бошқалари ҳизмат кўрсатувчи ролни ўйнайди- уларни ўқувчилар ўрганмайдилар. Дарсларда ўрганиш обьектлар ҳисобланган қуролларни иккита грухга: табиий жисмлар ва ўқитиш учун махсус тайёрланган, жисм ва ҳодисаларнинг тасвиirlарига ажратиш мумкин. Табиий жисмларга тоғ жинслари, металларн, тупроқ намуналари, ўсимликлар, ҳайвонлар киради. Кўргазмали қуроллар сатхли ( суратлар, диафильмлар) ва хажмли (моделлар, макетлар, муляжлар) га ажратилади. Униси ҳам буниси ҳам ҳаракатсиз ва ҳаракатчан бўлиши мумкин.

**Табиий жисмлар билан ишилаш методикаси.** Табиатшуносликни ўқитиш учун айниқса табиий жисмлар керак, чунки улар ўқувчиларда табиат жисмларини бевосита қабул қилиш асосида тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишга имкон беради (ҳар бир ўқувчи табиий материал билан мустақил ишлай олиш учун уни етарли миқдорда- ўқувчилар сонига қараб тўплаш керак)

Қабул қилиш учун тери сезгиси, хид билиш, маза сезишни талаб қилмайдиган йирик жисмларни ўқитувчи узокдан туриб намойиш қиласи. Йирик ўсимликлар, масалан маккажўхори , помидор, полиз

экинлари ( бутун ўсимлиги барг, илдиз, мевалари билан) ёки ҳайвонлар (мушук, қуш ва бошқа...) шундай кўрсатилиши мумкин.

Нарсани ҳамма ўқувчилар яхши кўришлари учун уни синф тахтасига ўрнатилади ва ўқитувчи столи устидаги баландликка қўйилади. Тирик ҳайвонларни намойиш қилиш ўқувчиларга фақат уларнинг ташқи кўришинигина эмас, балки ҳарактерини, қилиқларини, чиқарган овозини ва ҳоказоларни қабул қилишга имкон беради, бу болалар онгидаги анча тўлтқ ва равшан тасаввурлар ҳосил бўлишини таъминлайди.

Кузатишларга яхшироқ раҳбарлик қилиш учун ўқитувчи ўқувчилар олдида улар эътиборини кузатилаётган нарсанинг ҳарактерли ҳусусиятларига (катта-кичиклиги, шакли, ранги, асосий қисмлари, ҳаракатланиш усули ва х.к), шунингдек, унинг бошқа нарсаларга ўхшашлиги ва улардан фарқига йўналтирувчи саволар қўядилар.

**Суратлар билан ишлиш методикаси.** Табиатшуносликни ўқитишда ўқитувчи ўқувчиларга улар ҳали кзрмаган кўпгина объект ва ҳодисалар тўғрисида маълумотлар беради. Бироқ энг жозибали ва қизиқарли ҳикоя, агар у яхши суратда кўрсатилмаса, етарли, тўлиқ ва ёрқин тасаввурлар бера олмайди. Фақат суратларни диққат билан қараб чиқиши табиий холдаги жисм билан танишишдагига яқин келадиган таассуротларни ҳосил қилиши мумкин

Табиатшунослик дарсларида кўпинча деворий суратлар ишлатилади, улар бўйича фронтал синф иши олиб борилади. Йирик суратлар бўлмаса, кичикроқ суратлардан фойдаланиш мумкин, уларни ҳар бир ўқувчига кўрсатиш керак. Аммо ўқитувчи қайси турдаги сурат билан ишламасин, унинг мақсади-суратнинг табиатшунослик мазмунини очиб бериш болаларда табиатшунослик билимларининг манбай сифатида ундан фойдалана олиш ўқувини ҳосил қилишdir.

Суратлар билан ишлишда уларнинг мазмунидан тўғри фойдаланиш, болаларнинг кузатишларига тўғри раҳбарлик қилиш керак. Табиатшунослик дарсларини тасвирилашда ( тасвиirlар билан таъминлашда) Ўзбекистон табитини мадҳ этган халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг суратлари бой имкониятлар беради. Маласан, қудратли дарёнинг улкан манзарасини, жонажон жумхурият қиёфасини тасвиirlаган “Сирдарё” манзара суратидан “Табиатда сув” мавзусини ўтишда фойдаланиш мумкин. “Қоракум ГЕС”, “Жонажон ўлка”, “Суғориш” ва бошқа замонанинг ҳаётий ҳис билан белгиланган

суратлари “Жонажон ўлканинг табиати” мавзусини ўрганишда яхши тасвир бўлиб хизмат қиласди.

Расмларни кўришдан олдинги таассуротларни ўчмаслиги учун уларнинг сони кўп бўлмасин. Суратлар бир нечта бўлганда мазмунни яхшироқ ўзлаштириб олишга ёрдам берувчи методик услуб-таққослашдан фойдаланиш мумкин. Суратни дарслик билан ишлашга ҳам қўшиш мумкин, масалан, дарслик матнидан суратнинг мазмунига мувофиқ келадиган таърифлар танланади. Бундай топшириқ ўқувчиларни суратга эътибор билан қарашга ва бир пайтнинг ўзида ўқилганларнинг мазмунини яхшироқ тушуниб олишга мажбур қиласди. Сурат мазмунини ўқувчиларнинг ўзлари томонидан айтиб беришлари уларда умумлаштириш уқувларини шакллантиради, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг аналитик-синтетик фаолиятини ривожлантиради.

### **3. План, харита, глобус билан ишлаш методикаси**

План, харита ва глобус юилан биринчи танишиш 4-синфдан бошлиниди. Болаларни планни тушуниш ва ундан фойдаланишга ўргатиш учун уларни планнинг асосий элементлари билан изчил ва системали таништирувчи тайёргарлик машқларини ўtkазиш керак.

Планни тушунишга тайёрлашнинг биринчи босқичи-жойида ориентирлаш кўникмаларининг ўзлаштиришдир, навбатдагиси жойида масофяларни ўлчаш ва уларни чизмада тасвираш услубларини ўзлаштиришдир. Бунинг учун ўқувчилар кун ўртасидаги сояни кузатадилар, компас билан муомала қилишга ўрганадилар. Синф ва очик ҳавода машқ қилиб, улар асосий ва оралиқ йўналишларни аниқлашга одатланадилар.

Ориентирлаш бўйича ишлаш билан бир вақтда ўқитувчи йўналишларни ифодалаш уқувларини ҳосил қилиш бўйича машқлар ўтказади ( болалар шимолга юзланадилар ва атрофдаги нарсаларни қараб чиқадилар, кейин эса қайси нарсалар ўзларидан шимолда, қайсилари жанубда, ғарбда ва шарқда турганлиги аниқлайдилар). Шундан кейин масофани ўлчашга, сўнгра уларни чизмада тасвирашга ўтилади. Амалий машқ вақтида ўқитувчи болаларни масофани қадамлаб ўлчаш техникаси билан таништиради.

План тўғрисида оддий тушунчаларни шакллантира бориб, ўқитувчи ўқувчиларга расм, фотосурат ва гугурт қутиси чизмасини, кубик, стакан ёки бошқа нарсаларни қараб чиқишини, расм, фотосурат ва чизмалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни топишни таклиф

қиласи. Сўнгра геометрик фигуralарни кўрсатади ва тарқатади. Ўқувчилар одатда нарсани дафтар варагига қуиб, унинг атрофини қалам билан чизадалар. Топшириқ бажарилгандан кейин ўқитувчи ўқувчиларни нарсанинг юқоридан кўринишини план дейилади, деган хulosага олиб келади. Шундан кейин китоб ва столнинг планини чизишни таклиф қиласи. Агар ўқувчилар нарсаларнинг катталиги туфайли топшириқни бажаришда қийналсалар, ўқитувчи тасвирланадиган нарсани шартли равища кичрайтириш мумкинлигини тушунтиради. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига китобни, столнинг узунлиги ва энини ўлчайдилар, улар ўлчамини шартли равища кичрайтирадилар (масалан, 10 марта) ва планини чизадилар.

Ўқитувчи жуда катта территорияни ҳам жўғрофий харитага тушуриш мумкинлигини айтиб, Ўзбекистон табиий харитасини илади. Уни кўра туриб, ўқувчилар бу харита ўзлари яшаётган республика эканлигини аниқлайдилар. Ундаги шаҳарлар доирача билан ифодаланганлиги ва ҳеч қаерда схематик планда кўрилган кварталлар ( масалан, Тошкентнинг марказий қисми планида) кўринмаганлиги белгиланади. Харитада пландагидек тафсилот йўқлиги, чунки унинг масштаби кўп марта майда эканлиги ҳақида холоса чиқарадилар.

Табиатшуносликни ўқитишида глобус ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас Агар план ер юзасининг катта бўлмаган участкасини йирик масштабли тасвирлашдан харитадаги майда масштабли тасвирлашга ўтишга имкон берган бўлса , глобус бутун ернинг тўғри шакли ва юзасининг тасвирини беради.

Глобус ер шакли, кун ва туннинг алмашиниши, йил фасллари, иссиқлик минтақалари тўғрисидаги материални тушуниш учун зарур. Харита ва глобус билан ишлашни бир-бирига уйғунлаштириш табиатшунослик бўйича билимларнинг тўғри ва чуқур бўлишини таъминлайди. Жуғрофий тушунчаларни шакллантиришда глобусдан фойдаланиш кўргазмали тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Ер шарини пиёда ёки транспорт воситасида айланиб ўтиш учун қанча вақт зарурлиги тўғрисидаги ахборот, агар шундай саёҳатни глобусда кўрсатиш билан бирга бериб борилганда, ер шарининг катталигини характерлайдиган ракамларга қараганда айниқса анча яққолроқ бўлади.

Ярим шарлар харитаси билан ишлашга ўтаётганда ўқитувчилар бу харита ўқувчилар онгига глобус билан бинобарин, ернинг шарсимон шакли тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқ бўлиши ҳақида

ғамхўрлик қилмоғи керак. Глобус ва харита билан олиб бориладиган қатор машқлар болаларнинг ярим шарлар харитасида сунъий равишида ажратилган ернинг юзаси аслида ажралмас эканлиги ҳақидаги фикрга ўрганишга ёрдам беради.

Глобус ўлкамиз табиатининг хилма-хиллиги билан танишишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу мавзу бирор манбадан (чироқ ва шамдан) нурлар юзадаги нуқталарни ҳар хил ёритиши ва иситишини қўрсатувчи тажриба ва кузатишлар туфайли зарур аниқлик олади.

Табиатшунослик дарсларида глобусдан мохирона фойдаланиш, глобус билан бўлган тажриба ва табиатдаги кузатишларни таққослаш, глобус ва харита билан ишлашни уйғунлаштириш аниқ жуғрофий тасаввур ҳосил қилишга имкон беради, оддий жўғрофий алоқаларнинг фарқига боришга ёрдам беради, харитага анча онглироқ муносабатда бўлишга ёрдам беради, унинг тилини тушунишга ўргатади.

#### **4. Экран воситалари билан ишлаш методикаси**

Экран воситаларига диафильм, диапозитив ва кинофильмлар киради (табиатшунослик программасида уларнинг рўйхати бор) Ўзбекистонда экран воситаси сифатида “Жонажон ўлка қушлари” диафильми ва “Чотқол қўриқхонаси” номли ҳужжатли фильм чиқарилган. Бу қуроллардан 3-4-синфларда атроф олам билан танишиш ва табиатшунослик бўйича дарсларда фойдаланиш керак.

Экран воситаларини намойиш қилиш учун экран қуйилган ва қоронгилатилган, маҳсус синфга эга бўлиш зарур. Диафильм ва кинофильмларни, диапозитивларни қўрсатишга сарфланадиган вақт дарснинг мавзуси, мақсади ҳамда типига боғлиқ. Намойиш қилиш пайтида қуйидаги талаблар бажарилмоғи лозим: ҳар бир кадрни қўриб чиқиш, тахлил қилиш ва фаҳмлаб олиш керак, бунинг учун ўқитувчи йўналтирувчи саволлар беради, уларга олинган жавоблар тўлдирилади, экрандаги барча ёзувларни албатта ўқиш зарур, диапозитивларни қўриш ўқитувчининг ҳикояси, харита бўйича иш, гербарийлар фойдали қазилмаларнинг намуналари ва бошқа қуролларни қўриб чиқиш, дарслик мақоласини ўқиш билан иалмасиб бориши зарур. Бир мартанинг ўзида кўп диапозитивларни қўрсатиш ярамайди, чунки бу хол болаларни чарчатиб қўяди. Ўқитувчи ҳикояси ва мақолани ўқишдан кейин олинган билимларни мустаҳкамлаш учун умумлаштирилган сухбат ўтказилиши лозим.

Табиатшунослик дарсларида кинофильмлар ҳам кенг қўлланилмоғи лозим. Улар ер шарининг ҳар хил бурчаклари

ландшафтини ҳамда аҳоли ҳаётининг чинакам тасвиринби беради, унда барча ҳодисалар ҳаракатда кўрсатилади. Ўкув фильмлари ёрдамида ўқувчилар синфда танишиш мумкин бўлмаган табиат ҳодисалари тўғрисида ҳақиқий тасаввур оладилар.

Ўқитувчи мактабда сақланган кинофильмлар фондини яхши билган бўлиши керак. Режа туза туриб, ўқитувчи фильмлар кўрсатиладиган дарсларни олдиндан белгилайди. Ўқувчиларга кинофильмлар кўрсатишдан олдин уни ўқитувчининг ўзи кўриб чиқиши, ўқувчилар эътиборини нималарга қаратиш зарурлигини, ҳикоя вақтида нималарни қўшимча қилиш кераклигини белгилаши, фильмни кўриш олдидан ўқувчиларга берилиши мўлжалланган савоғларни тузиши талаб қилинади. Дарсга тайёрланишда фильмга илова қилинган монтаж ва рақаларидан фойдаланмоқ зарур, уларда фильмнинг мазмунни изчил баён қилинган бўлади.

Фильм бевосита мавзуни ўрганишда ёки уни такрорлашда намойиш қилинади. Кириш сухбатида одатдаги дарсдагидек харита, суратлар, жадваллар, гербарийлар, коллексиялар, фотосуратлардан фойдаланилади, тажрибалар кўрсатилади.

Чунончи, З-синфда “Табиатда сувнинг алмашиниши” тажрибасидан кейин ўрганилаётган ҳодисанинг тушуниб олишини осонлаштириш учун кинофильм намойиш қилиш маъқул бўлади. Дарснинг одатда фрагментлар ёки фильмнинг бир қисми кўрсатилади. Агар фильм овозсиз бўлса, тўхтовсиз ҳикоя қилинмасдан ёзувларини ўқитувчининг ўзи ўқиб боради, чунки тўхтовсиз ҳикоя ўқувчилар эътиборини четлаштиради ҳамда сочади ва улар фильмнинг асосий мазмунини ёмон қабул қиласидар.

Табиатшунослик дарсида кинофильмлардан фойдаланиш нарса ва ҳодисалар тўғрисида ёрқин, аниқ ва тўлиқ тасаввур ҳосил қиласидар. Бошқа кўргазмали қуролларга қараганда кинофильмлар динамик (ҳараакатчан) жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисида, одамлар фаолияти тўғрисида тасаввурлар ҳосил бўлишига яхшироқ ёрдам беради.

## 6.Модел кўргазмали қурол сифатида

Табиатшунослик дарсларида моделлар кўринишидаги ҳажмли тасвиirlар ҳам кенг қўлланилади. Модел - бу нарса ёки қурилманинг барча тафсилотларини такрорловчи, уларга ўхшаш ҳажмли тасвиридир. Моделларнинг идрокий аҳамияти ғоят катта, чунки улар сатҳли расмлардан фарқ қилиб, ўрганилаётган нарса тўғрисида фазовий тасаввур беради.

Табиатшунослик бўйича дастур материалини ўзлаштириб олиниши учун зарур бўлган моделларни икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга ер юзасининг шаклларнининг: тоғ, тепалик, дарё водийлари, дарё ва уларнинг ирмоқлари, ўпирилиш, жарларнинг жўкрофий моделлари киради. Бу моделлар, агар тасвири ифодаланган предмет экскурсияда ўрганилган бўлса, алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчи гурухга ҳар хил қурилма ва иншоотлар: шахта, печи, сув ва шамол ҳаракатланувчилари кабиларнинг моделлари киради.

Табиатшунослик бўйича машғулотларда қумдан, пластилиндан ёки лойдан ясалган моделлар қўлланилади, улар болаларда ҳажмли ҳамда фазховий тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу айниқса, агар объектни табиий холда кўрсатиш мумкин бўлмаган тақдирда муҳимдир. Моделлар табиатда қурилганлар тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин.

Моделлаштириш бўйича машғулотларни синф ёки жўкрофия майдончасидаги табиатшунослик ва техника меҳнати дарсларида ўтказиш мумкин. Моделлаштиришдан илгари ўзлаштирилганларни мустаҳкамлаш ва материал билан таништириш, шунингдек экскурсияда олинган билимларни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мумкин. Чунончи, болаларга экскурсияда кузатилган ер юзасининг ўша шаклларини пластилин билан (қофозга ёки картонга) ёпиштириш топширигини бериш бўлади. Ўқитувчи пластилин билан тепаликни ифодалаб унинг пасти ва учини, ётиқ ва ёнбағирликларини ёки текисликни кўрсатишни: жарлик, дарё ва унинг қисмлари, дengиз моделларини тайёрлашни таклиф қилиши мумкин. Уй вазифаси сифатида жойнинг релефини ёпиштириш ва қофоз ёки картонлардан қилинган ўсимлик ва ҳайвон моделларини макетда жойлаштиришни таклиф қилса бўлади. Макетнинг қисмлари техника меҳнати дарсларида бажарилиши мумкин.

4- синфда “Ўлкамиз табиатининг хилма-хилиги” мавзусини ўрганишда ўқувчилар қумтепа, дашт, чўлларнинг ўсимлик ва ҳайвонлари билан макет ҳамда моделларини, ўрганилган табиий зоналардан истаганининг флора ва фаунаси апплекацияларини тайёрлашлари мумкин. Бундай ишлар ўқувчиларнинг предметга бўлган қизиқишлигини оширади, улар тафаккурини фаоллаштиради, ўрганилаётган ҳодисани кўргазмали равишда тасаввур қилишга, бинобарин, билимларни ишончли равишда мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## **Синф тахтасида ўқитувчининг расм чизиши**

Ўқитишининг кўргазмали воситалари қаторига янги материални тушунтиришни синф тахтасида график тарзида тасвирлаб кўрсатиш ҳам киради. Ўқувчилар тасвирни дафтарларига чизиб олиш билан уни беихтиёр эсда қолдирилади. Ўқитувчининг вазифаси - ўқувчиларга расм ёрдамида фақат муайян табиатшунослик тушунчаларини ҳосил қилишга ёрдам беришгина эмас, балки уларни фикр юритишга, таҳлил қилишга, таққослашга, мулоҳаза юритишга, хуносалар чиқаришга ўргатиш ҳамдир. Бунинг учун дарсда меҳнатга қизиқиши холатини вужудга келтириш керак, бунга расм чизиш маълум даражада ёрдам беради. Расм чизиш, айниқса нутқи кучсиз ривожланган ўқувчилар учун фойдалидир, чунки уларнинг фикри расм воситасида вужудга келтирилган аниқ тасвирларга таянади. Доскадаги тасвирлар сифатида хомаки расм, схематик расм ёки оддий схемалардан фойдаланиш яхшироқдир. Синф тахтасидаги расмга равшанлик бериш учун уни рангли бўр билан чизиш маъқул бўлади. Бунда ўқувчилар ўқитувчи кетидан ижодий дафтарларига бажарилиши мураккаб бўлмаган расмларни чизиб борадилар. Аммо расм чизиш дарсда оз вақтни олиши ва мақсадсиз ишга айланмаслиги зарур.

Синф тахтасида дафтарларга расмлар ва улар билан боғлиқ бўлган ёзувларни жойлаштирилиши ҳам мухим аҳамиятга эга. Расм ўқувчиларнинг қабул қилишга ҳиссий таъсир кўрсатиб, албатта уларнинг фикрлаш фаолиятини қўзготсин, муайян табиатшунослик билимларини хотирада сақланишига ёрдам берсин.

Мисол қилиб, тундра табиатини ўрганишда ўқитувчининг янги материални тушунтириши ва уни тахтада тасвирлашини келтирамиз:

- Май ойида қуёш тундра тўхтовсиз бутун кун давомида ёритади. Ҳатто ярим кечада, у қип-қизил шар ҳолатида осмоннинг шимол томонида уфқ устида паст бўлиб осилиб туради. Нима учун?

Ўқувчилардан жавоб олгач, уни ер шарининг ёзда қуёш нурларига нисбатан орбитадаги ҳолатини тасвирлаб кўрсатади.

- Тундрада ёғин кам тушади бироқ тупроқ сув билан кучли намланган бўлади.

Нима учун шундай бўлишини тушунтириш учун ўқитувчи ер юқори қатлами кесимининг расмини чизади, кўп йилик муз қатлами ва ер ости суви баландлигининг паст эканлигини кўрсатади.

- Тундрадаги қўпчилик ўсимликлар ер бағирлаб ўсади, баъзилари эса ер бўйлаб тўшалиб ўсади. Бу шу билан боғлиқки, совуқ шимолий

шамоллардан ҳимояланган ўсимликлар иссиқни яхшироқ сақлади ва намлики камроқ буғлантиради.

Тундра ўсимликларининг схематик тасвири чизилади.

Тупроқда намликининг ғоят мўл бўлишига қарамай ўсимликлар сувни кам буғлантиришга мослашганлар.

Бу қанақа мослашишлар ва қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш учун ўқитувчи гербарийлардан фойдаланади. Кейин тундра ўсимликларидан бири (клюква) доскага чизилади. Расм тагида ўсимликни характерловчи: “Майда баргли, қисқа илдизли, тўшалиб ўсувчи пояли” ёзувлар қилинади.

Сўнгра ўқитувчи тундрада яшовчиларнинг ўзаро табиий боғланишларининг схемасини чизади, уларнинг ҳимоя рангига, иссиқ мўйнасига ёки яssi патланишига эътибор беради. Ўқувчилар схемани ижодий ишлар учун тутган дафтарларига чизиб оладилар. Расм бўйича дарсда ўрганилган материал мустаҳкамланади.

Расмли дафтарга эга бўлган ўқувчилар дарсда ва уйда ўтилган материални дарсликдан ўқишига кўп вақт сарф қилмасдан тез такрорлай олишлари мумкин. Бундай такрорлаш ўқувчилар эътиборларини йиғиб олишига, дикқат ва хотирани машқлантиришга мажбур қиласди ва ниҳоят ўрганилган материални мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Схематик расмлар, масалан, дарсларда “Тепаликлар ва жарлар”, “Тоғлар”, “Тошкўмир”, “Нефт ва табиий газ” ва бошқа мавзулари бўйича дарсларда фойдаланилиши мумкин. ер юзасинингҳар хил шаклларини кўрсатиш учун доскага схематик кесма ва профили чизилади.

Табиатшунослик материалларини ўзлаштиришда харита-схемаларини чизиш катта роль ўйнайди. Уларни қўлланиш йўлида (уфқ томонларини аниқлашда) мактаб ховлисидаги нарсаларнинг жойлашишининг оддий расмини чизиш биринчи қадам бўлади. Картографик тасвиirlарни ўқувчилар томонилан ўзлаштирилишини текшириш учун харита-схемалардан фойланиш қулайдир. Бундай харита – схемалар фазовий тасаввурларни шакллантиради ва харитадаги объектларнинг ўзаро жойлашишини ўзлаштириб олишни осонлаштиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиатшунослик дарсларида қўлланиладиган кўргазмали куролларнинг турларини санаб беринг.
2. Деворий суратлар билан ишлаш методикасининг хусусиятлари нимада?

3. План харитадан нима билан фарқланади?
4. Табиатшунослик дарсларида моделлаштиришдан қандай мақсадда фойдаланилади?
6. Қандай холатларда синф тахтасидаги расмлардан фойдаланиш мүмкин бўлади?
7. Табиатшунослик бўйича дастур материали ўзлаштириб олиниши учун зарур бўлган моделларни неча гурухга ажратиш мүмкин?

**КҮЧМА МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## **КҮЧМА МАШГУЛОТ**

### **МАВЗУ: Табиатшунослик ўқитиши воситаларидан ўринли фойдаланиш**

**Машғулот ўтказиш тартиби:** Табиатшунослик фани доирасидаги ютуқлар ва инновациялар билан танишиш.

**Машғулот мазмуні:** Тажрибали ўқитувчи ёки мутахассис фаолият күрсатаётган умумий ўрта таълим муассасасининг бошланғич синф ўқитувчилари томонидан табиатшунослик фани дарс машғулотларини: кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. Табиатшунослик фанини ўқитишида замонавий ёндашувлар бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган Табиатшунослик дарсларини таҳдил қилишда иштрок этишади.

#### **Режа**

1. Кўргазмали қуроллар ва табиатшунослик дарсларида улардан фойдаланиш методикаси
2. Суратлар билан ишлаш.
3. План, харита, глобус билан ишлаш.
4. Экран воситалари билан ишлаш.
5. Синф таҳтасида ўқитувчининг расм чизиши.

**Таянч тушунчалар:** атроф табиат, ҳайвонлар ҳаёти, кузатиш, ҳосил, экинлар, план, харита, глобус, компас, шимол, жануб, ғарб, шарқ, тажриба, қўриқхона, қазилмалар, схема.

#### *Табиатшунослик дарсликлари ва улар билан ишилаш.*

“Атрофимиздаги олам” (1-2-синфлар) ва “Табиатшунослик” (3-4-синфлар) дарсликлари мақолаларининг мазмуни деярли ўлкашунослик принципи бўйича тузилган. Бу атроф табиатни унда кузатиладиган ҳар хил обьект ва ҳодисалар ҳамда одамлар меҳнат фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш имкониятини беради.

Дарслик билан ишлашда қуйидаги услублардан фойдаланилади: матн (текст) билан ишлаш, савол ва топшириqlар билан ишлаш, дарсликлардаги расмлар билан ишлаш.

Янги мавзуни тушунтириш ва олинган билимларни мустахкамлашда иш дарслик матни билан ўтказилади. У шундай тарзда боради: мавзу бўйича кириш суҳбати, ўқувчининг мақолани тўлиқ ёки қисмлари бўйича ўқиши, ўқилган мазмуни бўйича суҳбат, ўқитувчининг тушунтириши, янги атама ва номларни (ўқитувчининг доскага, ўқувчиларнинг дафтарларга) ёзишлари. Ўқитувчи ишга раҳбарлик қила туриб, унга барча ўқувчиларни жалб қиласи, уларнинг жавобларини қизиқарли маълумотлар билан чуқурлаштиради ва

тўлдиради, сурат, диафимлар намойиш қиласи. Шу асосда ўқувчиларда аниқ тасаввурлар ҳосил қилинади, улар тушунчани шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Дарслик устида мустақил ишлашни чуқурлаштириш учун ўқитувчининг олдиндан тайёрлаган топшириқлари масалан, таъриф ёки тушунчаларни топиш, саволга жавоб бериш, матнда баён қилинган табиат ҳодисаларини тушунтириш бўйича айрим матнлар ўқитилиади. Алоҳида эътибор луғат ишларига ажратилиши зарур. Шу мақсадда тушуниш қийин бўлган сўзлар доскага ёзилади, орфограммаси таъкидланади, ёнига тушунтирувчи сўз қайд қилинади. Ўқув материалини фаҳмланган ҳолда эсда қолдириш учун ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг табиатшунослик луғатини бойитиш бўйича иш олиб бориш ҳам фойдалидир.

Дарсликдаги ҳар бир мавзуга ўқув материали билан мустақил ишлаш кўнималарини шакллантирувчи, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларни рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи саволлар ҳамда топшириқлар берилади. Савол ва топшириқлар қўйидаги гурухларга бўлинади:

Билимларни мустаҳкамлаш учун (Ўзбекистонда қандай ғалла ўсимликлари ўстирилади? Ғалла пояси нима деб аталади? Ғалланинг меваси нима? Тарвуз, ошқовоқ, яъни полиз экинларининг меваси бошқа ўсимликлар мевасидан нима билан фарқланади? Сизнинг жойингизда қайси қушлар зааркунанда ҳашаротларни қиради? Йиртқич қушлар қандай фойда келтиради?)

Мантикий тафаккурни ривожлантириш учун ( Нима учун ўсимликлар баргларини тўқади? Нима учун баргларнинг кузги ранги хира бўлади ? Ўсимликларни кўпайтириш нимага керак? Нима учун қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар? Нима учун ҳайдаш вақтида далада зағчалар кўп бўлади? Нима учун куз ойлари аста-секин совий бошлайди? Нима учун баъзи ҳайвонлар қишки уйқуга кетадилар?)

Кузатиш ёрдамида олинган билимларни қўлланиш учун (Ғўза барглари ғалла ўсимликлари баргларидан нима билан фарқланади? Ғалла ўсимликлар пояси нима деб аталади? Ғўза мевасини нима деб аталади? Кўсак мевалар қандай ранга қиради? Улар нима билан тўлган? Уруғлари нима билан қопланган? Ғўза ургуини толалардан тозаланг ва оқ қоғоз орасида олиб эзинг. Қоғозда нима қолди? Ҳар хил ғалла ўсимликлари меваларини қараб чиқинг. Донлари бир-биридан нима билан фарқланади?)

Табиатшунослик тушунчаларининг солиштириш учун (План харитадан нима билан фарқланади? Қушларнинг баҳордаги уларнинг бошқа фасллардаги хаётидан нима билан фарқланади? Ғалла ўсимликларининг меваларини қараб чиқинг. Уларнинг ўлчамини таққосланг. Ёзға баргларини қараб чиқинг. Бугдай, маккажүхори, шоли барглари билан таққосланг. Улар нима билан фарқланадилар? Бодрингни, помидор билан таққосланг. Улар бир-биридан нима билан фарқланади?)

Дарсликдаги тасвиirlарга катта дидактик рол ажратилади. Улар мақолалар мазмуни билан чамбарчас боғлиқ ва ўрганиладиган материални билиб олиш манбаи бўлиб хизмат қиласи, шунга кўра болаларни хар бир расмни дикқат билан кўришга ва синчиклаб поёнига етишга ўргатиш керак. Дарсликдаги ҳар бир расмни ўқувчилар таҳлил қила олишлари керак. Бу иш матнни ўрганиш билан бир вақтда боради. Баъзан матнни ўрганишдан кейин ўтказилади, айrim ҳолларда эса матнни ўрганиш олдидан бўлади. Барча дарслик матнга мувофиқ келади, уларнинг мазмунини тушунтиради, аниқлайди ва тўлдиради.

Расмларга берилган савол ва топшириклар ҳам ғоят муҳимдир, чунки улар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини йўналтиради ва синфда ҳамда уйда тасвиirlар устида мустақил ишлашга ёрдам беради.

*Кўргазмали қуроллар ва табиатшунослик дарсларида улардан  
фойдаланиши методикаси*

**Қабул қилиши** - одам томонидан атроф олам жисмлари ва ҳодисаларини сезгиларга бевосита таъсир қилишида акс эттирилишидир.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қабул қилишини ривожлантириш устида доимо иш олиб бориш керак, токи у мақсадга йўналган ва ташкил қилинган кузатиш жараёнига айлансин. Сезгили қабул қилишнинг ривожланган бўлишида табиатшунослик дарсларида табиатшунослик тасаввурлари ва тушунчаларини тўғри шакллантириш мақсадида кўлланиладиган кўргазмали қуролларга катта ўрин ажратилади.

Табиатшунослик бўйича ўкув қуроллари ғоят хилма-хилдир. Улардан бир хиллари (табий жисмлар ва уларнинг кўргазмали тасвиirlари) дарсларда ўрганиш обьекти ҳисобланади, бошқалари хизмат кўрсатувчи ролни ўйнайди- уларни ўқувчилар ўрганмайдилар. Дарсларда ўрганиш обьектлар ҳисобланган қуролларни иккита гурухга: табий жисмлар ва ўқитиши учун маҳсус тайёрланган, жисм ва ҳодисаларнинг

тасвиirlарига ажратиш мумкин. Табиий жисмларга тоғ жинслари, металларн, тупроқ намуналари, ўсимликлар, ҳайвонлар киради. Кўргазмали қуроллар сатхли (суратлар, диафильмлар) ва хажмли (моделлар, макетлар, муляжлар) га ажратилади. Униси ҳам буниси ҳам ҳаракатсиз ва ҳаракатчан бўлиши мумкин.

Кузатишларга яхшироқ раҳбарлик қилиш учун ўқитувчи ўқувчилар олдида улар эътиборини кузатилаётган нарсанинг ҳарактерли ҳусусиятларига (кatta-кичиклиги, шакли, ранги, асосий қисмлари, ҳаракатланиш усули ва х.к), шунингдек, унинг бошқа нарсаларга ўхшашлиги ва улардан фарқига йўналтирувчи саволар қўядилар.

Суратлар билан ишилаш методикаси. Табиатшуносликни ўқитишида ўқитувчи ўқувчиларга улар ҳали кзрмаган кўпгина объект ва ҳодисалар тўғрисида маълумотлар беради. Бироқ энг жозибали ва қизиқарли ҳикоя, агар у яхши суратда кўрсатилмаса, етарли, тўлиқ ва ёрқин тасаввурлар бера олмайди. Фақат суратларни дикқат билан қараб чиқиш табиий холдаги жисм билан танишишдагига яқин келадиган таассуротларни ҳосил қилиши мумкин

Табиатшунослик дарсларида кўпинча деворий суратлар ишлатиладики, улар бўйича фронтал синф иши олиб борилади. Йирик суратлар бўлмаса, кичикроқ суратлардан фойдаланиш мумкин, уларни ҳар бир ўқувчига кўрсатиш керак. Аммо ўқитувчи қайси турдаги сурат билан ишламасин, унинг мақсади-суратнинг табиатшунослик мазмунини очиб бериш болаларда табиатшунослик билимларининг манбаи сифатида ундан фойдалана олиш уқувини ҳосил қилишдир.

Суратлар билан ишилашда уларнинг мазмунидан тўғри фойдаланиш, болаларнинг кузатишларига тўғри раҳбарлик қилиш керак. Табиатшунослик дарсларини тасвиirlашда (тасвиirlар билан таъминлашда) Ўзбекистон табитини мадҳ этган ҳалқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг суратлари бой имкониятлар беради. Маласан, қудратли дарёнинг улкан манзарасини, жонажон жумхурият қиёфасини тасвиirlаган “Сирдарё” манзара суратидан “Табиатда сув” мавзусини ўтишда фойдаланиш мумкин. “Қоракум ГЕС”, “Жонажон ўлка”, “Суғориш” ва бошқа замонанинг ҳаётий ҳис билан белгиланган суратлари “Жонажон ўлканинг табиати” мавзусини ўрганишда яхши тасвир бўлиб хизмат қиласи.

Расмларни кўришдан олдинги тааассуротларни ўчмаслиги учун уларнинг сони кўп бўлмасин. Суратлар бир нечта бўлганда мазмунни яхшироқ ўзлаштириб олишга ёрдам берувчи методик услуб-

таққослашдан фойдаланиш мумкин. Суратни дарслик билан ишлашга ҳам қўшиш мумкин, масалан, дарслик матнидан суратнинг мазмунига мувофиқ келадиган таърифлар танланади. Бундай топшириқ ўқувчиларни суратга эътибор билан қарашга ва бир пайтнинг ўзида ўқилганларнинг мазмунини яхшироқ тушуниб олишга мажбур қиласди. Сурат мазмунини ўқувчиларнинг ўзлари томонидан айтиб беришлари уларда умумлаштириш уқувларини шакллантиради, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг аналитик-синтетик фаолиятини ривожлантиради.

#### *План, харита, глобус билан ишилаши методикаси*

План, харита ва глобус юилан биринчи танишиш 4-синфдан бошлиниди. Болаларни планни тушуниш ва ундан фойдаланишга ўргатиш учун уларни плannинг асосий элементлари билан изчил ва системали таништирувчи тайёргарлик машқларини ўtkазиш керак.

Планни тушунишга тайёрлашнинг биринчи босқичи-жойида ориентирлаш кўникмаларининг ўзлаштиришдир, навбатдагиси жойида масофяларни ўлчаш ва уларни чизмада тасвираш услубларини ўзлаштиришдир. Бунинг учун ўқувчилар кун ўртасидаги сояни кузатадилар, компас билан муомала қилишга ўрганадилар. Синф ва очик ҳавода машқ қилиб, улар асосий ва оралиқ йўналишларни аниқлашга одатланадилар.

Глобус ер шакли, кун ва туннинг алмашиниши, йил фасллари, иссиқлик минтақалари тўғрисидаги материални тушуниш учун зарур. Харита ва глобус билан ишилашни бир-бирига уйғунлаштириш табиатшунослик бўйича билимларнинг тўғри ва чукур бўлишини таъминлайди. Жуғрофий тушунчаларни шакллантиришда глобусдан фойдаланиш кўргазмали тасавурлар ҳосил қиплишга ёрдам беради. ер шарини пиёда ёки транспорт воситасида айланиб ўтиш учун қанча вақт зарурлиги тўғрисидаги ахборот, агар шундай саёхатни глобусда кўрсатиш билан бирга бериб борилганда, ер шарининг катталигини характерлайдиган рақамларга қараганда айниқса анча яққолроқ бўлади.

#### *Экран воситалари билан ишилаши методикаси*

Экран воситаларига диафильм, диапозитив ва кинофильмлар киради (табиатшунослик программасида уларнинг рўйхати бор) Ўзбекистонда экран воситаси сифатида “Жонажон ўлка қушлари” диафильми ва “Чотқол қўриқхонаси” номли ҳужжатли фильм

чиқарилган. Бу қуроллардан 3-4-синфларда атроф олам билан танишиш ва табиатшунослик бўйича дарсларда фойдаланиш керак.

Экран воситаларини намойиш қилиш учун экран қуйилган ва қоронгилатилган, маҳсус синфга эга бўлиш зарур. Диафильм ва кинофильмларни, диапозитивларни кўрсатишга сарфланадиган вақт дарснинг мавзуси, мақсади ҳамда типига боғлик. Намойиш қилиш пайтида қуидаги талаблар бажарилмоғи лозим: ҳар бир кадрни қўриб чиқиш, тахлил қилиш ва фаҳмлаб олиш керак, бунинг учун ўқитувчи йўналтирувчи саволлар беради, уларга олинган жавоблар тўлдирилади, экрандаги барча ёзувларни албатта ўқиши зарур, диапозитивларни кўриш ўқитувчининг ҳикояси, харита бўйича иш, гербариyllар фойдали қазилмаларнинг намуналари ва бошқа қуролларни қўриб чиқиш, дарслик мақоласини ўқиши билан иалмashiб бориши зарур. Бир марта ning ўзида кўп диапозитивларни кўрсатиш ярамайди, чунки бу хол болаларни чарчатиб қўяди. Ўқитувчи ҳикояси ва мақолани ўқишидан кейин олинган билимларни мустаҳкамлаш учун умумлаштирилган сухбат ўтказилиши лозим.

#### *Модел кўргазмали қурол сифатида*

Табиатшунослик дарсларида моделлар қўринишидаги ҳажмли тасвиirlар ҳам кенг қўлланилади. Модел- бу нарса ёки қурилманинг барча тафсилотларини тақорорловчи, уларга ўхшаш ҳажмли тасвиirdир. Моделларнинг идрокий аҳамияти ғоят катта, чунки улар сатҳли расмлардан фарқ қилиб, ўрганилаётган нарса тўғрисида фазовий тасаввур беради.

Табиатшунослик бўйича дастур материалини ўзлаштириб олиниши учун зарур бўлган моделларни икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга ер юзасининг шаклларнининг: тоғ, тепалик, дарё водийлари, дарё ва уларнинг ирмоқлари, ўпирилиш, жарларнинг жўғрофий моделлари киради. Бу моделлар, агар тасвири ифодаланган предмет экскурсияда ўрганилган бўлса, алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчи гурухга ҳар хил қурилма ва иншоотлар: шахта, печи, сув ва шамол ҳаракатланувчилари кабиларнинг моделлари киради.

#### *Синф таҳтасида ўқитувчининг расм чизиши*

Ўқитишининг кўргазмали воситалари қаторига янги материални тушунтришни синф таҳтасида график тарзида тасвиirlаб кўрсатиш ҳам киради. Ўқувчилар тасвиирни дафтарларига чизиб олиш билан уни беихтиёр эсда қолдирилади. Ўқитувчининг вазифаси- ўқувчиларга расм ёрдамида фақат муайян табиатшунослик тушунчаларини ҳосил қилишга

ёрдам беришгина эмас, балки уларни фикр юритишига, таҳлил қилишга, таққослашга, мулодаза юритишига, холосалар чиқаришига ўргатиш ҳамдир. Бунинг учун дарсда меҳнатга қизиқиши холатини вужудга келтириш керак, бунга расм чизиш маълум даражада ёрдам беради. Расм чизиш, айниқса нутқи кучсиз ривожланган ўқувчилар учун фойдалидир, чунки уларнинг фикри расм воситасида вужудга келтирилган аниқ тасвирларга таянади. Доскадаги тасвирлар сифатида хомаки расм, схематик расм ёки оддий схемалардан фойдаланиш яхшироқдир. Синф тахтасидаги расмга равшанлик бериш учун уни рангли бўр билан чизиш маъқул бўлади. Бунда ўқувчилар ўқитувчи кетидан ижодий дафтарларига бажарилиши мураккаб бўлмаган расмларни чизиб борадилар. Аммо расм чизиш дарсда оз вақтни олиши ва мақсадсиз ишга айланмаслиги зарур.

Схематик расмлар, масалан, дарсларда “Тепаликлар ва жарлар”, “Тоғлар”, “Тошқўмир”, “Нефт ва табиий газ” ва бошқа мавзулари бўйича дарсларда фойдаланилиши мумкин. ер юзасинингҳар хил шаклларини кўрсатиш учун доскага схематик кесма ва профили чизилади.

Табиатшунослик материалларини ўзлаштиришда харита-схемаларини чизиш катта рол ўйнайди. Уларни қўлланиш йўлида (уфқ томонларини аниқлашда) мактаб ховлисидағи нарсаларнинг жойлашишининг оддий расмини чизиш биринчи қадам бўлади. Картографик тасвирларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини текшириш учун харита-схемалардан фойланиш қулайдир. Бундай харита – схемалар фазовий тасаввурларни шакллантиради ва харитадаги объектларнинг ўзаро жойлашишини ўзлаштириб олишни осонлаштиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиатшунослик дарсларида қўлланиладиган кўргазмали қуролларнинг турларини санаб беринг.
2. Деворий суратлар билан ишлаш методикасининг хусусиятлари нимада?
3. Режа билан ишлаш методикаси қанақа?
4. План харитадан нима билан фарқланади.
5. Табиатшунослик дарсларида моделлаштиришдан қандай мақсадда фойдаланилади?
6. Қандай холатларда синф тахтасидаги расмлардан фойдаланиш мумкин бўлади?

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-МАВЗУ: Бошланғич синфларда технология дарсларининг мазмунни ва уни ташкил этиш методикаси**

**РЕЖА:**

1. Мехнат (технология) таълими ўкув фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Куриш-ясашнинг мақсад ва вазифалари. Куриш-ясаш материалларининг турлари.
3. Ўқувчиларни лойдан буюм ясашга (моделлаштириш)га ўргатиш.
4. Моделлаштириш техникаси.

**Таянч тушунчалар:** индикатор, оригами, оригами, кусудама, сукудама, бадиий-эстетик тарбиялаш, конструктор, сунъий пластик масса, усул, услуг.

#### **1. Мехнат (технология) таълими ўкув фанининг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим муассасаларида Мехнат (Технология) таълими фанини ўрганишнинг асосий мақсади – ўқувчиларда техник-технологик ва операцион билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, касб-хунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим муассасаларида Мехнат (Технология) таълими фанини ўрганишнинг асосий вазифаси:

буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойихалаш ҳамда амалга ошириш компетенцияни шакллантириш;

психомотор, функционал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операцион компетенцияни шакллантириш;

тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

#### **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШЛАНГИЧ СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

**Буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усусларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш компетенцияси**

**(A1)**

турли материаллардан ясаладиган буюмларни қуриш-ясашда ўлчайди, режалайди, содда лойиҳалайди ишларини бажара олади;  
деталларни бир-бирига тўғри елимлайди;  
содда буюмларни тика олади;  
кичик ҳажмдаги буюмларни тўқий олади;  
халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича буюмларни лойиҳалай олади;  
харакатланувчи моделлар тайёрлай олади;  
турли материалларни букиш, кирқиш, елимлаш ишларини бажаришда ишлатиладиган ўткир ва тифли асбоблардан хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдалана олади.

**(A1+)**

халқ ҳунармандчилиги йўналишлари бўйича устоз-шогирд анъаналари хақида маълумотларни эгаллай олади;  
содда нақш элементларини чиза олади;  
хунармандларнинг содда иш намуналарини бажара олади;  
кичик ҳажмдаги буюмларни тўқий олади;  
каштачилик йўналишида содда нақш элементларидан иборат композицияларни тика олади.

**Психомотор, функционал, ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операцион компетенция**

**(A1)**

ўз меҳнат ҳаракатларини ўқув топшириклари асосида мунатазам такрорлай олади;  
хаётий одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнатсеварликга оид асосий тушунчаларни эгаллайди ва риоя эта олади;

турли фанлардан эгалланган тушунча ва билимларини умумлаштирган ҳолда амалий вазифаларни бажара олади;

**(A1+)**

ўз меҳнат ҳаракатларини ўқув топшириклари асосида мунатазам мукаммалаштириб бора олади;  
одоб-ахлоқ қоидалари, сабр-токат, иродалиликка оид тушунчаларни ўрганади, тахлил қиласи, риоя қила олади;

хунармандларнинг қўл меҳнатига оид тушунча ва билимларини умумлаштирган ҳолда амалий вазифаларни бажара олади;

**Тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша компетенцияси**

**(A1)**

касблар оламини билади ва таснифлай олади;  
касб-хунарларга оид маълумотларни тўплаш ва тавсифлай олади.

**(A1+)**

хунармандлар ҳақидаги маълумотларни билади;  
хунармандлар фаолиятига оид маълумотларни тўплайди ва тавсифлай олади.

**Тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша компетенцияси**

**(A1)**

касблар оламини билади ва таснифлай олади;  
касб-хунарларга оид маълумотларни тўплаш ва тавсифлай олади.

**(A1+)**

хунармандлар ҳақидаги маълумотларни билади;  
хунармандлар фаолиятига оид маълумотларни тўплайди ва тавсифлай олади.

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими (технология) фанини ўқитишининг мақсади – ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникма, малакаларини, меҳнатга қизиқиш, меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни қадрлашга, аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги таълимий – тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим бўлади:

**Таълимий вазифа** – ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касб асосларини ўргатиш ва касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали касбгача тайёргарлигига замин яратиш билан эгаллаган билимларини узвий ривожлантириш асосида асбоб-ускуна, мосламалар, воситалари, жараёнлари, ҳудудий ишлаб чиқаришининг асосларини ўргатиш; техника ва технологиялар асосида эгалланаётган касб-хунар соҳаси хусусиятлари, шу соҳанинг илғор вакиллари фаолияти билан таништириш.

**Тарбиявий вазифа** – ўқувчиларнинг умуммеҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнида маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантириб бориш.

**Ривожлантирувчи вазифа** – ўқувчиларнинг касбгача тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат таълими (технология) фанини мазмунини такомиллаштириш орқали баркамол шахс бўлиб етишишига ёрдам бериш.

**Ижодий вазифа** – меҳнат таълими (технология) фанини жараёнида касб-хунар асосларига оид билим, кўникма ва малакаларини замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш учун ўқувчиларнинг мустақил равишда ижодий фаолият юрита олиши.

**Амалий вазифа** – буюм, нарса, намуналар асосида зарурий буюртмаларни амалда бажара олиш.

Бошланғич синфда меҳнат таълими (технология) фанини ёъналишлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма – кетлиги маҳаллий шароит ҳамда имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан белгиланади.

#### **1-4-синфлар учун**

1. Қоғоз ва картон билан ишлаш
2. Газлама ва толали материаллар билан ишлаш
3. Табиий ва турли материаллар билан ишлаш
4. Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.

Ҳар бир дарс машғулоти хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

Ўқувчиларга меҳнат таълими (технология) фанини ёъналишлари бўйича касблар турлари ҳақида ахборотлар берилади.

Мажбурий таълим муассасалари меҳнат таълими (технология) фанини ўқитишида даражаларга ажратган ҳолда ўқитишлиши белгиланди.

Бошланғич синфда меҳнат **A-1 (1-4 синф)** ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатни қадрлаш, меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш; табиий ва турли материаллардан буюмлар, жиҳозлар, табрикномалар, ўйинчоқлар, харакатланувчи моделлар ясаш лаёқатини эгаллаш; **A-1+ (1-4 синф)** – меҳнат таълими (технология) фанини бўйича халқ ҳунармандчилигининг бошланғич элементлари сингдирилган турини эгаллашнинг **кучайтирилган даражаси** бўлиб, бунда танланган халқ ҳунармандчилик турлари бўйича кенгроқ назарий билим бериш билан бирга кучайтирилган ҳолда меҳнат

таълими асосида амалий машғулотларни бажариш лаёқатини ривожлантириш.

Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси фани педагогик фанлардан бири бўлиб, фанининг асосий илмий изланишлари натижаларига таянган ҳолда, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси билан бойитилган материаллар асосида ёритиб беради. Ўқувчиларни меҳнатга тарбиялаш ва уларни бўлажак амалий фаолиятга тайёрлашда меҳнат малака ва кўникма ва малакаларни эгаллашларини таъминлайди, ўқувчиларни меҳнат фаолиятига, ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатини бажаришга тайёрлайди.. Меҳнат таълимида меҳнатга психологияк тайёрлик, меҳнат фаолиятининг тўғри мотивлари асосида тарбиялади, шахснинг ҳар бир онгли меҳнаткаш учун зарур бўлган сифатлари шаклланнашида ёрдам беради. Ўқувчилар ўртасида ёълга қўйилган ўзаро ёрдам эса, уларда дўстлик, биродарлик, умумлашиш, жамоатчилик каби фазилатларни тарбиялади. Шу билан бир қаторда билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантиради .

**Меҳнат таълими ва тарбиясининг мақсади** – талабаларни бошланғич синфларда меҳнат таълими фанининг мазмуни ва вазифалари, ўқитиш усуслари, таълимий воситалар билан таништириш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришdir.

**Меҳнат таълими ва тарбиясининг вазифалари** - Бошланғич мактабларда меҳнат таълими ва тарбиясининг асосий вазифалари ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, ўқитиш ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида касб танлаш изчиллигини такомиллаштириш.

Меҳнат таълими орқали Ўқувчиларни меҳнатга ва касбга тайёрлаш вазифалари бошланғич синфларда бутун таълим ва тарбия тизимида ҳамда барча ўқув предметлари ёрдамида ҳал этилади. Бу ўринда меҳнат дарслари етакчи рол ўйнайди. Бошланғич синфларда меҳнат таълимининг ilk тушунчалари, малака ва кўникмалари меҳнат дарсларида шакллантирилади.

**Меҳнатга ахлоқий тайёрлаш** – Ўқувларга жамоада ишлашни, ўзаро дўстона ёрдамни беришни, ижодий ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилияtlарини намойиш қилишни, меҳнат кишилари ва меҳнат натижаларини хурмат килишни ўргатишдан иборатдир.

**Меҳнатга руҳий тайёрлаш** – Ўқувчиларни меҳнатга руҳий тайёрлаш ўқувчиларнинг ёшига мос келувчи онгли ва ижобий хусусиятларни таркиб

топтириш, ўқувчиларнинг меҳнат малака ва кўникмаларни эгаллашга қизиқишини шакллантиришдан ибортадир.

**Ўқувчиларни меҳнатга амалий тайёрлаш.** Ўқувчиларни меҳнатга амалий тайёрлаш оседхбкфҳӣб оддий асбоб ва мосламалардан фойдалана билиш у ёки материалга маълум изчилликда ишлов бера олиш, ёъл қўйилган хатони ўз вақтида аниқлаш ва тўғирлай олиш хислатларини таркиб топтиришдан иборат.

Меҳнатга амалий тайёрлашни факат керакли билимлар базасида амалга ошиши мумкин. У бошланғич синфларда бошланғич политехник билимларга асосланади. Меҳнат таълим мининг мазмунига мувофиқ ўқувчилар мазкур ёш учун қулай бўлган материалларга ишлов бериш, қўлланиладиган оддий асбоб ва мосламалардан фойдаланиш малака ва кўникмаларини эгаллайдилар. Оддий асбоб ва мосламалар маҳсус асбоб ва мосламаларнинг бош асоси ҳисобланади.

**Бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат таълим-тарбиясиҳнинг назарий ва амалий аҳамияти қўйидагича белгиланади:**

- ёшларни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитида бозор ва ахборот технологияси ислоҳоти даврида касб-хунар танлаш, ташхис қилиш, истиқболини белгилаш ҳамда шароитга мос бўлган самарали-методик шакллари ва воситаларини ишлаб чиқиш;
- келажак авлодни бой-манавий ҳамда илмий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришнинг таъсирчан тарбия тизимини яратиш;
- илгор педагогик тажрибаларни халқ педагогикасининг метод ва воситаларини шахс комолотига қаратилган миллий-маънавий ва илмий меъросини ўрганиш;
- кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга қизиқишлигини тарбиялашда турли шакл ва методлардан фойдаланиш;
- кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга қизиқишлигини тарбиялаш жараёнида авлодлар илмий меъросларидан оқилона ва ўринли фойдаланиш;
- кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг касб хунар-турларига қизиқишлигини дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар мажмуасида амалга ошириш;
- ота-оналар билан меҳнат қаҳрамонлари, меҳнат фахрийлари, тадбиркор ва ишбилармонлар билан учрашувлар, баҳс-мунозара кечалари, савол-жавоб соатларини ўтказиш;
- меҳнат анъаналари асосида тадбирлар ҳамда музей ва устахоналарга экскурсиялар уюштириш.

Меҳнат малака ва қўникмаларини шакллантириш қўйидагича асосий босқичлардан таркиб топади:

- а) бошлангич тушунча бериш.
- б) меҳнат ҳаракатларини синов учун бажариш.
- в) иш ҳаракатлари натижаси.
- г) якуний хулоса чиқариш.

Меҳнат малакалари ва қўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган амалий ишлар фақат вақтга кўра тақсимланганда ҳамда маълум тизим асосида ўтказилгандагина ижобий натижа беради.

**Амалий ишлар тизими қўйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:**

1. Амалий ишлар бажариладиган топшириқнинг мураккаблиги ошиб боришини назарда тутган ҳолда жойлаштириш лозим.
2. Бажарилаётган амалий иш мазмуни тўлиқ тарзда олдинги амалий ишга асосланиши лозим.
3. Амалий иш жараёнида мустақил ишлаш даражаси ортиб бориши керак.

**Бошлангич синф меҳнат таълими дарсларидағи таълим-тарбиявий вазифалар умумтаълим мактабларидағи меҳнат таълим мининг умумий вазифаларидан келиб чиқиб, қўйидаги машғулот турлари жараёнида амалга оширилади:**

**1-4-синфлар учун**

1. Қофоз ва картон билан ишлаш
2. Газлама ва толали материаллар билан ишлаш
3. Табиий ва турли материаллар билан ишлаш
4. Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.

Ҳар бир дарс машғулоти хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Жумладан, **(1-4 синф)** ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатни қадрлаш, меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш, хунармандчилик турлари бўйича кенгроқ назарий билим бериш билан амалий машғулотларнинг тўлиқ мажмуасини бажариш орқали кундалик ҳаётда қўллай олиш лаёқатини ривожлантириб боради.

## **2. Қуриш-ясашнинг мақсад ва вазифалари. Қуриш-ясаш материалларининг турлари.**

Қуриш-ясаш лотинчадан олинган бўлиб, турли предметларни, қисм ва элементларни маълум бир ҳолатга келтириш, маъносини билдиради. Қуриш-ясаш фаолияти – амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеаликдир. Қуриш-ясаш фаолиятига ўргатиш жараёнида ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси янада шаклланиб боради, теварак-атрофдаги ҳодисаларни таҳлил қилиш кўниумаси, мустақил фикрлаш, бадиий дид, шахснинг иродавий сифатларидан (мақсадга интилиш, қатъийлик ва ҳакозо...) таркиб топа бошлади.

Ўқувчилар қўпинча катталарнинг қурилишдаги фаолиятларига тақлид қилиб, турли касб эгаларини ролини бажарадилар. Ўқувчиларнинг қурилиш ўйинларида қурилишларни транспорт ҳаракати, катталарнинг меҳнати ҳақидаги таассуротларини акс эттирадилар. Бундай ўйинлар ўқувчиларда ташаббускорликни уйғотишга, уларни фикр юритиш ва ҳаракат фаолиятларини фаоллаштиришга кенг имкон яратади.

### ***Қуриш-ясаш материалларининг турлари.***

Бошланғич таълимда ўқувчиларга қуриш-ясаш фаолиятини ўргатишда қурилиш материали, турли конструкторлар, қофоздан, табиат, ташландик материалларидан фойдаланилади.

*1. Кичик қурилиши материаллари.* Қурилиш материали–майда ва иирик-геометрик фигуralардан (куб, силиндр, призма ва ҳоказо...) иборат. Дарсларда қурилиш материалларидан турли хил тўпламлардан фойдаланилади. Ўқувчилар теварак атрофдаги маълум нарсаларни ясайдилар.

*2. Конструкторлар.* Конструкторлардан (тахтали, пластмасса, металл ва керамика) фойдаланиш орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар оддий бирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатли конструкциялар ясайдилар. Асосий дикқат ўқувчиларни маълум қисмларини бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилади. Бунда ўқувчиларни қўлларини мускуллари иштирок этади, қўл мускуллари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Ўқитувчи аввал конструктор йиғишини методик кўрсатмаларини ўрганади. Қурилиш материали ва конструкторлар ўқувчиларга кетма-кет берилади.

Ўқитувчи раҳбарлиги остида ўқувчилар янги бирлаштириш йўлларини ва турли хил характердаги конструкцияларни расмга, чизмага

қараб яратишга ўрганадилар. Бу ишларни ўқувчиларга таклиф этишдан олдин, ўқитувчининг ўзи бу конструкторлар, уларга берилган методик кўрсатмалар билан яхшилаб танишиб, ўрганиб чиқиши зарур. Ўқувчиларга қурилиш материаллари ва конструкторлар тўплами ҳаммаси бирданига берилмайди, балки аста-секин, кетма-кет ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига қараб берилади.

"Танграм", "Тухум", "Сехрли айлана" геометрик тўпламлари ўқувчиларни конструкторлик, дизайнерлик, яратувчанлик қобилиятларини шакллантиради ва ривожлантиради.

### *Қоғоздан қуриши-ясаш.*

**Origami.** Бу қоғозни буқлаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.



**Kirigami.** Бу қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиши йўли билан ясаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.

**Кусудама.** Бу қоғозни буқлаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради.



**Сукудама.** Бу кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради.



Барчасини битта сўз билан *ОРИГАМИ* деб юритилади.

### 3. Ўқувчиликни лойдан буюм ясашга (моделлаштириш)га ўргатиш

Пластилин ва лой иши, чинни хамир тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъатнинг муҳим турларидан бўлган кулолчилик, сополдўзлик ҳалқ ҳунармандчилиги санъатлари билан мустаҳкам боғлиқдир.

**Пластилин.** Пластилин доимий ҳолда ишга тайёр бўлади. Пластилиндан предметлар тасвирини яратиш мумкин. Пластилин иссиқда юмшаб, совуқда қотиш хусусиятига эгадир. Шу боисдан пластилин совуқ хонада сақланса, уни ишлатиш олдидан иссиқ сувга солиб олиш лозим. Пластилинни қўлда ушланиб турилса, албатта у юмшайди ва иш ҳолати яхшиланади. Аммо уни узоқ қўлда ушлаб турмаслик керак. Чунки, уни узоқ қўлда ушлаб турилса, ўз ҳолатини йўқота бошлайди.

Пластилиндан асосан кичик моделларни ясашда фойдаланилади. У сунъий *пластик масса* бўлиб лойга ўхшаб, қурилмаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлаш билан фарқланади. Пластилиннинг ҳар хил — оддий ва мураккаб турлари мавжуд.

**Лой.** Лой нарсалар ясашда асосий материал ҳисобланади. Чунки у исталган жойда топилади, арzon ва қайишқоқдир. Лойнинг таркибида бошқа нарсалар (тош, қум ва шу кабилар) бўлмаслиги керак. Чунки иш қўлда бажарилади. Шунинг учун ишни бошлашдан олдин лойни тайёрлаш керак. Лой ширали ва ширасиз бўлади. Ширасиз лой таркибида қум қўп бўлиб, унда ёпишқоқлик хусусияти ёмон бўлади. Лой ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, ёпишқоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлиши керак. Лой билан ишлагандা асосан оддий асбоблар: оддий конструкциядаги ёғоч ва стеклардан фойдаланилади.

Бундай лойни тайёрлаш учун тупроқ танланади. Тупроқ жигарранг, кўнгир бўлиб, улар икки хил хусусиятда, қуруқ ва ёғли бўлади. Ёғли тупроқ қуруқ тупроқка нисбатан намлиги яхши, ёпишқоқ, юмшоқ, текисланиш ва пардозланиш хусусияти яхши бўлади. Тупроқни текшириш

одатда бир сиқим тупроқни олиб, сувга солинади, ёпишқоқлиги, илашимлиги текширилади.

Лой тайёрлашни бир неча усуллари мавжуд.

1-усул: лой тайёрлаш мумкин бўлган тупроқни танлаб, уни яхшилаб эзилади ва элакдан ўтказилади. Сўнгра уни ёғоч ёки пластмасса идишга солиб, сув қўйилади, сув тўла шимдирилгандан сўнг 1-2 кун сақланади, сўнгра яна сув қўйиб, қорий бошланади. Лой ёпишқоқ, ягона массали, қўлга ёпишмайдиган, яхши силлиқланиш ва эластиклик ҳолатига етгунча ишланади. Сўнгра, лойни полиэтилен халтага солиб, ҳаво ўтказмайдиган ҳолда ўралади. Ундан бир неча дарсда фойдаланиш мумкин. Чунки, бу ҳолда лойни бир ой, ёки икки-уч ой ёки йиллаб сақлаш мумкин.

Лой қанча кўп сақланса, у шунчалик ёпишқоқ, эластиклик ва силлиқланиш хусусияти ортиб боради.

2-усул: Чамаси 1кг тупроқ эланади. Духовкада 20 минут қизитиб, совугандан сўнг, 25 грамм пахтани майдалаб солинади. 200 грамм ёғ қуйилиб, кераклигича сув солинади. Лойга ишлов берилиб, қорилади. Лойни ҳўл матога ўраб, полиэтилен халтада 2 сутка тиндирилади. Бундай лойни кўп марта ишлатса бўлади.

Дарсларда тайёрлаб қўйилган лойдан маълум қисми олиниб, унга яна ишлов берилади. Қўлга ёпишмайдиган ҳолга келгунга қадар ишланади. Лой қўлга ёпишмайдиган, лекин ўз массасига яхши ёпишадиган ва пластиклик ҳолати яхши бўлса, бундай лойдан ҳар қандай шакл ясаш мумкин бўлади.

Тасвирий фаолият дарсларда ясаладиган материаллар хилма-хилдир. Бугунги кунда афзаллик полимер лойга (чинни хамир)га берилади.

Полимер лой ёки чинни хамир. Полимер лой ёки чинни хамирнинг келиб чиқиши тарихига кўра Аргентинада ихтиро қилинган бўлиб, ундан ажойиб гуллар, шакллар яратилади, бугунги кунда бу материалдан ноёб маҳсулотларни яратиш имконини беради. Визуал қарашда у чиннига ўхшайди, ундан тайёрланган маҳсулот ҳавода қотиб қолади. Бундай материалдан тайёрланган совғаларни ўқувчилар ҳам тайёрлашлари мумкин. Соғлиқ учун хавфсиз, қийматлиги бўйича арzon, юмшоқ, у билан ишлаш завқли ва ундан ясаладиган нарсалар узоқ сақланади. Фантазия, дидни ривожлантиришга хизмат қиласиган аъло даражадаги қизиқиш ҳамдир.

Пластик материаллар билан ишлаш тасвирий санъатнинг бир тури ҳисобланиб, ҳажсми ёки *релефли* образлардан бутун композиция ясаш тушунилади. Моделлаштириш техникаси турли ва ранг-баранг бўлиб, шу

билин бирга кичик ёшдаги ўқувчилар ҳам бажара олиш имкониятига эгадирлар. Фазовий тасвирларни моделлаштиришда пластик материаллардан нарсаларни ясаш ажойиб имкониятларни беради.

Моделлаштириши- бадий ижодиётнинг энг аниқ шаклидир. Ўқувчи яратган нарсанини нафақат кўради, қўлига олади, пайпаслайди, керак бўлса ўзгратиради. Моделлаштиришнинг асосий асбоби қайчи, қалам, мўйқалам эмас балки қўлдир, тўғрироғи икки қўлимиздир, шу сабабли маҳорат даражаси ўз қўлларнинг эгалик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, моделлаштириш техникаси оддий, содда ва ўзини ривожлантириш учун энг қулай восита деб ҳисоблаш мумкин.

Моделлаштириш, яъни лойиши дарслари ўқувчи ривожланишида комплекс таъсир этади:

- Шакл, ҳажм, пластик, рангни идрок этиш ҳиссиётини, сенсор сезувчанлигини ривожлантиради;
- Майда қўл моторикасини, фазовий таффакурни ва тасаввурни ривожлантиради;
- иккала қўл ишини синхронлаштиради;
- ишни режалаштириш, амалга ошириш, натижани башоратлаш ва унга эришиш, керак бўлса ўзгартириш киритиш ишларида кўникма, малакалари шаклланади;

Тўғри тайёрланган чинни хамир ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлади. Бу материал билан ишлаш учун чуқурлаштирилган маҳсус билим ва кўникмалар шарт эмаслиги, бошланғич синф ўқувчилари учун айни муддаодир.

Бундай лойни тайёрлаш усувлари хилма-хил.

1- усул:

- ✓ 3 ош қошиқ елим ПВА;
- ✓ 2 ош қошиқ писта ёғи;
- ✓ 1 ош қошиқ глитсерин;
- ✓ 4 ош қошиқ жўхори крахмали;
- ✓ 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси;

Тайёрланиши:

Барча ингредиентлар аралаштирилди, ишлов берилади, хамир тайёр бўлади. Хамирни ёғланган стол устига ағдарилиди, ишлов берилади. Неча хил ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуаш солинади, (бўяш учун фақат гуаш ишлатилади). Хамирни хона ҳароратида 3 соатга ёғланган полиэтилен халтага солинади ва тиндирилади.

Ишлатишга тайёр бўлган хамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Хамир 4 ҳафтагача сақланади.

2- усул:

- ✓ 200 грамм жўхори крахмали.
- ✓ 200 грамм елим ПВА.
- ✓ 2 ош қошиқ писта ёғи.
- ✓ 1 ош қошиқ глитсерин.
- ✓ 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси.

Тайёрланиши:

Барча ингредиентлар аралаштирилади. Буғли ҳаммомга қўйилади. 7-10 дақиқа ичидаги аралашма тиндирилади ва хамир тайёр бўлади. Хамирни ёғланган стол устига ағдарилади, ишлов берилади. Неча хил ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуаш солинади (бўяш учун фақат гуаш ишлатилиади). Хамирни хона ҳароратида 3 соатга ёғланган полиэтилен халтага солинади ва тиндирилади. Ишлатишга тайёр бўлган хамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Хамир 2 ҳафтагача сақланади.

Пластилин, лой, полимер лой ёки полимер лой ёки чинни хамир билан бажариладиган барча ишлар қўлда бажарилади.

#### *Лой ишида қўлланиладиган усуллар*

1. Юмолоқлик – бир бўлак лойдан кафтда айланга ҳаракатлар билан шар ясалади.
2. Шар ясаш, сўнгра узунасига ҳаракатлар билан уни тухум, устун кабиларга айлантириш.
3. Яссилаш – шарикдан ясси нон ясалади, қўлнинг ҳолати доимо ўзгариб туради.
4. Чўзиш – шарикнинг бир қисми чўзилади.
5. Суриш (ямаш) буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Лой билан ишлаш дарсларини ташкил этиш ва ўтказишда иш жойини жиҳозланганлигига алоҳида аҳамият бериш лозим.

#### **4.Моделлаштириш техникаси**

Моделлаштириш техникасининг усул ва методларнинг хилма-хил, ранг-баранглигига қарамай ўқувчилар осон эгаллаб олишади.

#### **Конструктив услугуб**

Моделлаштиришнинг бу услуби конструктор қисмлари каби алоҳида қисмлардан яратилади (номи ҳам шундан келиб чиқсан). Ўқитувчи даставвал ўқувчиларнинг диққатини ўша предметнинг йирик қисмларига, унинг майда қисмларига, шаклига, рангига жалб этади. Дастреблабки

дарсларда ўқитувчи тасвирлашнинг техник усулларини кўрсатиб тушунтириб беради. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни лойдан нарсалар ясашда кўпроқ кўрсатмали усулларидан фойдаланади. Бу гуруҳда лой дарслари предметли характерга эга бўлади, яъни ўқувчилар алоҳида, якка предметларни ясайдилар, бу гуруҳда ўқувчилар ишига ёки фаолиятига баҳо бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи албатта ўқувчиларни, улар қандай ишлаганларини ва ишни қандай бажарганларини айтиб рағбатлантириб бориши лозим.

Ўқувчи ўйлаб топган образни тасаввур қилиб, қандай қисмлардан иборатлигини аниқлаштириб, ясади. Конструкторлик услуби билан болалар 2-3 ёшдан бошлаб ясашни бошлайдилар ва кўпинча ўзларига бу "янгиликни" мустақил "очишади".

Кўп ҳолларда кичик ёшдаги ўқувчиларда моделлаштириш қўйидаги варианtlарда намоён бўлади:

- иккита бир хил шаклни бирлаштириш;
- ўхшаш, аммо турли ҳажмдаги шаклларни бирлаштириш;
- турли шаклларни бирлаштириш.

### **Ҳайкалтарошлик услуби**

Ўқувчиларни лой бўлагининг майда қисмларини чўзиб чиқаришга, бармоқ билан чуқурча ҳосил қилишга, буқлашга, бириқтирилган қисмини маҳкам қилиб ёпиштиришга ўрганадилар. Чимдиб чиқаришга ўқувчилар жўжа, қушларни ясашда ўрганадилар. Шу жараёнда ўқувчилар предметларни, уларнинг қисмларини, шакл катталиги жиҳатдан таққослашга ўрганадилар. Масалан: балиқни лой ясашдан олдин танасини овал шаклида ясаб оладилар, сўнг балиқнинг бир томонини салгина чўзиб ва думалоқлаб, балиқнинг бошини, қарама-қарши томонини кўпроқ чўзиб чиқариб, япалоқлаб, унинг думини ясайдилар, сузгичларини чимдиб чиқарадилар. Шунингдек ўқувчилар лой бўлагини бир неча бўлакка бўлишга ўрганадилар. Улар идишларни якка усолда: яъни юмалоқсимон ва силидрсимон шаклларни бармоқ билан босиб чуқурча ҳосил қилиш, бандини эса алоҳида лой бўлагидан ёки асосий лой бўлагидан чўзиб чиқариб ясаш мумкин. Ўқувчилар ўқитувчи билан бирга типратикан, сичқон, мева солинган идишча, қўзиқорин солинган саватча кабиларни ҳам лойдан ясашга ўргатиб боради. Ўқувчилар бошлаган ишларини охирига етказишга мустақил ишлашга, ўз ишларини янги деталлар билан бойитиб боришига ўрганадилар.

### **Комбинациялашган услуб**

*Комбинациялашган* услугб иккита услубни ўз ичига олади: конструкциялаш ва ҳайкалтарошлик услубларидир. Ўқувчилар олдин предметни ясашда унинг қисмларини ва қисмларнинг шакли, унинг хусусиятларини аниқ тасаввур эта олишлари лозим. Шу билан биргаликда ўқувчилар предметларни кўпроқ ҳаракатда тасвирилашга ҳаракат қиласидилар. Ўқувчиларни лой ишларига ўргатишда қуйидаги вазифалар туради: предмет шаклини, пропорциясини, унинг тузилишини, ҳарактерли қисмларни ва ҳаракатини тасвир этиш ва бошқалардир. Ўқувчилар идишлар ясаб, сўнг уни бўяйдилар, декоратив пластинкалар ясаб уларни безайдилар. Ўқувчилар сюжет мазмун асосида ишлайдилар. Техник усуллар ҳам мураккаблашади. Шу билан бирга стек билан ишлашга ҳам кенг имконият ёки ўрин ажратилади. Ўқувчилар даставвал ўзларига таниш бўлган содда предметларни ясайдилар. Улар лой билан ишлашнинг икки усули: конструкторлик ва ҳайкалтарошлик усулларидан фойдаланиб, турли хил мева ва сабзвотлар ясайдилар. Ўқувчилар шу икки усулда одам шаклини ва ҳайвонларни ясайдилар.

### *Образни жиҳозлаши, декорациялаши восита ва усуллри*

Пластик материаллар билан ишлашда турли ёрдамчи усул ва методлардан фойдаланилади. Ўқувчиларни предметнинг сифатларини лойдан тасвирилашга ўргатиб борилади. Масалан: узун, қисқа, ингичка, калта, шунингдек, предметларни вертикал, тик ҳолатда ўрнатадилар, қисмларни маҳкам бириктиришга, бирлаштирилган қисмларни силлиқлашга ўрганадилар. Ўқувчилар аста-секин ўз ишларига мазмун беришни кенг тадбиқ этадилар, асосан бир бутун лой бўлагидан ҳайкалтарошлик усулида ясайдилар. Масалан: мушук, кучук, қуён ва бошқалар. Бутун бир лой бўлагидан лентасимон усули билан идишлар ясайдилар, сўнг уларни безайдилар. Ўқувчилар ўзларига таниш техник усуллар ёрдамида турли нарсаларни ясайдилар. Кўпроқ натура асосида, ихтиёрий лой ишларини бажарадилар. Даставвал предметни ёки натурани кузатиб, кўриб чиқилади. Предметнинг шаклини, қисмларини, пропорсиясини бармоқ ҳаракатлари билан кўриб чиқишилари мумкин. Агарда ўқувчилар ясаш усулини билишса, унда мустақил ясайдилар, агарда билишмаса, унда ўқитувчи қисман кўрсатиб бериши мумкин. Ишларни бажаришда турли техник воситаларидан фойдалансалар ҳам бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Қуриш-ясашнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Қуриш-ясашда қайси материал турларидан фойдаланилади?

3. "Танграм", "Тухум", "Сехрли айлана" геометрик түпламлари ўқувчиларда қандай қобиляйтларни шакллантиради?

4. Ўқувчиларни моделлаштириш бўйича ясашда қайси предметлардан фойдаланилади.

### **ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ў.Қ.Толипов, Б.И.Муренов, Ш.С.Шарипов Мехнат таълими фанидан янги таҳрирдаги давлат таълими стандарти, такомиллаштирилган ўқув дастури мавзуй режалаштириш. –Т.: ХТВ. Ўз ПФИТИ. 2004, 2006, 2010 й. 110 б.
2. А. Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т.Ўқитувчи1992 й. 160б.
3. Аббосов Т. К. Курилиш материаллари. Т. Фан. 1987 й. 176 бет.
4. Арзиқулов А. Интерфаол усувлар. Самарқанд. ВТМ. 2003 й. 31 б.
5. Беспалъко В. П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения М. 1995.
6. Воробьев А. И. ва бошқалар. Мехнат таълими. Т. «Ўқитувчи» 1992 йил.
7. Воробьев А. И. «Мехнат политехника таълим дидактикаси». Тошкент. «Ўқитувчи» 1992 йил.
8. Давлатов К. Д. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. Т. Ўқитувчи 1992 й.
9. Е. А. Климов. С. Н. Чистякова. Касб танлаш Т. Ўқитувчи. 1989 й. 64 б.
10. Муренов Б. ва бошқалар. Мехнат ва касбга йўналтириш таълимидан тестлар тузиш ва фойдаланиш. Самарқанд ВПҚТМОИ 2003 й. 55 бет.
11. Муренов Б. Ўқувчиларни меҳнат таълими дарсларида ҳунармандчилик касбларига йўллаш. Тошкент. 2000. ХТҚТМОИ. Тезис-мақола.
12. Муренов Б. Мехнат таълимидан Ўқув меъёрий ҳужжатлар тузишга қўйилган талаблар. Халқ таълими 2000 й. 4-сон.
13. Муренов Б.. Мехнат таълими мазмунидаги туб ўзгаришлар. Тошкент. Таълим тараққиёти. 2001 й. 3-4 сон. 108-111 бетлар.
14. Муренов Б. И. ва б. Ўқувчи ёшларнинг касб танлашларида мактаб ва оиласининг ҳамкорлиги. Тошкент. Мактаб ва ҳаёт. 2001 й. 5 сон. 35-42 бетлар.

15. Муранов Б. И. Мехнат таълими муаммолари, хусусиятлари. Самарқанд «Зиёкор», 2000 й. 10-сон. 35-38-б.
16. Муранов Б. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими машғулотларини тахминий режалаштириш. Ўз РТМБТМУ Т. 1996 й. 68 б.
17. Б. Муранов. Умумий ўрта таълим муассасалари учун меҳнат ва касбга йўналтириш таълими соҳалари бўйича ўқув режалари. X-XI синфлар. Самарқанд «Зиёкор» 2003 й. 7(7) 11-36 бетлар.
18. Муранов Б.И. Меҳнат таълимининг ўқувчиларни касбларга йўллашдаги дидактик имкониятлари. Т. РППКИТМ. 2003 й. 5 декабр.
19. Муранов Б. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий маҳоратини такомиллаштиришда янги педагогик технологиялар Т. ХТҚТМОМИ. 2000 й. Тўплам. 97-98 б.
20. Морева Н.А. Основы педагогического мастерства. Москва. Просвещение. 2006 г. 320 с.
21. Мирзажонова Д.М. Интеграл педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. Тошкент. Фан. 2007 й. 163 б.
22. Мирбобоев П. М. Конструкцион материаллар технологияси. Т. Ўқувчи 1998 йил. 636 бет.
23. А. С. Морозова. Хивинский узор. Т. Ўқитувчи – 1990 й.
24. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабарининг қайта такомиллаштирилган варианти. 4-қисм. (Меҳнат таълими. Тошкент. ХТХҚТМОМИ 40-51 бетлар).
25. М. Й. Скопцова. Технология. Обслуживающий труд. Ростов на Дону. Феникс. 1997 й. 384 с.
26. Слевко. Г. К. Современные образовательные технологии., - М., 1998.
27. Шодиев Н. Муранов Б. Тест тузиш услубияти. 2000 й. Сам ДУ 78 бет.
28. Д. Эргашев. С. Мирзаахмедов Мўъжиза яратиш санъати. Т. Ўқитувчи. 1997 йил. 64 б.
29. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ва бадиий меҳнат юзасидан методик тавсиялар. I-VII синфлар учун йўриқнома режалаштириш. Туз. Ҳ. Эгамов. А. Сулаймонов. Т. Ўз ПФТИ. 1999 й. 24 б.
30. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. М. Аминов ва б. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2002 йил 704 бет.

## **ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ**

11. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги портали,
12. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб сайти,
13. <http://www.eduportal.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот таълим портали,
14. <http://www.multimedia.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти,
15. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти,
16. <http://www.pedagog.uz> - Тошкент давлат педагогика университети веб сайти,
17. <http://www.giu.uz> - Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти,
18. <http://www.ziyonet.uz>. - ахборот таълим портали
19. <http://www.natlib.uz> – А.Навоий номидаги миллий кутубхона веб сайти.
20. <http://www.e-school.for.uz> – Умум ўрта таълим мактаблари масофавий таълим учун мўлжалланган платформа портали.

### **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Технология (мехнат) дарсларида ўқувчиларни аппликация ясашга ўргатиш.**

**Машғулот мақсади:** Тингловчиларга аппликациянинг турларини фарқлашга, иш қуролларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳавфсизлик қоидаларига амал қилишга ўргатиш. Амалий иш турларини бажаришда мўлжал олишни ўргатиш.

Технология (мехнат) дарсларида предмет, буюм ва турли нарсаларни аппликация технологиясида тасвирилаш ўқувчиларнинг ақлий ривожлантиришга хизмат қиласиган кўп қиррали дарс турларидан бири бўлиб, улар шакл ва рангларни ажратади, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик ҳиссиётларини ва қўл майда моторикасини ривожлантиради. Аппликация дарслари ўқувчиларда тозалик, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам таркиб топтиради.

Аппликациянинг индивидуал ва жамоа шакллари турли мазмунда бўлиши мумкин.

Аппликация турлар бўйича уч хилга бўлинади:

1. предметли аппликация;
2. сюжетли - мавзули аппликация;
3. декоратив аппликация.

**Предметли аппликация** - ўқувчилар қоғоздан қирқиш ва фонга алоҳида предмет тасвирларини ёпиштириш маҳоратини ўзлаштирадилар.

Фаолият хусусиятига қўра атрофдаги предметларни анча умумлашган шартли тасвирий предметлар, ҳалқ амалий санъати намуналарида ифодалаш мумкин бўлади.

Бошланғич босқичда ўқитувчи-педагог тайёрлаган қисмлардан предметни елимлайди: - турли рангдаги иккита коптоқ, яримта бўлаклар, кўзиқорин-қалпокча ва оёқча; аравача - тўртбурчак асос ва думалоқ ғилдираклар. Ўқувчилар шакли, тузилиши, ранглар бирикмалари, ҳажми, фарқланган предметларни тасвирлашлари мумкин.

Предметли аппликация учун катта ҳажмдаги материалларни танлаш керак бўлади.

**Декоратив аппликация** - турли безаклар ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият тури. Декоратив аппликацияда ўқувчилар қирқиш маҳоратини ритм, симметрия бўйича турли ранг бирикмаларини турли безак элементларини бирлаштириш, қирқиш маҳоратини ўзлаштирадилар. Бу дарсларда ўқувчилар предметларни декоратив стиллаштириш, уларни тузилишига аҳамият бериш, намуналарни янги сифатлар билан бойитишни ўрганадилар. Бу дарсларда ўқувчилар яна қўйидагиларни ўрганади: предметларни ўзгартириш, уларнинг тузилишини умумлаштириш, намуналарни янги сифатлар билан таққослаш.

**Сюжетли аппликация** — ўз олдига қийин масалаларни қўяди ва баъзи бир қоидаларни бажарилишини талаб қиласди: ранг, шакл бўйича бир-бирларига тўғри келадиган табиий материалларни йифиш керак. Масалан, барглар ва чиганоқлар ва майда тошлар, сомон, тахта қипиқлари, қуриган шохчалар, данаклар ва ҳаказолар. Асосий эътиборни фон ва материаллар ранги мослигига қаратиш лозим.

Сюжетдаги тасвирларга асосий қаҳрамонларни ёрқин ранг билан композицион ечим қилиб олиш, яъни алоҳида эътибор қаратиш керак.

Сюжетли аппликация сюжет ёки мавзу билан боғлиқ предметларни ёпиштириш ва қирқиш маҳоратини мўлжаллайди. Бунда асосан ўқувчи олдига қўйидаги масалалар қўйилади:

- ✓ предметларни қирқиши, бир-бири билан таққослаганда уларни ҳажм бўйича фарқлаш;
- ✓ асосий предмет, асосий қаҳрамонлар юзини кўрсатиш, вазият ва ҳаракат жойи билан уларни боғлаш;
- ✓ асосий ҳажм, ранг билан бўрттириш;
- ✓ персонажларнинг феъл-атвори, ўзига хослиги ва уларнинг имо-ишора, ҳолати, кийими, рангини кўрсатиш;
- ✓ предметларни яssi жойда жойлаштириш: бир чизикда, қаторда горизонтал ва вертикал бўйича предметларни бўйини кўрсатган ҳолда;

Ҳар бир синфда бу масалалар турлича амалга оширилади. Уларнинг мураккаблашиши билим, маҳорат ва малака даражасига боғлик, атроф-оламнинг ҳар хиллиги турли сюжетларни аппликацияда акс этиши учун бой материал тақдим этади.

Аппликация сюжетлари ўқувчи ёшига қараб турлича талқин қилиниши мумкин. «Куз» мавзусини ўқувчилар ўзига хос тарзда тасвирлайдилар. 1-2-синф ўқувчилари «Кузги гуллар», «Мева ва сабзавотлар», «Мева сабзавотлардан натюрморт»ни қирқиб ёпиштиришади, 3-4- синфларда бу мавзу анча аниқ ечимга эга бўлиши мумкин. Масалан, «Кузги натюрморт», «Қушлар» шулар жумласидандир.

Ўқитувчининг мақсади - бу фаолликни қўллаш, сўнишига йўл қўймаслик, унга ижодий характер беришдир. Ўқувчининг фаоллиги ва мустақиллиги ривожланиши учун керакли тасвиirlар бериб бориш лозим. Тасвирий фаолиятда турли материаллар ва тасвирлашнинг техник усулларини турлича кўринишида бажара олиш йўлларини ўқувчиларга ўргатиш лозим. Шундагина ўқувчилар аппликациянинг турли усулларини қўллаган ҳолда образларни тасвирлашда улар ўз кучига ишонган ҳолда шуғулланадилар.

Аппликацияни бажариш жараёни икки босқичдан иборат:

1. Шаклларни қирқиши;
2. Шаклларни фонга ёпиштириш.

Аппликация бадиий безаш воситаси сифатида ўзига хос декоратив жозиба яратади.

Аппликацияни ўқитишида қўйидаги масалалар ечилади:

- ✓ Геометрик шакллар ва ўсимликлар қисмларидан бадиий безак тузиш;
- ✓ Картон ёки матога аниқ бир ритмда жойлаштириш;
- ✓ Сюжетни тасвирлаш;
- ✓ Предмет тасвирини алоҳида бўлаклардан яратиш;

- ✓ Аппликация учун деталларни ҳар хил материаллардан, турли техника орқали тасвирлашни ўзлаштириш;
- ✓ Қирқишининг турли услублари, йиртиш уларни асосга жойлаштириш техникаси билан ёпиштириш, тикиш ва х.к.
- ✓ Рангни сезишни шакллантириш, асосий ранг ва тусларни билиш, ранг бирикмаларини тузиш маҳоратини ўзлаштириш;
- ✓ Шакл, нисбат, композиция ҳиссини шакллантириш;
- ✓ Геометрик шаклларни ажратиш, уларни номини билиш;
- ✓ Асосий ва қўшимча ранглар билан таништириш;
- ✓ Ҳажм ва сонларни билиш;
- ✓ Композицион маҳорат малакаларини шакллантириш;
- ✓ Сюжетли аппликацияда предмет (буюм ёки нарса)ларни жойлаштириш.

Қирқишининг асосий услубарини ўзлаштириш қўйидагича:

- ✓ Қоғозни кўзда чамалаб ёки букилган жойи бўйича қирқиши;
- ✓ Шаклларни, бурчакларни қирқиши орқали думалоқ шаклларни яратиш;
- ✓ Силуэт ва алоҳида бўлаклардан қирқиши;
- ✓ Симметрик бўлмаган шаклларни қирқиши;
- ✓ Контур бўйича қирқиши;
- ✓ Шаклни коғоз бўлакчаларини йиртиш орқали яратиш;
- ✓ Ёпиштиришнинг асосий услубарини ўзлаштириш (елим, мўйқалам, латталардан фойдаланиш);
- ✓ Шаклларни кетма-кетлиқда ёпиштириш малакаси.

Аппликация дарсларини тўлақонли ўтказиш учун материал ва жиҳозларни олдиндан тайёрлаб қўйиш муҳимдир.

Аппликацияга ўргатишида турли шаклларни қирқа олиш малакаларини эгаллаш, уларни маълум тартибда жойлаштириш, образ ва сюжетга мос равишда ёпиштиришни тахмин қиласди. Ҳар бир синфда апликация дарслари қўлланиладиган таълимий усуллари ўзига хос хусусиятга эгадир.

Бошлангич таълимда ўтказиладиган меҳнат дарслари ўқувчиларнинг сезиш қобилиятларининг ривожланишига, таъсир этиб, уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашни ва ижодий фаоллигини шакллантиришга, шунингдек, меҳнат кўнималарини шакллантиришга ва уларда ҳарактернинг иродавий хусусиятларини вужудга келишига таъсир этади. Меҳнат дарси жараёнида ўқувчи ранг ва унинг ҳосила ранглар билан танишади машқ қиласди, шаклни ва предметни тузилишини билишга

ўрганадилар. Симметрия ҳақида тушунчалари кенгайиб бориб, қоғоз варагида мўлжаллай олишга ўрганадилар. Ўқувчилар аппликация бажариш давомида ранг ва унинг уйғунлашуви билан жуда кўп марта машқ қиладилар, шунинг учун улар кўплаб ранг ва унинг уйғунлашувини тезда эсда саклаб қоладилар ва бир-биридан ажратадилар.

Аппликация дарсларида ўқувчилар кўпинча геометрик шакллар билан муносабатда бўладилар, натижада улар теварак атрофдаги предметларда геометрик шаклларни абстракт кўринишини кўра олишга ўрганадилар. Мураккаб тузилган шаклларни тузилишини яхшироқ тушунишига, уларни тўғри таҳлил ва синтез қилишга ўрганадилар. Ўқувчилар геометрик шакллар билан танишишлари жараёнида ҳали ўзларига таниш бўлмаган шаклларнинг номини тўғри аниқлашга ўрганадилар. Масалан, ўқувчилар шаклнинг бурчакларини санаб, унинг 3 та ёки 4 талигини натижада учбурчак ва тўртбурчак, кейинчалик уларни ўзлари мустақил кўпбурчак каби шаклларининг номини билиб борадилар. Аппликация дарслари ўқувчиларда катталик ва фазони мўлжаллаш бўйича олган тасаввурлари ва қоғоз бетини тўғри мўлжаллай олиш каби кўнималари ривожланади. Ўқувчилар шаклни ёпиштиришни елимсиз алоқа қилишлари натижасида бу шаклини мантиқий ва ритмик ҳолида жойлаштиришга ўрганишлари, асосан ўртасида, ўнгда, чапда, юқорида, пастда, орқада, қарама-қарши тамонда, атрофида каби сўзлар билан танишиб оладилар. Ўқувчиларни қоғоз бетида нуқта мўлжал олишга ўргатиш ўқувчиларни мактабда муваффақиятли ўқишлиарини асосий шартларидан бириди.

Ўқувчилар аппликация дарсларида қимматли меҳнат малакалари ва кўнималарини эгаллайдилар. Улар озода, батартиб ёпиштиришга, ўз иш жойларини тоза сақлашга ўрганадилар ва мураккаб асбоб ҳисобланган қайчи билан ишлашга ўрганадилар. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг мактабдаги қўл меҳнати дарсига тайёрлайди. Ўқувчилар енгил ва майда қоғоз шакллари билан ишлашлари натижасида, ўз ҳаракатларини тезлигини тўхтатиб туришга ўрганадилар. Дарс жараёнида улар оз бўлсада қийинчиликни енгадилар, бу эса ўқувчиларда ҳарактерининг иродавий хусусиятини чидам, сабр кабиларни тарбиялади.

*Аппликация ишини бажаришида ишлатиладиган керакли асбоб ускуналар.* Асбоблар ишлатилишига мос бўлиши билан бирга эстетик ва гигиеник талабга жавоб бериши керак. Аппликация учун керакли ашё мураккаб эмас; қайчи, елим учун мўйқалам, оддий қалам, қирқим учун кутича, латтача, газета қоғози.

*Қайчи*—учи түғри, катта—кичик, катта қайчи 14-20 см, түғри, учи учли ва айланавий катта тасвирларни қирқиши учун.

*Кичик қайчи*: 8-10 см майда деталларни қирқиши учун қайчи ўткир бўлиши керак. Стаканга қайчи учи пастга қараган ҳолда қўйилиши, дўстига узатганда ҳам учини ушлаган ҳолда узатиш керак, қайчи кўндалангидаги қўлни силкитиш, ўқталиш мумкин эмас.

*Елим учун мўйқалам*. 2-3 та мўйқаламга эга бўлиш керак. Мўйқалам аппликациянинг мазмунини катта—кичиклигига боғлиқ. Катта ҳажмдаги аппликацияга учи энли мўйқалам, майда деталларга эса, кичик мўйқаламдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иш тугагандан сўнг, мўйқаламни яхшилаб ювиб, артиб, қуритиб, мўйини юқорига қилиб қўйиш керак.

*Мўйқалам қўйгич* -елим ишлатишда елимнинг ортиқчаси суркалиб кетмаслиги столни ифлос қиласлиги учун ишлатилади.

*Қалам*. Тасвир контуруни чизиш учун оддий, М ва ТМ (юмшоқ, ярим юмшоқ) қалам ишлатилади. Улар яхши очилган бўлиши шарт. Контур чизишда ручка ва химиявий қаламни ишлатиш мумкин эмас.

*Елим учун идиши*—елим кичик идишчаларга солиб бўлади, пластмасса идишлар, сопол тақсимчалар танланади. Ишлатиб бўлингандан сўнг тезда ювиб қўйиш керак.

### **Назорат саволлари**

1. Технология (мехнат) дарсларида ўқувчиларни аппликация ясашга ўргатиш орқали ўқувчиларда нималар ривожланади?
2. Аппликация неча турга бўлинади?
3. Аппликация ишини бажаришда ишлатиладиган керакли асбоб ускуналарга қандай талаблар қўйилган?

## **ГЛОССАРИЙ**

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Анализ методи</b>	илмий тадқиқот методи бўлиб, унда текшириш обьекти фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилинади	scientific method in which will be shared object of management of structural elements
<b>Аналитик метод</b>	таҳлил қилишга йўналтирилган таълим методи	method of the analysis of training
<b>Ахборот технологияси</b>	ахборотни ҳосил қилиш, сақлаш, компьютер ёрдамида қайта ишлашни ифодаловчи фаолият соҳаси	data, storage, processing the computer which represents the field
<b>Ақлий ҳужум</b>	муаммони ҳал этишга нисбатан интеллуктуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади	intelluktual approach to the solution of this problem. At the same time, to solve a problem of separate hypotheses earlier
<b>Баҳо</b>	таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши	preparation of knowledge, skills and experience by means of number or the size of a quantitative assessment of conditional expression
<b>Баҳолаши</b>	ўқувчи ёки тингловчининг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш	the student or the student of knowledge, skills and experience to define a level of quality and personal
<b>Билим</b>	ўқувчи ва тингловчиларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки тингловчиларга тақдим этиладиган назарий маълумот	school students and students of the nature, society, achievements of science and technology. Theoretical information will be provided for

		pupils or students
<b>Давлат таълим стандарти (ДТС)</b>	таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуасидир	adequate education level and preparation of the main requirements of a government complex by the size of working loading
<b>Дарс</b>	1)узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли; 2)ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантикий тугалланган, яхлит ўқувтарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми	1) continuation of educational institutions will be the main form of education; 2) studying by the main organizational form of the work performed in logical complete educational the part of process is limited for a certain period of time
<b>Дарс таҳлили</b>	ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш	complex academic preparation in general or separate parts of an assessment
<b>Дарсни жиҳозлаш</b>	ўтиладиган дарс мавзусига кўра ўқув-дидактик материаллар, қўлланма, мультимедиа, ўқув воситалари кабиларни танлаш ва тартибга келтириш	On a training subject in the curriculum and didactic materials, manuals, multimedia tutorials, such as selection and an arrangement
<b>Дастур</b>	ўқув фаолиятини амалга ошириш режаси ва ушбу фаолиятнинг мазмунини ифодаловчи меъёрий хужжат	plan to carry out educational activity and content of activity of normative documents
<b>Дидактик тизим</b>	таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, метод, жараёнлари ва ўқитиш мақсадларидан иборат тизим	content of training, form of the organization, methods, processes and purposes of system of training
<b>Жараён</b>	муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган ўқув	set of the actions which are carried out for

	ҳаракатлар мажмуи	achievement of certain results, training
<b>Идрок</b>	ўқувчи ва тингловчининг билиш, тушуниш қобилияти, зехни, фаҳм-фаросати	school students and students, ability to understand beliefs, abilities to think,
<b>Ижодий изланиши методи</b>	педагог бошчилигига қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлларини фаол излашни ташкил этишга хизмат қиласидиган методлар	Teachers have given a way to the solution of problems and questions which serve creation of active search of methods
<b>Изланишили метод (эвристика)</b>	ўқувчиларни аста-секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун, тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи	students step by step to approach the solution of problems, a method of studying to teach others to take some steps to abilities to create
<b>Индивидуал ўқитшии</b>	ўқувчи шахсига алоҳида ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш	the pupil of the personal focused education and vocational training
<b>Инновацион педагогик лойиҳа</b>	қабул қилинган ва қисмларга ажратилган инноватсия педагогик ғоя, фикр	emergence new pedagogical, they accelerate development and deployment
<b>Инновацион таълим</b>	1) таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгиланган, янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни	1) education in China, and news; 2) it is updated on the basis of new technologies of educational process
<b>Инновацион технология</b>	педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни	the pedagogical activity aimed at the development of organizational process
<b>Инновация</b>	Янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар	new concepts, procedures, technologies and innovations
<b>Инсерт усули</b>	ўқув матни устида ишлаш	in the course of work on

	жараёнида ўқувчининг фаоллик кўрсатиши, ўз билимларини баҳолаш учун қўлланадиган усул	the text of a method of training it is used for an assessment of their knowledge of a role of the student
<b>Интерфаол усул</b>	таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқоти	education, dialogue and cooperation between education
<b>Ишланма</b>	муайян мақсадга йўналтирган ўқув жараёни ёки ўқув материалининг лойихаси	purposeful educational or training materials for the project
<b>Кейс</b>	(ингл. Case – ходиса, шартшароит)–амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йифиндиси	a case) - - Has put the collection of educational and methodical materials, expressed in practical tasks
<b>Кейс усули</b>	ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган усул	way to develop creative skills of students
<b>Кейс технологияси</b>	ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим технологияси	students to make independent decisions, the problem to find the correct and truthful answers to questions of the observer, teachers (hearing) carries out a role of educational technologies
<b>Когнитив</b>	шахснинг мустақил фикрлаш жараёни	independent thinking
<b>Когнитив таълим</b>	алоҳида иқтидорли болаларга таълим-тарбия	Vocational education of exceptional children
<b>Коммуникативлик</b>	шахслар орасидаги ўзаро ахборот алмашинув, алоқа, муносабат	exchange of information between individuals,
<b>Компетенция</b>	у ёки бусоҳа бўйича билимдонлик	in this or that sphere of competence
<b>Креативлик (ижодийлик)</b>	қандайдир янги, бетакрор нарса яратса олиш лаёқати, бадиий шакл	something new, something unique ability to create to

	яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён	create a form of art, thoughts, ideas and can lead to the solution of intellectual process
<i><b>Кузатиши методи</b></i>	объектив борлиқдаги нарса-ходисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукаммал идрок қилиш жараёни	objective things and events in systematic, continuous, exact, full understanding of process
<i><b>Кўникма</b></i>	ўқувчи ёки тингловчининг ўзлаштирган билимлари асосида муайян амалий ҳаракатни бажара олиш фаолияти	student or knowledge of the student of development of activity of specific practical actions
<i><b>Лойиҳалаши методи</b></i>	педагогиканинг pragmatik йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалашва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли	On the basis of the direction of pedagogics is pragmatical, practical training in students at design and performance of the pupils, providing knowledge and skills of training
<i><b>Малака</b></i>	ўқувчи ёки тингловчида муайян ўқув материали ва касбни чуқур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат	pupils or students in a certain training material and a profession as a result of development of the automated skills
<i><b>Мантиқий изчиллик</b></i>	педагогик билим ва тушунчаларнинг узвий боғланган тадрижий тизими	educational skills and concepts are closely connected from evolutionary system
<i><b>Математик модел</b></i>	математик тимсоллар, белгилар ва ҳодисалар синфининг тахминий намунаси, баёни	mathematical symbols, symbols, events, races, approximate description of a sample
<i><b>Математика фани</b></i>	(юнон.mathematike, математик, фан) – аниқ мантиқий мушоҳада, ҳисоблаш амаллари	the logical analysis, for the account of fight against science

	билин шуғулланадиган фан	
<b>Машқ</b>	бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни күп марта тақрорлаш	For improvement of quality of any activity or development it is good to repeat it many times
<b>Маълумот</b>	шахснинг ўқиши, ўрганиши натижасида ўзлаштирган билим, кўникмалари ҳажми, йўналиши ва даражаси	reading, training, knowledge, skills, size, direction and speed
<b>Метод</b>	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиласидиган йўл-йўриқлар, усуслар мажмуи	Practical and theoretical knowledge in educational process, development, teaching, training, service instructions, a set of methods
<b>Моделлаштириши</b>	ўқув материаллари ёки таълим мазмунини яхлит тизимга келтириш	training materials or maintenance of a uniform education system
<b>Муаммо</b>	ўқув жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масала, вазифа	question which has to be solved in the course of training, a task
<b>Муаммоли вазият</b>	индивид ёки гурӯҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат	strong influence on work of the individual or group status
<b>Мустақил таълим</b>	инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни	the person has chosen tools and publications on experience of generations, efforts have been concentrated on studying of achievements of science and technology
<b>Назорат</b>	ўқитишининг барча босқичларида натижалар сифатини назорат қилиш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ҳамда уларнинг шахсиятини аниқлаш жараёни	Results of quality control at all stages of education, training, recipients of knowledge, abilities, skills and definition of their personality

<b>Педагогик тизим</b>	1) маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларнинг муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик; 2) ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндиси	1) concrete educational concepts, theories and approaches to gradual introduction of student teaching by authors; 2) influence the identity of the reader of the pedagogical principle, the engine has a set of methods and receptions
<b>Предмет</b>	инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борлиқдан алоҳида ажратиб олинган яхлит ҳодиса ёки тушунча	activity of the person and knowledge in the course of objective things, other than the concept of one event or
<b>Репродуктив</b>	ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқларни намунага қараб ечиш усули	level of development of this or that type of a question or problem, depending on a model of exercises
<b>Саводхонлик</b>	муайян соҳа бўйича билимга эгалик	have special knowledge in the field of the industry
<b>Синквейн</b>	француз тилида «беш қатор» маъносини билдирувчи педагогик стратегия	French "means a series from five educational strategy
<b>Синтез</b>	синтез олинган натижаларни умумлаштиришдан иборат педагогик илмий тадқиқот методи	method of synthesis, summary of teaching scientific researches
<b>Табақалаштирилган таълим</b>	умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўқув режаси ва дастурлар асосида олиб бориладиган таълим тури	in view of abilities of pupils at the high schools of the curriculum and training programs which are carried out on a basis
<b>Тасниф</b>	умумий белгиларига кўра предмет, ҳодиса ёки тушунчаларнинг гуруҳлар, бўлимлар ва тоифалар кесимида тақсимланиши	the general subject, events, or concepts of groups, sections and distribution on all categories

<b>Таълим</b>	ўқувчи ва тингловчиларга билим бериш, уларни тарбиялаш, ривожлантириш кўниқма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси	school students and students, to train them to develop talent and skills to be convinced that process, the main means of preparation of youth for life and work
<b>Таълим воситаси</b>	муайян ўқитиш методи ёки усулларидан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари	concrete method of training or methods necessary for successful use of auxiliary materials
<b>Таълим мазмуни</b>	ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таништиришга қаратилган билимлар тизими	The student's objective, scientific facts, concepts, laws, theories directed to their acquaintance with information system
<b>Таълим тизими</b>	турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий хуқуқий турларидан қатъий назар таълим муассасаларинингбарча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим	various degrees and mutual connected with continuation of educational programs and the state educational standards, irrespective of their legal forms of educational institutions in all sectors, with educational bodies and institutions and the organizations within the general system
<b>Таҳлил</b>	муайян обьект, воқеа-ҳодисани ҳар томонлама таҳлил қилиш, чукур текшириш, ўрганиш	concrete object, event analysis of all aspects of an event, deep survey
<b>Тизим</b>	1) тартибга солинган, ўзаро боғланган ва таъсир кўрсатиб турадиган педагогик ҳодиса; 2) тартибга солинган тушунчалар йиғиндиси.	1) Change are interconnected and influence educational action; 2) sum of Hindu concepts.

<b>Тизимли ёндашув</b>	тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён	the scientific doctrine a link object is opened to show integrity of the internal communication and interaction of process
<b>Тизимлаштириш</b>	педагогик ҳодисалар ва тушунчаларни гурӯхларга ажратишга асосланган фаолият	educational actions and actions are divided into the groups based on concepts
<b>Топширик</b>	ўқувчиларни ижобий хатти-харакатга йўналтирувчи таълим-тарбия методи	Method of training of children positive relation to training
<b>Тушунча</b>	нарса ва ҳодисаларнинг мухим хусусиятлари, алоқалари мазмун-моҳияти ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли	Key features of things and events which capture the essence of the relations and the relation between thought and a form
<b>Умумий лаёқат</b>	билимларни нисбатан осон ва сифатли ўзлаштиришни таъминловчи шахс хусусиятлари тизими	knowledge it is rather simple in use and provides system of quality mastering
<b>Эмпирик метод</b>	тажриба–синов методикасига маълум бўлган адабиётлар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиши асосида туғиладиган фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини синаб кўриш ва амалиётга тадбиқ қилиш методи	the experimental method known in literature, ideas, experience and to develop hypotheses which can evolve from models which have to be complete tests and practical application of a method of the project
<b>Ўзлаштириш</b>	ўқув дастурига мувофиқтаълим мазмунининг ўзлаштирилганлик даражаси	have learned in the program of training according to the content of training
<b>Ўрганиш</b>	ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўнижмаларини эгаллаш жараёни	access to information and various efforts to master skills for carrying out independent process according to procedure,

<b>Ўргатиши</b>	ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини ташкил этиш жараёни	access to information, and students in the course of mastering skills for performance of various actions
<b>Ўқув дастури</b>	ўқув фани мазмуенинг қисқача изоҳи	Short description of maintenance of a training course

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Т.:«Маънавият», 2008.
1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: “Шарқ”, 1997.
2. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.56 Б.
3. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.488 Б.
4. Ш.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.488 Б.
5. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент –“Ўзбекистон” -2017.104 Б.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
7. Қосимова К., Матжонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. –Т.: Ношир, 2009. – 163 б.
8. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Ҳ. Ҳусниҳат ва уни ўқитиш методикаси. –Т.: ТДПУ, 2013. – 70 б.
9. Матчанов С., Ғуломова Х., Юлдашева Ш., А. Нисанбаева. Ана тилин оқыту әдістемесі.–Т.: ТДПУ, 2013. –277б.
10. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка. –Т.: Учебное пособие. Молия Иктисад, 2007.
11. Абдуллаева Қ. ва бошқ. 2-синфда ўқиш дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2009. – 266 б.
12. Умарова М, Ш.Ҳакимова. Ўқиш дарслари (3-синф учун). – Т.:Чўлпон, 2008. – 126 б.
13. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Шерматова У. 4-синфда она тили дарслари. –Т.: Ўқитувчи, 2003.
14. Қосимова К. “2-синфларда она тили дарслари”, Т. “Ўқитувчи”, 1998 йил.

15. Фаффорова Т., Ғуломова Х. 1-синфда ўқиши дарслари. –Т.:Шарқ, 2003. – 126 б.
  16. Жумаев М.Э Математика ўқитиши методикаси. (ОЎЮ учун дарслик.) — Т.: “Турон иқбол” 2016. 426 б.
  17. Жумаев М.Э., Юлдашева М.Ю., Мингбаева Б.У., Маматова Г.А., Левкина М.Ф. Бошланғич таълим фанларини ўқитиши методикаси ЎУМ. Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги ХТХҚТУМОҲМ., 2017.
  18. Мирзахматова Ш., Пўлатова Д. Табиатшунослик дарсларида интерфаол таълим (Услубий қўлланма) –Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
  19. Мавлонова Р.А, Санакулов Х.Р, Ходиева Д.П Мехнат ва уни ўқитиши методикаси. – Т.: ТДПУ, (Ўқув қўлланма) 2007.
  20. Санакулов Х, Ходиева Д, Санакурова А “Мехнат таълими” 2-синф дарслиги. Т., “Шарқ” 2016 йил.
  21. Санакулов Х, Ходиева Д, Санакурова А “Мехнат таълими” 3-синф дарслиги. Т., “Шарқ” 2016 йил.
  22. Diane Larsen-Freeman. Techniques and Principles in Lahguage Teaching. Oxford university press. Great Britian. 2013.
  23. PISA 2012 Assessment and Analytical Framework (mathematics, reading, science, problem solving and financial literacy).
  24. Timss 2015 Assessment Frameworks. International Association for the Evaluation of Educational Achievement (IEA).
  25. Szallasi Z, Periwal V &Stelling J (eds). System ModelinginCellular Biology: From Concepts to Nuts and Bolts. MITPress, 2006.
- Электрон таълим ресурслари**
1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
  2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
  3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz), [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz).
  4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
  5. Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giy.uz](http://www.giy.uz).
  6. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
  7. <http://www.school.edu.ru> - Umumta’limportali (rus tilida),
  8. <http://www.alledu.ru> - “Internetdanta’lim” portali (rus tilida),

9. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olishmarkaziserveri (rus tilida),
10. <http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),
  11. <http://www.mathtype.narod.ru/> - Online-darsliklar (rus tilida),
  12. <http://www.gov.uz-O'zbekiston> Respublikasi Hukumati portalı.
  13. <http://www.istedod.uz> – “Iste’dod” jamg‘armasi sayti.
  14. <http://www.edunet.uz> – maktablar, o‘quvchi va o‘qituvchilar sayti.